



ЖАНОҚ АЛАБИРГИ - КУТУВХОНАСЫ

Рашод Нури Гунтекин

**КОН  
ДАЛЬВОСИ**



«ЖАХОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

Рашод Нури Гунтекин

# ҚОН ДАЪВОСИ

Роман



ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2011

УДК: 821.512.133-31

ББК 84(5Тук)

Г 95

*Туркчадан Бобохон Муҳаммад Шариф  
таржимаси*

**Гунтекин, Рашод Нури.**

Г 95 Қон даъвоси: роман / Р.Н. Гунтекин. — Т.:  
O'zbekiston, 2011. — 256 б. — («Жаҳон адабиёти»  
кутубхонаси.

Дунёга машҳур адиб Рашод Нури Гунтекиннинг «Чолиқуши» романини ўқимаган, шу роман асосида яратилган фильмни кўрмаган ўзбек китобхони ёки томошабини бўлмаса керак. Ёзувчининг қўлингиздаги асарида ўч олиш туйғусига мубтало бўлган кишилар содир эттан жиноятлар ҳақида сўз боради, кин, адоват ва жаҳолат инсонийликни маҳв этувчи иллат эканлиги очиб берилади.

УДК: 821.512.133-31  
ББК 84(5Тук)

ISBN 978-9943-01-659-0

©«O'zbekiston» НМИУ, 2011

© Бобохон Муҳаммад Шариф (*таржима*), 2011

## I

Бўзова вилоятида ўттиз йилдан бери бўлмаган қиши хукм сурарди. Йуллар ёпилган, сойлар музлаган, туман қишлоқлари қор остида кўздан фойиб бўлганди.

Қаҳратон қиши қутурган кечалардан бирида Тўргай туманидаги вайронга уй олдида хачир тўхтади. Чакмонини муз қоплаган, баҳайбат, дароз киши хачирдан тушиб, мушти билан эшикни ура бошлади.

Сал ўтмай очилган эшикдан ҳайратга тушган қишлоқ кишисининг юзи кўринди... У фонусни кўтариб, келгувчнинг юзини ёритган ҳам эди-ки, шам сўниб, қоронгида қолишиди.

— Тўхта, ҳамشاҳар, қаёққа? Сен кимсан? Ким керак?  
Йуғон бир товуш:  
— Туман доктори... — деди.  
— Доктор хаста ётибди...  
— Келганимни айт... Уни кўрмокчиман... Узоқдан келдим.

Ёт киши жавобни кутиб ҳам ўтирмай, остонаядан ҳатлади ва қоронгилиқда, тош тушалган пол устидан олға қадам гашлади. Мезбон унинг йўлини тўсмоқчи бўлса-да, гавдасига қўл тегизишга журъат қилмай, аста тисланди. Жаҳл аралаш қўрқув ичида бақирди:

— Хой, ҳамшаҳар, гапни тушунасанми ўзи? Сўрамайнетмай бирорвнинг уйига бостириб кишининг нимаси?! Доктор бемор деяпман-ку сенга, қаттиқ, касал...

Ичкаридаги бир неча пиллапояли айвонча устидаги эшик бирдан очилиб, ташқарига урилган ёруғлик ичида озғингина кишининг гавдаси кўринди. Кўйлагининг бир енги осилиб ётарди. Чап қўлининг тирсагигача бинт ўралган. Нур орқадан тушаётгани учун юз-кўзи кўринмасди. Бироқ кес-

кин ҳаракат билан пешонасидан юқорига силтаган узун сочларининг униг учи ялтираб, титрашидан униг ёш экани маълум бўлиб турарди. У оғир хасталикни бошдан ўтказаётганидан дарак берувчи ҳаракат билан зинапоя томон йўналди ва бақирди:

— Кўйвор, Аҳмад... Ишонмаяптими?.. Келсин, ўз кўзи билан кўрсинг.

Бегона киши ўзини билмасликка солганга ўхшарди. Эгнидаги чакмонни ечди, кескин силкиб, устидаги қорни түкди, сўнг уни ҳалиям ўзига яқинлашишга юраги бетламаётган хизматчининг қўлига отди-да, зинапоя томон юрди.

\* \* \*

Деворга осилган катта керосин лампа билан ёритилган шифти пастак хона... Очиқ юк халтадан ерга тўкилган ва йиғиштирилмаган эски-туски ашёлар... Ёғоч ўриндиқ, устидаги очиқ жомадонда бетартиб уюлган кир кийимлар... Чоғроқ стол устида оғзи очиқ қолган дори шишаchalари, пахта бўлаклари, синиқ шприц... Столнинг бир четида ағдарилганича қолган бир шишачадан қуюқлашган қизил дори полга томчилаб ётибди... Йиғма кровать устида чойшабининг бир чети осилиб тушган, йиғиштирилмаган эски тўшак...

Икки киши юзма-юз булишди. Докторнинг юзини лампа нури ёритиб турарди. Йигирма саккиз — ўттиз ёшларда. Балки ундан ҳам каттароқ. Фақат бир неча кундан бери олинмагани учун сарфиш юзида беҳи тукига ўхшаб қолган соқоли, иситма оташидан гоҳ сарфайиб, гоҳ қизарган топтоза ёноқлари, толесизликнинг бутун аламини тасодиф бемаҳалда рўпара қилган одамдан олишга чоғланган кишига ўхшаши билан жуда ёш, байни мактаб боласини эслатарди. Ёқимтой юзига аламзада қиёфаси ҳам рапна сололмаган эди. Хонадаги тартибсизлик унинг нима демоқчи эканини англашиб учун етарли эканини билдириб қўймоқчи бўлгандек аччиқ билан қўл силтаб:

— Энди сўз навбати сизга... Кимсиз ўзи? — дея киноя қилди.

Келгувчининг юз-кўзига соя тушиб турарди. Ён томондан қараганда, тошдан йўнилгандай кўринадиган жиддий

ва мардона юзида қошидан жағигача тушган чуқур жаро-  
хат изидан бошқа нарсани фарқлаб бўлмасди.

Кўрганларидан ҳеч бирининг унга қизиги йўқдай, босиқ  
овозда:

— Умар деган одамман, — деди. — Бир тоғ қишлоғида  
үқитувчиман... Балки қишлоқнинг номини эшитган чиқар-  
сиз, Юқори Сазан деган жой... У ерда кўп йиллардан бери  
бир эпидемия бор... Қишлоқдаги бола-чақа, катта-кичик тўп-  
туп ўляпти... Ҳукумат докторидан ёрдам олишга келдим.

Доктор аччиқ кулимсиради.

— Кимдан дедингиз, биродар? Менданми? Агар мендан  
бўлса, сизга айтайки, докторнинг ўзи ўлим ёқасида туриб-  
ди... Тушунишга ҳаракат қилинг... Доктор сифатида айтай:  
мен бир неча кун ичида ўлишга маҳкум одамман... ўлишим  
аниқ, оғайни...

Кек тўла кўзларини тикиб, жағи қаттиқ қалтираганча  
давом этди:

— Қишлоқдаги эпидемия мавзусини давом эттираверай-  
ликми?

Умар бу гапларнинг ҳеч бирини тушунмагандай пина-  
гини бузмади, қайгули, сирли оҳангда:

— Булиши мумкин, — деди. — Аммо бугун сиз соғсиз,  
оёқда турибсиз... Сўзлаша оласиз... Шундай экан, албатта,  
сузлашамиз... То ўлмагунча вазифа тугаб-битармиди?

— Энди менинг вазифа-пазифам тутади. Шунинг учун  
ҳам ўлаётирман, биродар... Бир беморни операция қилаёт-  
ганимда микроб юқтириб олдим. Ягона умидим заҳар бу-  
тун вужудимга тарқаб улгурмасидан вилоят марказига етиб  
бориб, бир ҳамкасабамга операция қилдириш эди...

Қули билан очиқ жомадонни кўрсатди:

— Лекин қиш босиб келди... Йўллар ёпилди... Мен бу  
юртнинг энг машҳур жарроҳи булишим мумкин эди... Бурч  
дея ҳар нарсадан кеч, бу қарғиш теккан жойларга кел...  
Бир ғояни деб бутун умрингни шамолга совур...

Тўсатдан ёш боладай йиглаб юборди.

Умар яна пинагини бузмади. Салмоқлаб сўради:

— Агар бу иш маълум бир ғояни деб қилинган бўлса,  
пушаймонлик нечун? Йигламоқ нечун?

Бундай бағритошлиқдан докторнинг кўзёши бирданига  
қуриди:

— Сиз одаммисиз ўзи?

Умарнинг юзида сирли табассум ўйнади. Узоқ-узоқлардаги ниманидир кўрмоқчи бўлгандек, бошини аста кўтариб, енгил ҳузн билан минғиллади:

— Одам бўлиш осон эканми? Осонми одам бўлиш?

Бу гапни гўё ўзига-ўзи айтгандай эди. Сўнгра яна аслига қайтди:

— Лекин шундай бўлса-да, ҳаракат қиласавериш даркор... Қиласадиган иш қолмаган бўлса ҳам умидсизликка тушмаслик керак.

Эгилиб, докторнинг ерга тушган сочиини олди, силкиди, эшик ёнидаги михга осди.

Беморда аввалги жаҳл ва ҳаяжон ўрнини чуқур умидсизлик эгаллаган эди. Лаблари титраб, тишлари ғижирлаб:

— Мен учун ажални кутишдан бошқа чора қолганми ўзи? — деди. Умарнинг юзига ёруғлик тушлашган эди. Юзида сирли табассум ўйнаганча, ёш болани эрмак қилаётгандек:

— Қолган, қолган, — такрорлади у. Бир оз сукутдан сўнг давом этди: — Бизнинг мактабларимиизда деворга осиғлиқ бир ёзув бор... Ора-сира болалар билан бирга ўзим ҳам шу ёзувни ўқийман. Қисқача маъноси шу: «Бор умидингни узган бўлишинг мумкин... Бутун дунё сендан юз ўтирган, душманингга айланган бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, сенинг бурчинг — умидсизликка тушмаслик. Сен муҳтож бўлган куч-қувват томирларингдаги қондадир». Жуда пурмаъно сўзлар! Улуғ бир киши айтган бу сўзни<sup>1</sup>. Ҳеч вақт умидни узиш керак эмас, кичик доктор...

Доктор ҳеч нарса демай, ярасини еча бошлади.

— Қаранг, ўз кўзингиз билан кўринг... Ягона, заифгина умид бир жарроҳнинг вақт ўтказмай операция қилишида қолган.

Умар оҳистагина бош эгиб, ярани кўздан кечирди ва суради:

— Ўзингиз жарроҳ, эмасмисиз, ахир?

— Айтдим шекилли, ҳа, жарроҳман.

— Ундан бўлса нени кутиб ўтирибсиз?

<sup>1</sup> Бу сўзларни Туркия Республикасининг биринчи Президенти Фозий Мустафо Камол Отатурк 1927 йилда ёшларга мурожаатида айтган. (Бу ва бундан кейинги изоҳлар таржимонники.)

Доктор рўпарасида бир тентак ўтирганига ишонч ҳосил қилгандай деди:

— Операция қилиниши керак бўлган қўл ўзимнинг қўлим-ку...

— Ҳа, лекин бу чап қўлингиз...

Докторнинг ўнг қўлини қўлига олди, астагина силади ва қулимсиради:

— Шундай экан, бу келишган ва билимдон қўл хаста оғайнисини қутқармасдан нени кутиб ўтирибди?

Доктор чўчиб кетиб, орқага тисланди.

— Қандай қилиб ўнг қўлим билан чап қўлимни кесиб, даволашим мумкин?

Умар кулиб қўйди холос, кейин кескин ҳаракат билан камзулини ечиб, четга отди. Хона иссиқ бўлгани учун эрий бошлаган қор кўйлагини ҳам ҳўл қилган эди. Сал бўлмаса йиртиб юборадигандек кўйлагининг олдини очди. Кўкрагидан қорнининг остига қадар узанган қўрқинчли жароҳат изи кўзга ташланди. Кулимсираб, давом этди:

— Яхшилаб кўриб олинг... Жарроҳсиз... Бу қандай, қанчалик чуқур яра эканини тахмин этишингиз мумкин... Мен, худди бугунги кечадагидек, ёрдам келмайдиган бир тун қоронгисида юзма-юз жангда шу еримдан ярадор бўлдим... Агар у ерда озгина нур бўлганида ёрилган қорнимнинг ичида не бўлса ҳаммасини кўрган бўлардим... Теварагини янтоқ босган бир кўлмакнинг тубида чувалчангдек тиришиб-буришиб ўлиб кетишдан бошқа чорам йўқ, эди.

Кулимсираб, деди:

— Лекин мен чувалчанг эмасман, шукрки, қўлларим бор. Нега энди фурсатни бой бердим, деб қараб ўтиришим керак? Устимдаги латта-путтани ечиб ташладим... Қалин бел-богим билан қорнимни боғладим... Кейин тонг отгунга қадар тупроқда, ботқоқда судрала-судрала...

Юзи бирданига ўзгариб, жиддийлашди:

— Нега энди валакдашиб, вақтни бой беряпмиз?.. Қани, ишга киришайлик... узингиз сал олдин айттан ўша инсонлик деган нарса томонга қараб бир жиддий одим отайлик-чи!

Беморни бирданига ўзига тортди, сочини тутамлаб, кузига тикилди:

— Сизга кўмаклашаман. Жанг майдонларида ўзимга ухшаганлардан кўпининг жароҳатини даволашимга тўғри

келган. Қолаверса, тоғ қишлоғидаги болаларнинг яра-чақалари дегандай... Бу иш бир оз қўлимдан келади... Ҳукумат доктори бўлганингиздан кейин, албатта, бир-икки жарроҳлик асбобингиз, дори-дармонингиз бўлса керак. Бир ишқал чиқармаслиги учун чап қўлингизни маҳкам боғлаб қўямиз. Ўнг қўлингиз осонгина ишлайверади.

Бемор энди уни бу қатъий иродали кишининг азму қароридан ҳеч нарса қутқара олмаслигини тушунди, шундай бўлса-да, эътиroz билдиришдан ўзини тутолмади:

— Қиломайман, қиломайман...

— Қиласан! Одамийлик, ғоя каби калималарни бир дафъа сўзлашга журъат этдинг-ми, демак, бу шунчаки бир ўйин, вайсақилик эмаслигини ўзингга ўзинг исбот қилишга мажбурсан...

\* \* \*

Эртанги кун. Ўша хона. Тахминан кечаги вақт. Лекин бугун ҳаммаёқ саранжом-саришта, супириб-сирилган, чароғон. Рұхларига қайтган ҳузур-ҳаловат уларнинг юз-кўзини ҳам ўзгартириб юборганга ўхшарди.

Доктор бу кеча тамоман бошқа одамга айланган эди. Бир кун олдинги имтиҳондан кейин энди ҳар нарсани уддалашига ишонган ўнг қўли билан соқолини қиртишлаган, бетини ювган, соchlарини тараган. Тишининг орасидан чиқарган термометрни лампа ёруғида кўриб олгач, худди ёш боладай қувониб, қичқириб юборди:

— Ҳарорат ўтгиз олти ярим... Хавф ўтиб кетди... Ишон-масангиз, ўзингиз кўришингиз мумкин...

Бу сўзлар тўшакнинг оёқ томонидаги чўян печкага ўтин қалаш учун орқа ўтирганча чўнқайиб ўтирган Умарга қаратадайтилгандай эди. Бироқ доктор қўлидаги термометрни яширин ҳаракат билан деворнинг бир четига осиглиқ, табасум билан қараб турган қиз суратига кўрсатаётган ва муаллимини алдаган ёш боладек айёrona кулди.

Биргаликда ўтказилган йигирма тўрт соат уларни яқин дўйста айлантирди.

Умар ишини битиргач, оёққа қалқиб, сўради:

— Ҳурсандмисан?

— Албатта, Умар... Ўладиган эдим... Ўлиб кетган бўлар-дим. Янгидан яшаш завқини суриш нақадар гўзал-а... Албатта, мамнунман.

— Буни сўраётганим йўқ. Ўзингдан мамнунмисан?

Доктор жиддийлашиб, деди:

— Мен қаердан билай, Умар? Буни сен айтарсан... Мамнун бўлишим мумкинми? Сен айтган ўша одимни отолдимми ёки йўқми?

Умар фақат:

— Бошланиши ёмон эмас, — деди ва жим қолди.

Доктор, гарчи бошқа гапларни ҳам кутган бўлса-да, шунисига ҳам шукр қилиб, кулимсиради:

— Сенинг оғзингдан чиққан шу калима ҳам мен учун катта гап... Энди бу тамоман бошқача янгилик... Мени яна-да ёқтириб қолишинг учун яна бир нарсага, яна бир қадам ташлашга қарор қилдим... Аммо бунинг бир шарти бор: мен билан яна бир кун қолишинг керак...

— Эртага қайтишим даркор.

— Қоласан Умар... Эртага ҳам шу ерда бўласан, индинга эса сен билан бирга тоққа йўл оламиз... Қара, об-ҳаво ҳам юмшай бошлади... Дори-дармон ва бошқа нарсаларни иккита хачирга ортиб, тоққа кетамиз... Шу тариқа Юқори Сазан қишлоғига илк бора ҳукумат оёқ босган бўлади...

Умарнинг юзида табассум ўйнади:

— Ҳа, бу унчалик ёмон бўлмаган иккинчи қадам ҳисобланади... Модомики, шундай экан, қолганим бўлсин...

Докторнинг яна бир саволи бор эди, лекин у чўчиб, тарафдудланарди. Нихоят, таваккал қилгандаи овозини пасайтириб сўради:

— Кеча узимни тутолмай боладай йиғлаганимни қачон-дир унута олармикансан?..

Бу гал Умар кулиб юборди ва унинг юзини силаркан, меҳр билан деди:

— Фам ема... Бунаقا иш бир карра менинг ҳам бошимдан ўтган.

— Наҳот, Умар? Сен ҳам йиғлаганимисан?.. Одамга Тангри каби таъсир этадиган шу ҳайбатингга, шу метин азму иродангга қарамасдан-а?

Қучоқлашишди. Доктор унинг кўксига бош қўйди. Яна йиғлаёттанини ошкор этмаслик учун анчагача шундай ту-

риб қолди. Умар ҳам уни бағридан бұшатгиси келмади... Юзи мулойим тортган, күzlари узоқларга тикилған күйи табассум қиласы.

Ниҳоят, айрилдилар. Бу гал доктор сұрады:

— Умар, ўзинг асли кимсан?

— Кеча айтгандым-ку, қишлоқ үқитувчисиман...

— Буни сұраётганим йўқ... Сен бошқача одамсан...Мен биладиганларнинг бирортасига ҳам ўхшамайсан.

Умар үйланиб қолди, сұнг эшитилар-эшитилмас:

— Одамнинг ташқи кўринишига қараб холоса чиқармаслик керак, — деди.

— Ундаи бўлса, бошдан кечиргандарингни менга тортимай айтиб бер... Кеча шуни ваъда қилган эдинг...

— Тушақдан туролмай, нуқул алаҳлаб, шундай қилишимни хоҳлаган эдинг. Сенга таскин бериш учун айтган бўлсам айтгандирман-да.

— Гап битта бўлади, Умар.

— Энди дўстмиз. Ҳамма гапни гаплашаверсак бўлади.

Лекин сен чарчагансан, бир оз ухлаб, дам олишинг даркор!

— Ёнимда сен бор экансан, акасининг бағрида ётган укадай сўзларингни маза қилиб тинглашим мумкинлигини билсайдинг... Мени ухлашга мажбурулама... Бу кеча шунчалик бедорманки, мени мажбуран тўшакка тиқсанг, яна алаҳлай бошлишим мумкин...

Умар докторнинг ёноғига оҳиста уриб қўйди-да, кулимсираб:

— Болалигинг ҳалиям ўтиб кетмабди, доктор, — деди. — Бироқ менга шунаقا одамлар кўпроқ ёқади. Майли, тушакка чўзил-чи... Бошимдан ўтганлардан баъзиларини айтиб берақолай. Шундай қилсан, қандай жойга боришинг кераклигини олдиндан билиб оласан...

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### 1

Беш йил олдин бир ҳарбий эшелон билан шу вилоятдан ўтаётган эдим. Бўзова<sup>1</sup> станциясида турардик. Паровозимиз бузилиб қолганди. Эрталабдан бўён олдиндаги станцияларнинг биридан бизни олиб кетишга келадиган паровозни кутаётган эдик. Бўзова қишлоқларидан ҳам сафимизга анча-мунча аскар қўшилган эди.

Ўша куни ҳам айрилик, ҳам Шакар байрами куни эди. Вагонлар олди турли-туман одамларга тুлиб кетган. Уларнинг купчилиги яқин қишлоқлардан фарзандларини кузатишга келган, ўғилларини вагонларга жойлаштирган, станция қудуғидан сув опкелишга чопган оталар, ака-укалар...

Этаклари ва қучоқларида чақалоқлари билан вагонлар ёнида соатлаб чўнқайиб ўтирган, гаплашадиган гап қолмагани учун вагон ойналари олдида турган аскарларга расм томоша қилаётгандек тикилган, ора-сира бош чайқаш билан кифояланган пешбандли ва румол ураган аёллар... Ойна олди ташқарида хотин ва бола-чақалари турган аскарларга бўшатиб берилган... Улар гоҳ-гоҳ осилиб, пастдаги болаларининг билакларидан юқорига тортиб олишади, бир оз булса-да, бағрига босиб овунишади... Гўдакларини оналар икки қўллаб юқорига кўтаришади...

Тахтадан бунёд этилган станциянинг орқа томонидаги майдонда эса бутунлай бошқа олам. Бугун у ер байрам тусини олган. Майдон ноғораларга тুлиб кетган, қисқичли қўнғироқчаларни тинмай чалаётган болаларга тўла бир нечта ҳайнинчак... Бошқа жойда отўйин... Йулга чиқиш учун тўлиши кутилаётган, бутоқлар ва гуллар билан безатилган бир-икки юқ машинаси... Олхўри тула саватлар, рангли

<sup>1</sup> Бўзова — яъни Бўз водий.

шарбатлар, газсув шишаларини күтариб, оломон ичида куймалашган сотувчилар... Орқадаги бостирмалар, қатор қаҳваконалар хўрандаларга тулган. Бу ерда патефонлар қўйилган, бўш бир майдонда довул, сурнай садоси остида тұхтовсиз давра бўлиб рақс тушиб ётишибди.

Мен станциянинг олдироғида, икки томон ҳам кўриниб турадиган бостирма остида деярли бир соатдан бўён тахта уюми устида ўзим билан ўзим бўлиб ётибман. Бир вақт яқингинадан қулоғимга йўғон эркак саси эшитилди: «Хой, менга қара... Сен ёш боламисан, нима бало? Кап-катта хотин ҳам йифладидими? Уят, уят-э сенга!..»

Овоз чиқармасдан астагина ён томонга бурилдим. Бостирма устунларидан бирининг ёнида бир аскар ва кўзларини каштали рўмолининг учи билан артиб йифлаётган ёшгина қишлоқи жувон... Эркакнинг икки елкасида иккита гўдак. Мени кўрмайтган эдилар! Худди расмга тушмоқчилик юзма-юз туришарди. Ҳар икковини-да ён томондан кўраётгандим. Жувон қишлоқчасига кийинган бўлса-да, нозли чехраси, қадди-қомати ва туриши шаҳарлик қизларникича бор. Қуёш орқадан тушгани учун йигитнинг юзи сояда қолган бўлса-да, чехраси, фил суюгидан тараашланганга ўхшаш бурун ва ёноқлари бўртиб кўринади.

Онадўлининг баъзи ерларида бундай чехраларни ҳазиломуз «юзининг бир ёнидан нарёги кўринади» дейишлирини эслаб, кулимсирадим ва доим ёнимда олиб юрадиган дафтаримни чиқардим. Мен бир оз расм ҳам чизаман. Бу иш кўпдан бери бўш вақтларимда қиласиган ягона эрмагим. Ётган еримдан астагина кўтарилиб, уларнинг расмини чиза бошладим. Кўп ўтмай йигит мени сезиб қолди, лекин нима қилаётганимни билолмади. Дафтаримга қандайдир ҳисоб-китобларни ёзаётганимни тахмин қилган бўлса керак. Елкамда лейтенант юлдузини курди дегунча, болалирини елкасидан тушириб, аскарий салом берди. Сўнг бу ердан узоқлашиб, оломонга қоришиди. Бир қанча чизиқлар тортиб, қораламани битиргач, яна жойимга узандим.

Орадан қанча вақт ўтгани эсимда йўқ. Тахталар ёнида кимдир ғимирлаётганини сезиб, бошимни ўтиридим: оқ-сариқдан келган тўрт-беш яшар қизча рўпарадан мени кузатаётган экан. Эгнида бир енги узилиб тушган жулдур кўйлақдан бошқа нарса йўқ. Кўп ўтмай кўз-кўзга тушгач уялиб,

сал олдинроқ яқинида қишлоқлик эр-хотин турған устуннинг орқасига яширинди. Лекин кетмади. Қачон ўғирилиб шу томонга қарасам, устуннинг орқасидан, тирқишдан қараган сичқончадай, мени кузатаётганини кўраман. Бир оздан сунг станция ёнидаги қудук томон йўл олди ва кўздан гойиб бўлди. Бироқ кўп утмай қўлида тос билан қайтиб келди. Тоснинг узилган занжири қудук устида солланиб турарди. Тос лиқ тұла бўлганидан қизча сувни тўкиб юбормаслик учун жуда секин юриб келар, бутун дикқати сувда бўлгани учун тилини чиқариб қўяр, кўзларини олайтирас эди. У сувни менга келтираётганди. Сал иккиланиб тургач, эшитилар-эштилмас овозда: «Мен сенга сув опкедим!» — деди.

Мен, бошқалар сингари, болалар билан ҳазиллашишга йўқман. Аммо бу гал негадир кулиб юбордим: «Қани, ундей бўлса, сувингни ўз қўлинг билан ичир-чи!» деб бoshимни чўздим. Сувни ичиаркан, озгинасини устимга тўкиб юборганидан қўрқиб кетди, кейин бўш тосни қўлига олиб, қудук томон елдай учиб кетди. Бироқ меҳмоннавозлик бу билан тутамаган экан. Тосни жойига қўйгач, ёнимга қайтиб келди. Куйлагининг бир енги йўқ. Лекин куйлагининг кичкинагина ич чўнтағи бор экан. Шу чўнтағидан оғзи қаттиқ бояланган нақшли ҳамёнча чиқариб, тугунини аста еча бошлади, нозик бармоқчаларининг кучи етмагани учун қорайиб кетган майда тишлари билан ипни бир амаллаб бўшатди. Ҳамёнда учта ёнғоқ билан иккита йирик мунчоқ бор экан. Мунчоқларни бошқатдан ҳамёнга жойлаштириб, маҳкам боялангандан сунг, ёнғоқларни менга узатди. Биттасини чақиб едим, иккинчисини чақиб, пўстлоғини олиб ташлаб, унга бермоқчи бўлдим. Уялиб, олмади. Мажбуран едирмоқчи бўлдим. «У сеники, сенга бердим... Сен е!» — деди. Қочишига ҳозирланганини сезиб, қўлидан ушлаб олдим, қаттиқ ёпиб олган оғзини куч билан очишга уриндим. Тишларини шу қадар қаттиқ қисиб олганки, оғритишдан чўчиб, бурнини қисдим. Бу гал лаблари ўз-ўзидан очилди ва ёнғоқни зўрга едирдим... Шунгача на бирор болага, на бошқа бирор га үз қўлим билан бир нарса едирмаган эдим. Бу мен учун илк тажриба бўлганди. Кўп эмас, беш-ўн дақиқа олдин ўша аскар сулув хотинига дакки бераркан, елкасидағи болаларига қўли билан нималарнидир едирга-

нини эсладим. Пастдаги болаларини худди күчүкчадай елка-  
сидан ушлаб вагон деразасидан күтариб олган аскарлар  
хам шундай қилишмаганми? Фақат ғалати бир ҳиссият  
вужудимни қамраган эди: қизча бугун бу станцияда айри-  
ладиганлар бир-бирига нималарни дир едириб-ичиргани-  
ни күрган ва ўзи ҳам шундай қилишни хоҳлаб қолган бұлса  
керак... Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Бироқ айри-  
ладиган бирор кишиси бўлмаган бу кимсасиз қизча бир  
томонда довуллар урилаётган, иккинчи томонда энди бир-  
бирини кўролмайдиган кишилар кўзёши қилаётган бу маҳ-  
шар ичида ўзи сингари ёлғиз одамни қандай топди экан?

Ҳалигина мажбурлаб ёнғоқ, едирган чоғимда лабларидан бармоқларимга теккан нам ҳали қуrimаганини сезиб, ҳайратландим.

- Ҳой қизалоқ, ота-онанг йўқми?
- Йўқ...
- Ака-уқанг, опанг, холанг, амакинг-чи?

Ҳар бирини айтиб санаганимда, бу кишилар гүё жажжи ҳовучининг ичида бўлиши керакдай, «йўқ» деганида кафтини очиб менга кўрсатар, ўнг ёноғида ёқимли кулдиргич ҳосил қилиб куларди. Бу қадар йўқликка кулмаслик мумкинми, ахир?! Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида, маъносиз кўзларини лўқ қилиб: «Нега йўқ? Қанақасига? Ундей бўлса қаерда яшаяпсан? Нима еб-ичасан?», каби саволларни қалаштириб ташлаган бўларди. Лекин мен кимсасиз, ғарип бир боланинг қаерларда ётиб-туришини жуда яхши билганим учун ҳеч нарса сўрамадим. Фақат тумонат одамлар орасидаги энг паст бўйли ёлғиз билан энг узун бўйли ёлғиз бу тўполонда бир-бирини қандай топганига ҳайрон бўлаётган эдим. Кўп ўтмай ўрнимдан туриб, кийимларимнинг чангини қоқдим, кейин жиддий тусда: «Қани, юр, икковимиз бир байрам қилайлик, — дедим. — Бугун сенинг ҳам бир отанг бўлсин».

Қўл ушлашиб, халойиққа қоришиб кетдик. Унинг бўйи шу қадар паст, меники бўлса, шу қадар баландки, қўли қўлимга зўрга етади. Одамлар тирбанд жойларда қалин этикларим билан яланг оёқларини босиб олишдан чўчиман. Охири вагондан осилган аскарлар сингари, уни елкамга миндириб, соchlаримдан ушласин дея қўлчаларини кўйиб юбордим.

Шу жажжи қизалоқ қисқа муддатга бўлса-да, отаси бор гўдақдек хурсанд бўлиши керак. Ҳовучимдан бири майда пулларга тўла. Йўл-йўлакай учраган сотувчилардан тешик-кулча, анжир туршаги, олхўри, ишқилиб нима кўрсак, со-тиб олавердик. Пиширилиб ипга тизилган каштан ёнғони сотиб олиб, буйнига маржондек илиб қўйдим. Ундан кейин арzon моллар дўкони олдида тўхтаб, чўнтағидаги мунчоқлардан ҳам йирикроқ ҳақиқий маржон шодаси олиб, уни ҳам буйнига тақдим. Сўнг шиша кўзли узук, билагузук, исирғалар... Қаҳвахона олдида янада қимматроқ нарсалар сотиладиган дўконлар бор, уларнинг биридан устида сариқ-яшил гуллари бўлган қизил жун кўйлак олиб, кийдирдим, узун енгларини шимардик... Унга лоп-лойик, кўйлакни ҳам топишимиз мумкин, лекин қидиришга вақтимиз йўқ... Энди яланг оёқчаларига бир нарса топиш қолди, холос... Аммо дўкончаларда гўдакларнинг гулдор туфлисидан бошқа бирон нарса йўқ... Ноилож шулардан бирини олиб, орқа томонини йиртиб, шиппак қилиб, оёқчаларига кийдирдим... Бостирмаларнинг остида ўтирганлар бизга қарашади, бировлар кулимсирашади, гап отишади, байрамга келган болалардан баъзилари атрофимиизда ўралашади, орқамиздан эргашишади...

Шу тариқа шоша-пиша ясаниб олганимиздан сўнг майдондаги ўйингоҳ томонга қайтдик. Қизчани ҳайнинчакларда учирдим. У ердан отўйинга ўтиб, каллаю оёқлари узилиб тушган отларга миндирдим. Ора-сира айланиб олдимдан ўтаётганида от устидан тортиб олиб, осмонга отиб қўяман, яна миндириш учун бўш от ёки арава келишини кутаман.

Ниҳоят ҳуштак чалина бошлади. Қўлида савати, оёқларида шиппаги билан елкамда вагон ёнига қадар кўтариб бордим. Чиқадиган вагоним эшиги олдида ерга туширап-канман, ҳўл лаблари билан мени ўпа бошлади. Нима ҳам дердингиз бунга, ҳаққи бор... Ахир, отаси жўнаб кетяпти. Лекин қизалоқ, бу билан кифояланмади, бирданига йиғлай бошлади. Бунинг устига чинқириб йиғлашга тушди... Хотинига танбеҳ берган аскардан эшитганимдай, мен ҳам: «Қўй, йиғлама, уят бўлади... Уят», — дея оламан, холос.

Поезд оғир қўзғалди... Кузатувчилар анчагача вагонларга эргашиб бордилар, баъзилар гўдакларини ойнадан қараб бораётган аскарларга охирги марта узатиб, видолаша бош-

ладилар... Менинг кичкинагина қизалоғим ҳам уларнинг орасида... Қадамлар борган сари илдамлашиб, вагонлар ёнида чопишма, итаришма тусига кира бошлади.

Менинг қизалоғим шу қадар кичикки, оёқ остида қолиб, юзтубан йиқилди, қўлидаги сават, буйнидаги маржон ва ёнifoқ шодаси учеб кетди. Яна ўрнидан туриб чопа бошлади. Оёғидаги шиппаклари ҳам тушиб қолди. Савати ва бўйнидан тўкилган нарсаларни бошқа болалар талаша бошладилар.

Зотан, буларнинг ҳаммасини, ҳатто эгнидаги жун кўйлакни ҳам ундан тортиб олишлари аниқ... Буни гўё ўзи ҳам биладигандек, ҳеч нарсага парво қилмай, чопиб келаверди.

Худди шу лаҳзада ногаҳон бир нарсани унугтанимни эслаб қолдим. Мен ҳам вагонларнинг йўлкалари бўйлаб дуч келганни йиқитиб, узун оёқларимни ишга солиб, поезднинг орқа томонига қараб чопа кетдим. Охирги вагон айвончасидан бақира бошладим:

— Испинг нимайди? Қичқир, қаттиқроқ, қичқириб айт, исминг нима?

Қизча қолаётганларнинг энг олдида чопиб келар, қўлларини силкитар, ҳар ҳолда қичқираётган эди, лекин ҳеч нарса эшишиб бўлмади.

Шундагина ўзимга келдим: бу ҳаракатгина эмас, соатлаб елкамда кўтариб юрган бу қизча билан ўйингоҳда уйнаган ота-қиз ўйинининг ҳам тутуриқлизигини ҳис қилиб, ўз-ўзимдан уялиб кетдим. Кейин бошқа нарсаларга чалғидим. Шу билан бирга, қош қораймасдан аввал поезд хийла узоқ туриб қолган бир станциянинг қаҳвахонасида ўти-рарканман, яна шу қизалоқ ҳақида ўйлашдан ўзимни тия олмадим.

Испини билолмадим. Аммо маъсум чехраси ҳануз зеҳнимда экан, унутмасдан олдин ишга киришишим керак... Дафтаримни қўлимга олдим. Бу иш олдимдаги ихчамгина қаҳва столи устида ўйлаганимдан ҳам яхшироқ, ва тезроқ битди. Ёдаки қоралама чизишга кўпам ўрганмаганман. Лекин қизчанинг қиёфаси ҳозир шундоққина кўз олдимда, гўё расмини чиздириш учун рўпарамда тирик киши тургандай эди. Энди унинг эгнида янги кийими, тақинчоқлари, гулдор кўйлаги, оёқларида гудакларнинг орқаси ке-

силган туфлиси, бўйнида мунчоқ ва ёнғоқ шодаси, қўлларида билагузуклари йўқ, менга қудуқдан тосда сув келтирган пайтдаги жулдуру кўйлакли вужуди, чапга хиёл қайрилган бурни, бир-биридан сал узоқроқ жойлашган малларанг кўзларини қисганча мени кузатаётган ҳолат ва кўринишда эди. Фақат бошида бир дўкончадан сотиб олган қирмизи дуррачаси бор.

Расмга қараб, уни шу чоққача чизган барча қораламаларимдан кўпроқ ёқтиридим. Фақат ичимда бир шубҳа бор. Кичкинагина кўча қизи шунчалик чиройли бўлиши мумкинми? Бу ҳақда ўйлашдан, кулгили бир ожизлиқдан хижолат чеккандай, ҳар гал куз олдимга келганида бош чайқаб қўйганим бир неча соат ичидә ўзим ҳам билмаган ҳолда унга бир қанча хислатлар қўшиб қўймадиммикан, ажабо? Ўзим бўлакча ҳолатда булганим шубҳасиз. Бир неча соат олдин бармоқларимда, айрилаётганимизда мени ўпганидан кейин ёноғимда қолган намни ҳали-ҳануз ҳис этаётганим бошқа недан ҳам далолат берарди? Уша оқшомдаги ажойиб воқеалар давом этгандай: Бузовадаги бостирма ёнида хотини ва болалари билан кўрганим аскар билан бу оқшом яна айни соатда вагон олдида тасодифан түқнаш келдим. Мени таниб, такрор салом берди. Шунда ичимдан бир нарсалар кўпиреб-тошиб келди... Уларга билдирамай чизган қораламани дафтардан йиртиб қўлига тутқазгим келди. Бироқ шу онда, ҳар ҳолда, унинг қишлоқдан чиққан йигит экани эсимга тушиб қолди. Хотинининг суратини чизганим учун, балки, йўқ, балки эмас, муқаррар бошқа нарса кўнглига келади.

Бу хотира анча вақтдан кейин мени кўнгли бушлик қилишга ундади. Бу аскар борган жойимизда менинг бўлинмамга тушганди. Бутун бошли бир оиланинг отаси бўлишига қарамай, мен каби оғир-босиқ, кишилардан экан. Бомба отишда устаси фаранг. Туғма жасур эканига ҳеч шубҳа йўқ. Турли-туман хавф-хатарга, худди томошага каби, ўзини уришдан завқ оларди...

Бизнинг юришларимиз одатдаги жангларга ўхшамасди. Тоғли минтақадаги чегарада кўтарилиган ва қўшни улқадан ўтган қароқчиликарнинг ёрдамида кундан-кунга зўрайиб борган манфур исённи бостиришимиз керак эди. Мен тезкор ҳаракат қиласиган илфор тоғ бўлинмасини бошқарадим. Бир кеча ёнимдаги ўн нафар аскар билан хатарли бир

юришга ҳозирланаётган эдик. Ўша аскар ҳам биз билан бориши керак. Аскарлардан кўпининг қайтиб келмаслиги аниқ. Бола-чақали аскарлар юришдан олдин пуллари ва майда-чуйдаларини ҳамشاҳарларига топширишарди. Ўша аскар ҳам ҳозирлик кўриб бўлгач, пули билан узугини ҳам-қишлоғига берганини кўрдим. Ногаҳон Бўзова станциясида болалари билан бирга оҳ уриб йиғлаган оқ юзли сулув аёл кўз олдимга келди ва, бир баҳона топиб, ўша кечакарни орқада қолдирдим, ўрнига бошқасини олиб кетдим.

## 2

Шарқдаги бир ҳарбий касалхонада ётибман. Оғир ярадор бўлгандим. Узоқ вақт беҳуш ётдим. Ниҳоят бир куни ўзимга келдим. Батальон доктори: «Энди ҳаммаси ўтиб кетди, Умар!» — дея мамнун жилмайди. Қўшни кроватда ётган ярадор юзбоши<sup>1</sup>:

— Жуда тинч-осойишта ухладинг, — деди. — Фақат баъзи кечалари хуруж қилиб қолардинг, бирданига тўшақда қаддингни кўтариб: «Сенинг исминг нима?.. Исминг нима сенинг?» — дея бақириб-чақирапдинг. Бир марта: «Қизим қаерда? Қаёқда менинг қизим?» — дея алаҳладинг. Боланг борми?

Уялиб афтиимни бужмайтирдим:

— Қаердан ҳам болам бўлсин? Касаллик туфайли алаҳлагандирман, — дедим.

Юзбоши сўзларимни тасдиқлаб:

— Тўғри, — деди, — боланг бўлса отини билмасмидинг. Менинг иккита болам бор.

Гапидан тухтаб, икковимиз ҳам ўз оламиизга фарқ бўлдик. Бу болакайлар одамнинг энг ожиз томони! Уруш, ўлим сингари энг хатарли вақтларда уларнинг бечора одамлар ёнидан ҳечам айрилмаганликларини ўз кўзим билан кўрганман. Кўзлари хиралашиб, атрофдаги нарсаларни кўролмай қолган одамларнинг болалар билан сузлаша-сузлаша ўлганини кўрганман. «Не бор сизларга бу ерда?» — деб бақиришни истаган вақтларим бўлган.

<sup>1</sup> Юзбоши — капитан.

Мен эсам, ҳеч қачон ҳеч кими бұлмаган ва, ҳатто, үз ёлғиз-лигидан күч-қувват олган бир одамман. Нихоят бу ожизлик түшкүн бир ҳолатимда, касалхона түшагида ётганимда устимга бостириб келиб, құлға туширган эди. Құшни юзбошига: «Алаҳлаган бұлсам керак. Ҳеч нарсаны эслай олмаяпман!» — дегандым... Лекин бу гашларим рост эмасди. Алоқ-чалоқ босинқирапшар ичида қайта-қайта Бұзова станциясини, бутун бошли ҳәётимнинг атиги бир неча соати ўтган ўша станцияни курғандым. Паровозларнинг чинқириқлари бир-бирига қоришиб кетган... Тахта уюми устида ётибман... Рұпарамда құлида ёрилган қудук тосини ушлаб турған, исмини ҳам билмаганим ўша жажжи қызылоқ: «Мен сенга сув олиб келдим, сув олиб келдим сенга!» — дейди... Қаттиқ иситма ичида ўша ёриқ тоснинг булоқлар, дарёлардай тугаб-битмайдиган сувини симиравераман, симиравераман...

Күп ўтмай тузалиб, касалхонадан чиқдим. Суронли ҳаёт мени яна үз бағрига олди. Мени хасталигимда иситмааро құлға туширган ожизлиқдан ном-нишон ҳам қолмади.

\* \* \*

Ушандан буён уч — түрт ой ўтди... Балки күпроқ ҳам булгандир... Яна ҳарбий касалхонадаман. Ярадорман. Бир куни озиб, қоқсуяк бўлган титроқ қулларимга, кейин ойначада юзимга қўз ташлаб, кўпдан бери беҳуш ётганимни англадим. Галати иш! Гарчи оғир ярадор бұлсам-да, бунчалик узоқ ётмаслигим ва ҳеч нарсаны эслолмайдиган даражада беҳуд бўлмаслигим лозим эди. Докторнинг фикри ҳам шундай эди: «Сени устига-устак бир иситмали касаллик босди, — деди. — Балки қонинг заҳарланғандир ёки ботқоқ беззагига дучор бўлганмисан... Бу ерда беззакнинг жуда ёмон хиллари учрайди. Лекин фарқи булиши керак эди. Ростини айтсам, сенга яхши қарай олмадим. Иш бошдан ошиб ётганди, фақат оғир ярадорларга қараашга вақт топдим, холос».

Доктор кекса ва ҳорғин бир мингбоши<sup>1</sup> эди. Бутунлай үраб-чирмаб ташланган жароҳатимни яна бир марта куриш ва шу баҳонада бирпас ҳордик, чиқариш учун ёнимга ўтирганди.

<sup>1</sup> Мингбоши — майор.

— Эҳ-ҳә... Энди фориғ бўлибсан... Бир неча кундан кеин оёққа туриб кетасан, деб умид қиласман, — деди у.

Ёнимдаги тўшакда менга ўхшаб соч-соқоли ўсиб кетган бир ёш касал ётган эди. Бирданига сухбат бошланиб кетди. У ҳам менга ғалати гап айтди:

— Баъзи кечалари оғир хуружларни бошдан ўтказдингиз, тўшакда қаддингизни кўтариб: «Сенинг исминг нима, исминг нима?» — деб бақириб-чақириб, типирчилаб қолардингиз. Ҳатто бир кечаси сизни зўрға тинчитдик.

Доктор:

— Болангизни чақирдингизми, ажабо? Гарчи касал бўлмасам-да, мен ҳам баъзи кечалари шундай қилиб қоламан, — деди.

Мен учун қўшним жавоб берди:

— Боласи бўлса исмини сўрармиди, майор афанди?

Доктор бир оз ўйлагач:

— Ҳа, шундай, — деди. — Ундай бўлса, бошқа бирининг исмини сурагандир. Албатта, бир ёш йигитнинг отини билмоқчи бўлган, кимиdir бўлади.

Хижолат чекиб, ўнғайсизландим:

— Ҳеч нарсани эслолмайман, — дедим.

Рост айтаётган эдим. Бўзова станциясида кўрган қизалоқнинг исмини бу касалхонада ҳам иситма хуружи ичидаги марта бақириб сўраганимни эслайман. Бироқ қизчани бир неча бор кўрганимга ҳам ҳеч шубҳам йўқ. Қулоқларимда Бўзова станциясидаги паровозларнинг ҳуштаклари, темир-терсак, қўнғироқларнинг жаранг-журунги, патефон шовқини, йифи, бақир-чақир саслари аралаш-қуралаш ва мажхул хаёлот ичидаги садо беради. Буллар орасида менга аниқ-тиник кўринган нарса қизчанинг чеҳраси, қўллари... Яна бостиurmанинг тагида тахта уюми устида ётибман... Яна қизча қудук тосида сув келтиради: «Сенга мен сув олиб келдим, сув келтирдим сенга!» — деган овоз эшишилади. Занжири узилиб тушган қудук тосининг суви тошқин сой сувидек ҳеч тугаб-битмайди. Сой сувини тинмай симираман, фақат негадир ҳеч қонмайман.

Ҳар ҳолда, ярадорликдан кўра ташналик сезгиси менинг шу хаёлотга гирифткор этган бўлса керак. Лекин бундай руҳим тушган бир вақтда ҳаётимда бўлиб ўтган шунча хо-

тиралар орасидан нега у, нега фақат ўша қизалоқ қўзимга кўринган?

Албатта, мен буш вақтимда бир кичкина болакай билан ўйнаган ота-қиз ўйинини жиддий қабул қиласиган ва бундай кўнгил бўшликка таслим бўлиб қўя қоладиган одам эмасман. Ажабо, мен руҳан қарий бошлаганми坎ман?.. Бу ёмон аломат!

Бир неча кундан сўнг касалхонадан чиқдим. Кичкина қизча бутунлай хаёлимдан кўтарилиб кетди. Орадан анча вақт ўтгач, бу ҳодисани ўзимча шундай изоҳладим: «Симёғоч симларига ўралашиб қолган варраклар сингари бу хаёл ҳам хасталик бўхронини кечираётган вақтларимда хаёлимга илакищди ва ҳеч йўқолмай, чириб, йиртилиб кетгунига қадар шамолда титраб тураверди».

Ниҳоят, уруш тугади. Энди мен эркинман, хизматдан бўшатилганлигим ҳақидаги қоғозни қўйнимга солиб, орқага йўл олдим. Яна чанг-тўзонга қоришган бир шарқ поезд... Қисмимиздаги саккиз-ўн киши мен билан бирга қайтаеттган эди. Уларни учи-кети йўқдай кўринган тап-тақир водийдаги кент ва станцияга яқин қишлоқларга тарқатиб, йўл босиб кетяпмиз.

Ўтирган жойимда мени оғир ўй босган эди: ҳамроҳларимнинг уй-жойи, қишлоғи, кулишиб-йиғлашиб қаршилайдиган яқинлари бор, яхшими-ёмонми, чала ташлаб кеттган жойидан бошлийдиган ишлари, юмушлари бор... Аммо мен уларнинг ҳеч қайсисига ўхшамайман. Қаёққа боришим керак? Нима қилишим керак?

\* \* \*

Ўз аҳволимни яхшироқ тушунтириш учун бир оз орқага, болалик йилларимга қайтишим лозим.

Шимолий ҳудудларимиздаги бир қўшин пароканда бўлган. Қўшиннинг кичик бўлаги тоф даралари орқали орқага чекинаётган эди. Қисм орқасидан тўда-тўда итлар, жулдур кийимли болалар эргашиб боради.

Бу болалар кимлар эди? Милтиқларига ҳасса каби таянган, оғир ярадорларни ўлгунига қадар елкаларида ташиган, ўлганидан сўйг йўл четига ташлаб юришда давом этган, соч-соқоли ўсиб кетган, ялангоёқ аскарларга нечун

эргашиб кетишияпти? Аскарлар тұхтаган ва тунаған жойларда болалар ҳам тұхташади. Аскарлар улоқтирган овқат қолдиқларини итлар билан бараварига илиб олишади.

Күз мавсуми зди, шекилли. Вақти-вақти билан жала, ҳатто, қор ёғади, сұнг бирданига ҳаво очилиб, қүёш чиқади. Қүёш ҳамма ёқни күйдирмоқчидей жазира маңында сочади. Болалар, худди аскарлар сингари, горлар, чуқурларда тунашади. Тонг отиши билан дархол йұлға тушилади. Юра олмайдиган дара жада ярадор бўлганлар ва кечаси ўлиб қолганларнинг мурдалари ўша ерга ташлаб кетилади... Юриш давом этади.

Мен шу болаларнинг бири, балки энг кичиги бўлсан керак. Чунки катталарнинг бир неча бор мени елкаларида ташиганлари эсимда қолган. Жуда ёш бўлганимни шундан ҳам биламанки, бу юришдан оддинги вақтлардан хотира деган нарса ёдимда қолмаган. Фақат зўр бериб эсласам, боққа ўхшаш бир жойда югуаркан, таранг тортилган бир симга урилиб, бақирганимни, яна узун қалпоқли ва шопмўйлов бир кишининг мени мингаштириб от чоптирганини, бир қўли билан осмонга отиб, пастда турган қизил қўйлакли аёлнинг қўлларига коптоқдек ташлаганини эслагандек бўламан. Қора қалпоги ва қизил қўйлагидан бошқа нарсаси эсимда қолмаган бу икки киши отам ва онам бўлса керак. Бу хотирадан ўша жангда душманлар бошдан-оёқ, ўт қўйиб, аҳолисини қиличдан ўтказган чегара қишлоғи ёки оувуларидан бирининг боласи бўлганимни фараз қиласа бўлади. Анифи шуки, менда яшаш иштиёқи худди шу юриш асносида пайдо бўлган.

Қанча йўл босдик? Ҳар ҳолда, жуда узоқ бўлмаса керак. Лекин бу юриш мен учун узоқ йиллар давом этди, деса бўлади. Хотираларимга келсак, улар тарқоқ, бўлак-булак, аммо бир альбомдаги суратлардек аниқ ва равшан. Йулда дуч келган бир мурданинг кийим-кечагини ечиб олганларимиз, жангчиларнинг қандайдир кимсасиз ва хароба қишлоқда бир эчкини тутиб, сўйиб, оловда пиширганликларини томоша қилганларимиз... Бир оқшом белимизга қадар сойга тушиб, бақириб-чақириб балиқ тутиб, тириклий еганларимиз... Бир тунда аскарларнинг, ким билади, нечундир бизни сел ҳосил қилган чуқур ичига яширганликлари, биттаси вовуллаб, яширинган еримизни билдириб қўйган бир итни сўйиб ташлагани...

Шуниси ҳам ғалатики, бу хотира парчалари орасида воқеасиз ва инсонсиз, фақат манзара тасвири бўлган лавҳалар ҳам бор. Тоғлар, шарқираган сойлар, тубсиз жарлар сингари...

Бироқ турли-туман чехралар ва рангларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ хотирамда чуқурроқ из қолдирган бошқа бир нарса борки, бу вақти-вақти билан қалбимдан кўпириб-тошган, забонсиз бўлган яшаш қувончиидир. Бу қувонч ҳали-ҳануз томирларимда тўлқин уришини сезиб тургандайман.

Ундан кейин, мени қават-қават бинолари, кўчалари, фуж-фуж одамлари билан, кечган жойларимизнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ қўрқувга солган, ёввойилаштирган қасаба ва шаҳарлар... Яна узоқ вақtlар саф-саф бўлиб, уларнинг биридан иккинчисига жўнатиламиз, масжид ҳовлилари, мусофирихоналар, гарнizonларга жойлаштириламиз... Ниҳоят, энг катта шаҳарлардан бирида тўхтаймиз... Бизни иссиққина ҳаммомда ювib-тарашади, эгнимизга аскарларникуга ўхшашиб кийимлар кийдиришади... Аскарлар сингари казармаларда ётамиз, катта қозонларда пишган овқатларни тановул қиласиз.

Омон қолганларимиз энди давлатнинг паноҳи остидаги кичик қўшинга айланганмиз. Бизга ўхшаган болалар билан бирга ҳарбий домлалардан ўқиб-ёзишни ўрганар, жанговар қўшиқлар айтиб, таълим олар эдик.

Неча йил давом этгани ёдимда қолмаган бу ҳаёт бўлаги, шубҳасиз, умримнинг энг баҳтиёр даври бўлди. Фақат ўша тўзғитилган ҳарбий қисм орқасида кетаркан, одамлар ва ҳайвонларнинг мурдаси устида қарғалар сингари тўпланган, итлар билан қолган-қутган егуликларни талашган, йўлда ўлиб қолган оғайниларимизнинг эгнидагичувриндиларни ечиб олиб, мурдаларини бир четта ташлаб, юришда давом этган кунлардаги мashaққату очарчиликларни унугиб, гайришуурый равишда қувончга тўлган дамлар энди йўқ.

Қисқа вақт ичida буйим ўсиб, қадди-қомати келишган, жасур ва кўпам ёмон бўлмаган йигитчага айландим. Лекин оғайниларимдан бошқача деб топганларининг сабабини билмайман, уларнинг кўпини ҳарбий ўқув юртларига, мени бўлса узоқ бир вилоятнинг ўқитувчилар мактабига жўнатишди. Бу балки, армия сафида хизмат қилиш учун шарт бўлган интизом руҳи менда йўқ деб ҳисоблаганлари натижаси бўлгандир.

Ўқитувчилар мактабига борган заҳоти ўзимни қанотим қайрилгандек ҳис қилиб, ночор ёлғизлик қучоғига түшдим. Янги оғайниларим менга ва эски дүстларимга үхшамайдыган болалар бўлиб чиқди. Кўпининг ота-онаси, ўз фикри, одатлари, севган машғулотлари бор. Бофнинг бир чеккасидаги қафасда бир бўри боқиларди. Вояга етганидан сунг, уни ўлдириб, терисига сомон тиқиб, мактаб музейига қўйишади. Ўзимни мактабда бўридек ёввойи ва муросасиз ҳис қиласман. На дўстим бор, на душманим. Бироқ ҳеч ким кўтара олмайдиган оғир юкни кўтара олганим учун менга тўкинишга ҳеч кимнинг юраги дов бермас, ёлғизлик ичра қолдирадилар.

Ўқитувчилар мактабидаги ҳаётим узоқ давом этган сустлик ва ҳаракатсизлик илин кечди. Айни чоғда мен бу ерда ёмон ўқиганим йўқ. Дарсларни осонликча фаҳмлар ва тез ўзлаштирап эдим. Бу билан чекланиб қолмасдим ҳам. Мактаб кутубхонаси ва бошқа жойлардан қулимга тушган китобларни қизиқиб ўқир эдим. Ўзимча китоб мутолаа қиласман, бошимда анча-мунча фикрлар пайдо бўлиб, ҳаракатга кела бошлади... Танҳолик ичра айиқдек ухлаётган бўлиб кўринган ўша йилларда бутун ҳаракатим миямдаги ушбу қўзғалишлардан иборат бўлган, холос.

Фанлардан расм дарсига энг кўп қизиқардим. Бу, эҳтимол, китобга қизиқишимнинг интиҳоси бўлгандир. Бўш вақтларимда қоғоз устига мук тушарканман, бир хил хаёл мени оғушига оларди: худди ғайришуурий тарзда бўлгандек, қаламимдан эртаклардаги каби тоғлар, сойлар, жарларнинг сурати қоғозга тушарди. Ярим яланғоч баданини жун босган, милтиқли, сўйилли одамлар, ҳайвон лоши устида куймаланаётган болалар, йиртиқ, ўтов олдида ёқа йиртиб, фарёд ураётган рўмол ўраган аёллар... Булардан қўлимда сақланиб қолган бир нечта расм кейинчалик, айниқса, мамлакатнинг шарқида ҳарбий хизматни ўтаган, сафар асносида олган тааассуротларим натижаси бўлганлигини тусмол қилишим учун гүё ҳужжатли фотосурат вазифасини ўтаган. Ўша олис мозийда, ким билади, катта йўллар ва қасабаларни нечоғлиқ қўрқув ичида четлаб ўтганмиз, доимо шарқ томонга йўналганимиз.

Бир қараашда гўё ҳеч бир сабаб йўқдай кўринса-да, тепалар, тоғлар тўмонга бурилиб, неча кўнлаб қоялар орқа-

сида ёки чуқурларда биқиниб ўтирадик... Текисликларда узокдан битта-яримта күчманчилар ўтовини күриб қолардик. Ўшанда ё яна йұлимизни ўзгарирадик, ёки бизнинг күчманчи тұдамиздан — чунки болалар ва итларимиз борлиги учун биз ҳам күчманчи тұдасига ўхшардик — беш-үн киши қуролларини олиб, улардан озиқ-овқат тортиб олишга кетарди. Гоҳида тұқнаншувлар содир бұлар, бизниkilар үз сафидан бир-икки кишини йүқотиб, бир-икки ярадор билан қайтишар, лекин бизга бир неча күнға етадиган озиқ-овқат келтиришарди. Доимо шарқий чегарани ёқалаб йұл босардик. Айттан расмларимдан баъзиларида бир гал, балки бир неча бор, чегарани ошиб үтганимиз ҳам очиқ-равшан күринади.

Узун қамиш үсіб ётган бир ботқоқлиқда ҳужумға дуч келған ёки үзимиз ҳужум қылған бұлсак керак-ки, яна болаларни үнгирға яширишди. Ётган жойимиздан үқ товушларини эшитардик. Ўнгирдан чиқарканмиз, қамишлар орасыда бизниkilардан уч-беш аскар ўлыб ётганини курдик. Нотаниш кийим кийган, узун соқолли ға қалпоқли одамлар күкрагигача ботқоқ кечиб, биз томонга бостириб келишарди.

Хатто, овга чиққанида ҳам үқини аяйдиган бизниkilар, очиқ майдонда мерғанлик машқини ўтказаётгандек, уларни битта-биттадан нишонга олаверишди.

Эсга олган үша расмда бу қызил соқолли кишилардан бир нечтаси тасвирланған. Мактабдаги муаллимимиз бу ёввойилар тасвирланған расмларни күздан кечираркан, ҳайратта тушиб: «Сен бу одамларни қаерда күриб, расмини чизасан-а?» — деб сұрарди.

Бу муаллим мени жуда яхши күргани учун эди, албатта, Истанбулга юборишни хоҳларди, шу боисдан күп жойларға мурожаат қылды. Лекин таниши бўлмаган бир бечора киши булгани учун, ташаббуси доимо пучга чиқарди.

\* \* \*

Мактабни битирганимда унча-мунча нарсани тушунадиган йигит булгандим. Тарбиячимиздан ўрганған усуллар билан үзимни үзим саволга тутиб: «Мактаб ўқитувчиси булиш күп яхши иш... Бироқ болаларда қандай орзу-ҳавасларни үрготишим керак?» — деб ўйладим.

Эгей вилоятидаги қишлоқ мактабларидан бирида энди-гина ишга киришган эдимки, Истиқдол уруши бошланиб кетди. Қурол топган кишилар шундоққина останага келиб қолған душманни қайтариш учун чопа бошладилар.

Мен ҳам мактабни ташлаб, уларнинг сафига құшилдім. Бу тұс-түполон мени ўз ҳукміга оди. Бир неча йил тоғу тошларда партизанлар сафида урушдым. Сүңг улардан айрилиб, мунтазам қўшинга кирдим. Истиқдол уруши, у уруш тугагач, исён кўтарилган шарқий минтақаларда давом этган ҳарбий ҳаракатлар... Анча кейин жандарм қўшинларига ўтдим. Ниҳоят, ўша охирги можаро... Ўша кундан ҳозирга қадар, яъни охирги вазифамдан қўйнимга армиядан бўшатилганим ҳақидағи қофозни солиб, поездда қайтарканман, қаерга боришим, не қилишм кераклиги ҳақида бош қотирган кунга қадар, қўлимдан қурол тушмаган эди. Илк бора ўқитувчилик қилиш учун йул олган кезда бўлганидай, яна ўзимни ўзим узок саволга тутаман: Мен кимман ўзи? Умрим бўйи аскарлиқдан бошқа иш қилмаган бўлсан-да, ҳеч қачон ҳарбий ҳам бўлмаганимни назарда тутиш лозим. Ҳарбий иш интизомий бир касб. Мен мажбурият завқидан кўра, купроқ урушиш завқи билан урушган, қандайдир қонли спорт тури билан шуғулланган бир ҳаваскорга ўхшардим. Қўшин фақат ҳавф-хатарга тўла оташ гирдоби ичидаган вақтдагина мен учун қизиқарли бўларди. Мен учун гарнizonларда, машқ майдонларида янги формалар кийиб, пахтавон ўқлар отиб, юришни кутаётган аскарларнинг дўкон витриналаридағи ўйинчоқ аскарлар, ўйинчоқ аравалар ва тўплардан фарқи йўқлигини очиқ эътироф этмоғим даркор. Мамлакат энди ҳам ички, ҳам ташқи томондан узоқ тинчлик ва барқарорлик палласига киргандек кўринмоқда. Мени завқлантириш учун уруш очилмайди, албатта. Яна жандармликка қайтишни ҳам ўйлаб кўрдим. Аммо ҳозирги тинч замонда ҳам жандармларнинг наригисидан ҳеч фарқи йўқ. Сукунат ичидаги каллани қуролга тираб, навбатчилик қилишдан бошқа иш йўқ!

Пировардида Осиё ва Африкадаги бир қанча мазлум миллатларнинг Европа мустамлакачилигига қарши озодик кураши олиб бораёттанликлари эсимга тушди. Бу мамлакатлардан бирига кетиб, уларнинг ғояси йулида курашмоқ...

Купенинг бүш ўриндигига бор бўйимча узаниб, қўлларимни энсамда бирлаштириб, осмондаги булатларга тикилганча шуларни ўйлаб ётарканман, поезд бир жойга бориб тўхтади. Вайрона станция ёнидаги бостирмани кўриб, Бўзувани танидим. Лекин энди бу ерда шодиёна йўқ, майдон хувиллаб ётибди, қаттиқ эсган шамолдан чанг-тўзонга тўлган. Станциянинг олди ҳам деярли шундай. Шу соатда бу ердан вақтидан кечиккан тасодифий поезд ўтиши кимнинг ҳам хаёлига келарди? Қолаверса, кутиб олинадиганларнинг сони ҳам камайиб кетган...

Кўпдан бери хаёлимдан қўтарилган жажжи қизча шу чоғда яна эсимга тушди. Агар хабар топганида, бояқиши мени, албатта, кутиб олган бўларди. Бинобарин, менинг ҳам кутиб оладиган кишим бўларди! Шуни ўйларканман, юрагим шу кунга қадар ҳеч ҳис қилмаган бир тарзда қаттиқ орзишиб кетди.

Йўловчиларнинг бир қисми қаҳва ичиш учун станция буфети олдида ўтиришарди.

Мен энди тос бўлмагани учун қудуқдан ҳовучлаб сув ичиб олгач, майдон томонга йўналдим. Қаҳвахона олдида катта-кичик болалар ўйнаб юришарди. Ораларидан уни қидирдим. Йўқ. Бир оз нарироқдаги янада кўпроқ болалар гуруҳининг ёнидан утиб, шаҳар йўли устидаги дўконлар томонга юрдим... Бу ерда ҳам болалар бор эди...

Сават кутарган бир киши сўраб қолди:

— Кимнидир қидиряпсанми, зобит афанди?

Мен дағал товушда:

— Йўқ, — дедим ва қадамларимни илдамлаштирдим. Бироқ ун қадамча юрар-юрмас, тўсатдан орқага қайтдим. Ўша одамдан:

— Бу ерларда бир кичкина қиз бор эди, — дедим. — Оқ-сариқдан келган, кулча юзли... Беш-олти ёшларда... Йўқсил... Жуда йўқсил...

У кулимсираб:

— Бу ерда йўқсил боладан купи борми? — деди. — Исмини билсанг, болалардан сураб кўрайлик...

Худди фохиша қидираётганида қўлга тушган одамдай уялиб кетдим ва бояқишига таънаомуз дедим:

— Билмайман, азизим... Аҳамияти йўқ...

Энди поездга қайтаверсам ҳам бұлади. Аммо поезд Бүзөвадан юк олиши керак. Шундай экан, нега энди бир оз вақт атрофни сайр қылмаслигим керак? Күча ўртасида тараддуланиб турарканман, бир озиқ-овқат дўкони устидағи тузуккина қаҳвахона айвончасидан менга қараб турган одамларга кўзим тушди. Бўйим новчалиги сабабли ҳамма жойда шундай қарашибди. Лекин ораларидан бир кексароқ кишининг оёққа турганини, қўлларини силкитиб оғайнилариға мени кўрсатгач, шоша-пиша айвонча пиллапояларидан пастта туша бошлаганини кўрдим. Ташқарига чиққач, тўғри мен томонга кела бошлади. Мен бошқа томонга ўгирилиб, кута бошладим, бир неча қадам ташладим.

Кекса аввалига ён томонимга, сўнгра олдимга ўтиб, юзимга тикилгач:

— Агар янгишмасам, сиз Умар бўлсангиз керак? — деди ва сўнгра ҳаяжон аралаш қаҳқаҳа отди:

— Шу бўй билан Умар бўлмаслигингиз мумкинми, ахир?!  
Қучоқлашдик.

Бу киши жуда қадимдан танийдиганим Муродбей деган муҳандис эди. Жуда ҳассос, жўшқин, гапга чечан, бир оз думбулроқ одам бўлгани учун уни Дали Мурод дейишарди. Мен қишлоқда муаллимлик қилган кезлари у Оқденгиз санжогида<sup>1</sup> ободонлаштириш ишлари муҳандиси бўлган эди. Миллий қаршилик ҳаракати бошланган кунларда барча ишини йиришириб, қўлига қурол олган, неча ойлаб биз билан тоғларда бўлган эди. Айтишим мумкинки, умримда биринчи марта менинг ёввойи қобигимни ёришга муваффақ бўлган, қалбимда инсонларга меҳр-муҳаббат уйғотган ягона киши у эди. Дунёда ҳеч кимса билан бу қадар апоқчапоқ бўлганимни эслай олмайман.

Бечора хийла қариб, озиб-тўзиб қолибди. Сочлари оқариди, юзини ажин қоплабди. Бироқ кўзлари ҳамон аввалгидай порлаб турарди.

Бир-биримизни бағримиздан бўшатгандан сўнг:

— Бу ерларда кимни қидириб юрибсан, Умар? — деб сўради.

Мен поезд ва узоқларга ишора қилиб:

<sup>1</sup> Санжоқ — байроқ, бу ўринда: Усмонийлар замонида ва XX аср бошларида Туркияда вилоятдан кичик, тумандан катта бошқарув идораси.

- Аскарлиқдан қайтяпман, — дедим.
- Яна хизматда бўлдингми?
- Ўшандан бўён давомли хизматда эдим.
- Хўш, энди-чи?
- Энди хизмат битди... Бўшатиш қофози қўлимга тегди... Ўзингиз-чи, Муродбей?

— Бўзова ободонлаштириш муҳандисиман, — деганидан сўнг бармоқ букиб санашга тушиб кетди. Истиқлол урушидан сўнг Ободонлаштириш вазири мувовини, бир оз вақт депутат, бир оз вақт Истанбул Ободонлаштириш бошқармаси мудири, энг охири Бўзова ободонлаштириш муҳандиси...

Мехр билан елкаларимни силкитиб, аввалгида қаҳқаҳа отди:

— Тескари ўсиш... Олдинига генерал, майор, сўнгида бўлса оддий аскар... Сизнинг касбу корингизда бунақаси бўлмаса керак, шундай эмасми?

Муродбей шу ернинг ўзида мени қаҳва билан сийламоқчи бўлди, бироқ шу вақтда биринчи қўнғироқ чалиниб қолди ва биз станция томонга юрдик.

— Сен, Умар, — деди, — сен, қаёққа кетаётисан?

Қўлим билан англаб бўлмайдиган қандайдир ишорат қилдим:

— Балки Анқарага, балки Истанбулга, балки бошқа бирон жойга...

У яна қаҳқаҳа отди:

— Нақадар аниқ мақсад... Бирон жойда сени кимдир кутяптими ё?

Мен бу гал жавоб ўрнига кулдим. Лекин у бирданига маъюс тортди:

— Эҳ, Умар, эҳ,... Не иш қилмоқчисан?

— Бу ҳам номаълум... Саргузаштлар ниҳоясига етди. Энди янгисини топиш керак.

Вагонлар атрофига болалар тўпланган эди. Охирги вагоннинг деразасидан бир киши ерга нималарнидир отаётганди. Уларни илиб олиш учун чопган бир қизчага юзтубан йиқилди. Уни ўша қизчага шунчалик ўхшатдимки, Муродбейни қолдириб, ўша томонга югурдим. Аммо у эмас экан. Агар у бўлса, ким билади, қанчалик қийқириб юборган бўларди?!

Оғайнимнинг ёнига қайтарканман, у бу маъносиз ҳара-катимнинг сабабини сўраса керак, деб ўйладим. Бироқ у бунга эътибор ҳам бермаган экан. Суҳбатимизни келган жойидан давом эттирид:

— Модомики, сенга саргузашт керак экан, сенинг урнингда бўлсам, икки кун менга меҳмон бўлиб қолган бўлурдим... Бу ҳам бир саргузашт... Паттантгни алмаштириб оламиз. Бир-биrimизни бошқа кўрамизми-йўқми?

Муродбей шундай деяётган бўлса-да, ҳар ҳолда, кўпам умидвор эмасди шекилли, мени қўлтиқлаб вагон эшиги ёнига бошлаб кетаверди.

Шундоққина ёнгинамиизда учинчи қўнгироқ чалинди.

Тусатдан:

— Майли, сен айтгандаи бўлақолсин, Муродбей, — дедим ва оний қарорга келиб, вагонга югуриб кирдим. Эшиклар ёпила бошлаганди. Жавондаги жомадоним ва шамсиямни деразадан улоқтиридим. Ўтирган жойимдаги майда-чуйдаларимни олиб, эшик томонга отилдим.

#### 4

Мен учун тамомила бошқача бўлган ўша кечанинг тоти ва гаштини ҳозир унуганман.

Муродбей станция йўлининг ўнг томонидаги уйда истиқомат қиласар экан. Кентгина даҳлиздан утиб, юқори қаватга кутарилик. Бу қаватда ҳам бир катта даҳлиз ва учта хона бор эди. Сурига кутарилган ток япроқлари ва гуж-фуж узум бошлари даҳлизнинг панжарали деразаларини худди девордек қоплаган ва ичкаридаги оқшом қоронғилигини янада қуюқлаштирган. Даҳлизда калта иштон, куйлак кийган ва ялангоёқ юрган паст бўйли, бақалоқ киши қоронғи зинапоядан кўтарилаётанимизни кўриб қўрқиб кетди ва сакраб қоча бошлади.

Муродбей:

— Тўхта, ошиқ<sup>1</sup>... Қаёққа? Бегона эмас! — дея бақирганча уни қўлидан ушлаб олди ва менга таништириди. Исми Фарҳод бўлган бу йигит дехқончилик ишлари бўйича амалдор экан. Кўриниши бир оз тупори, юзи думалоқ, қошлари

<sup>1</sup> Ошиқ — бахши.

туташ, йигирма саккиз-үттиз ёшлардаги йигит. Менга калта иштоңдай кўринган нарса бевақт қорин соггани сабабли қорнининг устига тортиб қўйилган ва дазмол кўрмаган оқшишм эди.

Муродбей:

— Фарҳод ижарада бирга яшайдиган оғайним, — деди. — Шундай катта хона турганида боғча устидаги каталақдай кичик хонани олган. Негалигини биласанми? Ўтакетган хотинбоз бу. Орқа томондаги деразанинг панжаралари ортидан қўшни деразалардаги аёлларга сукланади.

Фарҳод ёш болалардай уятчан экан.

— Худо ҳаққи, қўй шу гапларни, оғажон... Қўйсанг-чи, — дедя ялиниб, яна қочмоқчи бўлди. Лекин қўлларини муҳандиснинг қўлларидан бушшата олмай, яланг оёқ турган жойида сакрай бошлади.

— Сакрайвермасанг-чи, ҳой хумпар, оёғингга зирачка киради-ку!

Ҳозиргина ёндириган фонусни кўтариб орқамиздан юқорига чиққан уй соҳибаси билан ҳаммамиз бараварига бирданига хохолашиб кулиб юбордик. Қаҳқаҳа отиб кулиш ҳам мен учун бу кечанинг янгиликларидан. Ўз овозим ўзимга бегонадай туюларди. Муродбей:

— Хуллас, биз бу ерда бир оиласа ухшаймиз, — деди. — Катта хонимни ҳам ўзимизга ўргатиб олдик, ёмон эмас, ўртамиёна кун куриб турибмиз.

Үй эгаси кўпни кўрган бир кекса аёл. Қизлари ва ўғилларини уйли-жойли қилган, ўзи ҳеч бири билан яшагиси келмагани учун ёлғиз қолган экан.

Аёл худди боласидай куриши аён булиб турган Фарҳодни олдига солиб, бизга овқат тайёрлаш учун ошхонага тушиб кетди. Фақат кетишидан олдин девор жавонидан бир шиша ва қадаҳларни олиб, Муродбейга:

— Бугун меҳмонинг келибди... Энди бу оқшом рақи<sup>1</sup> ҳам ичсанг керак, — дедя кулди.

— Шундай қиласиз-а, Умар, нима дейсан?

— Ичамиз, Муродбей, — дедим.

Бу оқшом жуда итоаткор булиб қолган эдим...

<sup>1</sup> Рақи — турк ароғи.

Ҳаво иссиқ бўлгани учун камзулларимизни ечиб, кўйлакларимизнинг енгини шимариб олдик. Илк қадаҳни кўтарганимиздан кейин Муродбей тоғларда яшаган вақтларимиздагидек, ёшларча нашъя билан:

— Эҳ, ўша ҳисоб-китобни билмайдиган тотли ҳаёт, яъни дарбадарлик... — деб қўйди.

Бу нашъя остида ҳузн ҳам пинҳон эди. Ўзи истамаган ҳолда бир-бирига уйғун бўлмаган узуқ-юлуқ сўзлар билан буни ошкор эта бошлади:

— Дарбадарлик қаерга кетаётганини билмай яшаш дегани эмас, Умар... Бу не эканини билмаган ҳолда бир нарсани у ер бу ердан ахтариш демакдир... Йиллар оқиб ўтади, бир куни қарайсан-ки, вақт жуда оз қолган... Ҳали ҳам кимсасиз ва ёлғиз эканингни айтганингда сенга ачиниб кетдим, Умар. Менинг яқинларим бор, лекин шундай бўлсада, ёлғизман... Хотиним бор... Уғилларим, қизларим, невараларим бор... Аммо ҳаммаси тариқдай сочилиб кетган... ҳатто қаерда эканликларини ҳали-ҳануз аниқ билмайман... Қанчадан қанча хотинларни севдим... Улардан бирига уйландим... Қанчадан қанча турмуш ташвишлари, турли-туман воқеалар, түсиқлар... «Шошилма... Шу кунлар ўтиб кетсин... Албатта, бир-биримизга тўймай маза қилиб яшайдиган кунларимиз келади», — дердим нуқул. Аммо бир куни қарасам... Кунлар шу даражада селдай оқиб ўтиб кетибди-ки, қарасам, ҳар иккимизда ҳам тўймайдиган маза-матра қолмабди. Хотиним, қачон қарасанг, болаларининг ёнида. Гоҳ унисиникига боради, гоҳ бунисиникига... Мен булсам, ҳаммасидан воз кечиб, Бўзовага келиб қолдим... Пастдаги кекса аёл ҳам шундай... Бу ерда бир-бирига ҳеч қандай ришта билан боғланмаган фаройиб, лекин ширин бир оила пайдо бўлди... Уй соҳибаси ва Фарҳод билан бирга...

Муродбей Фарҳоднинг исмини тилга оларкан, у қулида ноз-неъмат тула патнис билан зинапояда кўринди. Бу куттилмаган янгилик бўлгандек, Муродбей ўрнидан иргиб туриб, хурсандчилик билан: «Воҳ, воҳ, бу сенмисан, ошиқ?» — дея қичқириб юборди. Фарҳод шурлик сал бўлмаса қулидаги патнисни тушириб юбораёзди. Муродбей унга ёпиша кетди, қаҳқаҳа отиб, бераҳмларча соchlаридан, болаларники сингари лўппи ва қирмизи ёноқларидан тортқилаб силкий бошлади. Нихоят, бир оз аввал айтган сузларидан уст-

бошига тўкилган маъюс нарсаларни силкиб бўлгандек, тинчланиб, хушнуд ҳолда уни ёнига ўтқазди. Ичишда давом этдик... Фарҳоднинг хотинларга сукланишдан бошқа фазилатлари ҳам бор экан. Удни қойиллатиб чаларкан. Бир неча қадаҳдан сунг Муродбей удни унга мажбуран тутқазиб, ашгула айттира бошлади. Фарҳод бошида уялинқираб, бироз таранг қилди. Лекин бошлаганидан кейин ҳеч тўхтамай куйлайверди. Бизнинг кўпам эшитмай, суҳбатни давом эттирганимиз унга далда берган эди. Аён бўлдики, у ўзи учун чалиб, куйлайдиган одам экан. Худди менинг расм солишимга ўхшаш бир ишқибозлик. Бир вақт Муродбей қўлимга туртиб, кўз қири билан Фарҳодга ишора қилди. Қарасам, у уднинг устига эгилганича паст товушда: «Кимларга алданмади бечора кўнгил?» — дея ашгула айтиётган эди. Мен бунда файриодатий бир нарса кўрмадим. Бироқ Муродбей яна бирданига уни соchlаридан тортиб, бошини кўтариб, юзини менга кўрсатди: Фарҳоднинг кўзидан ёш шашқатор оқарди.

— Бу қанақаси, ошиқ? Уялмайсанми?

— Қўйсанг-чи, оғажон, оёғингга поёндоз бўлай, тегма.

— Қани, кўзларинг билан бурнингни бир артиб ол-чи, кейин яна битта отамиз...

Сўнгра менга тушунтира бошлади:

— Турк қўшиқларини ичмасдан, йифламасдан айтиб бўлмайди. Айниқса, ошиқ бўлмай туриб... Фарҳод Деҳқончилик билим юртида ўқиган. Бошидан кўп нарса ўтган. Аммо у ҳам менга ўхшаб тескарисига ўстган. Бир неча йил ичида Анқарада, Измирда, Аданада, ҳозир эсимда йўқ, яна биринки ерда амал беришган. Охир-оқибат, худди мендай, Бўзовага жўнатишган... Ўйламай қўяқол, давлат уни ишлаган жойларидан, худди мендек, бадарға қилган.

— Оғажон, қурбонинг бўлай...

— У борган жойида бир ёки бир йула бир неча қизга ошиқ булади. Қизлар ёки, уларнинг ота-оналари бўлса, уни ҳайдатишади... У бўлса, созини қўлига олади-ю, ҳайё-хуйт деб йўлга тушади... Бизнинг Фарҳод ана шунаقا...

— Устимдан кулма, оғажон... Оёғингни ўпай!..

Овқатни еб бўлгунимизга қадар ҳазил-ҳузул давом этади.

Болага ўхшаган бу йигит мен тушунадиган одамлар сирасидан эмас. Лекин шундай бўлса-да, ушбу оқшом бошқа нарсалардек, уни ҳам хушфөъл ва дилкаш деб топгандим.

\* \* \*

Муродбей овқат еб бўлинган ҳамон, оёққа қалқиб:

— Қани, болалар, туриңглар, Бўзованинг тунги модерн ҳаётини кўришга борамиз, — деди. — «Уя» барида бир вақтичоғлик қилайлик.

Шундай деркан, оқшомдан бери қалламдан кетмаётган таъбирни ишлатди:

— Бу кечада бошқача бир кечада...

Мен ҳам унга ухшаб, оёққа қалқдим:

— Бу кечада Умар қилолмайдиган бирон иш йўқ.

Қоронғи кўчаларда битта-иккита мастдан бошқа кимса қолмаган. Қўлтиқлашганча ашула айтиб келаётган уч киши кучада муюлишида бизларни кўрди дегунча, тўхтаб қолишиди. Ораларидан бири ингичка овозда:

— Худо асрасин... Булар соқчилармикан ё? — дея қичқирди.

Муродбейнинг «бар» дегани бозор бошида жойлашган, катта ҳовузли бир казино ёки майхона экан. Тўрдаги буфетнинг ёнида кўтарилган мутьжазгина саҳнада иккита аёл уд ва камон чалиб, ашула айтаётган эди.

Муродбейнинг Бўзовадаги деярли ҳар бир одам билан ошна бўлиб кетгани маълум бўлди. Казино эгаси эканлиги куриниб турган, мўйловига оқ тушган бир киши бизни энг олдинги столга ўтқазмоқчи бўлди. Барчанинг нигоҳи менга қадалишидан безганим учун чеккароқдаги йуғон устун орқасида ўтиришни маъқул топдим.

Сархушлар куй-қушиқни, худди бир оз олдин биз уйда Фарҳоднинг удини тинглаганимиз сингари, чала-чулла тинглашар, бир-бири билан бақириб гаплашишар, қушиқ тугади дегунча: «Яша... Барака топ... Жуфт бўлсин», — деб қичқириб қўйишар, ҳуштак чалишар эди.

Аёллардан бири кўрпага ухшаш қалин пальтоға ураниб ўтиради. Шу ўтиришида уятчан, тортиңчоқ уй бекасига ухшарди. Аммо ашула айтмоқчи бўлиб ўрнидан турганида пальтони бир томонга отиб, мунчоқли ҳарир қўйлагида деярли қип-яланғоч бўлиб қоларди.

Муродбей официантдан:

— Нега бундай қиляпти? — деб сўради...

Официант:

— Ҳаммомга борган экан, шунинг учун шамоллаб қолищдан чўчияпти, — деди.

Аёл Муродбей официант билан у ҳақда сўзлашаётганини сезиб, боши билан бир ишорат қилиб қўйди. Бир оз кеинироқ созга танаффус берилгач, ёнимизга келди. Яна пальтосига үраниб, ёнимизга ўтиргди.

— Муҳандисбей, кўпдан бери бизни унугиб юбордингиз-ку... Худо ҳаққи, сизга нима бўлдийкан дея ташвиш тортаётгандим...

Аёл Муродбей билан гаплашаркан, менга қилган ишвали боқишидан асл муддаоси мен эканини тушундим.

Муродбей:

— Сендан хафа бўлдим... Энди бошқа келмайман, — деди ва яна Фарҳодга гап ота бошлади:

— Лекин бу бола миямга тушган қурт бўлди: «Агар бу кеча уни кўрмасам, ўзимни ўзим ўлдираман!» — деб менга дўй урди. Худо ҳаққи, не қилсанг қил, мени шундан қутқар... савоб бўлади.

Фарҳоднинг кўзлари косасидан чиққудай бўлди:

— Худо ҳаққи, ёлғон бу! — дея типирчилади ва кетишига чоғланиб ўрнидан турди.

Муродбей уни шимининг камаридан ушлаб олишга ултурган эди. Қаҳқаҳа отиб куларкан:

— Қани, ўтири-чи, — деди. — Бўлмаса шиминг йиртилади, анави жойинг очилиб қолади!

Аёл ёлғондакамига уялиб:

— Вой, вой... — дея қўллари билан юзини бекитди.

Фарҳод ўзини у ёқ-бу ёқда ташлаб:

— Қўйвор мени, оёғингга поёндоз бўлай, оғажон... Бунақа ҳазил кетмайди. Шарманда бўлдим, кетаман, — деди.

— Майли, кетақол, аммо тўғрисини айтиб кет... Бу гўзал хотинга ошиқ эканингни инкор этасанми?

— Нега энди ошиқ бўларканман? Албатта, ошиқ, эмасман...

Бу гал хотин ишва билан сузилиб, унга ситам қилди:

— Нима, мен севилмайдиган аёлманми?

Сунгра менга ўтирилди. Асл мақсади ҳам шу эди.

— Сиз айтақолинг, бей афанди... Мен қараб бўлмайдиган даражада хунук аёлманми?

Тұғрисини айтганда, бу ишларда мен ҳам Фарҳоддек бўлмаса-да, бир оз тортиңчоқ ва тажрибасизроқман. Бирок йуғон овозим билан:

— Гап бўлиши мумкин эмас, йўқ, албатта, — дея унчалик латиф бўлмаган бир мақтov айтишимга тўғри келди.

Муродбей:

— Қани, қани, жойингда одоб сақлаб ўтири, Фарҳод... Энди сенга ҳеч нарса демайман, — деди ва аёл билан сўзлаша бошлади:

— Сен ҳозиргина ҳаммомдан чиққан эмишсан, тўғрими? Шунинг учун бу кеча бунақа ўраниб-чирманиб ўтирибсанми?

— Бир оз тумов бўлганман, муҳандисбей, соғ булинг. Азизбейнинг саҳнаси ҳам жуда баҳаво, барака топсин...

— Ҳаммомга бордингми-а?.. Воҳ, воҳ, воҳ!.. Тоштахтанинг устида ётганингни бир тасаввур қилмоқ керак... Ҳой қиз, зотан, сен ҳаммомга бормасанг ҳам баданинг ҳар доим ҳаммомдан энди чиққандай билқиллаб туради-ку. Энди бу баданинг жўмрак бошида мочалка билан фижир-фижир ишқалангандан, иссиқ сувда кўпиртирилган совун билан топ-тоза ювилгандан кейин кўпчиган хамирдек қаварини бир кўз олдингта келтир. Вой-дод, ўлиб қоламан!..

Муродбей бу гапларни айтаркан, менга қош-кузи билан ишора қилиб, Фарҳодни ҳаяжонлантириш учун ғаламислик қилаётганини англатар, қаҳқаҳа отиб кулар эди. Бироқ мен, худди оқшомдаги шодлиги сингари, унинг бу хурсандчилиги ортидаги ҳазинликни сезмай қолмадим.

Нима ҳам бўлди-ю, кўп ўтмай яқинимиздаги столлардан бирида ўтирган бир кекса унга: «Муҳандис, шу хурсандчилигингдан менга озгина берсанг яхши бўларди, бу кеча маза қилиб ухлардим», — деб қолди. У ҳам: «Ол, бердим, муборак бўлсин, доктор!» — дегач: «Шунда сен кайф қилиб ўтирасан, мен бўлсам ухлаб олардим!» — дея ширвирлаб хўрсиниб қўйди. Бу гапдан мен тахминим бежиз эмаслигини эътироф этдим.

Аёлни биринчи кўришда уй бекасига ухшатиб янглишмаган эканман.

Қарангки, собиқ эри билан яшайдиган боласига ўзи тўқиган жун камзул юборганини орада Муродбейга айтгани ҳам шундан далолат берарди. Бироқ, ўзи эътироф этга-

нидай, «артист ҳаёти» дея таъриф этилган бу ҳаёти уни фоҳишликини касб қилиб олганлардан баттарроқ ҳаёсиз ва шармсиз аёлга айлантирган эди.

Фарҳод аёлнинг очиқ сонларига ўгринча кўз ташлаётганини кўриб қолган Муродбей: «Худо ҳаққи, бунга бир нарсани кўрсатиб юборсанг-чи, бир тўйсин!» — дея ҳазиллашди дегунча, аёл ҳеч ноз-фироқ қилиб ўтирамай:

— А... Нима қипти... Истаклари борми? Майли, кўрақолсин, — дея пальтосининг этагини юқори кўтарди. — Гуноҳи уз бўйнингизда... Хоҳласангиз стол остидан томошаша қила қолинг, лекин бирор сезиб қолмасин, — деб бизга илтифот қилиб қўйди ва жуда усталик билан яланғоч сонларини биқинимиздаги устуннинг орқасига яширди.

Муродбей бу сафар чинакам ҳасрат билан Фарҳодга:

— Ошиқ, бундай фурсат яна қачон насиб бўлади-ю? Ахир, қўшни боғчаларда бунинг ҳеч бўлмаса мингдан бирини кўрармиканман, деб панжара ортидан сураткашга уҳшаб каллангни дераза пардасига буркаб ўтирасан, овсар, — деб қўйди.

Уялишнинг ҳам чеки бор. Болаларниидай лўппи ёноқлари қизарган, кўзлари гилайлашган бояқиши Фарҳод пастга осилган лабини титратиб:

— Хўш, нима бўпти? Қарасам, қарайвераман! — деди бирдан юрак ютиб.

Бироқ аёл:

— Хоҳласанг, ерга бир нарса тушириб юборгандай эгилда, қўлинг билан бир марта сийпалайқол, — дея олов устига мой қўйди, бироқ бу меъёридан ўтиб кетгани учун Фарҳод исён кутарди:

— Мен бунаقا тарбиясизлик қилишни истамайман... Истамайман бунаقا тарбиясизлик қилишни, — дея минғиллади.

Энди аёлнинг жаҳли чиқди:

— Хоҳламасанг хоҳлама, — деди. — Сенга кўзим учиб тургани йўқ. Қолаверса, қоши туташ, чаккаси қизил эркакларни асло ёқтирамайман.

Сўнгра унинг рашкини қўзғатмоқчи бўлгандек, мени кўрсатди ва, бир оз олдин айтган «артист ҳаёти» каби, бу турмушида ўрганган бир лукмани ўртага ташлади:

— Мен аслида зобитбейга уҳшаган эркакларни яхши кўраман, — дея кулди.

Кулаётган бўлса-да, бу жиiddий эди, чунки ёнимизга келиб ўтирганидан бери мендан кўз узмаганди. Яхшиямки, худи шу пайт соз чалинди ва уни саҳнага чақириб қолишиди.

Шунда биз ҳам қўзғалдик. Муродбейни рози қилиш учун орада бир хотиннинг ялангоч сонларини томоша қилишга кўнган бўлишига қарамай, Фарҳод кўчага чиқди дегунча, ундан ранжиганини такрор билдириди:

— Оғажон, бундан кейин уйдан ташқарида сен билан улфатчилик қилмайман, — деди ва жаҳл билан одимизга тушди. Хотин ёнимиздан кетди дегунча Муродбей казинодан чиқишини хоҳлаб қолгани ҳам Фарҳоднинг жаҳлини чиқаргани шубҳасиз эди.

\* \* \*

Кучада энди, ҳатто, инс-жинлар ҳам қолмаган. Муродбей ҳар икки қадамда бир тўхтаб, қўлимдан ушлайди ва дейди:

— Ўша вақтлардаги тоғ кечалари қандай бўлган эди, босқин ва қон кечалари эмасмиди улар?

Бу кечалар мен учун ўн-ун беш кун олдинга қадар узлуксиз давом этганини хаёлимга ҳам келтирмайман. Фарҳод биздан ўн-ун беш қадам олдинда борар, фақат муюлишларда бизнинг бошқа кўчага бурилишимиздан хавотир олиб кутиб турарди.

Муродбей қайғуга берилиб кетмаслик учун ундан ёрдам кутгандек, хоҳолаб кулишда давом этади:

— Бу йигит мени кўп хурсанд қиласди. Лекин мен, эҳтимол, ҳаддан ортиқ жигига тегавераман шекилли... Бечорани нуқул ё унисига, ёки бунисига ошиқ дейман. Худди бу кеча қилганимдай. Холисанлило айттанда, у хотин ҳам ошиқ бўлишига арзиди. Артист бўламан дея уй-жойидан кечиб, созандаларнинг кетига тушган, бечора.

Хўш, шу ёшимиз, бошимизга қарамай, ҳаммамиз ҳам ундан-да қўпроқ нарсаларга ипсиз боғланган дарбадарлар эмасмизми? Бемаҳалда бу ерларда санқиб юрганимизнинг сабабини биласанми? Бу ерга келиб нечоғлиқ яхши иш қилганингни билмайсан-да, Умар!

Яна тўхтаб, тор кўчадаги ярим-ёрти қоронги уйларнинг кўл узатса етадиган паст томлари орасидан куринган мовий осмон бўшлиғига тикиларкан, хўрсинди, сўнг кулиб, Фарҳодни чақирди:

— Ҳой, ошиқ, бу ёққа кел... Сенга айтадиган бир яхши гапим бор... Кўп таранг қилаверма. Жуда муҳим гап... Қани, кел бу ёққа... Бу ёнимга ўт... Қани, чап қўлтиғимга кир... Хўш, айт-чи, киши билмас ошиқ бўлган, сўнг бозорда юзиҳин чечак босганини кўргач, совуган бирор қизинг бўлмаганми? Мен шунақасини бутун бозорда кўрдим.

Кўлимга бармоғи билан нуқиб, сўзида давом этди:

— Яқиндан кўрсанг, жуда оғатижон эди у қиз. Онаси сураган нарсасини олиб бермагани учун йиғлаган эди шекилли!.. Ёноқлари ловуллаб ёнаётгандек эди. Чутири чуқурчалари ичида қолган кўзёши томчилари қандай ялтираганини бир кўрсайдинг!.. Агар у қиз бирорнинг хотини бўлса, эри ҳар кеча бир баҳона билан уни йиғлатган, кейин кўзёшлари қуримасдан, тиззасига ўтқазиб, юзларини чироққа тутиб, иссиқ-иссиқ бўсалар... Умар, ўзинг айтгин, аҳмоқлар хотинларни унчалик танишмайди, тўғрими? Аммо сулув қизнинг чехрасида чутири чуқурчалари ҳам жуда гўзал кўринар экан... Шундай эмасми, Умар?

## 5

Борган ҳар бир шаҳар-қишлоқ кўчаларида ажнабий сайёҳлар каби кезиш кўпдан бери менга одат бўлиб қолган. Шу орада дафтаримга у-бу расмларни ҳам қоралаб қўяман. Ўша куни саҳармардонданоқ бу ишга киришган эдим. Анча вақт кўчаларни кезганимдан сўнг бир майдонга чиқдим. Майдоннинг бир томонида масжид, унинг ёнида чогроқ эски қабристон... Масжид олдида бир тобут турибди. Ҳали вақт эрта бўлгани учун атрофида болалардан бошқа кимса йўқ... Болалардан баъзилари тобутнинг олдида, каттароги ямани рўмолни бошига салла қилиб ўраган. Улар жаноза намози ўйинини ўйнамоқдалар. Сават кўтарган бир букри чол: «Уялмайсизларми, зумрашалар? Бошқа ўйин қуриб қолдими сизларга?» — дея қўлидаги таёқни кўтариб таҳдид қилди. Болалар қичқириб-бақириб қабристон ичига қочишиди. Ораларида кичкина қизлар ҳам бор. Мен ҳам, кезиб

юрган одамдек, уларнинг орқасидан юрдим. Кимни қиди-раётганимни айтишнинг ҳожати бормикан? Кеча казино-дан қайтаётганимизда Муродбейнинг: «Соч-соқолимиз оқарганига қарамай ҳаммамиз ҳам ниманингdir орқасига ипсиз боғланган дарбадарлар эмасмизми?» — дегани эсимга тушди. Мен ҳам буш вақтимни, томоша учун бўлса-да, Бўзовада бир жажжи қизалоқни излаб топишга сарфлаётганим йўқми, ахир? Дараҳтларга тирмашган, қабр тошлари устида сакраган болалар орасидан бир соатлик қизчамни ахтардим. Ўзимни синиқ қабр тошларидағи битикларни ўқиётганга солдим. Болалар ўйнаган намоз ўйини каби, мендай кап-кatta одам ҳам ота-қиз ўйинини ўйнаётган эди. Болалар дастлаб мендан ўзларини олиб қочган булсаларда, сўнг аста яқинлашдилар. Агар исмини билганимда суриштирган бўлардим. Шундай бўлса-да, яна сўрадим. Кеинин хизматдан бушатилиш қофозим билан бирга қўйнимдаги чарм ҳамёнда турган расмини эсладим ва чиқардим. Болалар бир-бирининг боши устидан расмга тикилиб қарашибди. Биттаси: «Ҳа, маҳалламида бир қизча бор эди... У ҳам йўқси», — деди. Бундан умидланиб: «Маҳаллангиз узоқми?» — деб сўрамоқчи бўлдим. Лекин бирданига ўзимга келдим: бу боланинг орқасига тушиб, маҳалла оралаб суриштирув олиб боргандек уялиб кетдим ва ўз-ўзимдан жаҳлим чиқди. Бироқ кўп ўтмай расталардан, ундан сўнгра бозордан кечарканман, кўзимга кўринган қизчаларга диққат билан разм солдим, тескари қараб турганларининг олдига ўтиб қарадим. Ниҳоят, худди болалардан суриштирганимга ўхшаб, бир почтаидан сўрашдан ўзимни тия олмадим. У, ҳаво иссиқ булишига қарамай, эгнига ямоқ солинган пальто, пайпоқли оёқларига кир калиш кийиб олган ва ўзи билан ўзи сўзлашганча олдимда бораётган қоқсуяқ чол эди. Мени кўрди дегунча, гапга киришиб кетди.

Шаҳарда янги одам эканлигим учун менга қизиқиб қолган эди. Қаердан, қачон келганимни билгиси келди. Мен ҳам унинг почтачи эканлиги, бинобарин, барчани танишига умид боғлаб, яна шу савол билан мурожаат қилдим, қизчани таъриф-тавсиф қилдим. Аввалига, худди бир кун олдин зироат дўкони олдида кимни қидираётганимни сўраган кишидай, у ҳам Бўзовада йўқси болалардан кўпи йўқлигини айтди. Сўнгра:

— Шошма, шошма! Мен мактуб олиб борган жойларим-да уни қидириб курай... Сен менга манзилингни айт, — деди.

Почтачи бир оз тентакнамо бечора чол бұлғани учун күп ўтмай мени ҳам, сұхбатимизни ҳам унугиб юбориши тайин. Шундай бўлса-да, унга ободонлаштириш муҳандисининг манзилини беришдек кулгили ишдан үзимни тия олмадим. Сўнгра худди бирорга зарда қилгандек, ўз-ўзимга: «Етар шунчалик бемаънилик. Қани энди, олға, олға!» — дея үзимга қатъий буйруқ берив, ҳукумат майдони томонга йўл олдим.

\* \* \*

Муродбейни чошгоҳда ҳукумат уйидаги идорасидан то-пишим керак. Ҳали эрта. Аммо энди бошқа борадиган жо-йим қолмаган.

Ҳукумат уйи катта майдон тўрида, соатли минора рўпа-расидаги эски ва катта бинода жойлашган экан. Соатли минора билан ҳукумат уйи орасида ва асосий эшикнинг кенг тош зинапоялари устида эркак-аёл аралаш кўпгина ҳалойиқ, қишлоқ кишилари тўпланган. Нима бўлаётганини суриштиришга улгурмай туриб, қуролли жандармлар ўнтача кишини келтиришаётганига кўзим тушди. Уларнинг кийим-кечаги ва бутун борлиги қароқчи эканликларидан далолат берив турарди... Кезган ерларимда бунақаларни кўп кўрганим учун унчалик эътибор бермайман. Ҳукумат уйига кириш учун зинапоядаги ҳалойиқнинг бир оз сийраклашишини кутиб турдим. Бироқ полициячи-ларнинг эшикни тўсганини ва зинапоя устига ёfilaётган одамлар кўпайганини кўриб, шу томонга юрдим.

Бинонинг узун ва кенг даҳлизи ҳам тирбанд. Тўрдаги Жиноят ишлари суди эшиги олдида полициячиларни ҳалойиқ қисти-бастига олган. Узун бўйимни ва формамни кўриб, ҳалойиқ менга осонгина йўл берди. Гўдакларини қучоқлаганча ерда чўнқайиб утирган рўмолли ва пешбандли қишлоқ аёллари ва болаларни босиб олмасликка ҳара-кат қилиб илгариладим.

Жиноят ишлари суди биринчи қаватнинг чап қанотини бошдан-оёқ эгаллаган катта залда жойлашган эди. Томо-шабинлар залнинг ярмидан кўпроғинигина эгаллаган. Орқа томондаги ўриндиқларнинг кўпи бўш.

Мен бутунлай бўш қаторга ўтиб, дераза ёнига чўқдим. Олдимдаги қаторларда яхши кийинган кишилар орасида бир нечта хотин-қизлар ҳам ўтиради. Шляпалари ва пальтоларига қараганда, улар амалдор ва машинистка эдилар.

Нотаниш ва новча ҳарбий кириб келгани залдагиларда қизиқиш уйғотган эди. Қаторларда ўтирганлар, ҳатто, айбланувчиларнинг бир-иккитаси ўтирилиб, менга қараб қўйишиди. Айбланувчилар жуда ночор кийинган қишлоқ кишилари эди. Ораларида бир нафар мўйсафида ҳам бор. Бошқалари ёшроқ ва ўрта яшар йигитлар. Ҳаммасининг соч-соқоли ўсиб кетган. Мўйсафидан бошқа ҳаммаси кенг деразалар ортидаги қуёшга қараб ўтиргани учун юзларини ён томондан кўриб туардим. Уларни қароқчи дея тажмин қилиб янгишмаган бўлсам керак.

Бунаقا кишилар менга яхши таниш. Туриш-турмуши ва нигоҳларида ўзим яхши биладиган исёнчи ва қароқчиларга хос муросасиз зардани куриб туардим.

Олдимдаги қаторда ўтирганлар билан мен ҳақда гаплашиб олган ўрта ёшли жаноб қўлидаги газета билан юзини елпиб, менга юзланиб:

— Ёмон исиб кетди-я, зобитим, шундай эмасми? — дея сўз бошлади ва қаердан келганимни сўради.

Ундан бугун қанақа иш кўрилишини суриштирудим.

Бу деярли бир йилдан бери давом этиб келаётган мушкул бир даъво эмиш. Ўтган ҳафта прокурор бир нечта кишига ўлим, бошқаларига ўн беш йилдан кам бўлмаган жазо беришни сўраган эмиш... Оқловчилар охирги сўзларини айтиб бўлганмиш... Бугун ҳукм ўқилар экан...

— Булар қароқчилар бўлса керак, — дедим.

— Нима деяпсиз, афандим? — деди у. — Қароқчи булардан минг марта авлороқ. Машали туманимизда Юқори Сазан деган қарғиши теккан бир тоғ қишлоғи бор. Бу қишлоқ асрлардан, лофт урятти деманг, асрлардан бери Бўзованинг бошига битган бало ва исноддир... Қароқчи, қотил, дайди деганларнинг барчаси нуқул ўша ердан чиқади. Булар шу даражада қайсар ва кекчики, на музокара вақтида, на ўтган ҳафтада, на ҳимоя вақтида, суд тайинлаган расмий адвокатнинг ҳимоясини айтмасак, на ўзларини ҳимоя қилдилар, на бир оғиз пушаймонликларини айтдилар.

— Хўш, ҳукумат нима дейди бу ишга?

У лабларини ноумидлик билан буриб, кулимсиради:

— Ҳукумат ёмонни жиловлаб ололармиди? Тўғрироғи, жиловлаши мумкин, лекин бошқача йўсинда... Дорни кўтрасан, тушундингизми, афандим? Бош кўтарганинг калласини узасан... Ҳатто, бундан-да зўрроқ йўл ҳам бор... Бир кечаси бу илон инига ўт қўясан... Аҳолисини водий қишлоқларига тарқатиб юборасан... Лекин бунақа ҳукуматни қаердан топай? Ақли етмаганлар бу ердаги айбланувчиларнинг ҳеч бўлмаса икки-учтасига ўлим жазоси берилади, деб ўйлаб ўтиришибди... Бироқ натижасини кўп ўтмай ўзингиз билиб оласиз: масалан, ўлим жазоси берилиши керак бўлганларни олти йилга, айби камроқ бўлганларни даражасига қараб, уч йил, икки йил, ҳатто, бир неча ойга кесишади, холос... Тоғда ўт-ўлан, илдиз-пилдиз кавшаш ўрнига давлатнинг нонини еб семириб ётадилар, кучга тўлиб чиққач, яна қабих, ишларини бошлайдилар...

Яна бир бор аччиқ заҳарханда қилгач, сўзида давом этди:

— Буни қаердан биласан, дейишингиз мумкин. Масаланинг кундай очиқ-равшан эканлигидан, ҳақиқат вилоят аҳлининг виждонини ўртаётганидан, ҳукм чиқариш расман бир ҳафтага чўзилиб кетганидан... Мен ўз вактида аддия соҳасида ишлаган одамман. Бу ишлар қандай бўлишини биламан... Биринчи куни иссифида судялар ҳам масала-га биздай қараган. Аммо эртасига, айниқса, кечга яқин каллалар хум бўлган, ўй-фикрлари дарз кетган, индинига янада баттарроқ бўлиб бораверган... Шу тариқа жазо муддатлари ҳам, биржা қофозининг қиймати сингари, тобора пасайиб, мен айтган даражага тушган... Олти йил ва олти ой оралиғидаги муддатга... Агар тишларини тишларига қўйиб, ҳукмни яна бир ҳафтага чўзсалар борми, бу кazzоблар бу ердан оқланиб, бошларини мағрур кўтариб чиқишлиари турган гап эди.

Охирги сўзларни айтаркан, қаҳқча отди, бир неча қатор оддинда ўтирганларнинг айримлари биз томонга ўтирилиб қарашди. Ҳудди шу пайт суд ҳайъати залга кириб келди, ҳаммамиз бирданига оёққа қалқдик ва остимиздаги пол тахталари бамисоли ёрилгандай фижирлади.

Афсусланарлиси шундаки, сухбатдошимдан бу аслида қандай даъво эканини сўрашга улгурмай қолдим. Ҳукм

үқила бошлагач, илк жумлаларданоқ бу хун даъвоси эканини пайқадим. Юқори Сазан деган қишлоқ билан Қуйи Сазан деган қўшни қишлоқ орасида худди ҳал қилувчи жангга ўхаш тўқнашув содир бўлган, қанчадир киши ўлган, қанчасидир ярадор бўлган экан...

Ярим соат ўқилган бу ҳукм мени қўпам қизиқтирамади. Ҳатто, эътибор бериб тинглаганим ҳам йўқ. Фақат икки томондаги асл айборлар ўша тўқнашувда ўлганини ва бирбиридан қасос олганликларини чала-ярим билиб олдим.

Мени аслида айбланувчилар қизиқтираётган эди. Улардан бир-икки нафари, гарчи наригилари сингари соқоли чиққан бўлишига қарамай, ҳали жуда ёш йигитчалар экани диққатимни жалб қилганди. Ҳукм ўқилаётганда ҳаммаси судьяларга қараш ўрнига кенг деразалар ортидаги қуёшга тикилиб ўтиришарди. Шунинг учун ҳам уларнинг юзларини ён томондан яхшироқ куриб турардим. Бир оз аввал айтганимдай, бу бошларни бир оз ён томонга ўтирилиб туриши ва нигоҳларидан жуда яхши танир эдим: ўзлари яшаётган жамиятта муросасиз кину нафратга тўла аламзада башаралар, тузоққа тушган ноумид, йиртқич қуш қиёфалари...

Оёқ устида туриб, ҳукмни эшитар эканман, қўлим тўхтосиз ишлар, ўриндиқ устида очиқ турган дафтаримга бу қиёфалар тасвирини туширап эдим. Қулоғимга чалинаётган гаплар: омилик, ёшлиқ, мажбурлаш, таҳдид ва қўрқитиш йўли билан жиноятга бошлаш каби сабабларга кўра жазолари тухтосиз енгиллаштирилгани ҳалигина мен билан сұхбатлашган кишининг янглишмаганини курсатар эди. Ҳатто, икки киши: мўйсафи билан бир ўсмир оқданди ҳам...

Тўда-туда бўлиб залдан чиқаётган тингловчиларнинг юз-кўзида кўрган томошасининг якунидан кўпам мамнун бўлмаган кишиларнинг норозилигига ўхаш лоқайдлик аломати бор эди.

Мен чиқишига шошилмаётган, ўтирган жойимда қораламаларимни тугатаётган эдим. Шу чоғда устимга икки киши келди. Бири сариқ костюм кийган эркак, иккинчиси қора пальтоли аёл.

Эркак:

— Афв этинг, зобит афанди, — деди, — расмларингизни кўрсам бўладими?

У худди либосидек сарғиши юзли, япалоқ бурнининг учина каттакон холи бўлган, тишлари сийрак, қирқ-қирқ беш ёшлардаги одам эди.

Расмларни кўздан кечиргач:

— Жуда яхши, ҳақиқатан ҳам жуда ўхшатиби! — деди ва уларни сал нарироқда турган аёлга узатди: — Сен ҳам кўр... Мендан ҳам яхшироқ тушунасан. Ахир, расм ўқитувчи сиссан-ку.

Охирги гапни менинг диққатимни жалб қилиш учун айтганини пайқадим. Лекин ўзимни билмаганга олдим. Аслида расмларни кўришни аёл хоҳлаганига шубҳа йўқ. Аёл расмларни дераза ёнига олиб бориб кўраркан, биз суҳбатлаша бошладик.

— Афандим, мен сизни бундан олдин ҳам кўрган эдим... Бултур станцияда бўлган байрам вақтида... Елкангизда бир қизча ҳам бор эди. Мен ўша ердаги қаҳвахонада ўтирган эдим. Бўйингиз жуда узун бўлгани учун дастлаб сизни ҳалойиқ ичида бир тошнинг устига чиқиб олган бўлса керак, деб уйлагандим. Юра бошлаганингиздан кейин ҳайрон қолдим.

Бунаقا яқинлик пайдо бўлганидан сўнг аёлни ёнимизга чақириди ва менга таништириди.

— Мен Қуий Сазандаги мактабда мудирман. Хоним ҳам муаллимларимиздан. Бугунги даъво бир оз бизники ҳисобланади. Зотан шунинг учун келдик...

Олдинги суҳбатдошим сингари, у ҳам жазоларни етарли эмас деб топган эди. Лекин у бунга кўпам эътибор бериб утирмади.

— Оч, бунинг устига жоҳил одамга жазо таъсир қиласиди? — деди.

— Уларнинг мактаби, муаллимлари йўқми? — деб сўрадим.

Худди мен латифа айтгандай, кула бошлади ва тишлари орасидан менга туфук сачратмаслик учун оғзини қўли билан ёпди:

— У ерга қайси муаллим, қайси инсон дош бера оларди? Ҳамманинг жони ўзига ширин. Исми қишлоқ бўлсада, калхат уясига ўхшаш бехосият бир жой... Бир патос борки, энг кексалар ҳам эслолмайдиган замонлардан буён сасиб-бижгиб ётибди. Лекин азобини биз тортамиз... «Биз»

деганимда бечора, беайб, бегуноҳ, Қуи Сазанни кўзда тутяпман... Тупроғимиз жуда ҳосилдор, одамларимиз меҳнаткаш. Ҳаммаси хушфеъл ва ор-номусли кишилар. Ҳатто, яқин қунларда туманга айлантириш учун жиддий ташаббуслар бошланди. Лекин биз билмайдиган бир айби бўлса керакки, Оллоҳ уни шу балога гирифтор этди... Юқори Сазан, Қуи Сазан деган, ҳатто, оти ҳам бир бўлган бу икки қишлоқ ҳақиқатан ҳам бир-бирига душман икки мамлакатта ўхшайди. Жонимиз, мол-мулкимиз ҳеч қачон хавфдан холи бўлган эмас. Худди оч бўрилар каби қишлиғимизга тўхтовсиз ҳужум қилишади. Бунинг устига бу икки қишлоқ ўртасида уч-беш йилда бир хуруж қиладиган омонсиз қон даъвоси бор. Аслида бу даъво икки оила ўртасидаги даъво бўлган... Аммо вақт утиши билан икки қишлоқнинг даъвосига айланган... Ўқилган ҳукмда қонуннинг «ихтилоф», «низо» сингари юмшоқ калималари ишлатилган, аммо бу охирги низо икки томон ўртасида том маъноси билан очиқ жангга айланди. Ур-йиқит ҳукумат одамлари етиб келгунча, икки кун давом этди. Тарихларда ёзилганидек, кўчаларда тусиқлар кўтарилди. Энг охирида иккала қишлоқ чегарасидаги, ривоятларга қараганда, Султон Маҳмуд замонидан қолган тош кўприк динамит билан портлатиб юборилди... Яхшироқ тасаввур қилингиз учун айтайки, икки душман мамлакат сингари, қишлоқлар ўртасидаги ўзаро алоқа расман узилган. Бир-бирининг ҳудудидан қуш ҳам ўтказмайдилар... Бу юртга жуда ичинг ачийди...

Гаплаша-гаплаша залнинг эшигига яқинлашиб қолган эдик. Биздан сал олдинроқда кетаётган муаллима бизни тинглар, бироқ чурқ этмасди.

Ногаҳон даҳлиздан бир хотиннинг чинқириғи эшитилди. Ён томондаги очиқ эшик олдида турган бир маҳкумни қучоқлаган қишлоқлик жувонни полициячилар ажратиб олишга уринаётганини курдик. Ҳаяжонга тушган ва қизиқаётган одамлар бир-бирини итаришиб-туртишаётган бўлса-да, маҳкум авзойини бузмас, жувоннинг елкаларига ёйилиб тушган пахмоқ соchlарини очиқ қолдирган гулдор сарик, рўмолни тўғрилашга уринарди. У дагал товушда таҳдид билан: «Бор кет, буларга ялинма!» — дея буйруқ берди.

Бу қараш ва товуш ҳеч қачон муроса қилинмайдиган ушманга асир тушган мағлуб кишининг қарashi ва товуши эди. Буни чегара ҳудудларида кўп кўрганман. Ички видоят кишисида буни куриш эса менга жуда ғалати туюлди. Шу аснода муаллиманинг нигоҳи менда эканини ҳис қилдим. Хижолатомуз бир ҳаяжон ичидаги дудукланиб, менга:

— Кошкийди, шунинг ҳам расмини чизсангиз, — деди.

Шундагина қора пальтоси ва шляпасига қараб тусмол қилганимдай, у ўрта ёшли аёл эмас, балки болаларнидай маъсум чеҳрали, нозик-ниҳол ва буғдойранг ёш қиз эканини кўрдим.

\* \* \*

Муродбейни юқори қаватдаги хонасида атрофидағи бешолти киши билан қизғин сұхбатлашаётган ҳолда кўриб, очган эшигимни астагина ёпмоқчи бўлдим. Бироқ у мени кўриб қолган эди.

— Кел, кел... Биз ҳам сени кутаётгандик, кечикдинг, — дея қичқирди.

Улар мен билан танишиш учун тупланган эканлар. Суд залидаги прокурор ҳам уларнинг орасида эди. Менга қўл узатаркан:

— Бейни кўрдим, суд залида эди. Орқа қаторда ўтириб бизни тинглади, — деди.

Бошқа бири мен билан олдиндан таниш чиқиб қолди. У ҳам, Сазан қишлоғи муаллими каби, елкамда бир соатлик қизчам билан байрам уйингоҳида айланиб юрганимни, сўнг бир дўкончадан унга болалар туфлиси олиб берганимни кўриб, кулимсираган кишилардан эди.

Муродбей бу гапни эшишиб асабийлашди, хафа бўлди: «Нега менинг хабарим йўқ?... Ўтган йили бу ердан ўттанингни нега менга айтмадинг?» — дея тўнғиллаб, баҳона қидиришга тушди.

Кечадан буён қанчадан-қанча нарсалар ҳақида сўзлашган бўлсак-да, бу гапни унга айтишни унугтаним бир тасодиф эди. Бу иш менинг ўзимга ҳам ажабтовур туюлди. Жажжи қиз воқеасини айтиб бердим. Хонадагилар орасида Вилоят хавфсизлик бошқармасининг бошлиғи ҳам бор эди. «Шу бояқиши қизчани қидиртириб кўрайлик. Балки топармиз!» — деди у.

Бирданига ҳаммани шафқат туйғуси қоплади. «Ха, ха... Топтирайлик... Бирон чораси бұлар... Эх, ҳеч бұлмаса исмини билсайдик!» — дея азият чекәдилар. Түгри айтаётган әдилар. Агар исми маълум бўлса, балки кўчалардаги яланг-оёқ қизчалар орасидан уни топиш мумкин бўларди, давлатнинг ҳеч кими йўқ, кўча болалари олдидағи қарзи унинг тимсолида тўланган бўлурди.

Бироқ бу шафқат кўп ўтмай ўтиб кетадиган нарса. Кейинроқ унугулиб кетади ҳам.

Муродбейни бу ердагилар жуда ҳурмат қилишар экан. Бирон иши маъқул тушмагани учун Фарҳодга тегишганидек, тирғилавериб ҳамманинг жонига тегса-да, ундан ҳеч ким хафа булмасди. Вилоятнинг туссиз ва бир зайлдаги ҳаётига ўзгача файз киритгани учун бўлса керак, уни яхши кўришарди. Ора-сира бирга шаҳар ошхонасига борамиз. Фарҳод ҳам бизни ўша ерда кутаётган бўлади. Боғчадаги шийпон остида бизга катта дастурхон ёзилади. Ичидан катта муз парчалари сузуб юрган узум ва анор шарбатларини симирамиз, кабоб еймиз.

Ўрнимиздан турадиган вақт яқинлашиб қолганида Муродбей:

— Эртага йўлга чиқмоқчимисан, Умар? — деб қолди.

Мени Бўзовада янада кўпроқ олиб қолиш учун шериклари билан ҳужумга ўтмоқчи эканини сезиб:

— Кейинроқ гаплашамиз, — дедим. Мақсадимни тушунди:

— Йўқ, Умар, — деди, — ҳамма дўстларинг илтимос қилишяпти. Бўзовада ҳеч бўлмаса бир ҳафта меҳмон бўлингни хоҳлашяпти...

Камгап ва дилгир новча одам оғайниларига ҳеч гап айтмаслиги керак эди. Лекин унинг истагини бажо келтириш учун барчаси бирданига устимга ёпирилди.

— Хўп, хўп... Эртанги поездда кетмайман... Нарёгини кейин ўйлаб курамиз, Муродбей, — дедим.

Унинг курсандчилигига путур етказмаслик учун ана шундай қарорга келган эдим. Фақат шугина эмас. Бунда менга ичидан атрофидағи сукунатнинг ўзига хос саси бордек туюладиган ўша ёлғиз уйда Муродбей ва Фарҳод билан ўтказадиган бошқача бир неча куннинг улуши ҳам бор. Бироқ бу муддат мобайнида, умид қилганимдек, ёлғиз қолол-

масам керак. Муродбейнинг оғайнилари бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўйишмади, тұхтосиз гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа олиб кетишиди. Ҳатто, уйларига таклиф қилишди. Оила ҳәёти деган нарса мен учун тамомила янги гап. Кўча кийимларидаги кўрган аёлларни очик-сочик ва уй либосида биринчи марта кўрган эдим. Мен билан сұхбатлашишади, болаларини опкелиб, тиззамга ўтқазишиди. Мен билан ҳаммадан ҳам кўпроқ сұхбатлашган бир ёш қиз, катта амалдорнинг қайинсинглиси мени Америка киноартистларидан бирига ухшатар, бошқа аёлларга кўрсатиб: «Шундай эмасми?» — деб сурарди. Кулишамиз. Сунгра Муродбей: «Бу қиз сени кўз остига одди. Агар хоҳласанг, дарров сенга тегмоқчи эканини менга очик-ойдин айтди. Бунақа соҳибжамол душман билан олишиб куришни истамайсанми? Шунда елканнга бошқа болаларни эмас, ўзингнинг болаларингни миндириб юрган булармидинг!» — дерди. «Ходадай узун қўлларим ва оёқларим билан мени ўз ёнида қандай тасаввур этар экан?» — деб жавоб бераман. Яна кулишамиз.

Гоҳи кунлари Муродбей ишига кеч кетади, ҳатто, бормай ҳам қўяқолади. Ёлғиз қолган вақтларимда станцияга бораман. Анчагача у ердаги қаҳвахонада ўтираман. Кейин: «Бу аскар бу ерда кимни кутяпти, ажабо?» — дейишадигандек, хижолат бўлиб, шаҳарга қайтаман.

Бир куни Хавфиззлик бошқармаси бошлиғи билан сұхбатлашарканман, кичик қиздан сўз очдим. Аввалига ҳеч нарсани эслай олмади, сўнгра: «Уни қара-я, мен уни қидиртирмақчи эдим-ку. Буни қандай унугдим экан?» — дея ҳайратланди.

Бир ҳафтадан кейин Бўзовадан кетаман. Аммо йўлим бошқа ёққа тушган экан.

Бир куни кечки пайт Соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг уйида меҳмон эдик. У Маориф мудири билан бирга қиши бостириб келмасидан туманларни тафтиш қилиб келгани ҳозирланаётган экан. Мени Бўзовада яна бир оз олиб қолиш учун баҳона тополмаётган Муродбейнинг калласига бир фикр келиб қолди:

— Туманларда менинг ҳам анча-мунча ишим бор, — деди у. — Бирга кетақолайлик, Умар. Сен ҳам янги жойларни куриб қайтасан... Шу билан мен ҳам сендан бир неча кун баҳраманд бўлардим. Ундан кейин сени вилоят-

нинг энг охирги Яшилсув туманида поездга чиқариб юборамиз. Жуда қулай, нима дединг?

Үзи ҳам, мен ҳам бу қулайлик устидан кулишдан үзимизни тия олмадик. Бироқ у яна:

— Энди қачон күришамиз-у — дея бошини ҳам қилди дегунча мен яна олдингидек, үйлаб үтирмасдан:

— Бўпти, Муродбей! — деб юбордим.

\* \* \*

Беш оғайни юк машинасидан автобусга айлантирилган машинада йулга чиқдик. Муродбей волийдан охирги оқшом бир неча кунлик сафарга розилик олишга муваффақ, бўлган эди. Унумсиз водийдан үтиб борардик. Гоҳ-гоҳ қат-қат тупроқ ичидা йўқолиб кетган сойлар, яккам-дуккам ўтлоқларни айтмаса, бу ерни чўл деса ҳам булаверарди.

Йўл ҳар ҳолда ёмон эмас. Аммо машинамиз тухтовсиз бузилавергани учун секин кетаётимиз. Тунайдиган туман марказига ўз вақтида етиб боришимиизга гумонимиз бор.

Менинг шошишимнинг бошқа сабаби ҳам бор: водийнинг этагида булатдай элас-элас кўрина бошлаган Юқори Сазан тоғи этакларига етиб олмасдан бурун кеч киришидан хавотирланаётган эдим. Агар бу тоғни, узоқдан бўлса-да, кўрмай үтиб кетсан, қаттиқ алам қилиши турган гап. Ҳолбуки, тоғ деган нарсанинг мен учун ҳеч қандай сир-асрори, қизифи қолмаган. Лекин Бўзовада бу Юқори Сазан ҳақида эшитганларим, айниқса, судда курган жаҳлдор одамларнинг юз-қўzlари менда ажабтовур қизиқиш уйғотган эди. Оқшом чори қуёш тоғни қаршидан қизил нурларга кўмиб, тик қоялар аниқ-тиник кўрина бошлаганида қизиқишим янада кучайди. Ҳатто, бу тоғлар томонга бош олиб кетиш орзуси ҳам уйғониб, ичимни куйдиргандек бўлди. Зотан, бу ишни, аслида, мендан кутса бўлади. Лекин: «Сен учун саргузаштлар даври үтиб кетди, Умар! Энди сен ҳаётнинг бурилиш нуқтасида турибсан!» — дея ўзимга ўзим оқилона насиҳат ҳам қилиб қўяман. Бироқ, не қилайки, қочмоқчи бўлганим ўша можаролар мени шу йўлнинг охирроғида домига илинтириш учун пайт пойлаб турган экан.

Кечга яқин Қуий Сазанга етиб бордик. Йўл ёқасидаги боғлар ва уй-жойларнинг кўринишига қараганда, судда та-

нишган мактаб мудири айтганидай, бу ер бой-бадавлат ва фаровон қишлоқ эди. Ҳатто, кичик майдоннинг ўртасига, душман заминига қараётгандек, бошини тоғ томонга буриб турган Фозий ҳайкалчасини тикишибди, боз устига майдондан уч-беш дүкони бўлган раста охиридаги ноҳия мудирлиги биносига қадар етмиш-саксон метрли йўлга номига асфалт ҳам ётқизишган. Бу, балки, Қуий Сазанни туманга айлантириш учун ҳаракат қилаётган жонбозларнинг сиёсатидир.

Автобусдаги йўловчилар майдондаги Ишкомли қаҳважонасида чой ичиб, беш-ўн дақиқа ҳордиқ чиқарадиган бўлишди. Мен улардан айрилиб, Қуий Сазан мактаби мудирининг гапига қараганда, динамит билан портлатилган кўприкни куришга кетдим. Қишлоқ четидан оқиб ўтадиган Сазан дарёси мен уйлагандан кура каттароқ экан. Ҳозир у тинч оқиб ётибди. Лекин қишлоққа киришдан анча илгаридан шоҳийўл бўйлаб кўтарилиган тусиқларнинг баландлигига қараганда, ёғингарчилик мавсумларида дарё роса тўлиб-тошиб оқиши ва анча-мунҷа шўхликлар қилиши аён булиб турарди. Кўприк бу гадойтопмас вилоятларда тенги кам бўлган, султон замонларида кутарилиган ва ниҳоятда пишиқ ишланган эди. Мактаб мудири айтганидай, ўрта қисмлари динамит билан портлатиб, чуктириб юборилган, фақат икки қирғоқдаги йўғон тош устунлар омон қолган. Мудир айтганидай, йиқилган соқчи кулбаси бу ерга чегара тусини берган. Жимиirlаган сув ичида бўй чўзган каттагина қамишзор рўпарадаги қирғоқдан тоғ этакларига қадар чўзилган.

Бу ерда Юқори Сазан тоғи шундоққина рўпарамда турарди. Бироқ не қилайки, кеч қолган эдик. Тоғнинг бу тарафини ҳозирданоқ қоронғилик ўз қўйнига олганди. Фақат тепани камар сингари ўраган узун қоялар тизмаси яқол куриниб турарди. Уларнинг қалъа деворларига ўхшаган ғаройиб шакли худди инсон қули билан бунёд этилгандай тутолади ва қадимги шаҳар буржларини эслатади.

Ҳамма нарсани унутиб, дафтаримни олиб, қояларнинг расмини чизишга киришиб кетдим.

Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, бир вақт мени чақиришаётганини худди беҳуш ҳолда эшитгандай бўлдим ва тез-тез юриб майдон тарафга йўналадим.

лоят катталарининг бир нечтаси шу паллада бу ерда бўлиши Оллоҳнинг иноятидир», — дея нутқининг кириш қисмини тамомлагандан сўнг, ҳалиги йигитга юзланиб: «Усмон, болам, — деди, — болалик қилманглар... Нега ошиқ-япсизлар? Ҳукумат, албатта, ўз вазифасини бажаради. Буни айтиб ўтиришнинг ҳожати борми? Лекин ҳамма ишнинг ўз йўриғи, йўли бўлади. Қароқчиларни ноҳия мудири эмас, жандармлар қўлга олиши керак... Аксига олиб, жандармнинг ўнбошиси икки кундирки, кўрпа-тушак қилиб ётибди. Қўлимиздаги икки жандарм билан қароқчилар тўдасига бас келиб булармиди? Воқедан хабар топдим дегунча, қаймақомга<sup>1</sup> телефон қилмоқчи бўлдим. Бироқ телефон ишламаса, жандарма бошлиғи касал бўлса, менда нима айб?»

Мени курган заҳоти жим бўлган йигит яна сўзга чоғаниб, ҳужумга ўтмоқчи бўлганини кўриб, депутатни ёрдамга чақирди:

— Тўғри эмасми, бей афанди ҳазратлари? Бу ерда ҳаммамииздан улугимиз сизсиз... Шу чоғда не ҳам қила олардим? Илтифот курсатсинлар...

Мумиё каби қуриб битган, лабларининг қони қочган, ҳоргин кузларини чала юмганча, курсисида гавдасини тик тутиб ўтирган кекса депутат на илтифот, на бошқа нарса кўрсатадиган аҳволда эмасди. Аммо ноҳия мудири оёқ тираб туриб олгач, кузларини очмасдан нималарнидир тез-тез сўзлай бошлади. Айтаётган гапларини тушуниб бўлмагани учун ёнида ўтирган шаҳар ҳокими: «Депутат жаноблари марҳамат қилиб айтдиларки...», — дея бошлаб, унинг сўзларини таржима қилишга уринди. Шаҳар ҳокимининг бўйни буқанини сингари йўғон, овози газеталарда расмла-ри босилган опера тенорлариники каби йўғон ва оҳангдор эди, яхшигина ваъз айтадиган имом-хатиб бўлгани шундан ҳам маълум. Бироқ депутат, бошига тушган балодан қўрққани ва уялгани учун, таржима қилишга арзигилук бирон гап айта олмади. Фақат бунга ухшаш ишларга масъул идоралар қарор бериши мумкинлиги тўғрисида бир неча калима айтди-ю, жим бўлди.

<sup>1</sup> Қаймақом — туманинг энг катта раҳбари.

Мени кўргач, жим қолган йигит ёлғиз эмас. Орқасида турган бир туда ҳамқишлоқларининг йўлбошчиси ва сузамоли эканлиги куриниб турибди. Асабий бир гожлик билан яна ноҳия мудирига ёпишди:

— Модомики, жандармларингиздан фойда йўқ экан, телефон ишламаётган экан, бирор жойдан шошилинч ёрдам келмас экан, яъни ҳукуматнинг қул-оёғи боғлиқ экан, ўзимиз чора топишимиш керак. Бола-чақамизни яна бир марта бу ваҳшийларга ем қилдириб қўймаймиз... Ов милтифи, тунғиз үқи, кетмон, белкуракка ухшаган нарсаларни топамиз, албатта... Лекин бир қанчамиз яна тупроқقا, бир нечтамиш Бузова судига тушамиз... Нима ҳам дердик, пешонага шу ёзилган экан...

Энди рупарасидагиларга айтадиган гапи қолмагандек, шерикларига ўгирилиб: «Ё айтганларим нотўғрими, оғайнилар?» — деди. Уларнинг бир нечтаси азбаройи хафалигидан йифлаётган эди... Биттаси: «Энди бизда гуноҳ йўқ!» — деб бақирди ва бирдан барчаси эшик томонга юрмоқчи булишди.

Шўрлик ноҳия мудири бу гал қишлоқ оқсоқолини кўмакка чақириди:

— Хой Вали Човуш, сен қишлоғимизнинг улугисан... Давлат нима, қонун нима эканини яхши биласан... Бу каллаварам болаларга бир нарса десанг-чи...

Бу ерда оқсоқолнинг обруси катта экани аниқ. Мудир: «Давлат нима, қонун нима эканини яхши биласан...» — деганида узун, қиррадор ва қуруқ бурнининг чутир катакларини кериб, сал кулимсираб қўйган эди. Энди бўлса, чўккан чаккалари ва қисиқ кузларига ҳам табассум юргурди. Бўйини ён томонга буриб, сўзлай бошлади:

— Гапим утса, гапирай. Қани, йигитлар, уй-уйингизга тарқалинг, бола-чақангиз билан bemalol дамингизни олинг... Агар кечагидай бирон босқин содир бўлса, мудирбей, албатта, бирон чора топар...

Усмон яна шерикларига ўгирилиб:

— Шундай қилсақмикан, болалар, — деди. — Бўпти, кўрамиз, хайр, бейлар...

Ҳамқишлоқлар сардорининг орқасига тушиб, бирин-кетин эшик томонга йўналишиди.

Ноҳия мудирининг пастки жағи билан ўмров суюги орасида иккита томир бўртиб чиқди. Ҳадеб тушиб кетаётган шимини ҳам эсдан чиқариб, стол ортида ўтирган ҳайъатга икки қўлинин пахса қилди ва бақирди:

— Бейлар, вилоятнинг катталарисиз... Вазиятни ўзингиз кўриб турибсиз... Сиз ҳам шу йигитларга бир нарса дессангиз бўлмайдими?.. Бехосдан бир нарса қилиб қўйиб, ўзларини ҳам, мени ҳам ўтга ташлашади...

Бу умидсиз даъватга фақат мактаб мудиридан жавоб қайтди:

— Тўхтанглар йигитлар... Сизларга ҳам, болаларингизга ҳам яхшими, ёмонми, хизматим сингган... Жиндай сабр қилинглар... Балки, телефон ишлаб қолгандир... Мен ҳам бир уннаб кўрай: қаймақомни топишга уриниб кўрай. Ёки бўлмаса, бир отлиқни жўнаталийик... Бир—икки соатга қолмай...

Усмон киноя қилиб:

— Бўлади, бўлади, сиз нимани лозим топсангиз, қила-веринг... Бизга рухсат беринг. Бола-чақамиз кечки овқатни емай бизларни кутиб ўтиришибди, — деди.

Шу чоғда мен гапга аралащдим. Ноҳия мудирига дедим:

— Балки бунақа кичик ҳодисаларга бу гап тўғри келмас, лекин осойишталикни сақлаш ишига жандармнинг кучи етмаган чоғда вазифа аскарнинг зиммасига тушади. Агар, рухсат берсангиз, мен қўлингиздаги иккита жандарм билан йўлтўсарлик қилинган жойга қидирувга борай. Агар, истаса, Усмон дўстимиз менга йўл кўрсатсан.

Менга тикилиб турган Усмоннинг кўзларига кўзим тушди. Шу заҳоти бир-биримизни сўзсиз тушундик. У тўпиқларини бир-бирига уриб, менга яна аскарий салом берди:

— Амрингизга мунтазирмиз, Бей... Хоҳласангиз, барчамиз хизматга шаймиз! — деди.

Шерилари ҳам бирданига Усмонга тақлид этиб салом беришди ва ҳаяжон аралаш: «Амрингизга ҳозирмиз, қўмон-доним!» — деб ҳайқирипди.

Бу жўшқинлик ноҳия мудирининг миясини бутунлай ғовлатиб юборди. Бояқиш таклиф этган нарсамни ногаҳон ўртага чиққан, кимлиги номаълум тасодифий бир ҳарбийнинг раҳбарлигига рўй бериши мумкин бўлган ҳаракат деб ўйлаб, оқибати не бўлишини билмай, довдираф қолди:

— Икки нафар жандарм, ғайрирасмий ҳарбий, аскар бұлмаган қишлоқдиклар... Бундай ғайриқонуний бир қисмнинг ҳаракат бошлашига қанақасига рухсат беришім мүмкін, афандим? Худо күрсатмасин, ўтган йилгига ўхшаш гавро чиқса, тагидан қандай чиқаман, афандим... Масъулият менда бўлса... Ҳисоб берадиган мен бўлсам... Натижада менинг думимни туғишида-ку, афандим, — дея бақириб юборди ва стол ортида ўтирган аркондан ёрдам кутди.

Улардан ҳеч бири оғиз очиш ниятида эмасди. Депутат қуруқшаган мумиёга ўхшаш гавдасини стулда тик тутган холда мудрар, унда юзига пашша қўнган кишидай, орасира қошлиари ва оғзини ўйнатиб қўйищдан бошқа ҳаёт асари кўринмасди. Шаҳар ҳокими йўлтўарлардан қандай асраб қолганига ҳайрон бўлганим кумуш соатининг занжирини ўйнаганча, қовогиии уюб ўтиради. Наригилари бўлса нималарнидир гулдираб, қўлларини силкиб қўйишарди.

Фақат кекса оқсоқол бурун остидан масхараомуз сирли табассум қилиб:

— Фалати гап бўлди-ку!.. — деди. Сўнг савол ташлади: — Бу мамлакатда аскар бўлмаган борми узи?

Муродбей ўтирган жойида самовардак қайнаб-тошаётганини сезиб турадим. Бирданига у Муродбейдан ўша қадимги Дали Муродга айланди:

— Азизларим... Фараз қиласын, кассозлар шу дақиқада қаҳвахона эшигидан бостириб киришди... Қонуний мудофаа ташкилотимиз йўқ дея, қўлларимизни қовуштириб ўтирган бўлармилик? — дея бақира кетди.

Чегарадан чиқиб кетиб, ишни бутунлай бузиб қўйишидан чўчиб, гапни оғзидан олдим, буйруқ беришга одатланган овозда:

— Бу ерда қўрқадиган бир гап йўқ... Мен фақат иккита жандарм билан касал ётган қўмондон ўрнига йўлга чиқаман, атрофни кўздан кечириб келаман, холос... Усмон дўстимиз бўлса, бизга йўлбошловчилик қиласи... Бор-йўғи шу... Бошқаларнинг беҳаловат бўлишининг ҳожати йўқ, — дедим.

Боякиш мудир яна бир марта:

— Масъул киши сифатида мен айтадиганимни айтдим, — деб қўйди.

Муродбей: «Тушунмадим, Мудирбей... Яъни ҳеч нарса қилмай бақрайиб ўтирилсинми?», — дея маккорона савол берди.

Бечора мудир қаттиқ талвасага тушиб: «Ол-а... Ол-а...» — дея рад этганидан кейин, сув сўради, озгинасини ичиб, қолганига юзини ювди ва жим бўлди.

Усмон меҳрибонлик билан менга:

— Сен бир-икки ошам овқат еб олгин, — деди. — Мен уйга бориб, чоригимни олиб келай... Этик оёғимни сикяпти... Ўн дақиқа ўтмай, шу ерда бўламан...

Ўйидан олиб келадиган бир жуфт чориги не экани беш қўлдай маълум. Ҳамроҳларимиз биз қайтгунча шу ерда қоладиган, яъни қаҳвахонада тунайдиган булишди. Ажралишарканмиз, Муродбей мени қучоқлади ва аччиқ алам билан:

— Эҳ, қани энди Миллий кураш вактидагидай ёш бўлсайдим, — деди.

Чунтак фонарим учун сумкасидан икки дона эскирган батарея чиқарган Фарҳод, ҳозир бўзлаб юборадигандек, ҳазин товушда қулогимга пичирлади:

— Бундай қиласлигинг керак эди, оғажон, бундай қиласлигинг керак эди... Лекин эҳтиётсизлик қила қўрмада... — Қиёматта қадар бизни утга ташлама, оғажон...

Сўнгра: «Юрганингда бир оз энгалиб олгин, оғажон... Жуда новчасан. Худо сақласин, яна ўққа учиб ўтирма», — дея насиҳат бериб, мени кулдирди...

Усмон келтирган сомон ташийдиган аравада беш киши кетяпмиз. Маъқул тушмагани учун жандармлардан бирини охирги дақиқада қолдирган эдим. Усмоннинг тавсиясига кўра, ўрнига армиядан яқиндагина қайтиб келган, жасур тоғбегини олдим.

Усмоннинг чориқ дегани аравадаги сомон остига яшириб қўйилган бир нечта миљтиқ ва тўппонча экан. Бундан ташқари, саватда иккита граната ҳам бор...

Кишлоқдан чиққанимиздан кейин аравага яна тўрт йигит чиқди. Улар Усмоннинг дўстлари эди. Лекин мен бунга кўнмадим... Уларни ва аравани Толча деган огулда қолдирдрамиз, деб оёқ тираб олдим. Шуниси фалатики, йўлтўсарлик содир бўлган жойга яқин ва йўл ёқасида жойлашган бу огулда ҳеч ким воқеадан хабар топмаган ва уйқуни уриб

ётишарди. Қароқчиларнинг изини топсак, орқага қайтиб, уларни олиб кетишимизни айтиб, йигитларни қолдирдик. Тўрт киши ўнг томондаги сой қирғози бўйлаб пиёда кетдик.

Тўғрисини айтганда, бу ишдан бир натижа чиқишига унчалик ишонқирамаётган эдим. Қуйи Сазан қаҳвахонасида айтганимдек, автобусдагиларни шилган қароқчилар аллақачон жуфтакни ростлаб қолган бўлсалар керак. Усмон билан тоғбегининг дарҳол катта йўлдаги автобус томонга бориш ўрнига, атрофда изгишлари, сой қирғозидаги қамишлар орасида пусиб юришлари, ора-сира қулоқларини динг қилиб туришларини болаларнинг ўғри — полициячи ўйнига ўхшатиб, ўз-ўзимдан уялардим. Аммо ҳеч нарса демадим. Бу юриш мен учун фақат кечки сайдрай бир гап. Афсуски, ой етишмайди, холос. Тоғнинг йулга Қуйи Сазандан кўра яқинроқ бўлган бу томонини ой нурида томоша қилиш, албатта, зўр иш бўларди. Ёвуз бадкирдорларнинг тоғи бу чоғда шакли-шамойили мажҳул қоронғи уюмдан иборат бўлиб кўринарди, холос. Фақат тоғ тепасидаги қалъа деворларига ухшаш узун қоялик гира-шира ёруғ. Расмлари тарих китобларида берилган қадимий шаҳарларнинг баланд деворлар ортидаги тунги ҳаётини эслатадиган аллақандай ваҳимали ва сирли ёруғлик. Қурол туттган шерикларим теварак-атрофни тинглаб, ҳидлаб, диққат билан кузатиб, ўйинларида давом этаркан, мен шаҳарнинг бир-бирига туташиб кетган бундай тор ва эгри-буғри кўчалари орасида машъалалар билан ёритилган майдонлари, бозорлари, ибодатхоналари, гаройиб кийинган одамларини тасаввур этиб вақт утказаётган эдим.

Анча юрганимиздан сўнг қамишзор ичида туриб, талон-торож қилинган автобус кўланкасига кўзимиз тушди ва йулга чиқдик. Айтишганидай, машина тош уюмлари билан тўсилган йулда турарди.

Моторни ут олдириб кўрдим, ҳаммаси жойида. Фиддираклар ҳам бус-бутун... Тоғбени йулнинг бир оз нарироғида овқат қолдиқларини топди ва яна қамишзорга кирди. Қулидаги электр фонари бир неча дақиқа гоҳ, у, гоҳ, бу ерда ёниб-ўчганини кўриб турардик. Ниҳоят, бизни чақириди.

Қирғоққа яқин нам тупроқ устида пайхон этилган қамиш ва оёқ излари бор эди. Шерикларим бу изларга катта аҳамият бериб, «йүлтүсарлар нариги қирғоққа ўтиб кетишиг», дея хуолоса чиқаришди. Шундай экан, бу ишни Юқори Сазанликлардан бошқа ким ҳам қиласади, ахир? Лекин бу зим-зиё кечада нима ҳам қилишимиз мумкин? Агар, қароқчилар ҳақиқатдан ҳам Юқори Сазанликлар бўлса, улар аллақачон тоққа чиқиб кетган бўлсалар керак.

— Бей машина ҳайдашни билади. Автобус билан тўппаттўғри олдиндаги қишлоққа борайлик. Балки, ниманидир биладиган бирон кишини учратармиз, — деди Усмон.

Тоғбеги бу қишлоқдагилар ҳам толчаликлар сингари ухлаб қолганига амин эди. У автобусда илгарига эмас, орқага, Қуий Сазангга қайтишни, тонгни кутишни таклиф қилди. Лекин шунча шовқин кўтариб йўлга чиққандан кейин икки қўлимизни бурнимизга тиқиб қайтишни Усмон шармандалик деб топди. Қуий Сазан майдонида бизни, ҳожиларнинг ҳаждан қайтишини кутгандек, кутаётган одамлар икки қўлимизни бурнимизга тиқиб қайтганимизни кўриб, не дейиши мумкинлигини ўйлаб, фифони фалакка чиқди.

Бу вазиятда менинг бир гап айтишим ноўрин бўлар эди. Уларни ўз ҳолига қўйиб, секин юра бошладим. Кўзларим қороиги кечада гира-шира кўринаётган Юқори Сазан қояларида. Худди шу лаҳзада мен ҳам бир нарсани кўриб қолдим. Тоғ этагида, худди ер бағридан отилиб чиққандай, бир олов гуриллаб ёниб, бир лаҳзага катта қоялар юзини ёритиб, сўнган эди. Шерикларимни ёнимга чақирдим, келишиди... Бир оз кутиб турдик. Кўзимга сароб кўринганига ишониб, эндиғина орқага қайтишга чоғланган ҳам эдикки, ўша жойда олов яна-да кучлироқ гуриллади ва бу сафар олдингисидан кўра узокроқ давом этди.

Оловни кўрган ҳар учала шеригим яна ҳаяжонга тушди. Уларнинг айтишига қараганда, у ерда кўпдан бери ташландик ётган тошўчоқ бор экан ва қароқчилар ўша ерда экани аниқ.

— Биронта чўпон ўт ёққан бўлиши ҳам мумкин, — демидим.

— У ерда чўпонга бало борми? — дея бақиришди улар. — Юқори Сазандагилар у ерларга чўпонни яқинлаштиришармиди?

Гулханни бир чўпон ёқсан бўлса-да, бориб кўриш даркор. Чунки бу соатларда бошқа қиласиган ишимиз қолмаган эди...

Усмон:

— Вақтни бой бермай, у ерга етиб боришимиз керак, — деди, бошқалар ҳам уни қувватлашди. Гарчи ҳеч нарса демаган бўлсам-да, мен ҳам бу ишга тайёрман. Агар гулханни бир чўпон ёқсан бўлиб чиқса ҳам, нариги соҳилга ўтишдан, тоғ этакларида бир оз юришдан ҳеч нарса йўқотмайдиган фақат менман. Бироқ бу ишни қандай қилишимиз керак? Дарёнинг шарқираб, жуда қаттиқ, оқаётган хавфли жойида турардик. Тоғбеки олдинроқда бузук сув тегирмони, тегирмон ёнида сол борлигини айтди. Қамишзор оралаб югурга бошлидик. Анча чопганимиздан сунг, шерикларим умидсизликка тушишди. Тегирмон қанчалик узоқда эканини аниқ айтиш қийин эди. Боз устига икки қишлоқ душманга айланиб, чегара ёпилганидан кейин сол ўз жойида турганмикан?

Усмон:

— Дарё буйимиздан ошмаса керак... Ечиниб, кечиб утсак бўлмайдими? — деди.

Жандарм билан тоғбеки дарҳол рози булишди. Уларнинг бу ҳаяжони ва дадиллиги менга куч берди. Мактабдан қочган болалар янглиғ, тезда ечиндик. Қуролларимизни кийимларимизга ўраб, бўғчалаб, елкамизга боғладик. Ундан кейин биргалашиб бир ёш толни илдизи билан қўпордик, шохларини синдириб улоқтиридик ва ходани қўли-мизга олдик. Мен энг олдинда, қўл ушлашиб, дарёга тушдик. Дарёнинг соҳилга яқин жойи биз ўйлаганчалик чуқур эмас экан. Дарё ўртасига яқинлашганимизда сув тиззамизга, сўнг белимизга чиқди. Бу ҳам етмагандай, дарё шиддат билан оқар эди. Бундан орамизда бўйи энг паст бўлган жандарм энг кўп азият чекди. Хурӯн<sup>1</sup> уйнаётганга ўхшаб, қўл ушлашиб оқим билан олишарканмиз ва бир-биримизга кўмаклашарканмиз, шўрликнинг боғлаб буйнига осиб олган этиклари сувга тушиб кетди. Вой-войлаб этикни тутиб олишга уринар экан, оёғи тойди. Охири бир бало қилиб, уни ҳам, этигини ҳам қутқариб, нариги соҳилга ўтдик.

<sup>1</sup> Хурӯн — Туркияning Шарқий Қора дengiz минтақасида камон чалиб ўйналадиган халқ уйини.

\* \* \*

Гулхан ёнган жой, дастлаб кеча қоронфисида менга күринганидай, яқин эмас экан. Боз устига хийла юқорида. Йул, сўқмоқ каби бир нарса йўқлиги учун, тусмоллаб кетяпмиз. Тоғбеги бу ерларни яхши билар экан. Бунинг устига, Эйридирида аскарлик чофида тоғ таълими олгани учун кунимизга яради.

Гулхан ора-сира кўздан йўқолар, шунда йўлдан адашиб, қаёққа юриш кераклигини билмай қолар эдик. Лекин олов кўп ўтмай яна кўринарди. Нуқул намозгоҳ меҳробига ўҳшаган айни қояни ёритаётганига қараганда, гўё олдимизда юриб кетаётгандек туюларди. Мен эртаклардаги кечаси йўлдан адашган йўловчиларни қочиб қутуолмайдиган жойга алдаб олиб кетаётган ажина олови янглиғ төвда бундай соxта манзаралар кўриниб туришини кўпдан биламан.

Бир тепаликка зўр-базўр тиришиб-тирмашиб чиққан ҳам эдикки, қаршимизда чуқур жарга дуч келдик. Қоронфида жарга тушиб, яна иккинчи марта тоққа тирмашишимиз лозим. Зотан, йўлимизни узоклаштирган, гулханни ўрнини ўзгартираётгандек кўрсатган ҳам шу эди. Тоғ анча нурагани учун тушиш чиқишидан ҳам хийла мушкул бўлаётган эди. Осилан тоғ қиррасининг кўчиб кетмаслиги, оёқ боссан еrimизнинг биз билан баробар кўчиб кетмаслигига амин бўломмасдик. Вақти-вақти билан олдимиздан девордек лоп этиб чиқиб қолаётган силлиқ қоялар энг кўп азият берар эди. Гоҳ-гоҳ Фарҳоднинг электр фонарини ёқиб қараганимда қоялар орасида катта ёриқларни кўрадим. Бу ёриқлардан бирига муралаб, ичини тоғ чирмовуқлари ўрмондай босиб кетганини кўрдик. Тоғбеги овоз берганида ёриқ ичидагимдир яшириниб утиргандай, акс-садо берди, бошимизнинг устидан гала-гала фалати қушлар чағир-чугур қилиб учиб утди. Бу қояларга тирмашмоқ хийла мушкул бўлди, чунки арқон, илгак ва шу каби нарсаларимиз йўқ эди. Биз сал олдинроқ дарёдан кечиб утаётганимизда қилганимиздек, бир-биримизнинг елкалармиз, бошларимизни нарвон қилиб, занжир ҳосил қилиб, юқорига чиқдик.

Бир жойда жандармнинг паканалиги яна панд берди, тик қоянинг учоқ мурисига ухшаш ёриfiga чиқиш учун худ-

ди цирк акробатига ўхшаб ҳаракат қилишимга тұғри келди. Бу ерга чиқиши мен учун ҳам, Усмон ва тоғбеки учун ҳам чүт әмасди. Бироқ жандармнинг бўйи етмагани учун узи бу ишни уddyалай олмади. Мен юқорида этигимни ечдим, яланг оёқларимни, акробатлар сингари, тоғнинг мустаҳкам қиррасига илиб, тепадан пастга осилдим. Бундан ташқари, Усмон ҳам тиззаларини керганча, болдиrlаримдан қаттиқ ушлаб олди. Пастда тоғбекининг елкасига чиқиб турган жандармни қўлтиғидан ушлаб, юқорига торта бошладим. У менинг бошим ва елкаларимга ёпишиб, яланг оёқларини кериб, чеккадаги чуқурчаларга тираб, юқимни енгиллатишга ҳаракат қилди. Мен, бу вазиятда чангалида қўй кутариб кетмоқчи бўлган йиртқич қушга ўхшаган бўлсан керак. Бояқиши ҳар гал оёғини чуқурчадан олган вақтда оғирлашиб, мени пастга тортар, билакларим бирданига таҳликали равищда кучсизланар эди. Шунда қушимча куч ўрнида тишимни ишга солдим ва камзулининг елкасидан тишлаб олдим. Тишим елкасига ботди шекилли, шўрлик аянчли товушдавой-войлади.

Хуллас, жандарм хийла ҳолдан тойган эди. Аммо у файратли одам эди. Юқорида ўтириб олиб, бир ёқдан товонарини ишқалар, қонини артаркан, иккинчи ёқдан менга: «Айттайлик, меники-ку, бир касб, Жаноби Ҳақ менга шу ишдан ризқ берган... Лекин сен, бир йўловчи одам нега рожат-фаротингдан кечиб, биз билан бирга азоб тортиб юрибсан», — деб суради. Кейин омон қолсак Машали қаймақомига буларни айтиб бериб, утган йили берилмаган уч ойлик маошини бериш тўғрисида илтимос қилишимни ўтинди.

Бу кеча қилган юришимизни бошқа вақтлари қон ватерга ботмай амалга ошириб бўлмасди. Бироқ ҳозир сарфлаётган куч-файратимиз натижасида ҳўл кийим-бошимиз устимизда қуриётган эди.

Энди гулханга жуда яқинлашиб қолгандик. Мен бу чарчоқдан бирон натижа чиқишига ҳануз ишонмаётган эдим. Қароқчилар бунчалик яқин жойда тунаши ва боз устига гулхан ёқиб ўтириши мумкинми, ахир?! Фикримни Усмонга ҳам айтдим. У жўяли жавоб берди: «Улар давлат одамлари бемахалда бу ерларга оёқ босмаслигини билишади, — деди. — Боёнлар маза қилиб ётаверсин, биз тогда нима қилишни ўзимиз биламиз, дейишади».

Ниҳоят, йўлимиз охирига етди. Тошучоқнинг оғзида, пастдаги гулхан олови акси тушиб, бизга йўл кўрсатган қоянинг остидамиз. Ўчоқ ости кенг, усти тор бир ўнгирда жойлашган. Ўнгир ичидагилар ўз оёғи билан қопқонга тушган эдилар. Сон жиҳатидан биздан кўпроқ бўлсалар-да, уларни қўлга олиш қийин бўлмайди. Ўтган бир неча соат мобайнида шерикларимнинг қўлидан не иш келишини билиб олгандим. Усмон дуч келган одамни танламаганди. Тоғбеги ҳам, паст бўйли жандарм ҳам қатъиятли кишилар эди.

Хуллас, бу ерда шунчалик заҳматимизга яраша натижага эришиш имконимиз катта.

Ўнгирнинг деворларига тирмашиб юқорига чиқишининг ҳечам иложи йўқ. Қоронғиликка ўрганган кўзларим билан фақат қарши деворда бир чиқиш йўлини кўрдим. Биттамиз бу йўлни тўссак, иш битди.

Усмон:

— Булар қўлдан чиқмасдан бурун шерикларимизни ҳам бу ерга олиб келайлик, бей, — деди. — Яна бирон ишқал чиқиб утирмасин.

— Уларнинг ҳожати йўқ, Усмон, — дедим. — Тўрт томондан бир неча бор ҳуштак чалиб, осмонга бир-икки ўқ узсан, етарли бўлади. Қуршовга тушдик деб таслим бўладилар.

Бу ишни қон тўқмасдан битириш Усмонга маъқул тушмади. Ахир, чуқурда утирганлар тасодифий қароқчилар эмас, Юқори Сазанлик камлакесарлар эди-да... Нимадандир умид қилиб:

— Бу илонларни билиб бўлмайди-да, бей... Бир нечтаси ўлмагунча таслим бўлмайди бу каззоблар... Кўрасан ҳали! — деди.

— Бўлмаса сенинг гранатангни чуқурнинг бўшроқ жойига отамиз-кўяимиз, — дея ҳазиллашдим.

Усмон ўгирилиб, менга тикилди, нигоҳи қўрқулик эди. Ўйламасдан ҳазиллашиб, уни ножоиз ишга отлантириб қўйдими, дея шубҳаланиб қолдим. Бу вақтда бу ерда қилмоқчи бўлган ишимиз одатдаги таъқиб, ҳатто, қароқчи фавфоси эмасди. Бу ерда янада бешафқат ва беомон қон даъвоси фавфоси ўртага тушган эди. Қуий Сазандан Толчага борарканмиз, Усмоннинг ўтган йиллардаги урушларни, ўзидан икки ёш катта акасини Юқори Сазанликлар ўлдирга-

нини оқариб-бўзариб ҳикоя қилганини, шунда қўллари мушт бўлиб тугилганини эсладим. Ҳозир Усмоннинг юзи яна ўшандай бўзарганди. Сўнгра Бўзова суд залида расмини чизган ўша зада одамларнинг юз-кўзлари кўз олдимдан ўтди. Бу одамлар бунаقا қулай фурсатни бой бермаслиги турган гап.

Болалигимдан буён қисмат мени рўпара қилган алғовдалғовли вазиятларда: «Нечун? Кимга қарши?» — деб ўйлаб ҳам утирмай, ҳақиқат доимо мен томонда эканига заррача шубҳа қилмай урушдим. Факат бу гал у ҳеч бир сабабсиз чаққонлик қилмоқчи бўларкан, бир хун даъвосига аралашни ўтакетган жирканч жиноят деб билиб, биринчи марта қон тўкишдан жиркандим.

— Усмон, белингдаги гранатани менга бер...

Усмоннинг қишлоқ йигитларига хос бир оз олдинги очиқ ва мулоийм чеҳрасидан асар ҳам қолмаган. Тишлари оғзидаги суюкни қизғаниб ириллаётган кўпракники сингари иржайганди, хириллар эди.

Бироқ менинг асабим униқидан камроқ таранглашманди. Билагидан ушлаб, босик, лекин сўзсиз итоат истаган қатъий товушда:

— Гранатани қўмондонингга бер! — дедим.

Ҳа, бу сўзсиз итоат этилиши лозим бўлган амр эди. Усмон бўлса аскар эди. Усмоннинг ҳовучимдаги билагидагина эмас, бутун вужудида бир замбарак бўшаганини ҳис қилдим. Фиқ этмасдан менга гранатани берди, қучоқлашиб, ўпишдик.

Қиладиган ишимиз жуда оддий. Усмон билан иковимиз, ҳар эҳтимолга қарши, эмаклай-эмаклай ўнгир бошига бориб, пастдаги вазиятни яхшилаб кўриб олиш учун оловнинг баландлашини кутишимиз лозим... Тоғбеги бир оз олдинда, жандарм бўлса чуқурдан чиқиш оғзида мендан буйруқ кутиб туришлари керак.

Ўнгир ости анча қоронғи бўлгани сабабли турган жойимиздан сўник қўр ва қимирилаётган кўланкалардан бошқа нарса кўролмайтган эдик. Бундан ташқари ора-сира бола йиғисига ухшаш ғалати товуш эшитиларди. Мен яна шубҳаланиб:

— Усмон, булар кўчманчилар ёки лўлилар бўлмасин яна? — деб сўрадим.

— Йўғ-эй, бей, унақа кишилар нима қиласди бу ерда?

— Соялар менга болаларни кига ўхшаб туюляпти.

Усмон: «Қоронғида шундай қуринади», — деган бўлса-да, таажжубга тушган эди.

Ниҳоят, гулханга яна қуруқ шоҳ-шабба, ўтин ташлашди шекилли, бирданига сариқ олов гуриллади. Шунда гулхан теварагида бир нечта бола айланиб юрганини, бошқалари у ер-бу ерда кучуклар сингари ғужанак бўлиб ётганини яққол кўрдик. Усмон улар орасида катталар ҳам бўлса керак, деб ўйлаётган эди. Мен унинг гапига қулоқ солиб ўтирамай, ўрнимдан туриб, Усмонга: «Сен бир ҳовуч тош тер... Уларнинг диққатини у ёққа торт!» — дедим ва қоянинг қуладай қуринган жойидан астагина пастга туша бошладим... Ўнгирдагилар ҳақиқатан ҳам болалар экан. Яқинлашгунга қадар мени сезишмади. Лекин гулхан ёруғида улкан бир кўланкани куриб, бирдан бақириб юборишиди. Уйқудагилар уйфонди. Чинқиришиб у ёқдан бу ёққа югурга бошлашди, бир-бирига қоқилиб, ерга ағанащади.

Фарҳоднинг электр фонарини ишлатиш вақти келганди. Фонар нурини у ёқдан бу ёққа югуртиарканман, болалардан бирининг хатти-ҳаракати диққатимни тортди ва фонар нурини унга қаратиб туравердим. Унинг хатти-ҳаракатлари худди катталарни кидек тартибли, режали... Каттакон тош тахта тагига қўл узатиб, узун милтиқни олди, сўнгра оёққа туриб милтиқни менга тўғрилади. Ҳаракатлари шунчалик қатъий ва аниқ эдикি, ҳеч шубҳасиз, ўт очмоқчи. Мен унинг шундоққина ёнига келиб улгургандим. Бир сакрашда қўлидан ушладим. Катта одамлардек қаттиқ сўкиниб, қўлимни тишлашга уринди, уддалай олмагач, бошига тушадиган мушт зарбасидан ерга йиқилишини кутиб, елкаларини қисди. Мен унинг жагидан тутиб, юзини юзимга қаратдим ва яна фонарни ёқдим. Бу қорамагиз юзини чўтириб босган ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги ўспирин эди. Фонарнинг кучли нури остида қисилган кўзлари билан юзимга қўрқмай қарашга журъат қилгани мени ҳайратга солган эди. Қўлларим ичиди вужуди қалт-қалт тит-раётган бўлса-да, юз-кўзи, тирик қўлга тушган йиртқич сингари, маъносиз эди.

— Уялмадингми? — деб сурадим. Ваҳоланки, аслида эгнимда форма, қўлимда тўппонча, балки бошқа томондан

Жум бұлар дея, орқамдаги тошга елка тираб турған ҳолда уялиши керак бұлған, умримда ҳеч қачон бошимга тушмалған тарзда уялған менинг үзім здим. Ҳатто, балки, шу уялиш түйгесі сабабли ана шундай ўринсиз савол берған бўлсам керак.

Ўсмир жавоб бермагач, бошқа нарсалар сурай бошлидим. Бошини ён томонга буриб, жим тураверди. Энди мен-га қарамасди. Унинг бу қилиғи менга Бузова суд залида судяларни күришни истамагани учун ҳаммаси ёппасига ташқаридағи қуёшга боққан одамларни эслатди. Сўзлашга мажбур қилиш учун қаттиқ сиқувга олганим билан бу гавда ғужанак булиши, инграши мумкин, аммо бу бош айни нафрат ва ужарлик билан фиқ этмай тураверади.

Бизга йўл қўрсатган гулхан оловида эчки гўштидан кабоб пиширишаётган экан. Бу эчки Машали йулида таланган автобус йоловчиларидан бириники эди. Гулхан атрофида суюқ, нон ва бошқа овқат қолдиқлари сочилиб ётибди. Ниқобли қароқчилар тудаси бу ерда ўзларига мўл-кўл зиёфат ташкил қилган. Эчкининг қолган гўшти каттакон сихда пишмоқда, гўштнинг ёғи пастдаги шох-шабба қури кули устига томчилаб жизиллайди, оловни алангалатади. Чоп-чоп, бақир-чақир тўхтаган. Фақат ўнгирнинг форга ухшаш тешикларидан биридан юқорида эшитилган бола йифиси чиқмоқда. Қоронгида у ер-бу ерда мушукникига ухшаш кўзлар ёниб кўринади. Фонарни атрофга айлантиредим. Унинг хира нури ичида жулдур кийингган, ярим яланғоч, катта-кичик болаларнинг кўланкаси кўзга ташланди. Қароқчилар автобусдаги йоловчиларнинг, депутатнинг камзулини, шаҳар ҳокимининг шимини енг ва почаларини шимариб кийиб олганларини қуриб ҳайратга тушдим.

Қароқчиларнинг бир нечтаси йўлақдан қочишга уннаб кўрган, аммо жандармнинг ёнар чироғидан курқиб, орқага қайтган эди.

Улар аста-аста яқинлашар, худди таслим бўлған катта кишилар сингари қўлларини кўтариб келишарди. Олдинда қўлимда ушлаб турған ўспиринга тенгқур каттароқ ўсмир. Лекин унинг бўйи бир оз пастроқ, жуссаси кичикроқ. Фонарни юзига яқинлаштиредим. Қизғиши соchlари остидаги пешонаси туртиб чиққан, кўк кўзлари бир-бирига

яқын, бурни сұлақмондай, юзи чорпахил, лаблари қүённікіга үхшайды. Тиртиқ юқори лаби уни қулаёттандек қилиб күрсатади. Тұданинг иккінчи кишиси экани күринишидан маълум бўлиб турибди. Бироқ у шериги сингари ёввойи эмас. Ҳатто, күринишидан мутлақо аксинча, суллоҳ ва хушомадгўйга үхшайды. Тиз чўкиб этикларимни упди, кейин ҳар бир саволимга аниқ ва тўғри жавоб бера бошлади. Керак гапларни билиб олгач, йиғлаёттган бола кимлигини сурадим. «Бажақ» деди. Тўдадаги энг кичкина бола бўлгани учун уни «Бажақ»<sup>1</sup> деб чақиришаркан. Бугун бир оёғи ёрилган, шунинг учун йиғлаёттган экан.

Кўп ўтмай Усмон билан тогбеги ҳам пастга тушишди. Тогбеги соқчилик қилаёттган жандарм каби, чироғини ёқсанни учун атроф анча ёришган эди. Болалар янги келганлардан қўрқиб, мендан паноҳ излагандай битта-битта орқамга ўтиб олишганди.

Умидлари чиппакка чиққан Усмон ҳам, тогбеги ҳам болаларга ачиниб қараб туришарди. Бир оздан кейин тогбеги орқамда ва соямда турган қароқчиларнинг бошлифини кўриш учун чироғини кўтарди ва уни таниб, бирданига қутурди. Қўрқинчли товушда:

— Ие, бу Муслим экан-ку! Вой кўппак-эй... Охири сени Оллоҳ қўлнимга туширди-ку!.. — деда бақирди.

Яна бақирмоқчи эди, лекин оғзи очиқ бўлса-да, бўғзидан ҳайвонникига үхашаш хириллашдан бошқа нарса чиқмади. Қўлидаги билакдай йўғон фонарни чақмоқдай шиддат билан тепага кутарганини кўриб қолдим. Бир зумда боланинг боши мажақланган ва бу, баъзи қотилларнинг судда «қандай бўлганини билмай қолдим» деда терговчиларни кулдирадиган, ҳақиқатан ҳам файришуурий равишда қилингандай бир жиноят бўлган бўлур эди... Мен ҳам шулаҳзада нима қилганимни ҳақиқатан ҳам билмайман... Тогбегининг қўли бирданига бўшашиб пастга тушди. Унга қаттиқ товушда:

— Бундай қилакўрма, биродар! — дедим.

Юзини кўрмаган бўлса-да, бу боланинг исми Усмонда ҳам худди шундай ғазаб уйғотган эди. Бироқ у ўзини жиловлаб турарди. Жаҳд билан менга:

<sup>1</sup> Бажақ — оёқ.

— Нега ушлаб қолдинг, ўлдирсин! — деди. — Болалари шундай бўлса, катталари нелар қилмайди буларнинг?! Қаранг, беш-унта чурвақа шундоққина бурнимизнинг тагида талончилик қилди, ор-номусимизни поймол этди... Ўзинг ўйлаб кўр, Бей... Ҳозир кап-катта вилоят йўлида қатнов тухтаб қолди-ку, ахир! Балки телефонлар ишлаб, тўрт тарафдан жандарм қисмлари келаётгандир ҳам... Балки Бўзова волийини уйқудан уйғотишгандир... Анқара ва Истанбул газеталарига телеграммалар кетаётган бўлса керак... Воҳ, бу мамлакатнинг шўрига шўрва тўкилсин...

Усмон қўллари билан юзини бекитиб, ерга чуқди. Энди ўзини бир оз қўлга овлолган тоғбеги гапира кетди:

— Бизга қўйиб бер, Бей... Шу ерда бир гулхан ёқайлик, бу илонваччаларнинг ҳаммасини ўтга отайлик... Ҳукумат бизни нима қилса қилсин. Балки осар... Аммо булар учун на Оллоҳ, на пайғамбар биздан ҳисоб сурамайди... Савоби ҳаж савобидан ҳам зиёдароқ бўлади.

Тоғбенинг фонари юқорига кўтарилган лаҳзада яланг-оёқ, болалар ҳуркитилган товуқлардек тумтарақай бўлиб, йиртиқ, жулдур кийимларини ҳилпиратиб, атрофимизда чопишган, сўнгра яна менинг орқамга яширинишган эди.

Тоғбеги уларни ўтга ташлаш кераклигини айтиб, қасам ичаркан, тўданинг каттароқ болалари бунинг шунчаки бир лоф эканини тушунган эдилар. Кичкиналари эса буни рост деб уйлашди. Улар кампирлар сингари ерга чўнқайиб, бошларини қўллари орасига олганча бақиришга журъат этолмай, афтини кулгили буриштириб, беҳуда йиғлай бошлашди. Сочи қайчида йул-йўл қилиб олинган, юзи жуда кериккан бир бола ҳуштак чалмоқчи бўлгандек, бир қўлининг бармоқлари билан лабларини тимдалади, бошини чайқади, ўзини тутолмай сийиб юборди.

Мен ҳам Усмон ва тоғбегига таъна қилдим:

— Қаранг, қўшинимиз, жандармамиз, қуролли кучларимиз, милити гранаталаримиз билан бир қароқчи тўдасини қўлга олдик, — дедим. — Фахрлансак арзийди! Лекин булар бизнинг асиrlаримиздир. Асирга тегилмайди. Уларни тўдаси билан давлатта топширамиз. Осадими ёки, тоғбеги ошнамиз айттанидай, ўтта ташлайдими, бу фақат давлатнинг иши!

Тоғбеги талмовсираб менга бокди. Усмон эса нима демокчи бўлганимни анлагаган эди.

— Айбга буюрма, Бей... Бу Юқори Сазан бизни одам-гарчилиқдан чиқарди, — дея узр суради.

Усмон софдил йигит. Қуйи Сазандаги энг қадимий ва энг обрули хонадоннинг фарзанди. Боз устига Бўзовада урта мактабда таҳсил олган.

\* \* \*

Чироқ кўтарган жандармни ҳам ёнимизга чақирдик. Қароқчиларнинг ҳаммасини унга топширишимиз лозим.

У автобусдан олиб келинган ва ҳали оғзи ечилмаган иккита катта қопга қараб:

— Шуларнинг ипини ечиб олиб, бу ҳайвонларни иккитадан қилиб қўлларидан боғлайлик, — деди.

Усмон бу гал менинг бир оз аввалги таъбиirimни қўллаб, жандармга:

— Қанийди кишан олиб келган бўлсанг, — деди.

Жандарм бир оз хижолат бўлиб деди:

— Қўйсанг-чи, қочиб кетмасинлар деяяпман, қоронғида эчки сингари ўзларини у ёқ, бу ёққа урсалар, уларни қандай тутамиз?

Оёғи жароҳатланган бола гоҳ-гоҳ бақириб-чақириб йифлаб қўяди. Лекин энди биз бунга ўрганиб қолгандик... Шерикларимдан айрилиб, у ўтирган томонга йўналадим. Орқамдан кимнингдир елкама-елка келаётганини сездим. Ўгирилдим: бу Муслим эди. Ҳануз қулидан тортиб кетаётгандек, мендан ажралишни истамаётган эди. Не сабабдан? Нариги шерикларим ёнида ёлғиз қолищдан қўрқаётганими? Бундай бўлмаса керак. Чунки тоғбеги фонарини кўтарган пайтда нима қилганим уччалик ёдимда йўқ. Аммо қўлларим билан унинг бошини пана қиларканман, у қилт этмаганини сезганимни, ҳеч унутмайман. Бошига тушадиган ёнартаёқни тақдирнинг олдини олиб бўлмайдиган хукми каби кутиб турарди. Ўтган йилларда қароқчилар бўлган ва исёnlар чиқиб турган алғовдалғовли жойларда айрим ярим ваҳший қабила ва уруғ болалари қандай отилганликлари ёдимда. Кўкракларига тираган милтиқларга, билмайман қандай тарбия ва угитлар таъсири остида, худди шундай итоаткорлик билан қараб тура-веришар, отилгач эса купинча ерга йиқилиб шарманда бўлги-

си келмагандай, тиззалаң қолишар ва шу вазиятда, дуо үқиётгандай, үтирган ҳолда жон беришарди.

Сал олдинроқ менга қурол күтарган бу болани эргаштириш, билмайман, негадир, менда ҳузн аралаш фуур туйғусини үйғотган эди. Бироқ бу бола ҳануз мендан хафа, мени душман деб билади. Автобусдан олинган күрпача устидан ётган боланинг ярасини күйлагимдан йиртиб олган бир парча латта билан боғлаётганимда фақат уни гапиртириш мақсадида берган бир нечта саволимга яна жавоб бермади.

\* \* \*

Энди түдани олдимизга солиб йўлга тушишдан бошқа иш қолмаган эди.

Автобусдан шилингган бир нечта қоп ва сават, майдучида ашёлар, йўловчиларнинг ҳамёнлари бир жойга уюлди. Лекин, аслида, түданинг қурол омбори бизни ҳайратга солган эди. Қоя қавагида жойлашған бу яширин омбордан ақл бовар қилмайдиган қуроллар: бир маузер, эски тўппончалар, иккита чопқи, битта қилич, ханжарлар, пичоқлар ва кўплаб патронлар чиқди... Ҳеч нарса сўрамаган булсакда, буларни бизга қуёндудоқ бола топширди. Унинг тахта қутидан бир граната чиқарганини кўрган заҳоти жандарм чинқироқ овозда: «Худо сақласин! Ҳой хумпар, уйнама буни!» — дея бақириб, боланинг қулига ёпишди ва гранатани ерга тушириб юборди. Бирданига барча бир оғиздан: «Дод!» — деб бақириб юборди ва кўп ўтмай болалар ҳам қўшилган ҳолда қаҳқаҳа ота бошлиди...

Иш жиiddийлашиб, қароқчи тұдаси дея эрмак қилған нарсадан ақл бовар қилмайдиган қўрқинчли ҳақиқат юзага чиқди: катталарни күлдирған ҳам шу, фожиа маълум чегарадан ўтгач, тангликни юзага келтирған ҳолат кунпаякун бўлади ва фақат шу чоғдагина инсонлар кулиши мумкин. Болаларнинг кулгиси келсак, уларнинг хурсандчилиги қўғирчоқ театрини томоша қилиб шодон кулган кичик болаларники сингари покиза, маъсумона ва масъуд бир хурсандчиликдир. Сал олдинроқ тоғбегининг ўтда ёқаман дея қилған таҳдиидидан қўрқиб, дир-дир қалтираган ва сийиб қўйған, кериккан юзи қошиқдай бола ҳам уларга қушилиб

кулар ва севинар эди. Атрофимизни ўраб турган қояларда жаранглаб акс-садо берган ва яшаш завқи дейилган нарсанинг саси бўлган бола қаҳқаҳалари!..

Жандарм деди:

— Нимангизга куласизлар, хумпарлар?! Нимангизга куласизлар? Шу афтода ҳолингизгами? Ёки бир оздан кейин қуий Сазанда ейдиган калтак зиёфатигами?

На у, на Усмон билан тоғбеги, баъзан қишлоқда итлар жуда кўпайиб кеттанда бир саватта солиб, Куйи Сазан дарёсида ғарқ қилишга олиб борилган кучукларнинг бир-бири билан ўйнашиб, тишлашиб қиласидан шоду хуррамлигини англамаганлари сингари, болаларнинг хурсандчилигини ҳам тушунмас эдилар. Шу билан бирга бу уч кишининг ички дунёсида яширин бир нарсалар содир бўлаётган эди. Бир бора юрақдан кулганлари учун энди дийдалари бир оз юмшаган, илгариги заҳардан асар ҳам қолмаганди. Қолаверса, ахир улар ҳам ота эдилар-да! Ҳатто, шу даражага бориб етдики, Усмон бу ишни ҳазилга бурмоқчи бўлиб менга:

— Қўмондоним, рухсат берсангиз, шу қароқчиваччаларга бир қуролларини остириб кўрайлик, — деди.

Бир оз олдинроқ милтиқларни текшиаркан, иккитасининг ўқланганини кўрган ва яна бақириб-чақириб ичини бўшатган жандарм милтиқларни, майда-чуйда молларини ёйган вофуруш сингари, тош устига терган эди. Усмон қўлларини бир-бирига уриб, «Тайёрлан!» дея буйруқ бериб, болаларни сафга тизгач:

— Қани, хумпарлар... Шу қуролларни елкангизга осиб, ўзингизни бир қўрсатиб қўйларинг-чи... Тиззадан келмайдиган шу бўйингиз билан қанақасига бу тезакни едингиз...

Ё раббий, ҳаммаси бир лаҳзада унутилди қўйди. Болалар уруш-уруш ўйини ўйнаётгандек, мактаб ўқувчилари-дек қичқиришиб-чопишиб қурол томонга югуриши. Ҳар бири адашмай-нетмай ўз қуролини олгани мени ҳайратга солган эди. Улар худди ҳарбий таълим олганга ўхшарди. Катталари катта қуролларни олишди, жулдор кийимлари устидан патронташларни осишли. Кичикроқларининг қўлида чопқи, пичок, ҳеч бўлмаса, таёқ.

Тоғбеги орқамда қилт этмай турган Муслимга тишларини ёлғондакамига йиртқичдай иржайтириб:

— Хүш, сен нени кутиб турибсан? Ут тұданинг бошига! — деди.

Йүк! Бу Муслим учун үйин эмас, жиіддий иш! Орқамда елкаларимга ёпишгудек бўлиб туришидан мендан мадад кутаётганини ҳис қилиб туардим. Агар мажбур этилса, оёқланади ва юмшаган вазият яна барбод бўлади. Шу боис мен ўртага кирдим, қўмондонликни Муслимнинг ўринbosари ва тұданинг штаб бошлиғи ёхуд сиёсатчиси эканлиги аниқ бўлган қуёндудоққа топширдим. Белидаги арқонга араб ханжарига ўхшаш эски қиличини осган қуёндудоқ бунга тайёр ва ўзини кўрсата олишидан мамнун.

Жандарм ва тоғбеги қўлида тутган чироқлар нури остида олдимизда бир маросим қушини кўрикка саф тортди. Болалар зўр бериб ўзларини кўрсатишга тиришадилар, узларини қанчалик кўрсатишса, шу қадар ёмон бўлишини ўйламайдилар ҳам. Сал олдинроқ қўрқанидан сийиб қўйган, юзи кериккан бола ҳам шаҳдам қадам ташлаб, ўзини кўрсатиб қўйишига уринади.

Бошимни ўтирмастан, орқамда турган Муслимга астагина:

— Буларга яхши таълим берисан...Офарин, Муслим, — дедим.

Жавоб бермади. Лекин оҳиста энтикиб қўйишидан унинг ҳаяжонланганини, менга ёққанидан мамнун бўлганини сездим.

Кўрик асносида болаларнинг кўриниши ва жиіддийлиги-га қараб, бу масхарабозликка қотиб-қотиб кулдик. Усмон айтганидай, бу вақтда Бузова волийси балки туманлар билан телефонда гаплашаётган, телеграммалар жўнатаётган бўлиши мумкинлиги ҳам эсимиздан чиққанди.

Бироқ Усмон бу билан чекланиб қолмади, тергов бошлаб, болаларнинг автобусни қандай шилганини билиб олмоқчи бўлди. Болалар бундан ҳеч чўчимай, худди яхши иш қилаётгандек, қувониб, устидаги лахтакларни ечиб, бошларига ўраб тошлар ортига пана бўлишга шошдилар ва ўқсиз милтиқларини йўлга ўқталиб таҳдид қилдилар.

Ҳа, бу үйин анча дуруст, автобусдаги йўловчиларни, семиз шаҳар ҳокимининг кумуш занжирли соатини истисно қилганда, неси бўлса, қолдириб, қўлларини кўтарганча, орқага қарашга юраклари бетламай аста-аста Қуай Сазан

йўлига туширганликларига тан берадиган даражада ташкил этилган.

Ўйинда фақат йўл ўртасига қурол кўтариб чиққан бош ўйинчи қатнашмаётган эди, холос. Болалар, айниқса, кичиклари қилган ишларининг даҳшатини тушуниб етмагандар учун, кулганимизни куриб ғурурланаётган ва хурсанд бўлаётган эдилар. Ҳатто, жандармнинг: «Кулинг-а, кулинг, ҳали қўрамиз... Бошингизга нима келишини билсаларинг, кулмасдиларинг!» — дея вайсашини фақат бир таҳдид ва ҳазилга йўярдилар.

Бошқа томондан бўлса, тоғбеги худди ўзини шилишгандек, ғазаби қайнаб-тошиб дейди:

— Вой, итваччалар-эй... Агар ўша ерда бўлсам борми, ҳаммангизни оёғингиздан ушлаб, дарёга отардим.

Жандарм бу ердаги нарсаларни қандай ташиш кераклигини сўради.

Усмон:

— Бу кazzоблар қуролларни бу ерга хачирда олиб келишмаган-ку... Қандай келтиришган бўлса, шундай чиқаришади, — деди.

Тоғбеги бошқача таклиф киритди:

— Милтигу ханжарларини ҳозиргиdek осиб-тақиб чиқаверишсин... Қуий Сазангга шу кўринишда кириб боришсин... Одамлар бу кazzобларнинг кароматини бир куриб қўйишишсин...

Усмон:

— Одамлар уларни бу ҳолда кўрса, чаён эзгандек оёқ остида янчидан ташлашади-ку!.. Худо хоҳласа, униси ҳам бўлар, лекин ҳозир вақти эмас, — деди.

Бир чеккадан овоз бердим:

— Бу ерда бир кичкина тирмизак ётибди... Бунинг устига оёғида яраси бор... Юрадиган ҳоли йўқ... Уни шу ерга ташлаб кетсанк нима дейсизлар?.. Буларни санаб асир олмадик-ку...

Ҳазилим бу сафар иш берди: Муслим ҳазилимни чин деб ўйлаб, ниҳоят, мен билан сўзлашишга рози бўлди, совуқ оҳангда:

— Бей, у ҳали гўдак-ку... Айби йўқ... Гуноҳ, бўлади... Уни ўзим елкамда кутариб кетаман... — деди.

Мен, худди ғалаба қозонгандай, мағрур: «Майли, Муслим», — дедим ва муштим билан жағини силашдан ўзимни тутолмадим.

• • •

Учоқда ҳали қүр бор, сихдаги гүшт пишаётган ва ёғи оловга томчилаған жизиллаётган эди. Бу тошұчоқда ёнғин хавғи бұлмаса-да, тоғбеги касби тақозоси билан чұғларни тепкиларкан, оғзининг суви қочиб, сихдан бир парча гүштни оғзига солды ва сұрады:

— Хұмпар, бу құй гүштими?

Қуёндудоқ жавоб берди:

— Аа-а, амаки...әчки...Әчки гүшти...

— Буни ҳам урганмидиларинг? Худо урсын сенларни!

Калламга бир фикр келиб, охирғи ҳужумға үтдім:

— Усмон, кел, рухсат берәқол, бу шұмтакалар шуларни ейишсин... Кейин кетамиз...

Шерикларим үғрига үғиrlаган нарсасини едиришни ғалати деб топдилар, лекин мен: «Пастда булар еган ҳар бир луқмасига қандай тұлов тұлашларини мендан яхши биласизлар», — деганимдан кейин рози булишди.

Бу қандай севинч, худди түй дастурхонида үтиргандай, шоша-пиша чайнамай ютишлар... Ёши анча каттароқлари ҳам ниҳоятда бадбаҳт эканликларининг фарқига бормаёт-ған эдилар... Девор тирқишидаги ёввойи үт озроқ нам ва офтобда қандай яйраса, болалар ҳам шундай яйраёттан эди. Бу шоддик Усмонга, тоғбеги ва жандармға ҳам юқди... Ҳаммаси уннутилди. Ҳаммамиз сұлх, ва тинч ҳаёт оғушига кирғандек эдик. Ҳатто, шунчаликки, оғайніларимиз ҳам орасира эгилиб, үғиrlик гүштдан бир-икки луқма олиб ейи-шади. Болалардан бири қулидаги устихонни орқадан келиб ҳазиллашиб юлиб олған шериги устидан жандармға ёлғон-дакам шикоят қылды, оила боласига үхшаб эркаланиб: «Бунга қара, амаки, нима қиляпти?» — деди. Жандарм амаки ҳам: «Хой, шұмтака, тегма... Бұлмаса құлоғингни кесиб ола-ман!» — дея ёлғондакам пуписа қылды. Бир бола қулидаги сұяқдан ошиқни ажратиб олди. Тупроқ ва кийимига ишқа-лаб тозалади, сұнг бир неча бор ерга отиб үйнади, охир и бир қимматбақо нарсадек, этагининг учига маңқам тутиб қуиди. У бу ишни охирига етказғунға қадар, ҳатто, битирғандан кейин ҳам күзимни үндән ололмай қараб туравердим: «Бу юзни қаерда күрган эдим?» — дея үйлаб қолдым. Лекин күп үтмай бошқа воқеадан кейин калаванинг учини топдым.

Бу қароқчи маконида ичимлик сув ҳам бор. Болалар бот-бот чеккароқдаги ковакка кириб чиқишиади, ёғоч чүмичда сув ичишиади. Кичкиналардан бири менга ҳам келтириб: «Сув ичасанми, ажабо?» — деди. Унинг узун сочи кўзининг устига тушшиб турарди. Фақат бурни ва жағини юқорига кўттарсагина, мени кўра оларди. Бир оз филай, мунчоқдай икки кўз...

Бирданига ўрнимдан турдим ва узун оёқларимни бир-бирига уриб силкиндим-да, бу ердан узоқлашдим... Жуда камдан кам ҳис қиласидиган ҳаяжонли шафқат ва муруват ҳисларига тұлдим. «Дикқат! Эски касалинг қўзиди шекилли, Умар!» — дедим ўзимга ўзим. Яна уша дард қўзиган эди. Ўша исмини билмаган жажжи қизалоқнинг юз-кўзи ва овозини хотирладим. «Мен сенга сув олиб келдим!» Ошигини қимматбаҳо нарсадай кўйлагининг этагига туккан боланинг ҳаракатлари ҳам чўнтагидаги бўз халтачани очиб менга ёнғоқ бергач, икки дона мовий мунчоқни кичкина бармоқчалари билан такрор халтачага солиб боғлашларини эслатди...

Яхши, бироқ бу болалар қандай қилиб бир-бирига бу қадар ухшashi мумкин?

Шерикларимни кутиб ўтирумай, астагина чуқурдан юқорига кутарила бошладим. Уфқ оқара бошлаган эди... Ташқарига чиқиб, бу нур водий уфқида эндинина туққан Ойдан таралаётганини кўрдим. Қўл соатимга кўз ташладим. Энди тунги икки бўлган эди. Қисқа вақт ичидан шу қадар узоқ воқеалар қандай юз берди? Ҳаётимнинг бурилиш нуқтасига етганимни, шу билан бирга, яна анча-мунча нарсаларни энди жасорат билан эътироф этмоғим керак эди....

Ҳарбийлигим сўнгги йиллардаги шаклида, янада тўғриғори, ҳар доимги шаклида, воқеаларга тўла ҳолда яна бир қанча вақт давом этганида, не ишга ярашини билмайдиган узун оёқларим ва узун қўлларимни соллантириб бундай кезмаган ва оғир ўйга ботмаган, балки анчагача бунинг фарқига бормаган бўлардим... Бўзова деган дуч келган бир станцияда жомадонларимни болалардек вагон деразасидан улоқтирумаган бўлардим. Бўзова кўчаларида неча кунлаб бекордан бекорга санқимаган бўлардим. Ҳа, Умар, буларнинг ҳаммаси ўша исмини билмаганинг қизалоқ туфайли

бўлганини эътироф этавер. Ҳатто, бу кеча, бу соатларда бу ерда булишингнинг сабаби не? Хизматдан бушатилиш ҳақидаги қозони олгандан сунг сени қаёққа олиб кетаётганини билмаганинг поездда, ярим мудроқ ҳолда ечимини топмаган нарса нима эканини бу нотаниш тоғ устида нотаниш Ой остида топасан шекилли!

Карвон йулга тушди. Муслимнинг елкасига, от устига юкландандай, бир талай юк ортилган, устига устак ярадор бола ҳам елкасида. Анча вақт ўтгач, унинг қаттиқ ҳарсиллаганини эшишиб: «Болани менга бер!» — дегим келди. Лекин айттолмадим. Мен бу ерда бегона киши эканимни билишим керак. Кўп утмай бу вилоятни тарк этиб, ўз йўлимга кетадиган вақт келди энди.

Муслимга бундан кейин мендан ҳеч нарса умид қиласлиги кераклигини сездириб қўйиш учун: «Қани, тез юр, улардан орқада қолма!» — дедим ва ёлғиз қолдим. Бир оздан кейин Усмон билан дўстлари ёнимга етиб келишди. Энди улар билан ҳам гаплашадиган гап қолмаган. Айтиётган гаплари қулогимга кирмаётганини ва жим турганимни бир оздан кейин сезишиб. Кўп утмай бир-биримиздан айриламиш.

Келишда қояларга тирмалиб, тиканлар орасида илондай ўрмалаб, қўлларимизни беҳуда қонатган, уст-бошимизни йиртган эканмиз. Кичкина қароқчилар узлари биладиган жуда яқин йулдан, сел ҳосил қилган чукурлик ўзанидан бизни Сазан дарёсига олиб чиқишибди. Щунингдек, улар курсатган кечувдан осонгина кечиб ўтдик.

## 6

Жандармнинг тахмини тўғри бўлиб чиқди: Қуий Сазандагилар шу кеча мижжа қоқмаган эдилар. Жуда кўп деразалардан нур ёғилиб туради. Худди байрам куни бўлгандек, бозор очик. Талангандан автобус олдинда, Толчада қолдирган сомон арава орқада қишлоққа кирап эканмиз, эшиклар очилиб, чор тарафдан майдон томонга югур-югур бошланди. Катталар орасида кучага ялангоёқ отилиб чиқсан болалар ва, ҳатто, аёллар ҳам бор. Орамизда мендан бошқаси машина ҳайдашни билмагани учун ноилож автобусни ўзим бошқариб келаётгандим.

Бизни Толчада күтгән шерикларимиз билан бирга кечанинг барча қаҳрамонлари автобусда келарди. Жандарм қуриқлаётган қароқчилар бўлса сомон аравага тиқилишган. Фақат Муслимни, ҳар эҳтимолга қарши, ёнимга олгандим. Ҳамма лампалари ва фонуллари ёқилган айвонли қаҳвахона олдида тұхтаганимиздан кейин, уни устига борланган юклари билан олдимга солиб, қаҳвахонага олиб кирдим. Қароқчиларнинг энг кичиги бўлган яралি болакай қуучофимда беозоргина ухлаётганди.

Муродбей ва бошқа ҳамроҳларимни мактаб мудири мактабга олиб кетибди. Депутат билан Тўрғай шаҳар ҳокими оқсоқолникида меҳмон эканлар. Бошқа йўловчилар қаҳвахонанинг ёғоч үриндиқлари ва бўйралари устида тонгни кутиб ўтиришарди.

Қароқчиларни халойик уртасида аравадан туширканмиз, Усмон ёнимга келди. Фамгин овозда менга:

— Бу зумрашаларни тоқقا ташлаб қайтаверсак буларкан, бей, — деди. — Бунчалик шармандалиқдан кура яхшироқ бўлармиди.

Тарқалиб кетган одамлар бирин-кетин қаҳвахонага қайтиб кела бошлиларни ташлаб қайтаверсак буларкан, бей, — деди. Бунчалик шармандалиқдан кура яхшироқ бўлармиди.

Болалар чеккадаги бўйра устига давра бўлиб ўтиришди. Олдинги қатордагилар намоз уқимоқчилик, тиз чукиб, қулларини тиззасининг устига қўйиб ўтиришарди. Аравадан тушаётгандарида кимдир отган тош биттасининг лабини ёрган. Ердан олган қофоз парчаси билан тұхтамай қонини артади... Муслим энг орқада. Олдиаги устун панасиға ўтиб, қилт этмай турарди... Мен рӯпарадаги дераза ёнида турибман.

Жандарм худди суддагидек уз вазифасини утамоқда. Болаларни такрор-такрор санади, биттаси кам чиққани учун:

— Булар ун уч киши бўлиши керак эди-ку... Нега биттаси кам? — дея хавотирга тушди.

Муродбей масхараомуз овоз билан унга:

— Кўрмаяпсанми, биродар... Қароқчиларнинг биттаси рӯпарада уйқуни урятти, — дея мен тахта үриндиқ устига ётқизган Бажаққа ишора қилди.

Бола ухлаётиб бошини буйнининг ичига тортиб, ғужанак бўлиб олгани учун янада кичикроқ кўринарди.

Муродбейнинг ҳазили енгил кулгига сабаб бўлди. Бироқ бу қандайдир зўраки кулги эди! Айниқса, шаҳар ҳокими билан депутатнинг кулгиси... Чунки кечанинг ҳақиқий қаҳрамонлари уларнинг ўзлари эди-да. Рўпарасида бўйра устида чўнқайган, иркит соchlари, жун босган пешоналари остидан қафасдаги маймун каби уларга хавотирланиб қараётган бу шумтакаларнинг таҳдиидан қўрқиб қўлларини кўтарганча, орқага ўтирилишга юрак бетламай йулда соатларча юрмоқ!

Тўғрисини айтганда, мен нега йиғилиш утказишаёттанини тушунмаётган эдим. Оллоҳнинг инояти билан, йўлтусарлар қўлга туширилиб, давлатга топширилган. Бундан у ёғи давлатга ҳавола. Тонг отгач, ҳаммаси гуруҳ ҳолида туман марқазига ёхуд вилоят марқазий турмасида ўтирган оталарининг ёнига жўнатилади. Ҳайъат аъзолари яrim қолган уйқуларини битириш учун тушакларига, мен аскарликдан қолган формам ва түппончам, мишиқилар устидан қозонган ғалабам билан ташқаридаги буш юк машинасининг бир четида ухлашга кетишимиз учун ҳеч қандай монелик қолмаган. Шундай қилиш хаёлимдан ҳам утганди. Аммо бу сунгги зафаримнинг асиirlаридан бир нечтасининг расмини чизишни хоҳлаб қолгандим.

Ичкарига кирмоқчи бўлганларни қўймаслик учун қаҳважона эшиги беркитилиб, тергов бошланди, ўриндиқлар ва бўйралар устида ётган қишлоқликлар ва йоловчилар уйғонган, барча қизиқсиниб қараб турарди.

Ноҳия мудири депутат ва шаҳар ҳокими томонга эгilib, нималарнидир келишиб олгач, энг орқада турган Муслимни чақирди. У ҳеч чўчимасдан секин келиб стол олдида тухтади. Яна ўжарлиги тутиб гапирмай қолишидан чўчидим. Лекин ундан қилмади. Исмини сўраган ноҳия мудирига бурро қилиб: «Қора Вали ўғли Муслим», — деди.

— Муслим... Бу гўзал исм сенга жуда ярашиб тушибдида, — дея киноя қилди мудир. Ҳамма бирданига кулиб юборди.

- Неча ёшдасан?
- Ўн беш...

Бу гал депутат гапга аралашиб, бир нарсалар суради. Унинг нима деганини тушуниб булмагани учун шаҳар ҳокими таржима қилди:

— Агар ўн беш ёшида бу б..ни еган бўлса, йигирма ёшида не қилас экан, деб сурадилар.

Муслим бир оз талмовсирагандан сўнгра:

— Аскарлик қиласман, — деди.

Бир-бирига қарашибди. Лекин ҳеч ким ҳеч нарса демади. Фақат Муродбей овоз берди:

— Умр берса, иншооллоҳ, лекин бу кетища...

Мудир бошқа саволга ўтди:

— Ҳаммаларинг Юқори Сазанданмисизлар?

— ...

— Жавоб берсанг-чи...

— Қаердан билай?.. Биримиз у ердан, бошқамиз бошқа ердан... Бизни хоҳлашмади, қувишди...

— Ҳаммангизними?

Шаҳар ҳокими яна чидаб туролмади:

— Юқори Сазанликлар умрида бир марта ақлли иш қилишибди... Офарин уларга, — деб одамларни такрор куладирди.

— Ота-онангиз, ҳеч кимингиз йўқми сизларнинг?

— Бировимизники ўлди... Бировимизники йўқолган...

Шаҳар ҳокими яна деди:

— Ёки Бўзова турмасида...

— Сизларда милтиқ, ўқ-дори, яна бошқа нарсалар бор эмиш... Ҳатто, бигта граната... — Жандармга юзланиб: — Шундай эмасми?

Муслим ҳеч кутилмаганда:

— Жандармлар қишлоққа қуролларни йигиштириб олишга келгандарида ҳамқишлоқларимиз милтиқларини ерга кўмишганди... Бир нечтасини топиб, қазиб олдик.

Яна депутат бир нарса деди, шаҳар ҳокими таржима қилди:

— Сизлар оталарингиздан ҳам утиб тушиблизлар-ку... Уларнинг яширган қуролларини уриблизлар, деяптилар. Хўш, сизларни Юқори Сазандан нега қувишди?

Муслим бу саволга жавоб бермади.

— Хўш, қувилгач нима қилдингизлар?

Муслим қўлини очиб:

— Ҳеч нима... Тоғларда кездик...  
— Нима еб-ичасизлар?  
— Оллоҳ нени берган бўлса, шуни...  
— Хўш, бу охирги еган б...нгиз... Яъни автобус босқинчилиги, қурол билан таҳдид қилиш...

Бирданига қуёндудоқ чиябўридек увиллади:

— Худо ҳаққи, бу ҳазил эди... Худо ҳаққи, ҳазил... Милтиқларимизнинг ўқи йўқ эди... Оз-моз егулик олмоқчи эдик... Жуда оч қолгандик, ахир...

Жандарм қуёндудоққа мушт дўлайтириб таҳдид қиларкан бақириди:

— Сен овозингчи учир!... Ҳеч ким сендан сўрагани йўқ, қийшиқ оғзингни ҳозир дабдала қиласман, товба, товба...

Тўданинг маслаҳатчиси жим бўлди. Лекин у қиладиганини қилиб бўлган эди.

Муслим унинг важини илиб, милтиқ ва тўппонча ўқсиз эди, деб даъво қила бошлади. Ҳайъат бу гапга ишонмади. Муслимни қийин-қистовга олди. Энди гап менда қолган эди. Чеккада оёғимга қалқиб:

— Муслим менга нисбатан ҳам шундай ҳийла ишлатди, — дедим. — Бироқ жуда яқин келиб қолганим учун милтигини тортиб олдим. Текширсам, ўқсиз экан.

Бу ёлғоним хатарли ёлғон эди. Чунки жандарм ростини айтиши мумкин эди. Аммо у менга узоқ боққанидан сўнг, жим қолаверди.

Шундан кейин Муслимдан бу талончиликни қандай уюштирганини сўрашди. Жавоб бермади. Ҳолбуки, ундан билишмоқчи бўлган асосий нарса шу эди. Бор гапни эшишмоқчи эдилар. Муслимнинг қайсарлиги ўтиравериб чарчаган ва оёққа туриб, у ёқдан бу ёққа юра бошлаган шаҳар ҳокимининг жаҳлини чиқариб юборди. Секин, лекин қўрқинчли одимлар билан Муслимга яқинлашиб:

— Бу қанақаси? Ҳали терслик ҳам қилмоқчимисан? Олдингда кимлар турганини биласанми, кўпрак! — дея қўлини кўтарди, шиддат билан бир уриб, диққинафасликдан қутулмоқчи бўлди. Бироқ бир неча соат муқаддам шу боланинг олдида қўл кутаришга мажбур бўлгани эсига тушди шекилли, ёноқлари бўзариб, уз жойига қайтди.

Шу чоғда Муслим сўнгти саволга жавоб бера бошлади, тўданинг бошлиғи эканлигига иқрор бўлиш-бўлмаслигини

сұрашганида, бош силкиб тасдиқ ишорасини берди. Бу ишора сүздан кұра очық-ойдиреноқ иқрор зди. Аммо ёни-даги ёш йигитта баённома ёздираёттан нохия мудири буни қандай ёздирашни билолмай, иқрор эканлигини айтишина талаб қылды. Муслим бунга рози бўлди.

Энди навбат тўда бошлигининг ўринбосарига келган зди. қуёндудоқнинг шайтонлиги, хушомадгўйлиги ва масхара-бозлиги айни шу тергов пайти равшан намоён бўлди. Исми Али эканлиги, лекин уни кўпдан бери Чирик Али деб чақиришларини айтгач, унинг вазиятида қишлоқ боласидан кутилмайдиган чечанлик билан сайрай бошлади: «Она-отадан етим» бир ғарип эмиш. Марҳум отаси уламолардан чикқан мулла эмиш. Бор-йўғини камбағалларга тарқатган-миш. Ўлганидан сўнг қабри устига мўл-кўл нур ёғилганини ўз кўзи билан кўрганлар бор эмиш... Шу тариқа таржимаи ҳолини айтиб бўлгач, асл воқеага ўтди. Кўйи Сазанликлар қўлида асир эканлигини билгани учун, Юқори Сазанликларни зўр бериб ёмонлашга киришди, бу золим одамларнинг уларни қандай калтаклашганини, ундан кейин қишлоқдан қувиб юборишганини сўзлади. Қўлларидаги қуроллар масаласида айёrona ҳимоя усулини тайёрлаб қўйган экан, бу гапларни эшитиб, қаҳвахонадаги одамлар бақа бўлиб қолиши... Уламо отаси бир неча бор тушига кирганмиш, қурол кўмилган жойларни унга бирма-бир айтганмиш, қуроллар ноқонуний яшириб қўйилганини, шу боис уларни ҳеч кимга билдиrmай кавлаб олиб, ҳукуматга топширишни ҳазрати Пайғамбаримиз буюрганини таъкидлаганмиш... Улар бу буйруқни бажармоқчи эканлар, лекин оч қолгач, бунақа ҳодиса содир бўлганмиш... Оллоҳ шуни пешоналарига ёзгандан кейин қўлларидан нима ҳам келарди!..

Чирик Али буларни ҳақиқатан ҳам уламодан чикқан имом ёки қорининг ўғли эканини кўрсатадиган диний калималарни аралаштириб сўзларкан, гоҳ йиғлаб ёлворар, гоҳ бошқаларга қўшилиб кулар, турли-туман пасткашлик ва масхараомуз хушомадлари билан ўзини қутқаришга уринарди. Бироқ у бу ишни қиларкан, шерикларини ҳам мумкин қадар ҳимоя қилгани ва, боягина Юқори Сазанликларни ёмонлагани сингари, бу ишда аҳволи чатоқ деб билган Муслимни ёмонламаётгани кишини ҳайратга солар зди.

Тергов жараёнида Чирик Алиниңг дунёни хийла кезганини ҳам билиб олдик. Жуда кичиклигида отаси ўлган, кўп ўтмай онаси ҳам вафот этган ва етим қолган. Шунда қишлоқдан ўтган азайимхонлардан бири: «Сенга яхши иш топиб бераман!» — дея уни олиб кетган, кезган юртларида тиланчилик қилдирган, топган пулларини тортиб олган, шу тариқа санқий-санқий Аданага келиб қолган эмишлар.

У ерда бошқа тиланчи болалар билан уни ҳам тутиб олишган, қўлдан қўлга топшириб Бўзовага, у ердан Юқори Сазанга жўнатишган.

Муродбей:

— Шунақа нодир ҳунарни эгаллаган экансан, нега қароқчиликка ўтдинг, оқибат бошингга шунча иш тушди, болам? — деб сўради.

У ҳайратда қоларли даражада уддабуронлик билан:

— Худо урсин, биз қароқчилик қилмоқчи эмасдик. Машинадаги афанди амакилардан нон-пон, пул-мул сўраб олмоқчи эдик холос, — дея ажойиб важ-корсон кўрсатди.

Айни пайтда катта хатога йўл қўяётганини ўзи билмай, афанди амакиларни энг нозик жойидан олди: «Афанди амакилар Муслимнинг қўлидаги ўқсиз милтиқдан қўрқиб қолишиди, пул-мулларини чиқариб бераверишди... Нима қилярдик, биз ҳам олавердик!»

Лекин Чирик Али мудофаа учун энг кучли далилни охирiga олиб қўйган экан. Бехосдан менга ўгирилиб: «Қуролларни, пичоқларни мендан ким сўради? Уларни ўз ихтиёrim билан топширмадимми? Оллоҳ, ва Пайғамбар ҳаққи ўзинг айт, Бей», — деди.

Қанчалик узоқ турсам-да, ўзимни бу ботқоқдан қутқара олмайман шекилли! Ноилож унинг учун гувоҳлик бердим. Аммо бу галгиси ёлғон шоҳидлик эмасди.

\* \* \*

Чирик Али ва туриши менга яна Бўзова судидаги Юқори Сазанликларни эслатган бир-иккисидан сўнг, қароқчиларнинг иши борган сари тез-тез кўрила бошланди. Бўйра устида бир-бирининг пинжига тиқилган болаларни жандарм, худди лойданчувалчанг суғургандек, битта-битталаб

ҳайъат столи олдига олиб келаверди. Бирдан ёруқقا чик-қан болаларнинг кўзига тушган, пешонасига ёпишган кир, ирkit соchlari, ozfin юзида суррайган бурунлари, орқасидан қуёш кўринадиган қулоқларини кўриб, уларнинг юзини юз деб бўлмасди. Лекин қоидага риоя қилиш ташвишида ва бирон жўяли гап эшитиш умидида уларга фоят жиддий саволлар берилар, бу саволлар уларга озор беришдан бошқа нарса эмаслиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Болаларнинг баъзилари йиглар, кўпчилиги нима булаётганини ҳам англамай, афрайиб тураг эди.

Бора-бора ҳайъат ҳам беҳуда куч-файрат сарфлаётганини тушуниб, гапни ҳазилга бурди. Биз тошучоқдаги кўрик маросимидан сўнг қилдирганимиздай, болаларга юзларига ниқобларни қандай таққанликларини айттирдилар. Бир бола кўйлак ўрнида эгнига илган ва йиртиқларидан қули чиқиб турган қопни бошига уради, озгин, яланғоч гавдаси билан ерга ётиб эмаклай бошлади. Иккинчиси тошучоқда жандармнинг таҳдидидан қўрқиб чўккалаган жойига сийиб қўйган бола. Қўрқув уни жуда кулгили ҳолга согланини кўрган бири ёлғондакамига, лекин фоят жиддий тарзда уни Сазан дарёсига ташлашга қарор берилганини айтди. Аввалига боланинг башараси буришди, сўнг тошучоқда қилганидек, қўлларининг бармоқларини оғзига тиққанча ҳўнграб йиглаб, ялина бошлади. Тошучоқда қилган ишини ҳайъат ҳузурида ҳам тақрорлармикан деб, қараб турдим. Бироқ қиломади. Қарор қатъийлигини кўриб, дарёга ташланишга рози бўлди ва фамга ботиб, жим қолди.

— Қани, энди катталарнинг қулини үпид рози-ризолик тила, — дейишиди.

Бу гапга ҳам чиппа-чин ишонди. Бир-икки кишининг қўлини, Алавий қишлоқларида курганидек, ерга чўккалаб, икки қўли билан тутиб ўпди, рози-ризолик тилади. Бошқалардан ҳам битта-битта тиламоқчи эди. Аммо шу чоғда ўтирган жойида гоҳ мудраб, гоҳ уйғонган бизнинг Фарҳод кўпирив кетди.

У бирдан оёқقا туриб, болани ростдан ҳам дарёга отишадигандек: «Бундай қилманг, оғажонлар... Эзверманг болани... Кечиринг энди, жойига ўтирсинг!» — деб, ўртага тушди. У йиглар эди. Бу гал унинг устидан ҳам кулиб юборишида ва ўйин яқунига етди.

Асаби заиф бу боланинг аҳволи кўпларни ҳайратта солганди. Лекин мен умидсизлик маълум бир чегарага етганида қўркув бирданига ўз-ўзидан йўқолишини ва киши ўлимга бамайлихотир рози бўлишини кўп марта қурганим учун яхши биламан.

\* \* \*

Аслида Фарҳоднинг хатти-ҳаракатини ҳайъат столи орқасида ўтирган муаллимадан кўпроқ кутса бўларди. Бироқ у негадир миқ этмади. Ҳайъат столининг четида мактаб мудири билан кўзойнакли доянинг орасида, бир оз орқароқда ўтиради. Юзи уларнинг соясида қолган. Лекин узлуксиз менга қараётганини ҳис қиласар, қачон ўша томонга ўгирилсан, кўзлари менда эканини кўрардим. Чеккадаги столда ёлғиз ўтириб чизаётган расмларимга қизиқаётгани кўриниб турарди. Буни дояга ҳам айтди шекилли, иккови бирданига ўрнидан туриб, қаҳвахона ичидаги айлангандек бўлиб, аста-секин ёнимга келишди. Мен билан аслида у гаплашиши керак бўлса-да, негадир бу ишни доя ўз зиммасига олди. Қиз бир оз орқада турар ва фақат бошимни ўгириб, танишларча салом бергач, уялинқираб:

— Эсингииздан чиқарган бўлсангиз керак, дея журъат қилолмадим, — деди.

Доя сўзамол аёл экан:

— Эсма расмларингизга қойил қолибди. Бўзовадан келганидан бери оғзидан тушмайсиз, — деди.

Қуий Сазанда юқ машинасидан тушаётганимни кўриб, Эсмага хабар берган ҳам у экан... Доянинг мени қандай таниганига келсак, яна ўша доимий гап... Бунчалик новча зобит мендан бошқа ким ҳам бўларди?

Бу кеча чизган расмларимни кўришга рухсат сўрадилар. Дафтари узатдим. Варақлашаркан, доя тўхтамай ҳайратланарди:

— Баракалла, Худо ҳаққи, оғарин... Аскарлар бунақа ишларга кўпам қизиқишмайди, лекин...

Қиз уни астагина туртиб қўйганини сезиб қолдим. Шу аснода мактаб мудири ҳам ёнимизга келди. У ҳам расмларга кўз ташлаб:

— Азизим, сиз фақат шу Юқори Сазанликларнинг ба-  
шарасини чизиш учун Бузовага маҳсус келмаганимисиз ма-  
бодо? — деди.

Доя бу гапни эшишиб, бирданига ловуллаб кетди, ҳозир-  
гина: «Вой худойим-эй, қанчалик чиройли, қанчалик чи-  
ройли!» — дея томоша қилган расмларни йиртгудай бўлди  
ва дағаллашган овозда:

— Шу суратларга қаранг... Бу қароқчи тўдасидан яхши-  
лик чиқармиди? Ҳукумат ҳеч нарса қилолмасмиш... Боши-  
миздан Оллоҳнинг ўзи кўтарсан бу балоларни... Анави  
Муслим деган тошюракни кўрмайсизми... Қанийди унинг  
расмини чизиб утиргандан кура, қулингизга тушган заҳоти  
ўлдириб қуяқолган бўлсангиз... Худо ҳаққи, хотин бошим  
билан мен бу ишни қилган бўлардим...

Доя Муслимнинг расмига туфурганини куриб, қиз даф-  
тарни унинг қўлидан олди ва бир оз орқага чекиниб, яна  
расмларни томоша қила бошлади.

Суҳбатлашишни ҳечам истамаётган эдим. Аммо бошга  
тушганни кўз кўради. Мактаб мудири шу ерлик, боғу боғ-  
часи, балки вақти келса депутат булиш нияти бор. Шу-  
нинг учун ҳам Кўйи Сазан даъвосини маҳкам ушлаган.

Истанбулдаги доялар мактабида ўқиган ва бир неча йил  
Анқарада ишлаганини айтган доя хоним ҳам Юқори Са-  
заннинг ашаддий душманларидан. У Кўйи Сазанлик эмас.  
Бироқ қизини шу қишлоқлик дехқонга турмушга бергани  
учун ўзини шу ерлик деб ҳисоблайди. Кўйи Сазаннинг бе-  
шафқат Юқори Сазанга қарши қизғин сухбати бошланди.  
Шуниси ғалатики, кичик муаллима уятчан ва тортинчоқ  
кўринса-да, бу даъводан йироқ эмас экан. Бир пайт у ҳам  
сухбатга аралашиб, қизишиб чирана бошлади, ўқувчилар-  
га ватан ва қаҳрамонлик ҳақидаги шеърларни ўқийдиган  
овозда баландпарвоз сўзларни қаторлаштира кетди:

— Доя хоним чегарадаги қишлоқлар ҳақида гапирди-  
лар, аммо у ердаги қишлоқлар, ҳар ҳолда, биздек хавф-  
хатар остида эмаслар. Мана, бир мисол. Чегара ҳудудлар-  
да ҳеч бўлмаса жумҳуриятимиз армиясининг қаҳрамон соқ-  
чилари бор, улар бизга ухшаб тоф бошида ёлғиз ва суян-  
чиқсиз ўтиришгани йўқ... Агар, сиз тасодифан бу оқшом  
қишлоғимиздан утмаганингизда, бизни бола-чақамиз би-  
лан... Ва ҳоказо ва ҳоказо...

Бўзовадаги меҳмондорчиликлар аёлларга нисбатан ёввойилигимни анча юмшатган эди. Энди улар билан бемалол сўзлаша олардим. Юз-кўзига қаращдан ҳам унчалик торгинмайман. Ҳатто, бошқа кишиларни, бошқа нарсаларни кузатаётгандек, хотин-қизларни ўгринча томоша қилишни ҳам бир оз ўрганиб олгандим. Айрим аёлларнинг чеҳраларига, мафтункор нигоҳдари ва кулишларига боқар эканман, Фарҳодга ҳамда хотин-қизларни деб турли йўлларга кирган бошқа кишиларга тан бергандек бўламан.

Сарғиш сочли мудир билан кўзойнакли доя бир оғиздан Юқори Сазанликларни ғийбат қиларкан, мен расмга қизиқадиган қизнинг дафтаримга тикилган чеҳрасини билдирамай, яна ўгринча кузатган ҳамда анча нарса кўришга ултурган эдим. Бу кичкина қиз даставвал ўйлаганимдай ёш эмас, анча каттароқ экан. Пешонаси ва чаккаларида билинار-билинмас ажинлар пайдо бўлибди. Хунук эмас, лекин ўзига қарамагани, оро бермагани сабабли сулувлиги кўзга ташланмайди. Аёлнинг юзидан дўкон витриналарида тош қўғирчоқларнинг илк боқищаёқ кўзга ташланадиган ўзгармас ранг ва жилоларини излаш керак. Бу қиз сўзлашга киришган, кулган ва, ҳатто, дафтаримни томоша қиларкан, ўйлаётганлари ва қалбидагилар юзида зухур этган вақтда ажинлар бир оз чуқурлашар, кўзларининг четлари, ингичка бурун катакларининг ва дудоқларининг ёнидаги ажинлар билинар-билинмас ўйнаб, унинг чиройини янада очиб юборар эди.

Бу қиз оила ҳаётига ўрганган, бамайлихотир бир эркакни узоқ йиллар мобайнида баҳтиёр қилишига ишонгандай бўламан.

Лекин қиз дафтарни ёпиб, қишлоқ сиёсатига аралашиб, баландпарвоз сўзларни қаторлаштира бошлагач, бу таассуротим бирданига йўқолди-қўйди.

Қиз бир вақт шеър ўқиётган муаллимга хос овоз ва тахлитда: «Бўрининг боласи бури бўлади», — деб қолди. Бу гап мактаб мудирининг касбий ва илмий шаънига тегиб кетди. Овозини йўғонлаштириб:

— Йўў... йўў... Бунчаликка бориши керак эмас. Акс ҳолда бизнинг касбу коримизнинг икки пуллик қиймати қолмайди. Сен ўқитувчисан... Бундай дейиш сенга ярашмайди! — деб қизга танбеҳ бера бошлади. Қиз қайсарлик билан ўз

гапида туриб олди, ёмон одамларни асло тузатиб бўлмаслигини тушунтиришга, исбот қилишга урина бошлади.

Билмайман, негадир мен ҳам гапга аралашиб:

— Демак, Юқори Сазанни қутқаришнинг чораси йўқ экан-да... — дедим.

Шу қадар ваҳшийлашган эдики, мени ҳам қопишига оз қолди... Рўпарадаги болаларни кўрсатиб:

— Ана, мол майдонда турибди, қўлингиздан бир иш келса, кўрсатинг, — деди. Бу гапга ҳеч ярашмайдиган кинояни ҳам илова қилди:

— Ёмонларни одам қилиш уларнинг расмини чизиш эмас, афандим...

Энди юзида олдинги нурдан асар ҳам қолмаган. Балки шунинг учун ҳам мен унга кесатишдан ўзимни тия олмадим:

— Модомики, шундай экан, Юқори Сазанга ўт қўйиши керак, — дедим. — Уй-жойи, одамлари, болалари билан қўшиб ёқиб юбориш даркор... Шу билан бу тоғ бошида уларнинг янги ҳаёт бошлаш имкони йўқ бўлади-қўяди... Бу ишни бир неча соат ичиде осонлик билан бажариш мумкин.

Учови ҳам донг қотиб қолди. Доя:

— Йўғ-э, бунчаликка бормаслигимиз керак, — дея бурилишга чоғланди.

Қиз ҳам кетиб қолмаслиги учун:

— Мен сизнинг фикрингизга қўшиламан, — дедим. — Бўри болаларини йўқ қилишни ҳозироқ, шу ернинг ўзида бошлаб юборишимиз керак...

Қизнинг юзи бир оз ўзгарди, чўчиб кетди. Бироқ, бошка томондан, мен мактаб мудирига қарши ўзига иттифоқчи бўлиб чиққанимдан фуурланаётган эди. Овозини бир оз пасайтириб:

— Тўғриси ҳам шу, — деди.

Шунда новча бўйим билан оёқقا қалқдим:

— Худди шундай, бу ишни бошлайверайлик, — дедим. — Осонроқ бўлиши учун энг кичигидан, ёнимизга яқин турганидан бошлай қолайлик...

Узун тахта ўриндиқча ташланган кигиз устида бошини елкалари орасига, оёқларини қорнига тортиб, гужанак бўлиб ухлаётган, жулдур қийимлари орасидан қоқ суюклари

күриниб турган кичкина Бажаңнинг рўмолчам билан боғланган оёғига қўл узатиб дедим:

— Буни шундай юқорига кўтариб бир-икки марта ерга урдингизми тамом, иш битади қўяди! Бу ишни ўзингиз ҳам қилишингиз мумкин... Қаршида ётганлар буни кўргач, бири у ёқса, иккинчиси у ёқса қочишга уринади... Аммо тўппончалардан ўқса тутилса... Икки дақиқа ўтгач, бир-иккита-сининг ингрогидан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Балки сиз билмассиз. Бу тарзда отилганларнинг айримлари жони чиққанидан сўнг ҳам анчагача ох-фарёд урища давом этади. Бу худди боши кесилган товуқнинг у ёқ-бу ёқса чопишига ўхшайди...

Заиф кишилар бунақа гапларни эртак каби тинглар экан, ўзларини қаҳрамон сингари тутишади. Лекин бечора қиз менинг муболагали тасвирим таъсири остида болаларни қатлиом қилишаётганини ўз кўзи билан кўргандек, юзини қўллари орасига олди, ҳатто, ҳушдан кетишига сал қолди. Ерга туширган дафтаримни олиб, астагина ҳайъат столи томонга қадам ташлади.

Бостирма ишкомлари орасидан тонг оқараётгани кўзга ташланди. Тергов ниҳоясига етганди. Терговни қизиқиб томоша қилган қишлоқлик йўловчилар тахта ўриндиқлар ва ердаги буйралар устига чўзилган, баъзилари қўл-оёқларини керганча, хуррак ота бошлаган эдилар. Болалар ҳам ўтирган жойларида бир-бирининг пинжига кириб, ухлаб қолишиганди. Уларнинг боши устида милтирини оёқларининг орасига олган биргина жандарм ўтиради. Кечаги са-фардан қайтган пакана жандарм, чарчагани учун, қишлоқда қолдириб кетган шериги билан навбат алмашганди. Лекин қаҳвахоначиға чой дамлатган ҳайъат аъзолари ҳануз музокара қилмоқда эдилар... Уларнинг баъзилари, бизнинг Фарҳоднинг ёнида, ўриндиқларида мудрайди, ора-сира ўзининг хуррагидан уйғониб кетиб, кўзларини катта-катта очади, сўнг яна уйқуга толади. Фақат бир нечта киши ухламаётган эди, улар кечагига қараганда янада бедорроқлар. Уларнинг орасида, гавдасига қараганда, ҳаммадан олдин ухлаши керак бўлган кумуш соатли, қориндор шаҳар ҳокими ва қовоғидан қор ёғаётган депутат бор. Уларнинг жизғанак бўлаётгани сезилиб турарди.

Сүхбат энди мамлакат катталарига ярашадиган фалсафий ва ижтимоий мұхқомама тусини олган: бу ишни қандай ҳал қылмоқ керак? Тирмизакларни турмага ташлайлик десак, ташлаб бўлмайди, аввало, жуда ёш, қолаверса, жазога лойиқ иш қилган эмаслар. Ахлоқ тузатиш жойига тиқайлик десак, мамлакатда бунақа жойнинг ўзи йўқ, Халқнинг кўзи олдида миљтиқли жандарм назоратида у ердан бу ерга олиб бориш керак... Балки Бўзовага жўнатилар... Ҳаммасини обдан дўппослаб, қўйиб юборайлик десак... бу жуда мақбул иш бўларди-я, лекин қоғоз қоралаб бўлинган-да. Боз устига масаланинг одамгарчилик ва мусулмонлик билан боғлиқ томони ҳам бор. Ахир, улар шу ватаннинг болалари, бир тўда саводсиз ва қаровсиз етимлар... Бунинг устига уларни уйларидан, қишлоғидан қувиб юборишган... Бу муаммони қандай ҳал этмоқ даркор?

Сирасини айтганда, одамгарчилик, мусулмонлик ва шу каби ташвишлар остида бу шармандалиknи қандай қилиб бўлса-да ёпди-ёпди қилиш истаги бор эди. Бошида бир депутат ва Истиқдол урушида қатнашган шаҳар ҳокими бўлган бир автобус одамни куппа-кундузи бир нечта шумтака шилгани, каттакон қишлоқни ваҳима босгани, Бўзова вилоятидаги йўлларнинг бутун кечада ёпилгани утакетган шармандалик эди. Агар бу воқеадан мухбирлар хабар топса борми... Хабар топиб ёзишлари ҳам турган гап... Қишлоқнинг бообрў одамлари шу ерда. Вилоят катталаридан ҳеч ким бу кечада бу ерда бўлмагани, балки Оллоҳнинг иноятидир. Телефон ишламагани ҳам... Шундай экан, бу шармандалиknи бутунлай босди-босди қилиш имкони йўқ экан, ҳеч бўлмаса вақтни бой бермай, масалани бир оз юмшоқроқ тарзда ҳал қилиш мумкин эмасми?

Масаланинг можияти шундай. Бироқ ҳеч ким буни очик айтмайди. Барча бир-бирининг оғзини пойлади.

Улардан айрилиб, қароқчилар томонга аста қадам ташладим. Ухлаётган эдилар. Биттасининг очик ҳовучидан ерга бир нарса тушган экан. Эгилиб қарадим: йўлтўсарлардан бири кечаги кабоб зиёфатида тозалаган ошиқ... Демак, ошиқ уйнаб ўтириб ухлаб қолган. Менга ёғоч чўмичда сув келтирган ва Бўзовадаги исми номаълум қизчани эслатган бола-

ни яхшилаб кўриб олишни хоҳлаётгандим, лекин улар сават ичида ухлаган қучуклар каби, бир-бирининг пинжига кириб, ост-уст бўлиб ётганликлари учун, уни топиш имкони йўқ эди.

\* \* \*

Муслим девор остида, ҳаммадан орқада ўтирганини кўрдим. Бироқ у ухламаган, бедор эди. Деворга суюнган кўйи менга боқарди.

У тўдадагиларнинг ҳаммасидан қўпроқ азият чекканига шубҳа йўқ. Ким билади, балки турмага тиқиш учун, ҳатто, ёшини каттароқ қилиб кўрсатишлари ҳам мумкин. Йўлда уни қочириб юбормаганимга ачингандай бўлдим. Тўғриси ни айтганда, бундай фикр бир марта хаёлимдан ҳам ўтган эди. Бу фикримни унга пинҳона айтсан, нима деган бўларди, ажабо? Бу йўсиндаги ишларни яхши билгани учун, уни орқасидан отишни ёки оттиришни хоҳлашимдан қўрқармиди? Ҳечам бундай бўлмаса керак. Мени тушунган эди. Уларнинг орасида фақат икковимизгина бир-биrimизни тушунган эдик. Бироқ унинг ўз шерикларини ташлаб қочиши даргумон эди. Кетарканман, унга кулимсираб, бош ираадим. Бу ишора сўнгги хайрлашув ишорати эканлигини тушуниб, дикқат билан тикилиб туар эди. Энди бир-биrimиз билан қаерда ҳам учрашардик?

Қўлларимни чўнтағимга тиқиб, солланганча ташқарига чиқдим. Биздан кейин келган бир юқ машинаси сигнал чалиб, жўнаб кетди. Бизники ҳам йўл тадоригини кўраётган эди.

Қишлоқлик йўловчилар бирин-кетин машинадан жой олишаётганди. Муродбей машинани юваётган шофёр билан сўзлашиб туарди. Бош чайқаб менга: «Бу қандай кеча бўлди ўзи, қандай кеча!» — деди. Сўнг биргалиқда астагина юра бошладик ва оқшом пайти бориб кўрган бузук тош кўприк бошига бордик. Тоғ шундоққина рўпарада эди. Этагини қалин туман қоплаган. Лекин тепаси очик. Қалъя деворлари сингари юксак тизма қояларнинг ёғдуси ўчган. Девор орқасидаги қадимиш шаҳарнинг одамлари энди ухлаган бўлса керак. Тоғ чўққисида турган ой нурлари ва оқараёттан тонг ёғдуси бу тепаликка садафдек покизалик бахш эттан эди.

Муродбей шуни курсатиб:

— Жуда ғалати-я, — деди. — Бизнинг оламимиз ёни-даги бутунлай бошқача бир оламга ухшайди... Шундай эмасми, Умар?

— Худди шундай, Муродбей, — дедим, — ниҳоятда ғаройиб тасодиф... Бир вақтлар Муаллимлар мактабида бир расмли китобда кўрган катта ой расми ёдимга тушди. Тоғлар ва жарликларнинг шаклу шамойили ва ранглари худди мана шу тоғларникига ухшарди. Ўша расмнинг остида америкаликларнинг Ойга ракета учиришга тайёргарлик кўраётгани ёзилганди. Бу буладиган гапми? Агар, бўлсанчи? Ойга қадам босиш, кечалари тепамизда саховатли нурини сочадиган сон-саноқсиз осмон юртларидан бирининг номаълум тупроғида кезиш!.. Ажабо, у ерда ҳам бизга ўхшаш жонзотлар бормикан? Бўлса, қандай? Улар ҳам бизлардек изтироб чекишадими? Анчагача шу хаёллар гирдо-бида қолиб кетдим.

Муродбейни ўша ора-сира тутадиган тутқаноғи тутган эди. Кўзларини юмиб, бошини оҳиста чайқаганча:

— Ракетада Ойга парвоз қилмоқ... — деди. — Бироқ шу бурнимизнинг тагидаги бу шўрлик тоғии ундан яхшироқ биламизми? Йўқ, Умар. Кечаси билан у ҳақда айтилган баландпарвоз гапларни эшитдик, холос. Гоҳо еримизга кўқдан метеоритлар ёғилади-ку, бу тоғ ҳақида ҳам устимизга ёғиладиган метеоритлардан кўп нарса билмаймиз... Бўзова судига тўкилган одамлар каби... Бу кеча тўкилган болалар каби...

Ногаҳон қалбим орзиқиб кетди. Аммо жавоб бермадим. Жимгина орқага қайтдик.

Ҳайъат тарқалиш арафасида туради. Энди мутлақо бошқа нарсалар ҳақида сұхбатлашиб, охирги чой ичилаётган эди.

Муродбей Фарҳодни уйғотишга кетди, мен стол ортидаги бўш ўриндиққа ўтириб, босик овозда сўрадим:

— Бир қарорга келдингизми? Бу болаларни нима қилмоқчисиз?

Кечаги сафардан қайтганимдан сўнг ҳеч нарсага аралашмаган ҳолда, энди гап қотганим уларнинг диққатини тортиди.

Оддий бир таклифни ўртага ташлагандек:

— Болаларни менга топширақолинг, иш битсин-қўй-син, — дедим.

Буни шунчаки сафсата, бемаъни ҳазилга йўйдилар...  
Давом этдим:

— Давлат бу Юқори Сазанга борадиган ўқитувчи топол-маётганидан шикоят қилингапти. Маориф мудири ҳам шу ерда... Мени юбориш имконини топса, мен бораман... — Ҳарбий хизматим тугаган. Аскарлик шунчалик узоқ давом этди-ки, ҳақиқий касб-корим ўқитувчилик экани мана ҳозир эсимга тушди.

Шундай дер эканман, ички чунтагимдаги чарм ҳамён-дан ўртасидан иккига булинган эски сариқ қофозни чиқа-риб, Маориф мудирига узатдим:

— Муаллимлар мактабини битирганман. Айдин томон-ларда бир қишлоқда иш бошлаган эдим. Лекин уша вақтда уруш бошланиб қолди...

Депутат яна англаб бўлмайдиган бир нарсалар деди, шаҳар ҳокими таржима қилди:

— «Латифа айтияпти, у ер бу киши борадиган жой эмас!» — деяптилар...

Ўриндиқда ухлаётган Фарҳодни дараҳтдан тут силкиёт-гандек, икки қуллаб силкиётган Муродбей тусатдан қаттиқ ҳаяжонланди:

— Умар латифа айтишни билмайди, — дея бақирди ва ёнимга келди.

Ҳа, шундай, Муродбей менинг бунақа совуқ ҳазил қил-маслигимни билади. Лекин шундай бўлса-да, кўпам ишон-қирамай, елкамни сийпалади.

Давом этдим:

— У ерда бир вақтлар мактаб очишган эди, шекилли... Шунақа деб эшитувдим... Бу болаларни боқиши учун озиқ-овқат тўплаймиз... Юқори Сазандаги болалар анави бур-чақда ётган болалардан яхшироқ яшамаётган бўлсалар ке-рак. Агар тузукроқ шароит яратиб беролмасак, айбга буюр-маслар... Яъни бу илтимосим қабул қилинса, болаларнинг ҳаммасини олиб кетаман.

Маориф мудири бошқалар каби шошиб қолган эди. Муродбей унинг урнига деди:

— Узинг шуни хоҳлагандан кейин нега мумкин бўлма-син, Умар? Шундай эмасми, Мудирбей?

Бу гапдан кейин мудир ҳам:

— Албатта, ҳеч шубҳасиз, Волийбей ҳам мамнун бұлалар, — деда тасдиқлади.

Аммо бир муаммо бор эди. Мен бу ердаги болаларни олдимга солиб опкетищ түгрисида гапираётган әдим. Лекин Юқори Сазанда ҳеч биригининг ҳеч кими йўқ. Уларни қишлоқдан қувиб юборишган.

Мен бунга ғоят содда жавоб топдим:

— Бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтируман... Буни ўз зиммамга оламан. Қишлоқ жойларда ўн, ўн икки фарзанди бўлган оталар кўп... Табиийки, менга озми-кўпми ойлик беришади... Уларни бемалол боқа оламан... Албатта, ҳар куни бу кечадагидек, эчки гўштидан кабоб емаслар, ахир... Ўт, илдиз, не топсак, еяверамиз... Вилоят ҳам қараб турмас, пул-мулдан ёрдам қилар...

Муродбей болалардек қувониб:

— Сени ёлғизлатиб қўймаймиз, Умар... Не керак бўлса қиламиз... — деб қичқирди.

Софлик мудири ва Маориф мудири, ҳатто Фарҳод ҳам:

— Албатта... Қўлимиздан келганича ёрдам қиламиз, — деда уни қувватладилар.

Аста-секин ишона бошлаган депутат билан шаҳар ҳокими ҳаммадан кўпроқ қувонаётган әдилар. Депутат Бўзовага борар-бормас Волий билан учрашишни, Анқарага боргач эса Қизилой билан Болаларни ҳимоя қилиш жамиятини оёққа турғазишини зиммасига олди. Шаҳар ҳокими эса ўз ҳудудидан хайрия йиғишини, пул тўплай олмаган тақдирда ҳам озиқ-овқат, кийим-кечак, майдада-чуйда ашёлар жўнатишини айтиб, қасам ичди.

Агар бу иш амалга ошса, шармандалиқ босди-босди бўлади. Бошдан утказган мушкулотдан сўнг, бояқишлиар, агар уялмасалар, бир-бирини қучоқлаб, ўпишишса керак.

Бироқ Қуий Сазанликлар ғалати аҳволга тушган, ишнинг бунаقا тус олишидан севинишни ҳам, аччиқланишини ҳам билмай турганга үхшар әдилар. Бир-бирига ҳайрон тикилиб, тараффудланиб туришарди.

Бу ҳолни биринчи бўлиб Усмон ошкор этди. Бир неча соатлик оғайнигарчиликдан сўнг Усмон ҳар ҳолда мени

ёқтириб қолган эди. Бир томондан, менинг Бўзовада қолиш истагимни эшитиб севинаркан, иккинчи томондан, енгил ҳазил қилди:

— Шу ҳам иш бўлдими, қўмондоним... Бизни ташлаб душман тарафга ўтъяпсанми? — деди.

Мендан олдин бошқалар жавоб бериши:

— Бу не деганинг, Усмон? Юқори Сазан душман мамлакатими, ахир?!

У ўзига келиб:

— Йўй... Ол-а... Унақа деганим йўқ... Инсонмиз, мусулмонмиз. Уларнинг бола-чақаларига ҳам озроқ яхшилик қилинса, курсанд бўламиз, албатта... Хурсанд бўлмасак айб бўлади...

Сўнгра аччиқ кулиб, бошини ҳам қилди:

— Шунақа, аммо уларнинг ошиғи олчи бўлса, бошимизга нелар тушишини яхши биламиз. Бунинг мисолини куриб турибсиз. Саккиз-ўн шумтака бу кеча каттакон қишлоқни остин-устин қилиб юборди-ку...

Муродбей дағал ва ҳаяжонли овозда:

— Имонимизга путур етмасин, Усмон... Бу кеча бир хайрли ишга қўйл урдик, — деди.

Куий Сазанликларнинг ҳаммаси Усмонга үхшаб, бошларини қуий солиши:

— Йўй... Биз қарши эмасмиз... Иншооллоҳ, хайрли бўлсин.

Улар фақат бир нарсага қарши чиқаётган эди. Майли, кичкина болаларга тегилмасин, уларга бир оз шафқат қилинсин... Лекин тўдабошига, ўғирланган қуроллар билан қароқчилар тўдасини тузган, куппа-кундузи йўлтўсарлик қилган, қўлидаги милтиқ билан бир тўда одамга, боз устига бир депутат билан шаҳар ҳокимига таҳдид қилган Муслимни жазосиз қолдириш мумкинми, ахир?!

Иш яна бузиладиганга үхшаб турарди. Депутат билан шаҳар ҳокими бир нарсалар демоқ учун шошилиб оёқقا қалқдилар. Аммо Муродбей улардан олдинроқ ҳаракат қилиб, бақира кетди:

— Ахир, бу болаларча ҳазил эканлигига ёппасига қарор бермаганмидик? Сизлар ҳам, бизлар ҳам бирдан қўрқиб шарманда бўлганимизга иқрор бўлмасак, мактаб-пактаб

Бўзовада қолишга қарор қилган вақтимда Муродбей доим бирга бўладигандек қувонган эди. Аммо кетадиган куни миз яқинлашавергач, бу қувонч ўрнини ҳузн эгаллай бошлади. Оқшомлари уйда ёлғиз қолган вақтимизда ғамини яшириш учун қаҳқаҳа отиб:

— Бу бехайр төғ менга шундайгина биқинимизда, станциянинг нарёғида тургандек, худди оқшомлари бир-бири мизни чақириб, кўришиб юрадигандек туюлганди. Кетиладиган кун яқинлашди дегунча, төғ узоқлаша бошлади... Худди ердан узилишга, осмону фалақда етиб бўлмайдиган бир Ой мамлакатига айланишга қарор қилгандек... — дея сўзланарди.

Бу гапни тўхтовсиз такрорлайвергани учун, охири бир оқшом ҳазиллашиб:

— Мени ўша ёқقا тортаётган ҳам шу эмасмикан, ажабо? — дедим.

Бу гапдан сўнг унинг кўзлари ёшга тулди:

— Бир-бири мизга ўхшаймиз, Умар, — деди. — Аммо мен энди саргузашт кетидан қувадиган ёшда эмасман. Эҳ, сенга ҳасад қиляпман!..

Кечалари мени ухлатмайди. Тонг отгунга қадар супадти кўрпача устида ўтириб, Юқори Сазан ҳақида гурунглашамиз.

Муродбей рисоладаги одам эмаслиги беш қўлдай аниқ. Дали деб шуҳрат қозонганидан ташқари, бутун туриш-турмуши буни очиқ-равшан аён этиб турарди. Бола-чақасидан ажралиб, бу хира ва зерикарли чет вилоятда яшаётгани ҳам бир саргузашт эмасми? Уни ҳам хаёлан, Юқори Сазан каби, англаб бўлмайдиган бир қанча хислатлар билан музайян қилган эдим.

Муродбей Юқори Сазани Робинзоннинг оролига ўхшатарди. Мен уни эшитарканман, зим-зиё ўпқонлар устига осилган дараҳтлар, бўрилар билан олишаётган йиртқич қушларга тўла эртак расмларини қофозга тушираман. Девона Фарҳод ҳам доим ёнимизда, кўйлагининг устидан жун нимча кийиб олганча тўшакка узанади, гоҳида кўзи илинади, сўнгра бирдан уйғониб, сухбатга қўшилади. Фарҳоднинг Юқори Сазан ҳақидаги тасаввури ҳам бизникидан фарқ қилмайди. Фақат мени у ерда душман каби кутиб олишади, деб ўйлади. Қоялар орасига пистирма қўйи-

шади, кундузлари очик майдонга чиқишига юраклари дов бермаса-да, кечалари ётган жойим теварагида қашқир каби изришади. Волийнинг Юқори Сазан муаллимига бир жандарм қўшиб бериш таклифини нега рад қилганимни хеч ақдига сиғдира олмайди.

— Оғажон, сени бир балога гирифтор қиладилар деб курқаман, юрак-бағримизни кабоб қиласан, — дейди.

Муродбей карвон деб атаган юк машинаси йўлга чиқишига икки кун қолди. Бир оз отиб олгани учун бу кеча ҳар доимгидан кўра дарднок ва ҳаяжонлироқ кўринарди. Орада: «Тумов бўлганга ухшайман!» — дея, бир оз йиғлаб ҳам олгач, ётгани кетди. Қанча ухлаганим ёдимда йўқ. Эшикни кимдир қаттиқ-қаттиқ, урганини эшитдим. Муродбей ҳаяжон ичида: «Мен келдим, Умар!» — деб қичқирди. Фалатиси шуки, орқасида Фарҳод ҳам бор. Аввалига тоби қочган бўлса керак, деб уйладим. Йўқ, ундан эмас экан, қўлидаги шамни силкитиб:

— Умар, ногаҳон чорасини топдим, бу нега олдинроқ калламга келмаганига ҳайронман... Мен сен билан кетаман... Бу тоғ, ахир, Эверест эмас, қарғиш теккан жой-ку! Фикру зикримни қаттиқ банд этган бу мароқдан қутулишнинг бошқа йўли йўқ... Ҳеч бўлмаса бир ҳафтагача ёнингда бўламан. Бундай ажойиб, бу қадар оддий фикр нега олдинроқ калламга келмаган экан-а?

Бу қандай шодлик, бу қандай болаларча қувонч! Тўшакда утирган жойимда мени силкитди, қучоқлаб ўпди. Сунг ёнимга утириб, қандай қилиб бу қарорга келганини ҳикоя қилишга тушди:

— Бола эдим. Уйимиздаги супанинг тешигидан бир чаён чиқиб, яна ўз жойига қочиб кетди. Қаттиқ қўрқдим. Чаён тирқища пойлаб турган бўлса керак, деб уйлардим. Бармоғимни тиқсан нима қилар экан, деб ўйлардим. Бу қўрқув вужудимни шу қадар үраб олдики, кечалари ухламайдиган бўлдим. Охири бир кечаси тўшакдан турдим, онамни уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида юриб, супага чиқдим. Қўрқувдан йиғлаб, даҳшатдан титраб-қақшаб, бармоғимни тешикка тиқдим, анчагача кутиб утирдим. Хайриятки, ҳеч нарса чақмади. Кўрдингми, мен ўша вақтлари ҳам шундай эдим. Ёки ҳозир ўша вақтлардагидекми坎ман.

Үйқумиз қочган эди. Сафарни қандай ўтказишимиз түррисида узоқ сұхбатлашдык. Шу өзек ҳеч ақл бовар қилмайдиган бир гап бўлди. Бояқиши Фарҳод айни бўхронни бошдан кечираккан:

— Ахир, мен-чи, мен нима қиламан, оражонлар?.. Не қилишим керак? Мен ҳам бораман. Волий ружсат бермаса, қочаман, ишдан бўшайман! — дея типирчилай бошлади.

Муродбей:

— Майли, сен айтганча бўлақолсин, ошик... Сен ҳам чаён инига бармоғингни тиқиб кўрақол! — деб уни упди. Шу қадар шовқин солиб, уйни бошимизга кўтардикки, нима гаплигига қизиққан уй соҳибаси аста-аста зинапоядан чиқаётгани қулогимизга чалинди.

Ана шунаقا, ҳеч ақл бовар қилмайдиган нарса... Муродбейнинг касали Фарҳодга ҳам юққан эди.

## ИККИНЧИ БҮЛİM

### 1

Бу гал тоққа жануб томондаги йўлдан чиқадиган бўлдик. Бу йўл бирмунча узокроғу, Қуий Сазанга кириб ўтиш заҳматидан қутулар эканмиз. Шунингдек, бу иккинчи йўл душман ҳудудидан ўтмас эди. Кўприклар бузилмаган. Чегарадан ўтиш расмиятчиликлари ҳам йўқ. Юкларимизни тоққа олиб чиқиш учун бир-икки хачир топишга қийналмаймиз.

Минган юк машинамиз бизни вилоят тошийўлидан Юқори Сазан этакларида жойлашган Фариблар номли ноҳия марказига тезда етказиб борди. Бу ноҳиянинг ҳам Юқори Сазан билан ўзаро муносабатлари яхши эмас. Бироқ ҳар ҳолда, улар уруш ҳолатида эмасди. Аммо төғнинг бу томони Қуий Сазан ёнбағрига нисбатан тикроқ... Рўпарадан қараганда, қатор-қатор қалъа деворларига ўхшайди.

Муродбей билан Фарҳодга:

— Сизлар орқага қайтишингиз керак! — дедим.

Муродбей тез-тез такрорлаб турадиган икки мисрасини ўқиб, хурсиниб қўйди:

«Мумкинми? Мумкинмидир орқага қайтмоқ,

Гар тушган бўлса кўнгилларга бу орзуладар».

Айтишларига қараганда, Қуий Сазан ҳудудлари ёпиб қўйилгандан сўнг, у ер-бу ердан хатарсиз сўқмоқлар очишган экан.

Қолаверса, Фарибларда моҳир хачирчилар ҳам бор. Улар қадимдан шунга ўрганганд. Пул учун эмас, пулдан кўра одатини канда қилишни истамаганлари учун тоққа чиқиб-тушишаркан.

Фарибларда бир мусофирихонада тунадик. У ерда бир мўйсафид хачирчилар тўғрисида парилар ҳақидаги эртакка ўхшаш ривоятлар айтиб берди. Төғнинг ярмига борганда хачир йўли одамлар юрадиган йўлдан айрилар ва ха-

чирлар ким билади қаерлардан ўтиб, икки-уч баробар юкни кутарағидан бўлиб кетармиш. Баҳор ва куз ойларида обҳавога ишониб булмас, кутилмаганда тоғ шиддатли тӯфонлар, қор буронлари ичида қолармиш. Хачирчилар үзларидан бошқа бирор билмайдиган горларда неча кунлаб қолиб кетармиш. Гоҳо хачир-пачири билан йўқолиб, қайтиб келмаганлар ҳам бўлармиш. Зимзиё кечаларда узун оқ соқолидан бошқа жойи куринмайдиган бир пари узоқдан чироқ тутиб, уларга йўл кўрсатармиш. Бу пари хачирчиларнинг пири бўлса керак-да...

Лекин ривоят сўзлаётган қария ҳукумат одами бўлган меҳмонларига ҳаммасини очиқ айтишдан ҳадиксираётганга ухшарди. Оддий саволлар берган Фарҳодга: «Сен буларни аралаштирма. Париларнинг ҳаммаси қиз бўлавермайди. Соқоллилари ҳам бўлади, албатта!» — деб қўйди.

\* \* \*

Эртасига саҳармардондан тоққа қараб йўлга тушдик. Юкларимиз учта хачирга ортилган. Майда-чуйда ашёларни болалар қўллари ва елкаларида кўтариб боришарди.

Хачирчи жониворларига жуда ишонади. Қаттиқ чарчаган йўловчи, бошвоғини бўш қўйиш шарти билан, хачирларга миниши мумкинлигини ҳам писандади. Аммо ишончи қатъий бўлиши, хачирлар жар ёқасида аста-секин, титраб, тошларга уриниб-суриниб кетаётганида қўрқ-маслиги даркор.

Мен эгнимга овчи кийими кийганман, энди ҳарбий эмасман. Муродбей ҳам мендек кийинган. Фарҳод бўлса бошдан-оёқ ясаниб олган.

Кўзага ўхшаш семиз оёқларида Анқара Дехқончилик мактабидаги йўлбошловчилигидан қолган шим, бўйнида катта қизил шарф, бошида айвони катта шляпа, белида фляга, елкасида дори-дармон ва бошқа нарсаларга тўла овчилар сумкаси, қўлида темир ҳасса, белида илгакли темир таёқ...

Бунинг устига Фарилардан хачирчи иккови дала чориги харид қилиб, оёғига кийиб олган. «Кулманлар, оғажонлар! Биз зироатчилар бу мамлакатда чориқсиз юролмаймиз...» дея сўзланиб, бизни кулишга мажбур қиласди.

Сафаримиз мактаб сайри нашъу намоси билан бошланди. Экинлари эндингина ўриб олинган далалар, йўл ёқасидаги гуллаган буталарга тирмашган эчкilar, олдимииздан гала-гала бўлиб учиб ўтаётган қушлар, тонг ёғусига кўмилган тепаликларнинг жозибадор манзаралари... Бироқ болаларча шодлигимизнинг асл сабаби Муродбей билан Фарҳоднинг руҳиятидаги ўзгаришларда эди.

Тоғнинг орқа бетини кечаси Муслимнинг елкасида утириб ошган кичкина Бажақ энди ҳаммамииздан олдинда борарди. Бора-бора дуч келаётган паст-баландликларга, ҳожати бўлмаса-да, югурга-югурга чиқиб тушаётгани, эчкilarни қувлаш учун ён томондаги қояларга тирмашганини куриб Муродбей кўзларини тўсиб: «Хой, тирранча, тўхта дейман... Сени кўриб юрагим ўйнаб кетяпти. Бу ерда бир балога учрасанг, юқорида не ҳунар курсатар экансан?» — деб бақириб ҳаммамиизни кулдиради.

Кўп ўтмай сўқмоқ қуриган чақиртиканаклар қўйнида йўқолиб, қоялар орасидан айланади бослади дегунча шерикларимда бир турғунлик сезила бўшлади. Муродбей шоду хуррамлигимизни давом эттириш учун Фарҳоднинг жирига тегиб, ростакамига хавотирланаётган қиёфага кирди: «Ошик бўтам, сен майхона қизлариникидек лорсиллаган, оппок-қина оёқларингни оғритиб, бу ёқларга келиб нима қилардинг. Бу ерлар сиртмоқдан қутулганларнинг тоги бўлса. Бунинг устига соқолсиз ёнокларинг ҳам қип-қизил бўлса... Яна сени қиз деб ўйлаб олиб қочмоқчи бўлишса, биз аралашмаймиз!».

Бу ҳазил Фарҳоднинг ҳамиятига тегиб кетди. Бўзовадаги майхонадан қайтганимизда бўлгани сингари, Муродбейдан жаҳди чиқди: «Йўй, оғажон... Мен бунаقا ҳазилларни кўтармайман. Бу ор-номус масаласи!» — деб ўпкалаб, ундан олға утиб кетди. Аммо тезда чарчаб, ерга ўтириди ва бу гал орқада қолди.

Кўп вақтлардан буён бу тонгдагидек қотиб-қотиб кулганимни эслай олмайман.

Тоғнинг борган сари чалкашган ва тиккалашган йўлларини Муслим хачирчидан ҳам яхшироқ биларди. Ора-сира менга яқинлашиб: «Майли, хачирлар у ёқдан кетаверишин, мен сизни янада қисқароқ йўлдан олиб чиқаман», — деб қўярди.

Муродбей: «Бор, ишиңгни қил, хұмпар! Қисқа йүлдаң олиб чиқаман деб, бизларни тик қояларга тирмаштириб ҳолимизга маймун үйеглатмоқчимисан?» — дея уни қувиб солар, сұнгра күзини қисиб қўйиб, ростакамига хавотирланғандек: «Шуниси ҳам борки, бу ҳариф қароқчибоши бўлган-да. Яқин йўлларни хачирчидан ҳам яхшироқ билади, — дерди. — Лекин бунақаларга ишониб бўлмайди. «Ҳали сизмисиз менинг тўдамни тарқатиб юборган?» — деб бизларни жар-парга итариб юбориши ҳам ҳеч гапмас, тўғрими, Умар? Бироқ бунчалик нонқўрлик қилмаса керагов, а? Хачирларни ташлаб унинг кетига тушсакмикан?»

Фарҳод бу гаплардан чўчиб, гина-кудуратни ҳам унуди: «Ҳой оғажон, нима бало, ақлингни еб қўйдингми?» — дея тилга кириб, ялина бошлади. Яна қотиб-қотиб кулагиз.

Муслим энди менинг дўстимга айланган. Ҳатто, ора-сира гаплашиб ҳам қўямиз... Фақат уни «қўмондоним» дейишдан воз кечтира олмадим. Бечора ўша тонгда менга ўзича бир ҳазил, қизиқчилик ҳам қилди. Бир вақт қоялар орасида йўқ бўлиб қолди, уни бақиришиб қидирган болаларга анчагача жавоб ҳам бермади. Бу уни қочди деб тахмин қилишимиз учун қилинган ўйин эди. Ёки ўзича бир сиёsat қилган бўлса керак. Юзига қараб: «Бундан яхшилик чиқармиди? Пайтини топдими, қочади!» — деганларга қарши энди бундай нияти йўқлигини билдириб қўйиш учун қилинган иш эди. Мен ўзимни бу ўйинга ишонганга олиб: «Қаерда қолдинг? Бизни ташлаб кетган бўлсанг керак деб ўйловдим!» — дедим. Бошини чайқаб «Йўқ!» ишоратини берди, лекин фақат ҳазил қилаётганимни тушуниб, хурсанд бўлди.

Тоғнинг бу тарафига ҳали қуёш тушмагани учун, йўл унчалик машаққатли эмасди. Бунинг устига секин кетиб бораётгандик. Шундай бўлса-да, ҳамроҳларимиз толиқа бошлашди.Faқат Муродбей ҳануз қувноқ, ҳамон қадимгидаи беғубор. «Бу йўллар менга чўт эмас!» — дея кулиб қўяди, яна Фарҳодга тегишидаи: «Не бўлди, қўйсанг-чи, ошиқ! Сенинг адашинг севгилиси Ширинга эришмоқ учун бунақа тоғни тешаси билан бошдан-оёқ ёрган эди. Сен бўлсанг ҳозирданоқ шаллайиб қолдинг!»

Бироқ шўрликнинг асл дарди чарчоқ, эмас, оёқлари. Саҳармардондан Фариблар бозорига бориб олган чориби оёқ-

ларини сиқаётганидан шикоят қилаётган эди. Ваҳоланки, бизга ҳам чориқ олишни тавсия қилған эди. Бир марта чо-риқларини ечиб, пиёда юриб ҳам күрди. Бироқ тошлар оёғини чақа қилиб юборгач, қайтадан кийишга мажбур бўлди.

Хайриятки, кўп ўтмай бир қоя ёнидага қўл буйида анча вақт ҳордиқ чиқариб, овқатланиб олдик. Қоя шунчалик баланд ва тикки, тепасида йифилган ёмғир-қор сувлари том тарновидан отилгандай, ҳавода равоқ ҳосил қилганча, пастга шиддат билан отилиб тушади. Шалола суви пастдаги бошқа улкан қоя этагини у ер-бу еридан ўйиб, катта-кичик ҳовузлар ҳосил қилган. Бу ҳовузлар атрофида қайси турга оид эканини ҳатто Фарҳод ҳам билолмаган, бир-бирига илондай чирмашиб кетган ям-яшил ва серсоя дарахтлар бор. Болалар эгнидаги кўйлакларини ечиб, ўзларини ҳовузга отишли. Бир-бирини сувга босиб ўйнай бошлишди. Пастга тушиб қолганлар бўриқ овоз чиқара бошласа, Фарҳод ҳавотир олиб бақиради, парво қилишмаганини кўриб: «Ҳой, оғажон!.. Бир-бирини ғарқ этиб қўйишмасин!.. Бир нарса десанг-чи шуларга... Булар одам эмас, мол!» — дейди.

Мен: «Эътибор қилма... Бир-бирини ғарқ қилган ҳайвон борми, Фарҳод?» — дея ҳазиллашаман.

Кўп ўтмай Фарҳоднинг ўзи ҳам: «Оғажонлар! Балки сувга тушсан, оёқларимнинг оғрифи, бир оз бўлса-да, босилар!» — деб ярим белигача ечиниб, сувга тушди. Лекин унинг яра-чақа бўлиб кетган товоnlарига ҳозир сув ҳам, бошқа нарса ҳам кор қилмаса керак. Турадиган вақтимиз яқинлашгач, Муслим билан Чирик Алига бир нечта новда кестирдим ва уларни Фарҳоднинг белидаги илгакли арқон билан маҳкам боғлаб, тахтиравон ясадим.

— Бу сен учун, Фарҳод, — дедим. — Бу яра-чақа оёқларинг билан юра олмаяпсан... Сени ёввойи қабила бошлиғи каби тахтиравонда кўтариб тоққа олиб чиқамиз.

Фарҳод аввалига кўнмади, хачир устидаги сумкасидан туфлисини олиб кийди. Туфлида юра олсан керак деб ўйлаётганди. Аммо сал ўтмай: «Оғажонлар! Туфли билан ҳам бўлмади, этик опкелсан бўлмасмиди, эх, хомкалла», — дея инграй бошлади.

Болалар сувдан чиққандан сўнг кўйлакларини қайтиб киймасдан, тахтиравонга тўшадилар. Фарҳодни тахтиравонга миндиридик. Биринчи бўлиб Муслим билан Чирик Али тахтиравон дастасига ёпишди.

Карвон йўлга отланган чоғда Муродбей Фарҳоднинг қулоғига бир нарсалар деб шивирлади. Буни эшитиб авзойи бузилган Фарҳод тўрт-беш одим отмаёқ: «Бу ноқулай экан», — деб тахтиравондан тушмоқчи бўлди. Муродбей қаҳқача отиб куларкан: «Худо урсин, ҳазиллашган эдим, ошиқ!» — деб, уни қайта миндириди. Тахтиравоннинг орқасидан борар эканмиз, кула-кула Фарҳодга нима деганини айтди:

— Ошиқ, эҳтиёт бўл... Не бўлса-да, булар қароқчи, гўё оёғи тойгандек булиб, сени жар-парга ағдариб юбормасинлар тағин, девдим.

Тегишиш навбати менга ўтди:

— Бунақа бемаъни гаплар хаёлингга ҳам келмасин асло... Модомики, тахтга чиқдинг, энди бу қароқчилар тўдасининг ҳақиқий сардори сенсан!

Фарҳод ёлғон жасорат билан кулимсираб:

— Йўқ, оғажон... Бунақа деб ўйлаганим йўқ, — деди.

Узи эса бесаранжом. Отларга қанд бериб ўргатмоқчи бўлгандек, чўнтағидан нималарнидир чиқариб, болаларга улашди: «Агар чарчаган бўлсангизлар, тушақолай!» — деди, сўнг уларни узундан узоқ гапга тутди. Аслида гап сотаётган унинг ўзигина эди, холос. Оғзидан бол томиб: «Қишлоқ кишиларини билмаганлар ундей-бундай дейишади, аслида уларга ўхшаганлар ҳеч қаерда йўқ. Сизлардек мард, сизлардек ор-номусли, сизлардек чинакам мусулмон киши топилмайди!» — дея болаларга хушомад қилаётганини кўрди дегунча, Муродбей: «Бу бизнинг Фарҳоддан депутат чиқиши аниқ!» — дея кула бошлиди.

Лекин бояқишининг қаҳқаҷалари узук-юлуқ чиқа бошлаганди. Уни оёқларимиз остидаги тошлар сирғалиб кетишидан асрамоқчи бўлгандек, белидан қучоқлаб, ярим оғирлигини устимга олиб кетаётган бўлсам-да, ҳолдан тойган эди.

Муродбей чиқиш-тушишларни пинагига қелтирмаётган-дек куринарди. Муҳандисдай ҳисоб-китоб қилиб зўрга тирмашиб чиққан бир тепанинг нарёғида яна тушиб чиқиш

лозим бўлган ўнгирни кўрди дегунча, турган жойига чўқди: «Вой худойим-эй, шунча машаққат билан бу ерга чиққанимиз бир чақа бўлди-ку!» — деб маҳзун қаҳқаҳа отди.

Орада бир тахтиравондан Фарҳодни тушириб, болаларга Муродбейни кўтартирсаммикан, деб ўйладим. Бироқ бунинг фойдаси бўлмаса керак, чунки чиқишининг энг мушкул жойига келган эдик. Бу ерда охирги марта дам олишга тўхтадик.

Муслим бир оз илгарида катта харсангта суюнганча, менга қараб кутиб турар эди. Уни ёнимга чақириб: «Кишлоқ ҳали узоқми?» — деб сурадим. У боши билан қоя тепасини кўрсатиб: «Келдик», — деди холос.

Фарҳод билан Муродбей даҳшатга тушди. Муродбей:

— Бу тик деворга ўхшайди-ку... Хачир билан хачирчи қаёққа ғойиб бўлди? — деб сўради.

Муслим улар узоқ айланма йўлдан кетишганини, бизни бўлса энг яқин йўлдан олиб чиқишини яна бир бор айтди. Фарҳод юқорига қарапкан, боши айланиб кетгандай қўли билан кўзларини ёпиб:

— Яқини шу бўлса? Яъни энди биз алъинистларга ўхшаб тик деворга тирмашамизми? — деб бўшаҳди.

— Ташвишланма, Фарҳод, — дедим. — Бу болага ишонавер... У бизни эсон-омон олиб чиқади...

Муродбей сўнгти кучини туплаб, оёққа қалқар экан:

— Ишонмай қаёққа ҳам борардик, — деди. — Кўзинг етмаётган бўлса, орқага қайтақолайлик, ошиқ?

Анча юрганимиздан сўнг, Муслим бизни қоялар оралиғида жойлашган бир тор кечув йўлига олиб борди. Бу сувсиз сел ўзани эди. Ўзан остидаги тошларни йўсин, атрофини дengиз ўтларига ўхшаш ўсимликлар ва тоф буталари босган. Буталар тепада бир-бирига чирмashiб кетгани учун баъзи жойларда кечув туннелга ўхшаб кетарди. Мен Муслимнинг орқасида борардим. Ошналаримга йўл очар, бошим тегиб қолгани учун ора-сира, энди юришни ўрганаётган гўдаклар янглиғ, тиззалаб эмаклашга мажбур бўлар эдим. Орқамдан келаётган Фарҳод қалтироқ сасда: «Оғажон, бу ерда илон бўлса керак!» — дейди. Муслим бўлса: «Илон қараб турармиди, биздан қочади», — дея ишонтиради. Анча илгарилаганимиздан сўнг, қоя бағрига ўйилган ҳақиқий туннелга дуч келдик. Фарҳод дармонсизланиб: «Бу

ерга киролмайман!» — деб минғиллади. Муродбей олдин-гиларига үхшамаган сасда уни уришиб берди:

— Киролмайдиган бўлсанг, қоч, йўл бер, мен кираман.

Бояқиш Муслим бу қўрқувга ҳайрон бўлди, қишлоқликлар доимо шу ердан ўтишларини айтиб, ишонтироқчи бўлди.

Бу туннел ичида анча йўл босдик. Зим-зиё қоронғи. Олдимиизда бораётган Муслим гоҳ-гоҳ ёққан тугуртлар хачирчиларга йўл кўрсатган узун соқолли парининг чирогини эсга туширади. Қўлимга қаттиқ ёпишиб олган Фарҳоднинг арабчалаб калима қайтараётганини эшиштадим. Охири олдинда хира ёруғ курина бошлади. Ҳали туннелнинг оғзи анча узоқ бўлса керак, деб тусмол қиларканмиз, бир қайрилишдан ўтган ҳам эдик-ки, бирданига қуёш нурлари порлаб, кўзимиз қамашди. Бу ерда тамоман бошқача бир оламга, жануби-ғарб йўналишида тоғни иккига ажратган катта жарликка дуч келдик. Жар бора-бора кенгайиб, тоғ этагини ёрқин бўёқ билан тортилган чизиқдай ўраган тошйўлга туташиб кетган. Унинг нариги томонида эса кўз етгунча ястаниб ётган учи-қири йўқ. Бўзова водийси.

Бизни эса бу манзара эмас, балки бош кўтариб қарангандо кўзга ташланган йўл-йўл ёриқлар ичидан дараҳтлар осилиб ётган нишаб, нишаб устидаги кенг майдонда очиқ деразалари ортида олов гуриллаётгандек кўринган баҳайбат тош қаср ҳайратда қолдирган эди.

Муродбей бинога боқаркан, ҳайрат ичидা:

— Мен чарчаганим учун туш кўраётиман шекилли, Умар? Бунақа йироқ тоғ бошида бу каби бино бўлиши мумкинми? — деди.

Худди қаерда эканини сезмаган ва унугтандай бўлган болаларимиз бизни кутиб туришарди. Кўйлаклари, пай-покъларини кийиб, атрофимизни ўраб олишган эди. Чирик Али бинони кўрсатиб:

— Лайлакўлининг қалъаси шу, — деди. — Мактабимиз ўша.

Тин олиш учун Фарҳоднинг ёнида ерга ўтириб олган Муродбей:

— Ўша тонгда Қуий Сазан кўприги бошида сен бу тоқقا боқиб, қадимий тарихий шаҳарни, мен бўлсанм фақат ракета билан чиқиш мумкин бўлган Ой юртини кўргандек

бўлувдик. Энди қара, агар туш кўрмайтган бўлсам, биз ўша ерга етиб келдик, — деди.

Тоғ тепасидаги майдоннинг четида турган икки кишининг бири бизга қўл силкиёттган эди. Муслим улардан бири бизнинг хачирчимиз эканини айтди... Биз шунчалик имиллаб йул босган эдикки, хачирчи биздан оддинроқ етиб келибди.

Йўлимизнинг энг сўнгги машаққати бу охирги тепаликка тирмасишидан иборат эди. Лекин оддимизга тушган Муслим бизни қоя ёриғи ичига ўйиб ясалган, минораникига ўхшаш зинапояга олиб борди. Муродбей ва Фарҳод учун бу ҳам машаққатли эди. Аммо улар бор кучларини туплаб, зинапоянинг кирка билан ясалган пиллапояларида утира-ӯтира тепага чиқа бошлиди.

Бизни зинапоя тепасида хачирчи билан бирга кутиб олган киши Юқори Сазан оқсоқоли экан. У йўғон ҳассаси ёрдамида зўрға юрадиган жуда кекса киши эди. Бир чаккаси бутунлай куйгани жароҳат изидан куриниб турарди. ҳаво иссиқ булишига қарамай, эгнига қалин чакмон ташлаган, яланг оёқларига калиш кийиб олган. Бу меҳмонларни кутиб олиш учун ўзига хос расмий либослар эканини бир оздан сунг тушундик. Бизни ҳайратта туширган нарсалардан бири — Юқори Сазанинг ўттиз-қирқ йилдан бўён унугилган мактабига бир ўқитувчи келаётганини бу ердагилар бир ҳафта олдин эшитгани бўлди. Қария дунёни сув босса тўпигига чиқмайдиган кишига ўхшар, ўқитувчи қайси биримиз эканлигимизга қизиқиб ҳам ўтирамай: «Хуш келибсизлар!» — дегандан кейин оддимизга тушиб, тўғри мактаб томонга йул бошлади.

Муродбей бир нарсаларни сўраб-суриштирас, лекин жавоб ололмаётган эди. Менга: «Бечора тушунмаётган бўлса керак», — деб қўярди.

Бинони кўриб, Муродбей ҳаяжонга тушган эди. Қасрдан қўз узолмас: «Яхшилаб кўриб ол, Умар!.. Шу кесма тошларни қандай теришганига, шу деразаларга эътибор бер... Бу кимсасиз тоғ бошига буни қурдирган Лайлакўғли дегани ким экан ўзи?.. Сен бу ерда подшолардек ҳукм сурсан энди», — дерди.

Шунда ишониб бўлмайдиган ҳодиса содир бўлди, ҳеч нарса эшитмаётган, тушунмаётгандек кўринган оқсоқол Муродбейга:

— Бу тоғ, авваламбор, Оллоҳнинг, ундан кейин Лайлак-үгилларининг тоғидир, — деди.

Бу қандай содир бўлганини сўрагач, бизга янада ҳайратланарли нарсалар ҳақида сўйлай бошлади, таёги билан пастдаги водийни кўрсатиб, бир ғалати тарихни ҳикоя қила кетди. Пастдаги водий бир вақтлар салибчи қўшинларнинг доимий қўнағаси бўлган эмиш. Улардан қочган Лайлак-үгиллари бу тоғда маскан тутган ва қайтиб водийга тушмаган эмишлар... Усмонийлар замонида ҳам шундай булиб қолаверган эмиш. На Усмонийларнинг улар билан, на уларнинг Усмонийлар билан иши бўлган эмиш... Фақат уруш вақтларида Лайлакүгиллари қўлида қурол билан пастга тушиб, водийдан ўтган Усмоний қўшинларга қўшилар, уруш тугагач, яна тоғига қайтиб келар эмишлар. Хуллас, бу Лайлакүгиллари ўз бошига бир давлат бўлган эмишлар... Тоғда ўз ёғига ўзлари қовурилиб ётар, фақат жуда noctor қолган вақтлари пастдан ўтган карвонларни талар эканлар. Борабора бу хонадондан кичкина қароқчи тўдаси қолган, уларнинг катталарини Машрутият<sup>1</sup> даврида дорга осишган, ки-чикларини ким билади аллақаёқларга жунатиб йўқ қилишган экан... Бу қалъани Лайлакүгилларидан охиргиси Султон Мажид замонида қурдирган эмиш...

Бу ривоятни катта харсанг устида ўтириб эшитган Муродбей:

— Қанақа қалъа? — деди. — Мусофиরхона бу, бизнинг Бўзовадаги ҳукумат мусофиринасидан тузукроқ бир мусофирихона...

Сўнгра кафти билан пешонасини артиб, ҳорғин кулим-сираб менга юзланди:

— Бутун мамлакатдагилар менга дали деб лақаб қўйганига кура, бу кўрганларим ва эшитганларим томи кетган калламнинг алаҳсирашлари меваси бўлмасин яна?.. Худо ҳаққи, менга тўғрисини айт, Умар...

Шурлик Муродбей, авзойига қараганда, чиндан ҳам ўзидан шубҳаланаётганга ухшарди. Бироқ Фарҳод мендан олдин жавоб берди:

<sup>1</sup> *Машрутият* — конституция, конституцион бошқарув. Туркияда 1876 йилда Конституция эълон қилинган. (Кейинчалик, ёш турклар инқилоби натижасида 1908 йилда Конституция тикланиб, конституцион бошқарув жорий этилган.)

— Күркма, оғажон, худо ҳаққи, фақат сен эмас, мен ҳам ақлдан оздиммикан, деб қўрқаётирман.

Муродбей Фарҳоднинг елкасига бир мушт урди-да:

— Қўркма, ошиқ... Жинни ақлдан озмайди... Тиббиётнинг хулосаси шундай! — дея қаҳқаҳа отди ва ҳордиқ чиқарип қувватланган оёқларига қалқди:

— Бу Лайлакўғли дегани Бўлунинг Гўруғлисига ўхшар экан... Салибчилар замонида бу тоғ бошида салтанат сурғанларига қараганда, Усмонийлардан ҳам қадимийроқ ва аслзода бир сулола... Оллоҳ улардан рози бўлсин... Машрутият болаларига бир мактаб қолдириб кетишибди. Жумҳурият болалари ҳам бу ерда ўқиб, одам бўлишади.

Кейин чуқур-чуқур нафас олиб, кўзларини юмганча, худди алаҳсираётгандек, узоқ сўзлашга киришди:

— Давлат худудлари ичида Юқори Сазанликлар, ўзимиз биладиган ва ўйлайдиган дунё билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, ҳатто, борлигини ҳам билмайдиганимиз Лайлакўғиллари давлатлари бор... Уларнинг ўз қонунлари, анъ-аналари ва урф-одатлари бор... Умар, сен ўзинг ҳам яхши билмайдиган шикаста руҳингнинг ташналигини керагидан ҳам ортиқ қондирадиган бир ерга келдинг шекилли... Бу ерда сен ҳам Лайлакўғиллари сингари салтанат қурасан, деб умид қиласман.

Юзлари оташланиб, титраганча мени қучоқлади ва ёноқларимдан ўпди: «Агар ёш бўлсанм, мен ҳам сенинг ёнингда қолган бўлардим!» — деди.

Оқсоқол илма-тешик чакмонининг ички чўнтағидан қизил латтага ўроғлик қалитни олди.

— Қалитни бермоқчиман, — деди. — Қайси бирингиз уқитувчи бўлсангиз, эшикни очинг!

Синиқ тош зина пиллапояларидан чиқиб, қалитни қулфга солиб бурадим. Эшик очилмади. Куч билан тортганимдан сўнг эшик тавақаларидан бири фижирлаб ён томонга очилди, устидан тош-тупроқ тўкилди.

Худди очилган театр пардаси олдида турганга ўхшардик. Бинонинг ичи бўм-бўш, қорагуз театри<sup>1</sup> саҳнаси каби очиқ майдондан иборат, томи ўпирилган, деворлари тамомила йикилган, бутун қолган бир нечта устунлар, бузук

<sup>1</sup> Қорагўз театр — халқ соялар театрни.

ошхона скелети орасидан каттакон боғ, осмон ва уфқ, яна тоғнинг чексиз яланғоч қоялари кўзга ташланади. Пастдан қараганда майдоннинг очик деразалари ортида оловдай кўринган нарса тош устунларга тушган қечки шафақдан бошқа нарса эмас экан.

Даҳшатга тушган Фарҳод:

— Бу нимаси? Бу эшик қалитини нима деб бизга бердинг, оқсоқол амаки?! — деб бақириб юборди.

Муродбей:

— Жим бўл, бу расмий давлат иши, топшириш ва қабул қилиш иши... — деди. — Ахир, кейин оқсоқол амакидан ҳисобот сўрашади.

Довдирашимиз узоқ чўзилмади, мен ҳеч нарса демай, шағал уюмлари ва буталар оралаб ичкарига қадам ташладим. Дўстларим ва болалар изма-из ичкарига киришди...

Бинонинг фақат ўнг томони бир оз бутун қолганди. Муродбей шу томонни кўздан кечиргач:

— Чўчима, Умар... Бу ерда қиласидан анча иш бор, — деди.

Хачирчи хачирларни орқадаги боққа олиб ўтганди. Биз ҳам гуруҳимиз билан уша ерга ўтиб, қувонтирадиган бир кашфиёт қилдик: қуриб тошдай бўлиб қолган дараҳт тагидаги гарновдан сув оқиб ётган тошбулоқни кўрдик.

Вақт кечга томон оққан эди. Оғайнilarim чарчаган. Қош қораймасдан олдин нарсаларимизни тушириб, тахлаб олишимииз керак. Хачирчи билан дарҳол ердаги қоплардан бирини очдим. Дастребки қилган ишим катта керосин лампани чиқариб дараҳт шохига осиш ва ҳозирданоқ ёқиши бўлди. Ҳар доим ҳам шундай сахийлик қилолмаймиз, албатта. Бироқ бу вайронада ўтказадиган биринчи кечамиизда қоронилик ваҳимасига қарши ўзимдан ва болалардан кўра, кўпроқ Муродбей ва Фарҳод учун шундай қилиш лозим эди. Ундан кейин ўчоққа шох-шабба қалатиб, олов ёқтиридим. Қозонимизда шўрва қайнаши керак. Илк кечадаги байрамимиз камчиликсиз нишонланмоғи даркор.

Куп ўтмай қоронғи тушди ва фонус билан ўчоқда гуриллаётган олов атрофни ёрита бошлагач, Муродбей:

— Яша Умар, — деди. — Лайлакўғилларининг саройида бу кеча биринчи марта олов ёнди. Уларнинг руҳлари, албатта, атрофимизда айлананаётган бўлса керак. Арвоҳники-

та үхшаш ҳайбатингни куриб, сени ўзлариники деб ўйласалар керак. Гапни чузма, бу кеча Лайлакўғилларининг тахтига чиқдинг...

Салтанатим Фарҳодга кўп маъқул бўлди, лекин у рухларнинг атрофимиизда айланавётганидан, айниқса, Муродбейнинг «сўнгги Лайлакўғлиниң оппоқ кўйлаги устига қатл фармони осилган ҳолда дордан тушиб, орамизга кириши» тургисидаги лофларидан дағ-дағ титраётган эди.

— Уларни тинч қўй, оғажон, тинч қўй, оёғингга поёндоз бўлай, — деда ялиниб-ёлвора бошлиди, сунг эрталабдан бўён бир неча бор қилганидек, шивирлаб дуо үқишга киришди.

Муродбей қулоғини динг қилиб:

— Нима қиляпсан, Фарҳод? Арвоҳларни рози қилиш учун дуо үқиганинг етмагандай, энди уларга ялтоқлик қиляпсанми? — деда унга тегишиди.

Шурлиқ Фарҳод ҳақиқатан ҳам шундай қилаётган бўлса керак-ки: «Худо урсин, бундай қилганим йўқ, оғажон!» — деб қасам ича бошлиди.

Биз нарсаларни тахлаш билан овора эканмиз, оқсоқол бир тош устида утирас эди. Унга билишимиз керак бўлиб қолган нарсалар ва қишлоққа оид саволлар берардик. Бироқ энди у бир оз олдин салибчилар ва Лайлакўғиллари билан бирга ўз тарихини, эллик йил муқаддам Қоратоғда ва Яняда ҳарбий хизматда бўлганини, бир жангда юзи қандай куйганини ҳам жуда аниқ сузлаб берган одамга үхшамасди. Таёғига суюнганча, ҳеч нарса эшитмаётган ва тушумайтгандек, сукут сақлаб утиради. Фарҳод:

— Эвоҳ, бу одам қип-қизил тентакка үхшайди, — деди.

Фарҳод нима демасин, тескарисини айтиб эрмак қила-диган Муродбей:

— Аслида тентак бизмиз, ошиқ, — деди, — умримиз бўйи гап сотаверамиз, гап сотаверамиз, ҳаммаси пучга чиққанини кўра-била туриб, яна вайсайверамиз, жаврайверамиз. Юқори Сазангга бир янгилик келтиришимиздан умидвор бўлиб, биз билан сузлашадиган даражада тентак эмас у...

— Ундей бўлса, бу тоғ тепасига нега келдик, оғажон?

— Беҳуда... Кўнглимизнинг кўчаси. Шунчаки оёғимизнинг чигилини ёзиб, уйнагани келдик, ошиқ...

Таом тайёр бўлганди. Оқсоқолни ҳам шўрвага таклиф этдик. Таклифни қабул қилмай, ўрнидан турди. Йўлда ке-

лаётганимизда икки қуш отиб туширгандим, қозонда қайнаётган қуш шўрвани таъби тортмагани учун эмас, болалар билан бир дастурхон атрофида ўтиришни хоҳламагани учун турган эди. Чунки оқсоқол болалардан хафа эди.

\* \* \*

Юзи куйган оқсоқол тунги арвоҳдек сассиз-садосиз ғойиб бўлди. Биз ой мамлакатида биринчи таомимизни ея бошлидик. Кеча шу қадар теран сукунат қўйнидаки, булоқ бағридан чиқаётган сувнинг, худди бир баҳайбат маҳлуқ пуркаёттанга ўхшаш, шарқиравини аниқ-тиниқ эшишиб турардик. Янада ғалатиси шуки, бу тоғ тепасида тиллақунғизлар ва чирилдоқлар ҳам бор эди. Шунинг учун биз ўзимизни ёз оқшомида дарё буйидаги боғда ўтиргандек ҳис қиласар эдик. Бир оз олисдаги қоялар кўланкаси орасидан биноларнинг шакллари куринишини, деразаларнинг ёришишини, боғ ёнидан ичи қўшиқ айтиётган мастрларга тұла машиналарнинг ўтишини кутамиз. Бояқиш Муродбейнинг кўзлари ҳаяжондан бир неча марта ёшланганини курдим. Ёлғизлик ва умидсизликка тұла овозда: «Эҳ, ошиқ! Нега энди удингни олиб келмадик?» — дея кулиб, ҳайқирди. Фарҳод: «Тентакмисан?» — дея олмагани учун: «Боламисан, оғажон? Бу тоғ устида бу кazzобларга бизни сүйдирмоқчимисан?» — дея унга таъна қилди, шундай бўлгани ҳолда болаларнидек лўппи ёноқлари ҳеч кутилмаганда ловуллаб, бир қўшиқни ўзича оҳиста хиргойи қила бошлади.

Ҳар иккала оғайним кун бўйи тортган қаттиқ азобу чарчащдан сўнг донг қотиб ухлаши керак эди. Лекин уларнинг ухлагиси келмас, бунга мен ҳам унчалик ҳайрон эмасдим. Иш ниҳоясида уларнинг вужудлари ҳам сафарбарлик эълон қилган эди.

Қароқчиларга қарши узоқ давом этган жанглардан сўнг кишилар оқшомлари уқ теккандай ерга думалаганларини, анчадан сўнг ўзига келиб, бирданига кучга кириб, соатлаб ер тепиниб, кутуриб рақс тушганларини куп курганман. Энг заиф инсоннинг вужудида ҳам битмас-туганмас сабр-тоқат хазиналари бор! Ўлиб қолгандай кўринган вактда ҳам вужудларининг қаърида тўсатдан сирли бир оташ гуриллайди, қаттиқ ҳаяжонга тўлиб ва наъралар отиб яна оёққа турадилар.

Биринчи кечани ўтирган жойимизда, очиқ ҳавода ўтка-замиз... Дастребаки тайёргарлик асносида болаларга қуруқ хашаклар түпплатган, уйдирган эдим. Кечани қўнгилли ўтка-зиш учун аслида бунинг ҳожати ҳам йўқ. Аммо улар энди қароқчи эмасдилар, оқсоқолдан қалитни олиб эшикни оч-ган вақтимдан эътиборан давлат ҳимояси остида люкс ётоғи бўлган мактаб ўқувчиларига айланган эдилар. Шунинг учун бошқа қопдан чиқарган ёмғирпушларини бериб, уларни кеча аёзи-ю намдан асрарим лозим. Икки нафар меҳмоним учун ҳам, табиийки, ҳозирлик кўргандим. Муродбей Миллий озодлик армияси сафида ўтказган кечаларини эслай-эслай, энди кўзёшларини яширишни лозим топмай, охири кўзи илинди. Фарҳодга келсак, у ухламасликка қарор қилган.

Болалар билан хачирчи бараварига хуррак ота бошла-гач, у яна даҳшатли кечадан қўрқувга тушди. Атрофимиздаги қоялар орасида пистирма қўйган шарпалар ҳаракатга тушгани кўзига куриниб: «Ухлаб бўлармиди, оғажон? Бу-нақа жойда кўзга уйқу келармиди? Нима, сен болами-сан?» — деда соддалигимдан кулди, кейин: «Чанг-тўзонига қарамай, ичкаридаги хоналарнинг бирида ётишимиз ке-рак эди. Илон чиқса ҳам майли эди... Ҳаммамиз ухлаб қол-ган вақтда битта-яримтаси пусиб келса нима бўлади?» — деда сўзланди. Менга оила деган нарсанинг унчалик маъно-сиз нарса эмаслигини илк дафъа тан олдирган бу йигитга мен ҳам худди Муродбей сингари тегишиб: «Хавотир олма, Фарҳод, — дедим. — Мен соқчи қўяман. Қарагин, Муслим ҳали ухлагани йўқ. Ётган жойидан менга мўралаяпти. Уни урнидан турғизаман. Ҳожати бўлмаса-да, агар сен иста-санг, қўлига туппончамни ҳам бераман!»

Фарҳоднинг уйқуси ўчиб кетди: «Роса бизни қуриқлай-диган одамни топдинг-да сен ҳам! Оллоҳдан бошқа ишо-надиганимиз қолмабди-да. Йўқ, йўқ. Мен ухламайман. Мен ухламайман», — деди. Шундай дер экан, бирданига ухлади қолди. Ўзимни тия олмай, пешонаси, кулгили туташ қош-лари устидан упиб қўйдим. Бўзованинг байрам ўйингоҳида елкамда айлантириб, бутун оламга шарманда булганим ўша жажжи қизалоқ яна эсимга тушди. «Нега унинг исмини сўрамадим?» — деда ўйлай бошладим. Ўзингни қулга ол, Умар. Энди бу ишнинг яширадиган жойи қолмади... Энди

сен атрофингда ётган бу болаларнинг отасисан... Бўйнингга тушган бўйинтуруқни олиб ташлашга уринмай қўяқол... Исмини билмаган қизалоқ Бузова станциясида айриларкан, ёнофингта теккан бурни ва дудоқларининг нами ҳали-ҳануз қуригани йўқ... Болаларни яна бир бор кўздан кечириб, булоқ ёнига бориб, соқчилик деворга суюниб қолдим.

## 2

Қанча вақт ўтди, билмайман, бир вақт қулоғимга қашқир улишига ўхшаш сас эшитилди. «Агар Фарҳод уйғоқ бўлса, қўрқан бўларди!» — дея кулиб қўйдим. Ким билади, бу сас қаёқдан келаётган эди. Аммо кеча жим-жит бўлгани учун жуда яқиндан келаётганга ўхшарди. Тоғда эшитиладиган товушлар менга таниш... Бўри, тулки каби ҳайвонлар ва баъзи катта қушлар гоҳо одамга ўхшаш товушда улиб, қичқиришади. Лекин буниси улардан бошқача эди. Бу товуш оҳангидаги шикоят аломатларини сезгандай бўлдим. Бу шубҳа мени товуш келган томонга етаклади. Ортда қолган харобанинг осмондаги юлдузлар орасида бичимсиз бир суратда янада катталашиб қўринган кўланкасини кўздан қочирмасликка уриниб, аста-секин қалъадан узоқлашдим.

Овоз мени бир қанча қоя тахталари орасидаги эгри-бугри кечувлардан баланд деворга олиб чиқди. Оёқларим остида кенг ва нишаб сатҳ бошланганди. Сатҳ, устида бир тўп қалин ва қоронги дараҳтзор, унинг бир четида бир бино оқариб қўринди. Лайлакўфилларининг таҳдикали бўлганинга энди шубҳа қолмаган ғалати юртида бу ҳам бир вайронна қалъа бўлса керак. Бироқ бу қалъа униси сингари бўмбўш эмас, ичиди одам ва бир оз ёруғлик бордай эди. Овоз ўша ердан келаётганига ва орқамдаги қояларга урилиб қўрқинчли акс-садо бераётганига ҳамда бу бемор ёки ярадор киши саси эканига шубҳа қолмади.

Энди келган йўлимдан манзилимга қайтишдан бошқа иш қолмаган эди. Турган жойимдан бир оз олдинроқдаги буталар орасида бир тор сўқмоқни кўрдим. Сўқмоққа яқинлашгач, девор ёнида бир нечта тош пиллапояга кўзим тушди ва бу сўқмоқ қалъадан қишлоққа ёхуд бошқа бир томонга кетган йўл эканига шубҳам қолмади.

Мендай бир одам номаълум томонга кетган йул бошида турар экан, орқага қайтиб кетармиди? Серқатнов йўл бўлгани учун қийин бўлмади. Кўп юрмай қаршимдан бошқа қоя тизмаси чиқди. Қоя йўлагининг муюлиш жойида бўлса Қуи Сазан кўприги устида хаёлимга келган қадимий шаҳарга ўхшаб кетадиган ажабтовур манзара: олдида муқим бостирмаси ва осма фонуси билан Қуи Сазан ва бир кун олдин қолганимиз Фариблар қишлоғидаги қаҳвахоналардан унчалик фарқ қилмайдиган бир қаҳвахона... Ичкари ва ташқарида ўриндиқлар, курсилар, ерда бўйра-лар... Наригиларидан кам бўлмаган мижозлар... Гуруҳ-гуруҳ бўлиб қарта ва нарда ўйнаётганлар...

Бир патефонда Бўзова барида столимизга келиб ўтирган бир оз хаста хонанда аёл ўша кеча бир неча бор айтган соҳта европача қўшиқ куи чалинмоқда. Бу ердагиларнинг, айниқса, бўйра устида ётиб қарта ўйнаётган, ошиқ отаётган йигитларнинг кийимлари анча унниққан...

Уларга кўринмай орқага қайтмоқчи бўлдим. Бу биринчи кечада тўғри иш эди. Лекин иложи бўлмади. Мен кўриндим дегунча, узук-юлуқ кинофильм лентасида бўлганидай, ҳаёт бирданига тўхтади. Ҳатто патефон ҳам.

Ичкарида ўтирганларнинг кўпи бош ўгирмасдан, қарамасдан мени кутаётган эди. Соқолли юzlарини ён томонга буриб туришларида Бўзова суд залидаги маҳлукларга қандайдир ўхшашлик бор. Бу ўхшашлик кишини ҳаяжонга солади.

Айтганимдай, энди орқага қайтиш имкони қолмаган эди. Ноилож остонаядан ҳатладим, қаҳвахонанинг ўртасида оёқда турган бир киши ҳам мен томонга келаверди. У оқшомги юзи куйган оқсоқол эди. Чакмони ва калиши йўқ. Энди у одатдаги уст-бошида эди. Рангини билиб бўлмайдиган бир чалвор, ямоқ солинган кўйлак, калиш ўрнига чориқ кийиб олган...

Ҳаммасига бирдан: «Салом», — дедим. Бир нечтаси ўрнидан сал қўзғалиб, алик олишиб. Оқсоқол мендан нега ётмаганимни сўрагач: «Бизнинг янги ўқитувчимиз!» — дея таништириди. Бўшашган, кўнгилсиз овозда: «Хуш келибсан, марҳамат», — деганлар бўлди.

Оқсоқол билан эшик ёнидаги ўриндиқча чўқдик. Вазиятим хийла мушкул, бу одамларга нимадир дейишим керак. Сўз тополмасдим.

Қуйи Сазандагилар каби, улар ҳам мендан норози эдилар. Шубҳасиз, болаларни олиб келганим учун. Дардимни түкиб соладиган вақт келади, албатта. Факат ҳозир, бу кечә эмас.

Қаҳвахонанинг бир чеккадаги үчоги ёнидаги үриндиқда қизил юзли, кўсанамо, жиккак бир қария ўтиради. Рупарасида менга орқа қилиб ўтирган бир нечта киши бор. Яна чурқ этмай ўтирган оқсоқолдан мактабга оид бир нечта саволларимга жавоб ололмай хуноб бўлаётганимда бу қария ҳеч кутилмаганда гап қотди:

— Хуш келибсан, сафо келибсан... Аммо нега бу ерларга келдинг? Баракалла, арслондай ҳайбатли йигит экансан!.. Тошни сиқсанг сувини чиқарасан... Хўш, нега бу ерга келдинг?..

Эгнида кенг, Бузова қариялариникидай, бамисоли шолга ўхшаш ҳирқа, қулида узун таёқ бор. Ингичка, бироқ гоҳ машина сигнали сингари титраган қаттиқ саси купчилик олдида сўзлашга ва ҳукмини ўтказишга одатланган одам эканидан дарак бериб турарди. Ҳар ҳолда у қишлоқнинг нуфузли одамларидан бири бўлса керак.

Икки марта такрорлаган: «Нега бу ерга келдинг?» — деган саволи мени чуқур нафас олишга мажбур қилди. Мени кўп қийнашидан чўчиган эшигим ўз-ўзидан бирданiga очилган эди. Энди бу эшикдан жасорат билан киришим керак...

— Бу ерда нима бор ўзи?

Сўзамол одам эканини тахмин қилиб адашмаган эканман. Саволимни кутганимдан ҳам кўпроқ усталик билан асл маъносидан узоқлаштириб, гапни айлантириб, ҳам ўзини соддаликка солиб, ҳам оғиз-бурнини мугомбирона ўйнатиб атрофга кулимсираб:

— Мен ҳам шуни айтяпман-да, нонми, ишми, пулми? Бу бадбаҳт қишлоқнинг нимаси бор?

Мен астагина салмоқлаб дедим:

— Пул ҳам, нон ҳам унчалик муҳим матоҳ эмас... Улар топилади... Балки сизга бир оз фойдам тегар деб ўйладим, қидирган нарсам шу...

Атрофимда бир енгил қўзғалиш, асабий ҳаракатлар со-дир бўлди. Бу дабдабали сўзлардан, дабдабали ваъдалардан безган кишиларнинг ҳаракати эди.

Жиккак чолнинг сасига ўхшаш қатъият ёғилган гавдаси ўтирган жойида тебранар, ҳали оёғимнинг чанги кўтарилиласиданоқ шу ернинг ўзида бурнимни ерга ишқаб қўйиш истагида ёнарди:

— Майли, шундай бўлақолсин, қўрайлик... Давлат ҳаритада Юқори Сазан ҳам борлигини кўриб қолибди-да... Бир муаллим топиб жўнатиби... Соғ бўлсин... Омон бўлсин... Кам бўлмасин... Сен ҳам соғ бўл, омон бўл. Аммо ўша Оллоҳнинг қарғиши теккан ҳаромзодаларни нега эргаштириб устимизга олиб келдинг?.. Бунга ақлимиз етмапти... Айбга буюрмайсан, биз қишлоқимиз-да.

«Сен қишлоқи эмассан... Мен сени ҳамма вақт турли жойларда кўрганман... Масжидда минбарни муштлаб ваъз айтганингда, шаҳар ҳокимликлари олдида ташвиқот нутқлари сўзлаганингда, бозор майдонларида ҳассангни дўқиллатиб, у ёқдан бу ёққа тентираб олибсотарлик қилганингда кўрганман... Сенинг ким эканингни яхши биламан», — дегим келаётганди, аммо айттолмадим, айттолмасдим.

Ҳеч ким индамади, ҳаммаси чурқ этмай ўтиришарди, бу бевақт таънадан барчаси танг ахволга тушганди. Бир нечтаси ўрнидан туриб, кетишга ҳозирланди. Лекин мен бундай қиломайман. Энди мен ўша ҳамиша эмин-эркин бўлган Умар эмасман. Бевақт бўлса-да, бу саволга лўнда жавоб беришим вожиб эди:

— Ҳаромзода болалар дедингизми? — дедим. — Улар, барча болалар сингари, бир болалик қилган бўлса қилгандир... Уларни қорақўларга<sup>1</sup> топширишдан, у ер-бу ерларга судрашларидан, балки судга тушишдан халос қилиб, ҳаммасини бирдан туплаб, бу ерда яшашга олиб келиб тўғриқилдим деб ўйлайман... Не бўлса-да, улар Юқори Сазаннинг зурриётлари... Сизники улар...

Бу сўзларимни эшлишиб ҳаммаси турган жойида қотиб қолди. Чол ингичка овозда чийиллай бошлади:

— Ол-а.. Улар ит, кўпрак галасидирлар... ўз ташвиши миз бошимиздан ошиб ётиби... ўзимизга бир тишлам нон тополмаяпмиз. Уларни бу ердан даф этган бўлсак-да, яна бошимизга иш тушди... Сен сўраб-суриштирмасдан нега

<sup>1</sup> Қорақўл — полиция маҳкамаси.

уларни олиб келдинг, ўғлим... Ахир, сен юзидан нур ёғилиб турган бир мусулмон йигит бўлсанг...

Чол, бир томондан, менга жуводиз тиқаркан, иккинчи томондан, келажакда нелар бўлиши мумкинлигини ўйлаб, ширинсўзлик ва мулозимат билан тилёғламалик қилаётган эди. Ундаги хавотир бошқаларга ҳам ўтиб, муаммо чиқаришидан қўрқадиган жойим қолмади. Ўрнидан туриб, кетишга отланган бу одамлар доимо Бўзова суд залида ҳаммаси бирданига бошларини ён томонга буриб, бошқа нарсаларга қараган ва чурқ этмай ўтирган одамларнинг ўзгинасиdir. Ичимда бир ҳис менга уларнинг бу беозоргина гина-кудуратларидан қўрқинчлироқ бўлган кек ва адоват сукунатини ҳеч нарса буза олмаслигини айтиб турарди. Нима ҳам бўлди-ю, биттаси чолга деярли ёқимли овозда:

— Овозингни ўчир, Ҳожи Рустам, — деди.

Ёқимли сасда. Лекин бу ёқимли сасда мутлақо итоат этилиши лозим бўлган амрли оҳанг бор эди.

Ҳожи Рустам ундан қўрқиб, овозини ўчирди. Бироқ мен энди чиқиб кетмоқчи эмасдим. Ўша кечаси Қуий Сазанликларга айтган гапларимни буларга ҳам айтмасдан, бу йириングнинг фасодини чиқариб ташламасдан кетмаслигим даркор. Яна такрорладим:

— Агар бу болалар сизники бўлмаса, қайтиб келишларини хоҳламаган бўлсангиз, йўл ёқасида ушлаб олиб кичкина бошларини узмогингиз керак эди... Кучукларнинг қайтиб келишини хоҳлашмаса, шундай қилишади-ку...

Бирортаси менга қарашга ботинмас, фик, этмай ўтиришарди, лекин чиқиб кетмадилар ҳам... Остонадан ҳатлаганимда қандай ўтиришган бўлса, шундай қотиб қолишганди.

Энди мактаб муалими эканимни, мени эшитмасликларини билсам-да, сўзлаш, гапириш лозим эканини ўйлаб, бир нечта калима илова қилдим:

— Мен Бўзова судида бўлдим. Юқори Сазан ҳақида айтилган гапларни эшитдим. Ичим ачишиди. Шу кичкина болакайларни Юқори Сазанлик дея судянинг олдида турғазиб қўйишлари менга ёқмади. Сабр қилинг, беш-үн кун бир синаб кўрай, ўхшамаса орқамга эргаштираман... Оламан-да, кетаман, бу қийин иш эмас...Сизга сўз бераман...

Сўз бериш... Улар бунга ишонмаганини биламан. Бу паллада мен ҳақда нималар деб ўйлаётгандарини биламан ва уяламан... Беш-үн кун деган сўз оғзимдан чиқиб кетгани учун пушаймон бўлаётгандим. Бу содда одамлар бунаقا синов ҳақиқатан ҳам беш-үн кун давом этса керак, деб ўйлашлари мумкинлигидан ва ёлғончи бўлиб қолишдан чўчиётган эдим. Аммо бўлар иш бўлганди.

### 3

Тонг отаркан, Муродбей ҳам, Фарҳод ҳам қуруқ, хаشاқдан қилинган тўшакларидан шоду хуррам уйғондилар. Тунги қўрқув тугаб битган. Бир сўлим боғнинг очиқ ҳавосида уйғонгандек хурсанд эдилар.

Мен дарҳол ишга тушдим. Қолган юкларни ҳам саранжомладик. Бир қараща бу юклар арзимаган нарсага ўхшайди. Тоғ бошида қурадиган Робинзон ҳаёти учун лозим бўладиган ашёларнинг кўпини Бўзовадан тўплаб олиб келгандим.

Эшикнинг бутун тавақасини кундузи яхшилаб кўздан кечирдик. Бу тавақа ишга яроқли. Олдинда йўғон устунлар устига ўрнатилган болорли узун даҳлиз, орқада бир-икки пиллапоядан чиқиладиган катта-кичик тўртта тош хона. Даҳлиз шипи ҳали бутун бўлгани ҳолда, хоналарнинг устидаги томдан фақат шипнинг вассаларигина қолган, холос. Ромсиз деразалар шарқча қараган. Муродбей буларнинг ҳаммасини муҳандис кўзи билан текшириб чиққач: «Бу ерда анча иш бор экан, Умар... Эҳ, сен билан келиб жуда тўғри қилган эканман-да... Озгина ғайрат қилиб, бу ерни яшайдиган ҳолга келтирса бўлади», — деб қувонди... Хоналардан тош-тупроқларни олиб чиқиш, ердаги тўшама тошлар ва девор устида ўсган ўтларни юддириш учун дарров болаларни сафарбар қилдим. Даҳлиз ва хоналарнинг тўшама тошлари тозалангач, Муродбей завқланиб кетди: «Шўрлик Лайлакўфиллари бу ерда шаҳарда ҳам топиб бўлмайдиган моҳир усталарни ишлатган экан», — деди.

Бир томондан, бу кечани ишончли жойда ўтказишига севи-наёттан, иккинчи томондан, болаларга ачинган Фарҳод:

— Оғажон, яна буларни чарчатиб қўйма, — деб менга насиҳат қила бошлади.

— Бу махлукларни бир соат ҳам бүш қолдириб бўлмайди... Акс ҳолда ютқазиб қўямыз, — деб елкасини силаб қўйдим, сунг кулимсираб илова қилдим: — Ташибишланма, бир оздан кейин уларга ўйин топиб бераман.

Ховли, хоналар супуриб-сидирилгач, ҳатто, чеалакларда булоқдан ташилган сув билан ювиб ораста қилингач, болаларни олдимга солиб, боғ тўридаги қоя ёнига бошлаб бордим. Каттакон харсанг остига порох қўйиб портлатмоқчи эдим.

Мен бу ишга тайёргарлик кўрарканман, Муродбей:

— Нега шошяпсан? Таъмир учун ҳозир тошга қупам эҳтиёж йўқ-ку, — деди.

Унга ҳам кулиб жавоб бердим:

— Шошганим учун эмас, янги Лайлакўфилларининг салтанати ҳукм сура бошлаганини билдириб қўйиш учун қиляпман бу ишни... Бу ҳам ўзига хос бир оташ байрамида...

Харсанг гумбурлаб портлади. Агар порохни қўзим қийганида, Бинак тоғининг қояларида акс-садо берадиган қаттиқроқ портлаш қилган бўлардим. Болалар яширган жойларидан чопиб чиқишар, ҳавода сочма ўқقا тутилган турналар ўз қаторидан тўкилиб тушгани каби, фириллаб айланниб ерга тушаётган тош парчалари томонга югуришар эди. Болаларнинг бу шодиёнасини Муродбейга кўрсатиб:

— Менинг қароқчи ўқувчиларимни қайси мусиқа бу қадар жўштириши мумкин? — дедим.

Муродбей бўйнимдан қучиб:

— Сен бу мусиқани бир оз ўзинг учун ҳам чалдинг, бечора Умар, — деди.

— Йўқ, йўқ... У фасл ўтиб кетди энди, Муродбей, — дедим. — Мен энди ўқитувчиман. Фақат жуда янги ўқитувчи... Руҳларни жўштирадиган бошқа тарбия усуllibарини ҳали билмайман. Вақт-соати келиб билиб оламан, албатта...

Муродбей унутишдан чучиётган бир фикрни эслаб қолмоқчи бўлгандек, кўзларини қисиб, ғамнок овозда:

— Ҳаётингнинг бурилиш нуқтасида турибсан... Сени Оллоҳ қўлласин, Умар, — деди.

Биз харсангни портлатишга кетган вақтимизда Фарҳод ёнимизда эмасди, хачирчи билан коллекцияси учун ўт, гул

теришга кетганди. Қайтар экан, бизга ярим йүлдан пешвоз чиқди, порглаш гулдуроси уни жуда құрқитиб юборган экан. Ҳануз сұнмаган ҳаяжон ичида:

— Омонликми оғажонлар, бомбардимонга үхаш гумбурлаш овозини эшитиб, юрагим така-пука бұлды. Юқори Сазанликлар бир балони бошладиларми, деб үйладим, — деди.

Муродбей қаҳқаһа отиб, уни елкасидан тутди:

— Эх, ошиқ! Қачон одам бұласан? Қишлоқдагилар бизни бир бало қылмоқчи бұлсалар, анархистларга үхшаб бомба отишлари керакми? — деди.

— Худо урсин, сизларни үйлаб құрқидим, оғажонлар...

Муродбей бұш келмади:

— Биз учун құрққан эмиш, үзингни үйлаб думингни хода қылғандырсан, — деди. — Пастта тушадиган зинапоя томонға қочган бұлсанг керак ҳар ҳолда.

Муродбейнинг бу ҳазили ҳақиқатта яқин эди, шекилли. Чунки Фарҳод қаттиқ жизғанак бұлды, хачирчи биз билан учрашмаган бұлса керак, деб үйлаб:

— Үша хачирчи деган суллох айтдими бу гапни? — деб бақырди. Ҳаммамиз қотиб-қотиб кула бошладик.

Хоналар супуриб-сидириларкан, бир нечта бола ошхонада күймаланаёттан эди.

Үчоққа яна қозон осилди. Мәхмонаримиз шу ерда экан, бошқа иложимиз йүқ. Қишиғамида келтирған эхтиёт озиқларнинг бир қисмидан воз кечамиз. Ташибилотимизда бош ошпазлық вазифаси Чирик Алининг чекига тушган. У ҳар қандай ишда уста сиёсатчи эканини намоён қиласади. Мени яқин атрофда күрди дегунча эътиборимни тортиш учун шотирларига танбөх, бера бошлайды: «Меров, картошканинг пүстини шунчалик қалин арчийдими?!» — деб уларнинг калласига капкир билан тушириб қолади.

Лекин күп ўтмай Оллох, бизга бир ошпаз жүнатди. У кичкина Бажақнинг бувиси эди. Олтмиш ёшларда, балки ундан ҳам кексароқ аёл. Менинг қароқчиларим орасыда Юқори Сазанда қариндоши бұлған ягона бола Бажақ эди. Күмилған қуролларни ўғирлаб, тоғдан тушаёттан тұдага у ҳам құшилиб кетган.

Болаларнинг қайтганини эшитган буви неварасини олиб кетгани келған эди. Бажақнинг чинқириқларини эшитиб, ташқарига чиқиб, бувиси билан ост-уст думалашиб қир-

пичоқ бўлаётганини кўрдим. Болалар худди кураш томоша қилаётгандек, уларнинг атрофини ўраб олишган. Буви бечора шу қадар кучсизки, Бажақни зурға ушлаб турарди. Босдининг устида девдай бир одамни кўриб қўрқиб кетди. Болани янада қаттиқроқ қучоқлаб, ўпмоқчи бўлди. Нималардир деб дуо ўқиди, фақат «Оллоҳ» калимасини тушундим, холос. Шундан кейин:

— Менга буни ўлди дейишганди, — деб йифлай бошлади.

— Уни олиб кетмоқчимисан, бувижон? — деб сурадим. Яна бир дуо ўқигач:

— Ҳа, олиб кетмоқчиман... Уни үзим боқаман, — деди.

Буви шу қадар бечораҳолки, унинг неварасини боқиши ваъдасига менинг болаларим ҳам кулиб юбориши. Бажақ бир силтаниб, кампирни бир тепиб қутулди, қочишга чоғланди. Бироқ энди мен уни қулогидан ушлаб олган эдим. Фидирак тагига тушган кучук сингари:

— Мен кетмайман... Мен кетмайман, жодугар кампир! — дэя бор овози билан бақира бошлади.

Бажақнинг бармоқларим орасидаги юпқа қулогини бироз чўзиб ҳақиқатан ҳам оғритарканман, кампирдан:

— Уйинг борми, бувижон? Кимсанг борми? — деб сўрадим.

Болалар яна кулиши.

Ўйлаб ўтирамай:

— Агар истасанг, Бажақ билан шу ерда қолақол, — дедим. — Ошхонани сенга топшираман... Балки кам-кустимизга ярарсан... Аёлсиз қабила бўлмайди.

Ўша куни эрталабдан қабиламиз фақат бу кампиргина эмас, бир хачир билан ҳам бойиди. Бу юкларимизни ташиган хачирларнинг энг ёши эди. Мен тоғ сафарларида хачирларни одамлардан кўра кўпроқ билиб олган эдим. Олган хачиримиз келгусида кўп иш бериши турган гап. Йўлда келарканмиз, болалар у билан тепишиб, ўйнашиб келишганди. Бир вақт мен билан ҳасратлашган хачирчи хачирларидан бирини сотмоқчи эканини айтиб қолган эди, мен дарров харидор бўлдим ва савдомиз осонгина пишди. Муродбей билан Фарҳодга тоғда бу хачир кунимизга ярашини айтдим. Тўгрисини айтганда, бу хачир менинг Бўзовадаги тўтиқушимга ўхшаш бир гап эди. У ҳам бу ерда безак бўлсин. Нима ҳам қилардик?

Ўша кун жойлашиш ташвиши билан ўтди. Кечга бормай тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Ҳатто, тушдан сунг болалар билан атрофни бир оз айланиб келишга ҳам вақт қолди. Муродбей икковимиз тұрт-беш қүш ҳам отдик.

Ұсимликлар қаторида ҳайвонларни ҳам яхши биладиган Фарҳод бу қушларнинг биттасини нимагадир үхшатиб: «Бунинг гүшти ейилармикан, ажабо?» — деда шубҳага түшиди. Энди құлфи-дили очилган Мұслим: «Ейилмайдиган күш ҳам бұларканми?» — деда енгил киноя қилиб қўйди. Муродбей: «Агар қишида оч қолсанг, сен бу қабилага шақал ва тулкиларни ҳам едирасан, шекилли», — деб кулди.

Мен меҳмонларим билан бир деразаси жанубга қаралған хонага жойлащдим. Болаларнинг ҳаммаси ёнимиздаги катта хонада, ҳар бирининг ўз кровати бўлгунга қадар ерда, қуруқ, хашаклар устида ётадиган бўлишди. Хоналаримизнинг роми, ойнаси йўқ. Лекин энди ўз уйимиз бор эди.

Муродбей билан Фарҳод бири менинг йигма кроватимда, иккинчиси сумкасида келтирған куйлаги ва жун ҳирқасини кийиб, юмшоқ ва қуруқ хашак түшаги устида тепаларидағи том тешикларидан юлдузларни томоша қилиб, уйқуга кетдилар. Күп ўтмай кечаги улиш товушлари эшитила бошлади, товуш борган сари кучайди. Худди кечагидек осуда кечада бу шунчалик бехосият ва асабларни қақшатадиган товуш эдики, ҳатто Фарҳод ётган жойида типирчилаб, кузини очди. «Анча олисда бир шақал улияпти, Фарҳод... Хавотир оладиган ҳеч нарса йўқ!» — деда уни тинчлантиридим. Яна қовоқлари оғирлашиб, қаттиқ уйқуга кетди. Бу гал бу товуш нима эканига ўзим ҳам қизиқиб қолган эдим. Пешиндан кейин яна чакмони ва калишини кийиб мактабга келиб кеттган оқсоқолдан буни суриштиргмаганим учун сиқилаётган эдим.

Биринчи куни оқсоқолдан бошқа ҳеч ким даҳамизга оёқ, босмади. Бу яхши алмат эмасди. Бу Қўйи Сазанликлар сингари, тоғликлар ҳам мени ёқтиргмаганидан далолат берарди. Кошкийди, бунақа бадхоҳлик үрнига мени очик-

дан-очиқ ғазаб ва ғавро-жанжал билан қарши олган бұлсалар... Хулласи қалом, күп қийин ахволда қоладиганга ухшайман.

Дүстіларим ҳам буни сезиб туришарди. Фарход: «Оғажон, қишлоқнинг ақллироқ одамарини бир ерга түплаб шириңсүзлик ва хушфеъллик билан уларнинг күнглини олсанг бўлармиди?» — деб менга ақл ўргатар, ҳатто, қандай сўзлашим кераклигини ҳам курсатиб берарди.

Муродбей, худди пашиша қувгаңдай қулини силкиб, уни тұхтатди:

— Ошиқ, сен қўлингнинг хамири билан эркакларнинг ишига аралашма, — деди. — Қишлоқликлар бунақа тилёғ-ламаликлардан тўйган. Ўтган куни йўлда болаларга айтганингдай: «Қишлоқликлар сингари авлиё, чин мусулмон одамлар бўлмаса керак», — дея гап бошладингми, улар: «Кўрайлик, бу одам ҳам гирибонимиздан олгани келганимикан?» — дея хавотирга тушишади... Ўзинг айт, Умар... сен нима дейсан?

— Нима ҳам дердим? Иш бошлайверайлик-чи, кўрамиз, — дедим. Сўнг елкамни учирив: — Ҳа, уриниб кўрамиз. Бироқ бу қишлоқдагилар, Қўйи Сазанликлар сингари, менга қарши тўнини тескари кийиб олишган. Бирданига устига бостириб бормаслик, уларни бир ерга түплаб гаплашмаслик лозим. Биринчи кечада қаҳвахонада бўлган мулоқотнинг натижаси ҳам шундан далолат беради... Мен ҳам уларга қарши ранжиган ва бир оз ҳайиқтирувчи қиёфада бўлганим афзалроқ. Кейин бўлса, кўп кечикмасдан, уларга битта-битта ҳужум қилиб, қўлга олиш керак...

Ҳужум оқсоқолдан бошланди. Ҳозир ундан бошқасини билмас эдим. Қолаверса, минг қилса ҳам у давлат билан халқ орасидаги ярим расмий бир одам.

Иккинчи куни туш вақтида оқсоқол яна ўша расмий кийимларини кийиб, оқсоқлана-оқсоқдана мактабга келди. Нафас ростлашига ҳам қўймай, устига ёпирилдик. Ҳақиқатан ҳам комедия ўйнай бошлагандик.

Мен:

— Оқсоқол, қани болалар? — дедим.

У яна горидан эндиғина чиққан ҳаворий қиёфасига кириб, саволларни англамаётгандек кўринишга аҳд қилган:

— Болаларми? Қайси болалар?

— Мен бу ерга пашша қўригани келдимми? Юқори Са-  
заннинг мактаб ёшига етган болаларини айтяпман...

— Бирорларнинг боласини мен қаердан ҳам билардим,  
бутам?

— Менга қара, оқсоқол, — дедим, — сен ҳам, мен ҳам  
давлат хизматидамиз. Қонунда кўрсатилган ёшга етган бола-  
лар мактабга келиши лозим... Худди йигирма ёшга етганида  
армияга кетганларидек... Сен бир вақтлар Болқон урушига,  
Қоратоққа кетганинг сингари...

Энди оқсоқолнинг қулоқлари эшита бошлиган эди.

— Тұғри айтдинг... Аммо құлимдан не келарди?

Бу сафар Муродбей гапга аралашиб:

— Құлимдан нима келади деганинг нимаси?! Бу ерда  
сен давлат вакилисан. Қонунга буйсунмаганларни давлат  
нима қилади?! Туттан жойида калласини учиради.

Бу ғазаб ва шиддатдан үзини қўярга жой тополмай қол-  
ган Фарҳод:

— Худо сақласин! — дея бақириб юборди.

Муродбей яна шу ёлғондакам жаҳл билан кўзларини  
олайтириб, уни ҳам койиб, савол берди:

— Сен айтсанг-чи, хўжайин, нима қилади?

Ноилож у ҳам енг шимарив, ишга киришиб, овозини  
йуғоналаштириб:

— Айтдик-ку, калласини учиради деб, тушунмадингми? —  
деб бақириди. — Лайлакўғилларини нима қилган бўлса, шун-  
дай қилади... Ундей, бундай деган баҳоналар бизга ўтмайди,  
сен болаларни олиб келишинг даркор...

Муродбей билан Фарҳод оқсоқолни исканжага олган  
эдилар. Биттаси қўйиб, иккинчиси ҳужум қилаверди.

Оқсоқолни роса пийпалашди, шундан кейин у:

— Келишади... Нега келмас эканлар?.. Аммо мактаб  
қани? — деб вайронани курсатди.

Муродбей:

— Ие, Оллоҳдан: «Болалар фақат том остида ўқисин!» —  
деган ваҳий келганми? Ўқиш учун албатта бўялган парталар  
булиши керакми? Балки муаллим болаларни кучада  
ўқитар... Бунақа қишлоққа мактаб ҳам ярашмайди... Мактаб  
битгунча болалар ҳам ўқийверишиади...

Фарҳод:

— Истиқлол урушида қатнашмаган бўлсанг ҳам билансан-ку... Олдин уруш бошланди, сўнг қурол-яроғ келди.

Ниҳоят, оқсоқолни кўндиридик ва бу иш битди дегунча, бошқа комедияни бошлаб юбордик: бир ишора билан болаларни туплаб, сафга тиздим. Кўрик маросими ўтказаётгандек, болаларни битта-биттадан оқсоқолнинг олдидан ўтказиб, қўлини ўтиридик, айни вақтда: «Тавба қилдим, бошқа қилмайман!» — дея қасам ичирдик. Пировардида оқсоқолни ўзимиз билан бирга дастурхонга ўтқаздик.

Овқат устида Муродбей болаларнинг қусурларига кўз юмиш кераклигига оид: «Болани кечирмаганни мен ҳам кечирмайман, жаҳаннам оташида ёқаман!» — қабилидаги тўқима оятларни ўқиб, пайғамбарлар ҳаётига доир мисоллар келтира бошлади. Аммо бир вақт урушга боргани сингари, балки мадрасага ҳам қатнаган оқсоқол бир-иккита ҳақиқий оятларни ўқигач, кайфи учди, лекин билдирамади. Ўтган куни Фарҳод ейиладиган қушми-йуқми дея иккиланган ўша ажойиб қуш гўштининг энг катта бўлагини кекса оқсоқолга узатди. Бу зиёфат оқсоқолни Муродбей ўқиган оятлардан кўра кўпроқ юмшатгани аниқ. Муродбей менга: «Сиёсий зиёфатларнинг фазилати ҳам мана шунда!» — деб куларди.

Хуллас, оқсоқол билан орамизда яқинлик пайдо бўлди. Овқатдан кейин уни олдимизга солиб қишлоқни кўришга кетдик.

Юқори Сазан тоғ шамолларини тўсиш учун кўтарилиган баланд қалъа бичимидағи қоялар ўртасидаги паст-баланд майдонга жойлашган. Қуий Сазан кўпригидан томоша қилган вақтимда қилган тасаввуримга жуда ўхшаш томонлари бор.

Бир тош уюмининг устида туриб, томоша қилаётган дўстларим, шарқ тарафини кўрмаганликлари учун: «Қишлоқ қаёқда?» — деб сўрадилар. Ҳеч шубҳасиз, бу ерда бир қишлоқ, бунинг устига гавжум қишлоқ бор... Бугун уни кўриш учун эгри-бутри кўчаларида қолган изларга, бу излар орасидаги шағал уюmlари ва тупроқ ўраларига, харита чизикларига қарагандай, синчиклаб тикилиш керак. Яна қаламуш уясига ўхшаш тупроқ уюmlари устидан кўтарилаётган енгил ҳовурларни кўра билиш лозим... Қишлоқ шуларнинг остида.

Оқсоқол энди мен билан яхши бўлиб қолган эди. Гарчи энди ҳеч нарса сурманаётган бўлсам-да, жуда доно ва ақл-ми гапларни айттаётган эди... Қадим замонларда бўш бочка ичидаги яшаган машҳур файласуфга хос заҳарханда ва заҳар томчилаган сўзлар билан:

— Сенинг ўқувчиларинг шу тупроқ тагида ётибди... Чувалчанг каби биттабитта тортиб чиқарамиз. Иншоolloх, уларни ўқитиб одам қиласан... Қайси бирининг отаси ўлган, қайси бириники армияда... Қайси бирлари Бузова турмасида, бирорлари бошқа ерда, баъзилари умуман бедарак кетган... Болалар бўлса кетма-кет туғилиб ётишибди... Эҳ, Оллоҳ, оталарининг куни уларнинг бошига тушмаслигини насиб қилибди...

— Яхши, бироқ бу ердаги оилали эрқаклар қаерда?

— Қудрати етганлар уйланган, улар кечаги қаҳвахонага келишади... Ҳожи Рустамнинг қаҳвахонаси... Бир-бири билан улфатчилик қилишади... Қимор уйнашади... Пули йўқлар уйларида ётишади...

Оқсоқол шулар ҳақида сўзларкан, қўзлари аввалгидан тамомила бошқача боқар эди. Унинг қалбидағи кек мөғорини бундай қисқа вақт ичидаги кетказишга муваффақ булганимдан ўзим ҳам қувонаётган эдим. Бундай яқин суҳбатлашаётганимизга қараганда, энди у ҳам биз томонга ўтган эди.

Оқсоқол ҳассасини кутариб, юришга чоғланаркан:

— Қишлоққа борамизми? — деди.

— Бир оз кейинроқ борамиз, — дедим.

Суҳбатимизни ҳорғии тинглаётган Муродбей:

— Тўғри, — деди ва давом этди: — Ҳалигина: «Биз давлатмиз!» — дедик... Тўғрисини айтганда, бу ерда ҳақиқатан ҳам шундаймиз... Модомики, шундай экан, бу одамлар олдида уялиб қолмаслигимиз керак... Аммо қоши туташ Фарҳоджонимиз яна ҳадиксираб, табассум қилиб, ширинсўзлик билан: «Ер юзида сизга ўҳшаган одамлар йўқ... Қани, эшитайлик, дардларингизни бир тўкиб солинг-чи... Кўрасиз, ҳали нелар бўлмайди, нелар...», — дея нутқ ирод қилишга бир киришса борми...

Бояқиши Фарҳод дикқатини кўрганларига қаратиб, Муродбейнинг яна унга тегиша бошлаганига эътибор бермайдиган ҳолга келганди. Оқсоқолга:

— Бобожоним, бу одамлар нима еб-ичади? Чувалчанг каби тупроқ емасалар керак, албатта? — деди.

Қария яна ўша файласуфона йўсинда ҳаётлари чувалчангнидан унчалик фарқ қилмаслигини айтгач:

— Энди, баъзиларининг ўша ерларда кафтдек ери бор, — дея ҳассаси билан шарқ томонни кўрсатди ва илова қилди: — У ерларда бир оз экин-тикинлари бор. Қадимдан Юқори Сазан ўша ерлардан кун кўради...

Мен Муродбей билан Фарҳодга:

— Энди қишлоқда курадиган жой қолмади, — дедим. — Сиз Фарҳод билан орқага қайтинг... Балки чарчаб қоларсиз... Ҳали вақт эрта... Мен шу шарқ томонларни бир кўриб келай.

Муродбей билан Фарҳод бунга кўнмади. Гапларимизни эшитган оқсоқол бирданига ғайратга келиб:

— Менинг оёғимга қараманг, мен ҳам бораман, — деди. Калишларини ечиб, қўлига олди. Зотан, бу ишлар унинг учун, унинг ҳурматини қозониш учун қилинган эди.

\* \* \*

Қуёш тири остида қизиган қояларнинг нафасни қайтарадиган иссиғидан чиқишимиз билан юзимизга ёқимли шабада урилди. Тоғ ёнбағри гўё ўша тоғ эмасдек, тамоман бошқача куринищда эди. Тоғ бу ерда бутун жунжиктирувчи ҳайбатини йўқотган, қиялик ҳолида узоқдаги водийга туташиб кетган, у ер-бу ерда ям-яшил ўтлоқлар ва кенг бутазорлар жуда нафосатли кўринади. Шу даражадаки, бунчалик қулай йўл туриб, нега тоғу тошларга тирмашганимизга ҳайрон эдим. Диққат билан тикилиб, бу ёнбағирнинг у ер-бу ерида бўғоз ва жарликлар борлигини кўрдик. Дараҳт ва буталарнинг кўпи тупроқ бурмалари орасидан ўсиб чиққан.

Оқсоқол «кафтдек» деган далалар жуда яқинимизда, қўл узатса етадиган жойда эди. Унинг айтишига қараганда, анча пастда ҳам унумдор ерлар ва бир жар тагида яна бир қишлоқ бор эмиш. Лекин у ерга бўрилар ва тулкилардан бошқа ким ҳам туша оларди? Хуллас, тоғнинг бу ёнбағри наригиларидан ҳам машаққатлироқ бир «балонинг оғзи» эмиш.

Яқинроқ далалардаги дараҳтлар орасыда битта-яримта күлба ҳам күринарди. Бундан ҳайрон булганимизни күрган оқсоқол янада узокроқда бошқа уйлар ҳам борлигини, факт турган жойимиздан уларни күриб бұлмаслигини айтади.

Бу томонда бизни ҳайратта солған нарса тоғ этаги билан қиялиқдаги далалар орасында худди чизғичда чизилгандай түппа-түғри, кенг ва оппоқ бандаргоҳ бўлди. Бандаргоҳ деяпман, чунки унга бошқа ном бериб бўлмасди.

Муродбей:

— Бу ерга туман босган вақтда ёки қоронғи кечада келишимиз керак экан, — деди, — шунда пастдаги далаларда кема, қайиқлар бор деб ўйлаш мумкин бўларди.

Бирданига енгиллашиб, худди чегара буйлаб қўйилган соқчиларни кўриб чиқмоқчилик, юқорига кўтарила бошлидик. Йўлда кимса йўқ. Бир оз юрганимиздан сўнг биринчи бўлиб белдан юқориси ялангоч гавдасига ҳайвонларнинг ем тўрvasига ўхшаш халта осиб олган гавдали ёш йигитни кўрдик. Йул четидаги устини чим босган ва бир томонида ингичка эгри-бугри дараҳт ўсган катта қояга тирмасиби нималарнидир қидираётган эди. Ора-сира тепасидаги тош қиррасига илиб қўйилган арқонга ёпишиб, бир оёғини остидаги бўртиқ тошга тираганча, бор бўйи билан чўзилиб, қоя коваклари ичидан бир нарсаларни олиб, тўрvasига ташлайди. Ҳавоза устида ишлаётган ишчига ўхшайди, бироқ чаққон ҳаракатлари алъинистларни ёдга солади.

Оқсоқол ҳассасига суюнганча: «Фаттоҳбей, Фаттоҳ, бу ёққа кел!» — дея овоз берди.

У утирилиб бизга қаради, сўнг ҳеч кутимаган чапдаст ҳаракатлар билан қоядан пастга тушиб, ёнимизга келди, менга ҳарбийчасига салом берди... Ким эканлигимни билгани кўриниб турарди. Гапирмайди, юзимизга ҳам қарамайди. Фақат лабларида сал ҳаяжон ва хурсандликка ўхшаган табассум зоҳир бўлди.

Фаттоҳ, узоқдан кўринганчалик ёш эмас эди. Соқолмўйловининг қиришишлаб олингани, биринжранг гавдаси уни ёш кўрсатган эди. Устида бўзранг шим, кўпган жойлари ип билан боғланган камардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Булар ва қишлоқликларнинг суст ҳамда нуноқ ҳаракатларига ўхша-

майдиган чаққон ҳаракатлари ва туриши унинг яқиндаги на армиядан қайтганлигини күрсатиб турарди.

Оқсоқол:

— У ердан нима тұплаяпсан, Фаттох?

Фаттох:

— Хұдан<sup>1</sup>, амаки, — деди, — қишига тайёргарлик... Болашақаларга мұл-мұл шұрва пишириб берамиз.

— Купроқ терсанг, бизга ҳам берарсан.

Оқсоқол бизга изох берди:

— Хұдан күп шифобаҳаш бўлади... Бу ерларда күп етишади... Туз билан ёғ бўлса бўлди, ҳеч туймайсан.

Юқори Сазанга келганидан бери учраган ёввойи ўт, илдиз ва гулларни териб, саватини тўлдираётган Фарҳод хўданга қизиқиб қолди. Фаттоҳ, ҳеч нарса демай тўрвасидан туятикана үхшаш ўтни чиқариб узатди.

Фаттоҳ оқсоқолнинг укасининг ўғли экан. Етим қолгани учун амакисининг қўлида катта бўлган. Худанни кўп еган. Энди амакисини хўдан билан боқиши навбати унга келган.

Фаттоҳ билан мен бир-биrimizni ҳидимииздан таниб олган эдик.

— Сен хизматдан яқинда қайтгансан шекилли? — дедим.

Фақат:

— Хизматни утаб бўлдим, менинг зобитим, — деди холос.

— Қаерда?

Жануби-ғарбда жойлашган бир нечта шаҳарларни санади, Қуий Сазаннинг Усмони сингари, Эйридир тоғ лагерини ҳам айтди. Балки бирга хизмат қилишгандир. Буни сўрамоқчи бўлдим-у, тезда ўзимни қулга олдим. Лекин барабири қовун тушириб қўйдим. Оқсоқол унинг яқинда қайтиб келганини айтгани учун:

— Энг охири Эйридирдан қайтдингми? — деб сурадим.

Ногаҳон юзининг қони қочди. Аввалига саволимга жавоб бергиси келмагандай куринди, сунг ўзини зўрлагандай паст товушда:

— Бўзова турмасидан, — деди.

<sup>1</sup> Хўдан — гули табобатда қўлланадиган, илдизи қовуриб ейиладиган бир йиллик ўт, «сигир тили» ҳам дейишади.

Мен билан сұхбатлашаркан, бошини қайсарлик билан цетта буришидан нега буни тушунмадим экан? Энди қовуннинг каттасини Фарҳод туширди:

— Аттанг, — деда хўрсинди.

Фаттоҳ бўғиқ овозда, заҳархандалик билан:

— Аттанги нимаси? Осмаганларига шукр, — деди.

У яна хўдан теришга кетмади, биз билан юра бошлади. Қўйи Сазандаги Усмон каби, худди бошқалар каби, Фаттоҳ ҳам мендан хафа. Бу аниқ. Аммо икковимиз ҳам асткармиз, бир «қабила»данмиз, энди устимда форма бўлмаса, нима қипти? Қўйи Сазанинг Усмони сингари, у ҳам мени кўрар-кўрмас таниган ва «зобитим» деган эди. Ранжиганимизнинг бирор фойдаси борми? Хоҳламаган тақдирда ҳам, мен унинг учун қўмондан бўлиб қолавераман. Бу бизнинг қонимизга, суяқ-суягимизга сингиб кетган.

Фаттоҳни ҳали яхши танимаган-билмаган бўлсанмада, унинг Юқори Сазан гурухининг сардорларидан бири эканлигини сезиб турадим. Ҳатто, тасодиф мени уларнинг сардорларидан бирига эмас, тўппа-тўғри «энг каттаси»га йўлиқтирган бўлиши ҳам мумкин.

Фаттоҳнинг қаддини тик тутиб, доимо мендан бир қадам орқада келишига монелик қилмаганимдай, бутун диққатимни уни гапиртишига қаратдим.

Бу қишлоқи йигитда ҳарбий хизмат туфайли ва бир оз оддин санаган жануби-ғарб юртларида орттирган, назо-катли деса бўладиган сўзлаш тарзи бор. Лекин бу сўзлаш тарзи, янтоқники сингари, майдамайда тиканларга тўла. Бу тиканларни усталик билан санчишни ҳам яхши билади у. Кўп ўтмай йўл ёқасидаги бир боқقا етиб бордик. Да-рахтлар орасида минорасимон қўрғон бор... Фарҳод қўрғоннинг деворлари ва томини қоплаган узун чирмовуқлар орасидан қирмизи томсополларни кўрди дегунча: «Вой худо-йим-эй, бу ерда бунақа нарсалар ҳам бор экан!» — деда болалардек севиниб, қулдирди. У ҳақ эди. Бу қизил томсополлар бир оз аввал тушиб келган қишлоқда кўрганларимиз туфайли юрагимизни эзаётган ғуборларни тарқатиб юборган эди. Боғда бир аёл икки дараҳт орасига тортилган дорга сарик, қизил кирларни ёймоқда. Елкасига қора рўмол ташлаб олган. Дорга узанди дегунча тирсакларига қадар тушган кенг рўмол остидан очиқ қўллари кўринади.

Муродбей:

— Чинданам буларнинг бу ерда не иши бор экан? — деди.

Фаттоҳ, томдаги томсополлар ва дордаги кирлар янглир қизарган мамнун чехра билан менга:

— Бу ер бизнинг кулбамиз, — деди. — Катта бошингизни кичик қилиб, қаҳвамизни ичинг, зобитим.

Мен ҳам мамнуният билан:

— Майли, Фаттоҳ, — дедим. — Лекин бундан кейин менга «зобитим» дейишни йифишири. Энди мен ўқитувчиман.

Фаттоҳ, кулимсираб:

— Бўпти, шундай қиласман, зобитим, — деди.

Бизга орқа ўтириб турган аёл бизни кўрмаган эди. Фаттоҳ, овоз берди:

— Зайнаб, бу ёққа қара!.. Мехмон келди...

Аёл бизни кўрди дегунча босқинга учрагандек шошиб қолди, ичкарига қочмоқчи бўлди. Румолини тузатишларида, югура туриб қиласётган ҳаракатларида қишлоқ аёллариникига ўхшамаган бир назокат ва ўзгачалик борга ўхшарди.

Фаттоҳ, ҳарбийча амр билан уни эшик остонасида тұхтатди:

— Тўхта!.. Шундай келавер!...

\* \* \*

Ноилож тұхтади, келишдан бошқа иложи қолмади. Айни назокат ва чаққонлик билан яна дор томонга югуриб, бир кўйлак оди, бошқа кирларнинг ерга тушганига эътибор ҳам қилмай, елкасига ташлади.

Фақат унинг хатти-ҳаракатлари, юриши, кўпам тортиниб ўтирмай биз томонга келаркан, кўйлагини қули билан тузатишларигина эмас, эрининг уни бу тарзда ёнимизга чақириши ҳам унинг асло қишлоқлик эмаслигини кўрсатиб турарди. Бош иргатиб, шаҳар аёллари каби, бизга қўл узатиб саломлашаркан:

— Хуш келибсиз, — деди.

Фаттоҳ, кўнглимиздан ўтган гапларни англағандай:

— Бизнинг хотинимиз бу ерлик эмас, — деди. — Мармарислик...

Муродбей ўзини тутолмай қичқириб юборди:

— Қайси Мармарис? Шу бизнинг Муғладаги Мармарисми? Азизим, бу тоғ бошида денгиз қизига нима бор? Қизим, сен бу ерларга қандай келиб қолдинг?

Фаттоҳ чуқур нафас олди.

— Шундай бўлиб қолди-да... Тақдир... Аскарлик чоғимда Мармарисда ҳам бўлгандим... Оқденгиздан бир балиқ тутиб келтириш пешонага ёзилган экан...

Кейинроқ уларнинг қисматини бутун тафсилотлари билан эшидим: Фаттоҳ, Мармарисда бир майорнинг ёрдамчиси, қиз гиритлик бир балиқчининг уч қизидан бири экан... Бир-бирини севиб қолишган ва турмуш қуришган. Хизматни тутатгач, Фарҳод ўша томонда ишга кирмоқчи бўлган. Лекин иш тополмабди... Ўзи айтганидай, насибалари бу ёқда экан! Денгиз қизи анчагача Юқори Сазанга ўрганолмабди... Ҳатто, бу ердаги жойларини сотиб, Мармарисга қайтмоқчи ёки бошқа жойга кўчмоқчи ҳам бўлишибди. Аммо Юқори Сазанда ер кимга ҳам керак? Тезда экин-тикин экиб, товук, фоз каби парранда боқишига киришишибди... Бир оз қаддини ростлади дегунча Фаттоҳни яна ҳарбий хизматга чақиришган... Хизмат битгач, яна тоғи тош билан кураш бошланган, кетидан бўлса Қуйи Сазан жангни рўй берган ва, ниҳоят, Бўзова турмаси... Аёл уч боласини олиб, эрининг орқасидан Бўзовага кетади... Қўлидан иш келгани, бунинг устига шаҳарликларга хос ишларни яхши эплагани учун катта амалдорларнинг уйига хизматчи бўлиб ишга киради.

Энди яна Юқори Сазандалар. Энг тўғриси, бу ердан бош олиб қаёққадир кетиш. Қаерга бўлса ҳам.

Фаттоҳ ҳикояси шу ерга келганида бирданига тўхтаб қолди, кўзлари маъюсланди, қўллари йиртқич қуш панжаларидек маҳкам тутилди. Энди ундан ҳеч нарса сўрамаслик лозим.

Энди ҳеч нарса уни бу ердан кетишга мажбур қилолмайди...

\* \* \*

Уй олдидаги дараҳтлар остига ўтириб ҳордиқ чиқармоқчи бўлдик. Лекин аёл бизни ичкарига киришга қатъий туриб ундади. Бечора аёл шаҳарликларга меҳмоннавозлик кўрсатиш ниятида.

Эшиги калит билан очилган чоғроқ мәҳмөнхонанинг деңврлари топ-тоза, шипга яқин қисмига оч яшил бүёқда бир жуфт кенг чизик тортилган, ерда гулдор кигиз, яшил рангга бўялган хонтахта, ёстиқпўшлар орқасида нақшинкор яшил сузана, девордаги яшил жавонда шиша ва тунукада ясалган арzon майда-чуйда ашёлар, деворларда гардишига бантикли ленталар тақилган тошбосма расмлар, уларда денгиз, кемалар ва сув парилари тасвиirlанган...

Бу олис тоғ устига бизга ўхшаган мәҳмөнлар на келган, на кутилган. Афтидан, аёл бояқиши бўш вақтларида хонага кириб олиб, нарсаларни музей ашёлари сингари узоқ тозабл, ялтиратиб, ўзини ўзи хурсанд қилиб юрган...

Бу ҳашамат кўзимизни Лайлакуғилларининг қалъасидан ҳам кўпроқ қамаштириб қўйган эди. Худди жинлар саройига кириб қолгандай бўлган Фарҳоднинг қатта-катта очилган кўзлари ёнарди. Муродбей кўзларини девордаги яшил чизиклардан ололмай ўйлаб қолди, кейин:

— Кўргоннинг ташки деворларига эътибор қилдингми? — деди. — Қирмизи том остидаги арақилар тагига ҳам оч яшил рангда яна-да кенгроқ ҳошиялар тортилган, ёмғирдан ивиган бўёқ дераза устига қадар оқиб тушибди. Бунақа бўёқлар денгизга яқин шаҳарларда энг кўримсиз фиштин уйларга ҳам орасталик ва кўрк бериб туради. Йўқлиқдан сўлиган, вақтидан олдин кексайган покиза аёллар бор-ку, кўзларига жиндай сурма, лабларига озгина бўёқ суртсалар борми, шу заҳоти ўзгариб, гўзаллашиб кетишади бечоралар. Билмайман, тасаввур қилолдингмикан?.. Мен Бўзованинг кўримсиз ва, ҳатто, ҳашаматли уйларини ана шундай нақш ва ранглар билан безатиб, чиройини очиш учун неча йиллаб сабр билан ҳаракат қилдим. Уринишларим беҳуда кетди! Далининг айтганини қилишармиди? Эгнига киядиган кўйлакни қандай олсан экан деб, боши қотган бечора факир-фуқаро уйини бўятишга қаердан пул топсин? Эҳ, бу Бўзовадаги ранг душманлиги!

Муродбей шуларни қуйиб-ёниб гапиаркан, эшик очи-либ, эр-хотин кириб келишди. Иккови ҳам уст-бошини алмаштириб олган. Аёлнинг эгнида гулдор ва калта этакли кўйлак, оёғида пошнали шиппак. Эрига ёқаси очик мовий кўйлак кийдириби.

Бизга буларни кўрсатганидан бояқиши аёлнинг қандай кувонганини курсангиз. Кузларининг остига бир оз ажин тушган чехраси болаларникидай масъуд ва гўзал эди.

Бу вазиятда биз узимизни ёввойи Юқори Сазандан бутунлай бошқа ерда ҳис қилаётган эдик-ки, Муродбей бу қишлоқ аёлининг елкалари, очиқ соchlарини эрининг ёнида силаб-сийпашдан тортина мади, кўзлари ёшга тўлиб:

— Қизгинам, сен бу ерга Оқденгизни олиб келибсан, — деда кулди.

Аёл ҳам, эри ҳам Муродбейни сўзсиз тушунган эдилар. Аёлнинг кўзларимизга тортина майдононни боқиши, яқинроқ ўтиришида, биз билан сухбатлашаркан, кўзлари ёшланишида, дудокларининг чети ва бурун катакларининг билинрабилинмас титрашида ўзи қўмсаган бир нарсани топганга ухшаш ҳолат бор эди.

Фаттоҳ бир вақт, худди болага танбеҳ бергандай: «Хой, менга қара... Хотин, нима, боламисан? Айб, айб!» — деб қўйди. Лекин у хотинини бу қадар шоду хуррам кўрганидан ниҳоятда хурсанд бўлган, бу гапларни урф-одат тақозоси юзасидан шунчаки айтган эди. Ниҳоят:

— Пешонага ёзилган бўлса, у жойларни яна кўрармиз, — деди.

Шунда аёл ўзини тутолмай очиқдан-очиқ йиглаб юборди.

Зайнабнинг бизга меҳмонхонадан бошқа кўрсатадиган нарсалари ҳам бор экан. Саккиз-тўққиз ёшлардаги оқсариқдан келган қизчасини чақирди.

Ялангоёқ бўлишига қарамай, унинг ҳам гулдор кўйлаги бор эди, соchlари тараалган ва майда ўрилиб, учларига бантик тақилган. Қизалоқ бу кўйлагини ичкаридаги жаранглайдиган сандигининг бошида биз учун шоша-пиша кийгани тутмаларини тақишини унуганидан маълум. Аммо соchlари бу қадар тез ўрилиши мумкин эмас. Демак, мармарислик балиқчи қиз хонасидаги ашёлар сингари, қизини ҳам доимо ювиб-тараб, орастадан завқ олади.

Ундан бошқа, эшик орқасидан бизга тез-тез мўралаб қочаётган тўрт ёшлардаги қизалоқ ҳам бор. Бироқ у кирчир ва деярли ялангоҷ. Қўлидаги қамиш саватда майизга ухшаш қизил егулик. Ундан анчасини еган бўлса керак, қўллари ва оғзи қип-қизил.

Фаттоҳ уни ҳам қулидан ушлаб ичкарига тортди. Қизча бирданига уялиб, онасига ташланди, у булса: «Құлларингни устимга суртма!» — деб қичқирганча үзини орқага ташлади.

Фаттоҳнинг уйида меҳмоннавозликнинг чеки йүққа үхшарди. Бир вақт онаси билан бирга чиқиб кетган катта қизалоқ патнис күтариб ичкарига кирди. Патнисда муз солинган мураббо банкаси, шиша бардақлар<sup>1</sup>, сопол пиёлалар ва топ-тоза қошиқчалар бор эди. Қизча, Бўзова станциясида менга сув келтирган қизалоқ сингари, бизни диққат билан кузатарди. Ёноқлари ҳаяжондан қизариб, арқон устида юрган дорбоз боладай, аста-аста юриб бизга яқинлашаркан, худди ўша қизалоқдай, тилини чиқарар ва тишлаб қўярди.

Бунақа меҳмоннавозликни Оқденгиз шаҳарларида курганман. Фақат у ерда мураббонинг ранги оқ бўлади ва гуркираб сақич ҳиди урилади... Бу эса, аёлнинг сўлғин юзларининг рангидай, оч пушти гул рангида. Бир қошиқ олдим дегунча, бу мураббодан ҳам сақич ҳиди келди.

Бояқишиш аёл патнисдаги сопол пиёладан уялиб, узр сўради, бултур шиша бардақлардан бири синиб қолгани учун буни унинг ўрнига ишлатишларини айтди. Шунгача миқэтмай утирган кичкина қиз бирдан:

— Бардақ сингани учун онам кўп йиғлади, — дея онасини сотиб қўйди. Она-қиз худди тенгдошлардек жанжал қилиб, бизни завқлантиришиди.

Оиланинг учинчи фарзанди ҳам бор экан-у, негадир уни бизга кўрсатишимади. «Негадир» дедим, чунки у бечоранинг кўрсатгулик ҳоли йўқ экан. Фарҳод уни боғ тўрида тасодифан кўриб қолиб, бизни чақирди.

У бир дараҳт соясига тўшалган палос устида ўз ҳолича ёлғиз ётган 7—8 ёшлардаги ўғил бола эди. Неча йиллардан бўён хаста экан. Юзи ва танаси ориқлаб, эти устухонига ёпишган, бу ҳам етмагандай, қорни қўрқинчли даражада шишиб кетган эди. Қўли етадиган жойда ичига қурт-қумурска ва сомон чўплари тушган синиқ сув чанофи, бармоқлари орасида қиёмга ўхшаш бир нарса бор. Атрофидаги нарсаларга шунчалик бефарқ эдики, бехосдан устига келган ғалати кийинган уч кишини ҳам кўрмади, қиёмини ялайверди.

<sup>1</sup> Бардақ — стакан.

Биз ҳам ҳеч нарса демай, тепасида унга қараб туравердик ва орқага қайтдик.

Ота-онада ҳеч қандай таассуф аломати күринмади, фаяқат бизнинг беморни кўрганимиздан сиқилишганга ўхшарди.

Фарҳод пинжимга кириб, исён кўтаргудай бўлиб пи-чиrlай бошлади:

— Оғажон, нима учун бу хастани бунчалик қаровсиз ташлаб қўйишибди?! Одам эмаскан-ку булар!

Жавоб бермадим. Синган бардақни деб йиглаган аёл боласи учун ҳам нималардир қилган бўлиши керак. Балки вақт ўтган сайин хотиннинг ҳам, Фаттоҳнинг ҳам дийдаси қаттиқлашгандир. Умиди узилган кишилар шунаقا бефарқ бўлиб қолишади.

Эшикка яқинлашганимизда Муродбей:

— Бу бола бечорага нима бўлган ўзи? — деб сўради.

Она билан ота ўзларини эшитмаганга солдилар. Уларнинг ўрнига оқсоқол сўзлай бошлади. Касаллик Бўзовада бошланганини, шаҳар доктори бир-икки дори бериб: «Қишлоққа борди дегунча тузалиб кетади», — деганини, лекин касаллик ўтиб кетмаганини, боз устига қорни шишганини айтиб берди. Қишлоқда табиблар «қурбақа ютган» деб берган дориларни ичиришган, азайимхонларга ўқитишган, ҳеч бири фойда қилмаган. Зайнаб: «Бир марта Бўзовага бориб келайлик», — деб йиғлаб-сиқтаган, эр-хотин болани опичлаб тоғдан Фарибларга, у ердан юк машинада Бўзовага олиб боришган...

Сўз шу ерга келганида Фаттоҳ, бирданига:

— Тўхтат амаки...Кўп гапириб юбординг! — деди.

Оқсоқол қўрқиб кетгандек, жим бўлди, биз ҳам ҳеч нарса демадик.

Шундай бўлса-да, бир оздан кейин ўзи сўзлай бошлади, бошини орқага ташлаб, худди хастага озор етказаётгандек деди:

— Нима ҳам бўларди...Сўраган киши йўқ... Ҳолинг не деган киши йўқ... Үзинг учун ўл етим...

Кейин ҳалигина денгиз ашёларига тўлдирилган мәҳмонхонасида рафиқасининг назокату навозишларини ишга солиб, шаҳар эркакларида кулимсираб кузатган хотинини айни сасда уришиб берди:

— Нима ҳам бўларди... Насиб қилса, бир куни яна бақириб-чақириб йигларсан, ҳаммаси ўтиб кетади.

Ғалатиси шуки, аёл ҳам унга ўхшаб, бефарқ эди. Эрининг бу даҳшатли сўзларига унинг мовий кўйлаги устида кўриб қолиб, тирноқлари билан олиб ташлашга уринган бир лой парчасидан кўра камроқ аҳамият бераётганди. Лекин кўп ўтмай катта қизи келгач, уни анчадан бери кўрмагандай, бағрига босиб, бантикли соchlаридан суюб ўпа бошлади. Хаста боласининг ёнидан ҳар қайтганида шундай қилса керак. Бизни уйида жуда яхши кутган Фаттоҳ боғ эшигида ҳаммамиздан ранжиган ҳолда ажралишди, фақат менинг олдимда ҳарбий ҳолатга кириб, оёқларини бир-бирига уриб, юзимга қарамасдан, аскарий салом берди.

Фаттоҳнинг биз билан бирга келмаганининг гўё бир расмий жиҳати ҳам бор эди. Фаттоҳникида бўлган вақт мобайнида худди икковимиз бир-биrimизнинг кўнглимииздан ўтган гапларни билгандек, Муродбей менга:

— Бу Фаттоҳни Қуий Сазандаги Усмонга ўхшатганинг жуда тўғри, — деди. — Туриш-турмушига эътибор қилдим. Фаттоҳ Юқори Сазанинг шефи шекилли... Бу не кин, ё раббий, не кек! Ҳали кўрасан, булар тинч ўтирумайдилар...

Йўлимиз устида, атрофда Фаттоҳникига ўхшаш бошқа минорасимон уйлар ҳам бор. Бироқ улар хийла кўримсиз. Муродбей:

— Бу ер зодагонларнинг шаҳардан ташқаридағи маҳалласи экан, — деди. — Бу Юқори Сазан дегани бир олам экан, Умар...

Бандаргоҳ, бичимидағи қояннинг этакларига қадар кўтарилган бу минорасимон уйларни юқоридан томоша қилиб қадам ташлар эканмиз, Фаттоҳнинг уйида кўрганларимиз ҳақида гаплашиб борардик. Бу ёввойи тоғ устида шундай уй борлиги, бизни катта шаҳарлардаги аёллардек, боши очиқ ҳолда, улардек қочиб-тортинасдан, кулиб қарши олган ва денгизни эслатган бу аёл, уйида бу нарсаларни ҳаётининг мазмунига айлантирган хотини билан бир тилда, ҳамкишлоқлари билан бошқа тилда сўзлашган бу қишлоқ йигити, Фаттоҳ, бизни ҳайратга соглан эди.

Муродбей:

— Мантиққа қулоқ соладиган бұлсак, мен ҳам ошиқ сингари довдираб, Оллоҳнинг ҳикматига ҳайрон бұлмоғим даркор... Аммо буни изоҳлаш жуда осон... Вояга етган ёш йигитнинг сершовқин, жозибали ва завқлантирувчи шашар ҳамда қасабаларда бир неча йил аскарлик қилиши... Гиритлик балиқчининг қизидек бир аёл билан ошиқ-маъшук бўлиш... Фақат биз эмас, юлдузлардек якка ва бир-биридан узоқда жойлашган ой мамлакатларида бу мўъжи-за сенинг аскарлигинг туфайли содир бўлади, шекилли, Умар... Лайлакўфиллари мактабидан етишиб чиқадиган са-водхонларга кунимиз қолса, қиёматга қадар куттан бўлар-миディк.

Орқада қадам товуши эшитилди, қарасак, Фаттоҳ.

Муродбей кузлари порлаб:

— Қандай яхши, — деди. — Фаттоҳ, қарорини ўзгартириди. Сендан ажралгиси келмаяпти... Муслимга ўхшаб... Хачирчининг хачири каби... Хурсанд бўл, Умар, бу хачирни ҳам қабилангнинг рўйхатига тиркаб қуй. Бироқ иш жуда тезлашиб кетди!..

Фаттоҳ: «Ўша ёқда бир ишим бор эди», — деб ёлғон сўзлади. Биз ҳам худди унга ўхшаб хурсандлигимизни ошкор этмасдан: «Шундайми? Жуда яхши!» —дедик ва уни яна бизга эргаштирган ишни унинг ўзи ҳам, биз ҳам қайтиб эсламадик.

Фаттоҳнинг ўз қарорини ўзгартиришига йўл бўйи бизга иғнадек санчиладиган гаплар айтиш нияти ҳам сабабчи бўлгандир, дея тахмин қилдим-у, кўп ўтмай янглишганимни тушундим.

Йўлбошловчилик вазифаси энди оқсоқолдан унга ўтган эди. Пастдаги тор сойга туташган дала ўртасидаги минорасимон уйни кўрсатиб:

— Бу жойнинг эгаси яхши одам, — деди. — Яхши деган бўлсам, бу сўзнинг омади-да, Юқори Сазандан яхши одам чиқармиди? У бола-бакраси билан бу далада чумолидай ишлайди... Оллоҳ, унга бир ўғил берган, тўққиз ёшида... Ўзидан ўзи янги ёзувни ҳам, эски ёзувни ҳам ўрганди. Агар мактабга борганида борми, билмадим ким бўларди у?!

Фарҳод:

— Мана, энди мактабга боради, — деди.

— Қанақасига боради?

Фарҳод оқсоқолга қилганидек, жазавага тушиб:

— Албатта, боради, — деди, — қонун бор...

— Қонуннинг унга нима фойдаси бор? Икки кун один вафот этди... Ўғлимникига ўхшаган бир қасаллик ҳам эмас, йўқ ердан бирданига қасалланди... Қон аралаш ичкетарга ўхшаган бир нарса... Шаҳарда бўлганида эди, бир-икки укол билан тузалиб кетган бўларди, аммо Юқори Сазанда оёғингни узатиб ўлишдан бошқа чора йўқ.

Бунга худди биз сабабчи бўлгандек, лабларининг четида қасоскорона бир табассум ўйнади, сўнг шаҳарлик аёллар сингари тобут орқасидан қабристонга бормоқчи бўлган онани, уни дўпослаган, тош отиб қувган отани масхараомуз гапирди. Кейин мулоимлик билан: «Агар ҳоҳласангиз, бориб қўрайлик!» — деди ва Муродбей билан Фарҳоднинг «Худо сақласин!» —деб қўрққанини томоша қилиб, бизни эрмак қилди.

Бошқа бир жойда дала ўртасида бир неча бола билан бирга эгилиб-букилиб ишләётган гавдали аёлга: «Дўна опа, Дўна опа!» — деб овоз берди.

Эркаклар шалворини кийган, почаларини ип билан болдирига боғлаган, бошига қора пешонабанд ураган аёл шошилмай, яланг оёқлари билан тупроқ кечиб, дала четига келиб тўхтади... Биз йул устида ундан баландроқда турардик.

Дўна опа келаркан, Фаттоҳ бизга бу оиланинг эркаги йўқлигини, уй тӯла бола-чақани шу аёл боқаётганини айтиб берди. Турган жойида қўлларини белига тираб, бир оёғини орқага ташлаб, пастдан юқорига боқишига қаранганд, оиланинг эркакка унчалик эҳтиёжи ҳам йўқдай эди. Бу нигоҳ байни йўлдан ўтган-кетганларни кузатаётган гумондор жандармнинг нигоҳи. Қалинлашган юз терисида пичоқ билан тилинган деса бўладиган иккита қалин чизик бор. Бошига сиқиб боғлаган қора пешонабанди бир қошини юқорига кўтарган... Неча ёшда эканини билиб бўлмади. Балки қирқ, балки олтмиш ёшда, ёхуд ундан ҳам каттароқ...

Дўна опа бизни хуш кўрмаётгани билиниб турарди. Лекин турган жойимда аслидагидан ҳам узун кўринган буйим унга таъсир қилган эди. Салом бермасдан, йўғон, бироқ босиқ товушда:

- Янги ўқитувчи сенмисан? — деб сўради.
  - Менман! — дедим.
  - Яхши... Сен ҳарбиймисан?
  - Ҳарбий эдим... Ҳозир Юқори Сазан ўқитувчисиман...
  - Яхши... Майли, кўрайлик!
- Фаттоҳ сингари, Дўна опани ҳам бу томондан илинтирганимни сездим.

Дўна опадан тўрт-беш одим орқада менга қўрқа-писа қараётган болаларни курсатиб:

- Оллоҳ паноҳида асрасин... ўғилларинг кўп... — дедим.

Дарҳол сўзимни булиб:

- Невараларим! — дея тузатди.
- Невара ҳам фарзанд, шундай эмасми?
- Сенинг бола-чақанг йўқми?
- Йўқ. Уларнинг ўрнига сеникиларни ўқитиб, одам қилмоқчиман.
- Сен мени қаердан танийсан?
- Айтишди.
- Меникилар боламиди, иш ҳайвони... Ҳўқиз, сигиришимиз йўқ. Болаларни ишлатиб кун қуряпман. Сенга берсам, мен нима қиласман?

Орамизда жанжал чиқадиганга үхшаб қолди. Зотан, Фаттоҳ уни шунинг учун ҳам чақирган. Қаққайган жойида кўзлари билан айёrona кулиб кутиб турибди. Лекин мен бу уйинга кирмадим. У истаган ишни қиласман, бироқ бошқача бир уйин билан. Мақсадини тушунмагандек:

— Ёнингда ишлайверадилар, Дўна она, — дедим. — Бунинг учун уларни мактабдан эртароқ жўнатаман. Фаттоҳ сени чақираккан, менга бу уйинг эркаги сен эканингни, эр ва ўғиллар ўрнига ўзинг этик кийганингни айтди. Истикдол урушида ўқ-дори юкланган араваларни тортган аёлларни кўп кўрдим.

Уни энг нозик жойидан ушлаш истагимни сезгандай бир сакраб тушди:

— Мен ўқ-дори ташиганим йўқ. Мен Юқори Сазанликман. Анойиманми, ким билади, мен кимман ўзи? Савоби сенга бўлсин, деган чиқмади-ку... Мен ўқ-дори ташимадим, ол-а...

Аёлнинг кўз косасини тўлиқ қоплаган порлаган катта кўзлари бор. Юқори Сазаннинг кини на Бўзова суди зали-

даги кишиларда, на бошқа бирида Дўна опадаги сингари даҳшатли кўринди. Бу кин унинг кўзларидан, юз ифодасидаги чиркин газаб тўлқинида эмас, балки чекланган кучкүдрат шуурининг муҳташам деб айтса бўладиган чуқур сукунатида аён бўлиб турарди.

Дўна опа ўйин қоидаларини яхши биларди. Муродбей билан Фарҳод омонсиз курашни томоша қилишга тайёрлангандек қаттиқ ҳаяжон ичида туришарди. Лекин бу сафар мен Дўна опага чап бериб, айни босиқлик билан:

— Сен ташимаган бўлсанг не бўпти, Дўна опа, — дедим. — Фаттоҳ ташиган, оқсоқол Истиқлол урушида бўлмаса, Болқонларда, бошқа ерларда ташиган, эркакларнинг кўпи ташиган.

Теварагидаги болаларни қурсатиб ва кулимсираб илова қилдим:

— Эҳ-ҳе, ким билади, вақт-соати етгач, булар ҳам ташишни хоҳлаб қолишади. Ким нима хоҳлашини на сен, на мен биламан, Дўна опа. Болаларни менга бер, кейин ҳам ёнингда ишлайверади улар... Агар қийин аҳволга тушиб қолсанг, оғир ишларингни қилишга ўзим ҳам ёрдам бераман.

Дўна опа довдираф қолди, янада каттайган кўзлари билан турган жойидан менга узоқ тикилди. Аммо у осон таслим бўладиганлардан эмас экан, тўғрироғи, нечоғли кучкуватли бўлмасин, барибир аёл-да.

Дўна опа бу қисқа танаффусдан кейин менга бошқа, ўзим кутган ва хоҳдаётган томондан янги ҳужум қилди:

— Ундей бўлса, болаларимни берганим бўлсин... Лекин уларни кимлар билан бирга ўқитиб, одам қилмоқчисан?

Бир оз олдин Фарҳод Фаттоҳнинг уйида эҳтиётсизларча Муслимдан сўз очган эди. Фаттоҳ шу заҳотиёқ тўнини тескари кийиб:

— Кўй бу гапни, ҳеч ким бироннинг ишига бурнини тиқиши мумкин эмас! — дея менга тош отиб, бу ҳақда Юқори Сазанда мен билан на ўзи, на бошқалар гаплашишини билдириб қўйганди. Яъни муросасиз аламзадалик бор эди...

Дўна опа ҳам Фарҳодга ўхшаб беихтиёр эҳтиётсизликка йўл қўйганди.

Мен яна гапни юмшатишга уриниб, қаҳвахонада айтган гапларимни деярли сўзма-сўз такрорлаб:

— Йўлда автобусни шилган болаларни кўзда тутаётган бўлсанг керак, Дўна опа, — дедим. — Билмадим, бироқ уларни бегоналар уриб-калтаклашига юрагим чидамади... Ҳар қалай улар шу тоғнинг фарзандлари... улсалар сенинг, менинг калтакларим остида ўлишсин.

Муродбей энди чидай олмай портлади, мен ўзимни четга оддим.

— Сен «Нега олиб келдинг?» — деб ранжияпсан, Қуий Сазанликлар бўлса: «Нега қўлимиздан олдинг?» — деб хафа бўлишди... Бу нима қилсин, Дўна опа? Қани, ўзинг бир айт-чи...

Муродбей Дўна опага шунаقا жўяли гаплар айта бошлидик, аёл аста-секин юмшади, охир-оқибат юзида табассумга ўхшаш бир нарса ҳам зоҳир бўлди.

Такрор йўлга тушган вақтимизда Муродбей қувониб менга:

— Қалпогингни осмонга отавер, — деди. — Бугун кутилмаган даражада унумли кун бўлди, Умар... Дўна опанинг бизни уйига чорламаганига, Фаттоҳ сингари орқамизга тушмаганига алданма... Энди у ҳам биз тарафга утди.

Дўна опа Муродбейни хийла ҳаяжонлантириб қўйган эди. Аёл дала четига келиб тиккайганини кўрган заҳоти қадимги Рим далаларининг бошига тикилган қўриқчи маъбуд ҳайкалига ўхшатган эдим. Юқори Сазаннинг йўлбошчиси балки шу Дўна опадир. Кухна Онадўли уруғларининг куч-қудрат манбаи ва учоқ тангриси бўлган Опалардан бири...

\* \* \*

Тушдан кейинги бу сайдра бошқа курадиган нарсамиз қолмаган эди. Дўстларим чарчаган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, қайтишни таклиф қилдим.

Борган сари кенгайган йўл оёқларимиз остида шу қадар мазза ва юмшоқки, ҳеч бири таклифга рози бўлмади.

Муродбей вақти чоғ бўлиб:

— Шуни хоҳдаётган бўлсанг-да, мен қайтмайман, Умар, — деди. — Мен бу йўлда яна юрмоқчиман, оёғимга гўё коньки боғлагандек, маза қилиб учиб кетаётганга ўхшайман.

Қолаверса, бу қояликнинг охирига етай деб қолганмиз.  
У ерга борганимизда яна нималарга дуч келар эканмиз? Бу  
мароқни бостириб бўладими ахир?

Йўлнинг текислиги бизни алдаган экан. Шундай бўлди-  
ки, биз у ерга етиб боргунча, тоғ ёнбагрини қоронғилик  
босди. Бирданига узоқдан Қўйи Сазан кўринди.

Бу соатда, уша оқшомдаги сингари, Юқори Сазан қальва-  
си чироқлари ёна бошлагани у ердан кўринаётган бўлса  
керак.

Бу ерда яна бир тасодифга дуч келдик, ҳарбий хизмат-  
дан эндиғина қайтган бир тупчи човуш<sup>1</sup> билан учрашиб  
қолдик. Эгнида ҳануз аскар шими ва этиклари бор. Исми  
Дурсун экан. Фаттоҳнинг яқин қўшниси ва қариндоши. У  
ҳам мен билан деярли бир вақтда Шарқдан қайтган эди.  
Мен уни танимасдим, лекин у мени танишини айтди.

Дурсун Юқори Сазанда қолмоқчи эмас. Бу ерда ер-  
мулки, нимаси бўлса, ҳаммасини сотиб, бошқа ерга қучиш-  
ни режалаштирган. Қаёққа? Буни ҳозир узи ҳам билмай-  
ди... Қаёққа бўлса бўлсин... Ишқилиб, қулидаги бир туда  
аёллар ва болаларга бир тишлам нон топиб берса бўлди.  
Уч ака-ука эканлар... Иккитаси анчадан бери шу ерда иш-  
лаган экан... Ўзини бўлса, кичиклигида Қорамонда дурад-  
горлик қилган амакисиникига жўнатишган, унинг ёнида  
озми-кўпми ҳунар ўрганган...

Энди инилари йўқ. Бири анча илгари урушда ўлган, ик-  
кинчиси ҳали тирик. Аммо ўлган ҳисобида, Бўзова турма-  
сида.

Ўзиники етмагандай, укаларининг бола-чақаси ҳам унинг  
қўлига қараб қолган. Ичидан пишган, қотма ва новча Фат-  
тоҳнинг акси, тұладан келган, паст бўйли ва сўзамол бир  
киши. Нега бу ерда қолмоқчи эмаслигини сўраганимда,  
кулди-да, тоғда дәхқончилик қилиш жанг қилишдан кўра  
оғирроқ эканини айтди. Бунинг устига дәхқончиликни бил-  
мас экан...

Дурсуннинг мен билан бунаقا очилиб-сочилиб гапла-  
шиши Фаттоҳнинг ғашини келтираётган эди. Бир неча бор  
орага сукулмоқчи бўлди. Дурсун унга эътибор бермай да-  
вом этди:

<sup>1</sup> Човуш — сержант.

— Мен шаҳарларда кўп яшадим, зобитим... Ишдан қочмайман. Адана томонга кўчиш ниятим бор... У ерда иш кўп дейишияпти... Ўлсам ӯламан, бироқ ҳеч қайсисини зориқтирмай боқаман.

— Яхши, аммо гапингга қарагандা, бола-чақанг кўп эмиш-ку...

Дурсун бир оз қаловланиб қолди, қарамоғидагилар сонини тўғри ҳисоблаш учун бармоқ букиб санай бошлади: онаси, хотини, қайноаси, икки укасининг хотинлари, улардан бирининг онаси ва синглиси...

Катта-кичик болаларга навбат келди, уларни ҳисоблашга бармоқлари етишмади...

Шундай бўлса-да, Дурсун тушкунликка тушиш учун бирор сабаб қўрмади. Мушкул аҳволда қолса, аёлларни ишлаш учун пахта далалари, фабрикаларга жунатармиш. Болаларни фақат қорнини тўйдириш шарти билан устага берармиш, ҳам қоринлари тўярмиш, ҳам унга ухшаб ҳунар ўрганармишлар... Касаллансалар касалхонага олиб борармиш, докторларга, ҳамшираларга ялиниб-ёлвориб, савоб учун бир-икки укол урдириб, даволатармиш... Аёллар эса: «Биз қишлоғимиздан кетмаймиз!» — деб йиғлашаётганмиш...

Дурсун, айниқса, кекса онасидан қаттиқ ранжиётган эди. У эс-ҳушини йиғиб бола-чақаларига: «Бундай қилманглар!» — дейиш ўрнига, уларни баттарроқ йўлдан ураётганмиш. «Менинг бир оёғим гўрда... мени шу ерга ташлаб кетаверинглар... Мен бегона қабристонда ётмайман. Ўз хеш-ақраболаримнинг ёнида ётаман!» — деб йиғлаётганмиш.

Муродбей аччиқ кулимсираб:

— Хуллас, кучадиган жойингизда уларни қандай неъматлар кутаётганини оми хотинларга тушунтира олмаётган экансан-да, Дурсун? — деди.

У бу гапни жиддий деб ўйлаб:

— Худди шундай, бей, — деди, — лекин англамаганга англатишади... Унда ҳам бўлмаса, қулга таёқни олиб, ҳаммасини сурув каби олдимизга солиб ҳайдаймиз... Бунга ҳам айтдим: «Бола-чақага раҳминг келсин, сен ҳам сот, қутул... Бу ерда нима бор?» — дедим.

Дурсун күчишни тавсия қилган киши Фаттоҳ эди. У бу гапни эшиитди дегунча, қамчи егандай, тепа сочи тикка бўлиб кетди: «Ҳой, сен, валадизино, менга деса жаҳаннамга кетмайсанми... Аммо мен билан ишинг бўлмасин!» —деди

Вазиятни дарҳол тушундим, яна-да тургирори, сездим... Шўрлик Фаттоҳ дош беролмай, ўзини фош қилиб қўйган эди. Узоқ-узоқларда, илонизи бўлиб чўзилиб кетган кумуш дарёнинг у томонида Қуий Сазан чироқлари ёна бошлаганди.

Ҳозир Фаттоҳ шу ерда, сўнгги томчи қони қолгунча мудофаа қилиниши лозим бўлган тепадан туриб, бир душман ҳудудини кузатаётган эди. Аскарлик чоғларимда, бунданда кўпроқ ноумид ҳолда, тоғ тепаларидағи кузатув мино-раларидан ортида денгиздай кенг ўлкалар ва армиялар бўлган ҳудудларни кузатганимни эсладим. Лекин бу кузатувларимнинг ҳеч бирида юрагим ҳозиргидай изтиробга тўлмаган, бу қадар гусса ва даҳшатта тушмаган, қалбим бунчалик вайрон бўлмаган эди.

Вазиятнинг ниҳоятда таранглиги ва онийлигига қаранди, бу икки йигит ўртасида жанжал чиқадиганга ухшарди. Бироқ қўрқанимдек бўлмади. Дурсун уни ерпарчин қилиш ўрнига, айбдор боладек бошини ҳам қилди ва ғамгинлик билан:

— Тўғрисини айтганда, Фаттоҳ, — деди, — мен сендеқ эмасман. Қарамоғимда бир этак бола-чақа, шунча оғиз ейман деб турибди. Қани, айт-чи, нима қилишим керак?

Фаттоҳ ўзини босиб олган эди. Бегоналар олдида бу қадар очилиб-сочилиб, сир бой бериб қўйганидан ранжиған... Бу қўрқувида жон ҳам бор-да... Оғайниларим балки бунга эътибор бермаган бўлишлари мумкин, лекин мен, Юқори Сазанни ҳали яхши билиб олмаган бўлмасам-да, ҳарбий бўлганим учун бу йигит пинҳон тутишга уринаётган сир не эканини билар эдим. Қуий Сазанликларнинг хавотири бежиз эмас. Бу тоғда турли тоифа кишиларни, суд залида деразага бош буриб ҳукмни кутган кишиларни томоша қиларканман, кўнглимдан ҳам шундай хавотир ўтган эди. Энди бўлса шубҳам қолмаганди... Қачондир, қандай баҳона билан бўлмасин, эртами-кечми бу тепадан Қуий Сазанга бир ҳужум амалга оширилади.

Мен турмуш тарзим ва жангари табиатим туфайли урушни бир ўйин ва ўйинчоқдан жиддий спорт баҳсига

айланган эрмак деб қарашга ўрганғанман. Ўйин иштирокчиси ёки томошабини буларканман, оладиган завқ-шавқим клубимизнинг муҳим ўйинни ютиш эҳтиросидан бошқа нарса эмасди. Шу сабабдан бўлса керак, бу қонли гладиаторлар ўйини ўйинчиларини ажратишга, худо ёки одамийлик номидан гапириб, улар орасида тинчлик ва қардошлик үрнатишга уринадиганларга доимо сохта авлиё, руҳи суст жоҳил даъватчилар, ғашга тегадиган ўйинбузуқилар деб, паст назар билан қараб келғанман. Шунингдек, охирги ўйиним ниҳоясига етгач, хизматдан бўша什 ҳақидаги қофозни қўйнимга солиб, бу тоғ этагида ўтган оқшомимга қадар узоқларда яхшими-ёмонми мустақиллик ва ҳақиқат ғояси учун курашаётган чет мамлакатлар ва қитъаларни бир-бири билан энг даҳшатли қуролларни ишга солиб уруштирган жаҳон урушларининг ҳаммасидан қўрқинчлироқ ва жирканчроқ туюларди... Турган жойимда юрагим сирқираб оғрир, осмону фалақдан илҳом ва топшириқ олдим деган хаёлга ботиб, боши ёрилгудай лўқиллаб оғриётган ва даҳшатли титроққа тушган хасталарга ушардим.

Ўзимга ўзим: «Бу хунрезлик бўлмаслиги лозим, бўлмаслиги лозим», — дея бехуд бўлаётган эдим.

Қачондан бери мавҳумлик ва беқарорлиқдан эзилиб, яқинлашаётганини ҳис қилаётганим бурилиш нуқтаси шу бўлишини ҳис қилдим. Бу кимсасиз тоғ бошига нени қидириб келганимни энди билган эдим.

Ҳаммамиз орқага бирга қайтаётган эдик. Фаттоҳ билан Дурсун ёнма-ён боришаради. Яна бизга нисбатан тұнларини тесқари кийиб олишганди. Фаттоҳ қариндоши, бунинг устига эмиқдоши бўлган Дурсун билан доимо шунаقا ҳазиллашишларини айтиб, бизни алдашга уринарди. Ўзимизни ишонғанга солдик. Лекин бир оз юргач, оқсоқол тұсадан Дурсунга ёмон хабарни айтиб қолди: Ҳожи Рустам унинг ери ва ўйини сотиб олишдан воз кечибди.

Дурсун келган жойида бирдан серрайиб қолди, дума-лоқ юзларида хурсандчилиқдан асар ҳам қолмади, мурда-дек сарғая бошлади.

— Буни билган экансан, нега олдинроқ айтмадинг? — деди.

Оқсоқол сингари бу гапдан Фаттоҳнинг ҳам хабари бор экан. Аммо бу гапни айтишга тили бормаган. Ҳатто, бир оз олдин ғазабдан уни бўғмоқчи бўлган бўлса-да, айтмаганди...

Дурсун фақат:

— Саломатлик бўлсин, нима ҳам қиласардик? Албатта, чорасини топамиш, — деди.

Сўнгра биздан кетишга ижозат сўради. Фаттоҳ уни қуийб юбормади, қўлидан тутди:

— Тўхтаб тур, Дурсун... ҳали ўлим хабари келгани йўқку... Уша Ҳожи Рустамнинг қандай муттаҳам эканлигини билмайсанми?.. Сени мушкул аҳволга тушган деб ўйлаган... Уй-жойингни яна-да арzonроқ олишни кўзлаяпти у...

Энди жим кета бошладик. Демак, Дурсун учун сўнгги умид бўлган кучиш йўли ҳам тақа-тақ бекилган.

Бир оз юрганимиздан кейин мен:

— Дурсун, ундан бўлса, сен ҳали анча вақтгача бу ерда бўлсанг керак? — дедим.

Умидсизлик билан қўлларини бир-бирига урди.

Давом этдим:

— Сен дурадгор экансан-а? Мактабда анчагина таъмир ишлари бор... Бунинг учун озроқ пулимиз ҳам бор... Ёнимизга келиб ишлайқол... Қищдан бир амаллаб ўтиб олармиз... Баҳор келгач...

Дурсун қайфусини билдириласликка уринаётган бўлсада, унинг эзилаётганини Фаттоҳ, каби, Муродбей ҳам англаган эди. У ҳаяжон билан:

— Бу жуда яхши иш бўларди, — деди. — Умарни ёлғизлатиб қўймаган бўлур эдинг... Қара, охирги урушда қуролдош ҳам бўлган экансизлар. Мен ҳам қараб турмайман... Қўрқманг... Мен вилоятда қўл қовуштириб ўтирмайман... Сизларга асбоб-ускуна, кам-кўстингизни етказиб бераман.

Шу арзимаган далда Дурсуннинг катта ҳаёт режасини ўзгатиришга кифоя қилди. Тақдир зарбаси ва ноумидликни яширадиган, шунингдек, қувончини ҳам ошкор этмайдиган одам бўлгани учун ҳеч нарса демади.

Бир оз олдин: «Мен хотинларнинг кўзёшига қараб ўтирмайман. Ё худо, дейману, қўлимга таёқ олиб...» — дея кек-кайган бўлса-да, энди онасининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ийғламасликларидан болаларча хурсанд бўлаётган эди.

Фаттоҳга келсак, бир сўз айтмаган бўлса-да, мендан кўз узмайтганди. Унинг бу қарашида Муслимнинг ўша кечаси Қуий Сазан ҳайъати олдида сўzsиз боқишига ўхшаган бир нарса бор эди. Бу мен учун жуда муҳим эди.

Уйининг олдидан ўтаркан, Фаттоҳ у томонга қарамади, оқсоқол билан Дурсун бир оздан кейин хайрлашиб кетган бўлсалар-да, бизни маконимизга қадар кузатиб борди.

Мактабга етиб келганимизда янги туққан ой бир неча кунлик бўлишига қарамай, тоб этаклари ва водий кўринмай қолганди. Лекин мактаб ҳали ойдин эди.

## 5

Эртасига тонгдан кечгача ишладик, оқшомга яқин яна айлангани чиқдик. Муродбей бу сайдарларга «Ой мамлакатидаги разведка саёҳатлари», деб ном қўйган эди. Бу сафар тоғнинг тўғримиздаги ёнбағрини кўрмоқчи эдик, холос. Бир кун олдин нариги томонда юрган кенг ва оқиш йўлимиз юқоридаги қалъани камар сингари тўрт томондан ўраб олгани аён. Йўл бу томонда бора-бора торайиб, қояларнинг ўйдим-чукур этакларига етганда тор сўқмоққа айланган.

Бизга яна юзи куйган оқсоқол йўлбошловчилик қилаётган эди. Ҳудудимиздан утдик дегунча, Фаттоҳнинг бизни кутиб турганини кўрдим ва бу сайдимиз тартибли ҳамда мақсадли сайд бўлишини тушундим. Хотини бугун уни яна-да яхшироқ ясантирганди.

Режада Юқори Сазан катталаридан бирининг уйини зиёрат қилиш кўзда тутилган. Фаттоҳ билан оқсоқол бунга катта аҳамият берганликлари учун орадаги далалар ва қўрғонларни кўришни кейинга қолдириб, ўша ёқقا йўл олдик... Бу уйлар орасида Фаттоҳнидан ҳам ҳашаматлироқ қўрғонлар кўринаётган эди.

Манзара деярли айни. Лекин бу томонда дарахтлар ва ўт-ўлан анча оз. Йўл бирмунча тик бўлгани учун тупроқ, кам, далалардан баъзилари қоя ёнидан осилган палосга ўхшаб кўринади.

Бу миноралардан биридан иккита каттакон кўпрак чиқиб, қутургандай вовуллаб, биз ўтаётган сўқмоққа отилишиди-ю, худди буйруқ олгандай, бир жойга келиб тўхташди,

ёнма-ён туриб, ора-сира ҳуриб, утиб кетишимизни кутиб туришди, сұнг яна пастга қайтишди.

Фаттох:

— Ҳожи Рустамнинг құрғони, — деди.

Ҳожи Рустам мен ўша илк кечада қаҳвахонада күрган қизил соқоли сийрак, жиккак чол. Фаттох бу одамни ич-ичдан ёмон күриши күриниб турарди, гапирадиган гапи күп. Бироқ бу билан мени Юқори Сазаннынг ички масалалариға аралаштириши мумкинлигини ўйлаб, ҳеч нарса демади. Фаттох, мени дүст деб билган эди. Энди бунга шубҳа йүқ. Бу дўстлик маълум бир даражага қадар яқинлик қилиш ва ишониш мумкин бўлган ёт мамлакат табааси билан, сарҳаднинг нарёғидаги одам билан дўстликка ўхшаган дўстлик эди, холос!

\* \* \*

Бу томон нариги томондан минорасимон ўйлар очиқ майдонда күтарилимагани, тоғнинг баҳайбат қоялари орасида битта-биттадан қисилиб қолгани билан фарқ қиласр эди. Зиёфат берадиган кишининг уйи ҳам шундай. Яқинига бормагунимизча у уй кўзимизга кўринмади.

Фаттоҳ, олдимизга тушиб, бизни чим босган қоялар орасидаги чалкаш қинғир-қийшиқ сўқмоқдан пастга бошлиди. Пастдаги текис саҳнда шаҳар боғларига ўхшаш бир боғнинг баланд дараҳтлари орасидан Фаттоҳникуга ўхшаш қизил томсополли тош минора куринди. Кларнет товуши эшитила бошлиди. Бир аёл кларнет куйига жўр булиб қўшиқ айтаётганди, бу қўшиқ менга таниш эди.

Фарҳод қулогини динг қилиб:

— Эй худойим, бу бизнинг Нўхатчи Хўрхўр-ку, — деди. — Мен Деҳқончилик мактабида ўқиган вақтларимда уни эшитиш учун Дарё Тўғони театрига борардим.

Мен:

— Патефон бўлса керак, — дедим. — Тепадаги қаҳвахонада ҳам бир дона бор...

Бу гал Фаттоҳ, гапга аралашди:

— Йўқ, ундей эмас, зобитим, чалаётган бизнинг юзбoshимиз, — деди ва тушунтира бошлиди.

Уй эгаси Уққош афанди кекса мусиқа мулоzими бўлган, қишлоқнинг энг қадимий оилаларидан чиқсан экан. Бутун аждодлари созанда ўтган... Ўз вақтида аждодларидан кимдир боғлама<sup>1</sup> чалган, кимдир қўшиқчи шоир бўлган, вилоятма-вилоят кезиб, волий пошолар ҳузурида имтиҳон берган. Уққош афанди ҳам шулардан бири... Ҳарбий хизматда мусиқачи бўлган экан... Бу толе бўлмай нима? Бешиктошда Подшоҳнинг мусиқачи тупига олишган... Бир жума куни эрталабки салом вақтида карнай чаларкан, суворийлардан бирининг оти қутуриб кетган, қаттиқ шатта отиб, Уққошни ерга ағдарган, ўнг оёғини янчган... Лекин у ҳеч нарса бўлмагандай, карнай чалишда давом этган, мусиқани бузмаган... Аравада ўтириб бу фалокатни кўрган ва ўша куннинг үзидаёқ касалхонада Уққошнинг оёғини тиззасидан кесиб ташлаганликларини эшитган Султон Ҳамид унга ёғоч оёқ юборган ва юзбошилик нишонини тақтирган... Боз устига юз олтин ҳадя билан Садоқат орденини ҳам берган...

Уққош афандининг ғам-ташвиши йўқ. Истанбулда, Анқарада ва яна бошқа жойларда ўғиллари, қизлари бор экан. Истеъро нафақасидан ташқари, фарзандлари ҳам пул юбориб туришаркан...

Фарзандлари тўхтамасдан уни ёнига чақиришаркан.. Аммо у: «Мен ота юртимдан кетмайман. Шу ерда туғилдим, шу ерда ўламан», — дей оёқ тиармиш...

Бир қулоги Фаттоҳда, иккинчи қулоги нарёқдаги аёл айтаётган қўшиқда бўлган Фарҳод:

— Бу қўшиқни куйлаётган ким бўлди? — деб сўради.

Фаттоҳ:

— Юзбошининг кенжা қизи, — деди. — Анқарадаги опас<sup>1</sup> уни олиб кетиб, мактабда ўқитди. Қисмат-да, Анқарада турмушга чиқадиган бўлиб турганди. Бироқ қиз ҳам отаси каби ўжар чиқди. Бир неча йил олдин онаси ўлгач: «Мен кекс<sup>2</sup> отамни ташлаб қўймайман. Нима, Юқори Сазанда ёлғиз, лиқда ўлиб кетсинми?» — деб оёқ тиради. Ойша кўп яхши қиз. Хотиним билан дугона. Тез-тез борди-кељди қилиб туришади... Яхшиям у бор экан, бўлмаса, бизникини бу ер<sup>3</sup> тутиб туриш учун, билмадим, нима қилишим керак эди?

<sup>1</sup> Боғлама — нохунсиз чалинадиган торли чолгу асбоби.

Дарахтлар орасидан қизил күйлакли бир жувон биз томонга чопиб келаётганини күрдик ва фақат юзини күргачгина у Фаттоҳнинг хотини эканини билдиқ. Маълум бўлдики, бугун у ҳам бу ерга келган ва биз учун, Бўзовадаги амалдорларнинг уйларида бўлганидек, чой зиёфати тайёрлаган.

Катта шаҳар ва қасабаларда аскарлик қилган Онадўли болалари, ҳеч нарса тушунмагандай ва ҳар нарсадан бегонасирагандай кўринганига қарамай, бу Юқори Сазан каби кимсасиз тоғларга нималар олиб келганлигини биламан. Кўп жойларда сиёсатчилар ва раҳбарларнинг: «Мамлакатни маданият йўлига бурамиз!» — дея мақтанган нарсалари асосан шулардан иборат. Лекин ўша куни Юзбошининг уйида кўрганларимиз буларнинг ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. Юзбоши Бешиктош ва Юлдуздаги аскарлигидан ёш болалар чизган расмларга ўхшаш содда, ибтидоий сарой карикатурасини олиб келган. Бофнинг олдида Қуий Сазаннинг эллик-олтмиш метрли асфальт йўли каби, икки-уч метрли девор ўртасига сим билан маҳкамланган икки табакали ва ўймакор эшик... Ичкарида икки четига тафлонга ўхшаш пакана дарахтлар экилган тош йўлка. Йўлканинг ҳар икки томонида юлдуз шаклидаги гулзорлар... Йўлка охиридаги ва уй олдидағи майдончада қамишдан тўқилган иккита оромкурси, бир диван ва, яна-да гўзали — буларнинг олдида ичида ой-юлдузли байроқли шиппак катталигидағи кемача сузган кичик ҳовуз... Нихоят, уй олдидағи бостирманинг зинапояси...

Биз дарахтзор йўлка ўртасига эндиғина келган ҳам эдикки, зинапоя устида қад кутарган, ҳаммаёнини чирмовуқ, қоплаган икки оқ устун ўртасида заррин погон ва уқали қора форма кийган, заррин камар ва узун эгри қилич тақ-қан новча кекса кўринди. Ясама оёғига ёрдам учун алоҳида йўғон ҳассаси ҳам бор. Зинапоядан тушаётганида орқасидан келаётган икки аёл икки томонидан қўлтиқлаб олишди. Шунда у ён томондан тушаётган қуёш нурлари остида яна-да ялтираган погонлари ва соқоли билан ҳақиқатан ҳам подшоҳга ўхшаб кўринди.

Худди туш кўраётгандаймиз. Муродбей, бир томондан, кулиб юбормаслик учун лабларини қимтиб олган, иккичи томондан, кўзлари ёшланган эди. Улардан кулгисини, мендан кўзёшларини яширишга уриниб:

— Эҳ, худойим-эй, бу қабул маросими ning ҳеч бир камчилиги йўқ-ку. Бу қандай бўлди, Умар? — деди. — Юзбоши ҳам бу ерда, Лайлакуғиллари сингари, бутун бошли бир салтанат қурган экан-да... Яна бунинг устига уларни кидан замонавийроқ Абдулҳамид салтанати... Бечоранинг Юқори Сазанга нега бу қадар ёпишиб олганининг сабабини энди тушундим. Чунки бу ерда мусиқа етишмайди-да... Бояқиши бу тоғ бошида балки бутун умр мана шу улуғ куни кутиб яшагандир...

Бугун эшикоғалик вазифаси Зайнабга юклатилган. У бутун учун жаранглайдиган сандигидан нималар топмаган дейсиз: шокилали ҳилпираған каштали ва бурмали қизил ипак кўйлак... Устида сариқ гуллари бўлган оқ этак...

Мен денгиз бўйидаги шаҳарларда кам бўлганман. Истикол урушида қисмим билан Мерсинга борган тунда бир кўчадан тўсатдан очиқ денгизга чиққанимни ҳеч унутмайман. Ўша лаҳзадан мен шундай қаттиқ таъсирандимки, қачон қоронги тоғларда, туман қоплаган довонларда сиқилиб кетсан, ўша туманли денгизни кургандай буламан, унинг могорли ҳиди диморимга урилгандай бўлади.

Ҳозир ҳам бу таассурот кўз олдимда гавдаланган, қувончдан ўзини қўярга жой топмай олдимиизда чопиб кетаётган, болага үхашаш, бола табиатли кичкинагина аёл худди қумлоқ соҳилда югургаётгандек, кўйлакларининг этагини денгиз шамолида ҳилпиратиб учайдандек бўлиб кўринар эди.

Қувонч уни бугун нақадар ўзгартириб юборган эди! Кўзлари ва дудоқларида билинар-билинмас бўёқ ҳам бор. Бироқ менга денгиз соғинчини булардан ҳам кўпроқ эслатган нарса Зайнабнинг бўйнидаги денгиз чиғаноқларидан тизилган садаф зебигардон эди.

Юзбоши бизни майдон ўртасида қаршилади. Мен унга тантанали ҳарбий салом бердим. Муродбей қулиб юбормаслик учун эснаётгандек, қўли билан оғзини ёпди. Юзбоши ҳаяжондан соқоли титраб, мени қучди: «Хуш келибсизлар, сафо келибсизлар!» — дея юз-кўзимдан ўпди. Бечора ҳурматимиз учун бугун соқолини ҳам бўятган. Ҳали қуриб улгурмаган соқолининг бўёғи юзимга ҳам юқди. Фаттоҳ пинҳона куларди. Юзбоши Муродбейнинг қўлинини сиқар ва ҳол-аҳвол сўрашаркан, Фарҳод рўмолнаси билан

ёноқларимни артиб, қулоғимга: «Бу этик мойи шекилли.. Артган билан кетмаяпти!» — деди.

Менинг ҳам кулгим қистаёттан эди. Аммо Юзбоши маросимни битирганидан кейин: «Юрагим орзиқиб кетяпти.. Йигидан ўзимни зўрға тутиб турибман!» — деди-ю, ҳе йўқ, бе йўқ, йиглаб юборди.

Ҳар ҳолда анча замон ўтиб кетгани учун, бу қабул маросимида Юлдуз саройидагига қараганда анча янгилик бор. Чунки маросимда аёллар ҳам иштирок этаётган эди. Уққош афандини қўлтиқлаган аёлларнинг бири боягина Нўхатчи Хўрхўрнинг ашуласини куйлаган қиз. Наригиси тоза чит кўйлак кийган кекса қишлоқ аёли...

Юзбоши яна уларнинг ёрдамида зинапоядан чиқди. Бостирмадан ўтиб, катта айвонга кирдик. Бу айвон Зайнабнинг меҳмонхонасига жуда ўхшайди. Айвоннинг шипга яқин деворларига нақшлар тортилган. У ердаги денгиз тасвирланган расмлар ўрнига бу ерда тошбосма расмлар осилган, лавҳаларнинг бўёғи эскириб, тамомила ўчиб кетган. Расмларда фес<sup>1</sup> кийган суворийларнинг этак кийган Эфсун аскарларини қувиб, қилич билан ерпарчин қилаётгани ифодаланган Аласўя жангига, Адҳам пошо ва пастдаги ёзуви ўчиб кетгани учун исмини ўқиб бўлмаган бошқа бир соқоли пошо, кейин Истанбул, Кўпприк, Қизқуласи ва катта масжиidlар тасвирланган... Бир гардишли расм эшик ёнида тескари ўтириб қўйилган. Юзбошининг қизи расмни бизга кўрсатмасдан ичкарига олиб кетди, Муродбей менга кўз қисиб: «Султон Ҳамиднинг сурати», — деди.

Лекин Юзбошининг уйида асл кўриладиган нарса атрофида байроқлар билан деворга осилган турли-туман чолғу асбобларидан иборат бир кўргазма эди. Улар орасида катта-кичик созлар, бир сурнай ва бир ногора бор.

Муродбей бир оз олдин: «Бу ерда мусиқа етишмайди», — деб хато қилган эди. Мусиқа ҳам бор экан. Бироқ асбоблар бирданига чалиниши керак бўлган ўринда, бирин-кетин чалинарди.

Уққош афанди буларнинг ҳаммасини чала олишини айтди ва бизга бир нечта марш куйини чалиб берди. Куй таомом бўлгач, Муродбей уҳ тортиб:

<sup>1</sup> Фес — туркларнинг қизил бош кийими.

— Юзбошим, Оллоҳ сенга бир эмас, саккиз-үн оғиз беринши керак эди, — деди. — Шунда биз мукаммал оркестрни тинглаган бўлардик, Султон Ҳамидинг мусиқасини эшитиш бизга ҳам насиб бўлган бўларди.

Уққош афанди асбобларни қайтадан жойига осар экан, биттасини ушиб, бошига қўйишдан ўзини тия олмади. Бу унинг Юлдуз саройи олдида оёғини от тепгандан кейин ҳам чалишда давом этган қарнайи эди.

Бу унвони, бу ордени, бу заррин погонлари шу карнай туфайли берилганди.

Юзбоши Республикани ҳам билади ва унинг учун дуода. Аммо Республика маршларини ҳам жуда яхши чалсада, фикр-зикри яна нариги ёқда. Республика сиёсати не эканлигини билгани учун буни давлат одами бўлган меҳмонлари ёнида очиқ сўзлашдек эҳтиётсизликка йул қўймади, боягина ичкарига яширган расм сингари, ичида пинҳон тутди. Айни чорда Муродбей камтарона соддалик билан: «Эҳ, Юзбоши, бу Султон Ҳамид маршини ҳам бизга бир чалиб берсанг-чи, ёшлар ҳам бир эшитсинлар!» — деган вақтда дош беролмади, каттакон бурнининг учидаги холининг худди кокилга ўхшаш бир нечта тукини тортқилагандан кейин ич-ичдан хурсанд бўлаётганини яширишга уриниб: «Қани курайлик, эсимда қолганмикан?» — деди. Бизни алдаш учун ўзини бир оз ўйлаганга солди, сўнг куйни чала бошлади. Бечора маршни чаларкан, ярим юмуқ, кўзлари ва дир-дир титраган бўялган соқоли уни намозда утириб дуо қилаётганга ухшатиб қўйганди.

Меҳмонхонага кирган заҳотимиз, тоғнинг нариги' томонидаги минорада бир оқшом олдин еганимизга ўхшаш, сақиҷ ҳиди келадиган шириналлик билан сийлашган эди. Лекин бунисининг ранги оқ, патнис «Ҳижоз Ҳамидия Темир йўли хотиралари» деган ёзуви бўлган иккита заррин бардақ, ва шунга ўхшаш майда-чуйдалар билан яна-да тўкинроқ, безатилган эди.

Отаси билан бирга «Нұхатчи Хурхур» операсидан парча куйлаган Ойша таомилдагидек кийинган шаҳар қизи эди. Отасининг бу маросим учун тозаланиб, дазмолланган, заррин уқа ва тутгамлари ялтиратилган, куя еган жойлари қора ип билан чатилган беўхшов формасига мос кийиниши Бўзова катта амалдорларининг хотин-қизлариникидан фарқ

қилмас, балки уларни кидаң янгироқ ва күркамроқ эди. Үзини тутиши ва муомаласи ҳам шундай. Юзига келсак, кела-жақда бу юз қайси томонга ўзгаришини билиб бўлмайди ҳатто, баъзи чизиқлари отасиникига ўхшаши эътиборга олинса, истиқболидан бир оз қўрқишга тўғри келади... Бироқ ёшликтинг порлоқ ранглари, кулганида ва ора-сира қуёш нури тушганида таранг чехрасида кўзга ташланадиган жозибали жилвалар ва отасининг заррин погонларига ўхшаш қўнгироқ соchlарига қараганда, ҳозир ҳеч қандай камчилиги йўқ.

Анқарада ўзига тўқ опаси булгани ҳолда, у ерда бирорта ёш йигитни топиб, сарф-харажат, уриш-жанжал, кино-пино, қаҳвахоналар, қарта уйинлари билан ўтадиган оқсуякларга хос турмуш қуриши мумкин бўлгани ҳолда, болага ўхшаш кекса отаси билан бу бойқуш уясига ёпишиб олиши унча тушуниб бўлмайдиган нарса эди. Бу ёшдаги, бир оз ўқиб-ёзган шаҳар ёшларида гоҳо учрайдиган ўткинчи бир идеал тутқаноги эдими бу? Ё нариги ака-опалари билан келишмовчилик натижасими?

Ёки ўлим ёқасида турган отасига чинакамига ачинишдан, отаси ва денгиздан чиққан балиқ сингари типирчила-ган, болага ўхшаш гиритлик аёл билан Юқори Сазан қояликларида бериладиган концертнинг кўп давом этмаслигини билишдан туғилган умри қисқа бир фидойиликми-ди? Буларнинг ҳаммаси унга тенгдош ёшларга хос бўлиши мумкин. Мен ўзимча, яна-да бошқача уйлаб, турли тушунчалар ёшларга сирачдек ёпишиб олиши мумкинлигини яхши тушунаман. Кеча оқшомдан буён Фарҳод ва унга ўхшаш аламзада одамлардан кўпининг Юқори Сазан қояла-рига сирачдек ёпишган бармоқларини кесиб олмагунча, улар бу ердан кечмасликларига ишончим қатъийлашган эди...

Мен узоқ шарқда ёт амалларга қурол булгани учун қаттиқ жазоланган бир қабиланинг ярим ёввойи катталари орасидан вужуди асал мумига ўхшаш, оппоқ қўлли бир қизни топган, бу қиз Истанбул мактабларидан бирини битирганидан кейин қабиласи бағрига қайтишни мақбул топганидан хабардор бўлган эдим.

Юзбошининг Ойшасида мени ҳозир шубҳага солган нарса унинг Юқори Сазан тўғрисида ҳаддан зиёд жўшқинлик

ва шоирона таъбирлар билан сўзлаши ва қўзимиз тушадиган жойга ташлаб қўйилган бир нечта романлар бўлди.

Мусиқий концертдан сўнг, яна катта шаҳарларнинг дастурхонини эслатган чой тортилди. Бизни Бўзова дастурхонларида ҳам камёб бўлган мевалар ва бошқа нарсалар билан сийлашди. Хуллас калом, бир сохта театр декорациялари ичида, чолгуларимиз ва ҳоказоларимиз билан бир ўйинда иштирок этаётганга уҳшардик. Гўё бу дамда Юқори Сазандан бошқа ердамиз. Аммо бир кун олдин ярим яланғоч гавдасига осилган тўрвасидан тиканли хўданларни олиб кўрсатиб, ёввойи қарашлар қилиб, қишида буларни ейишларини айтган тоғ одамидаги ўзгариш ҳаммамизни лол қолдирди. У меваларни қўл тегизмасдан арчир, укувсизлик қилмасдан бўлакларга бўлиб, ўнгу сўлга тарқатар эди.

Ўзи мевани шаҳарликлар сингари назокат билан ер, бизга салибчилар ва Салжуқийлар ҳақиқидаги тарихий воқеаларни ҳикоя қилган оқсоқол каби, илғор шаҳар ва қасабалардаги янги ҳаёт тўғрисида ҳеч кутилмаган нарсаларни сўзлар эди. Ҳатто, Ойша билан кинофильмлар ҳақида баҳсу муноозараға киришди. Булар ҳақида гапиранкан, тили, талаффузи ҳам энди маҳаллий эмас. Хотинининг бир гапидан таъсирланиб, турмуш қуришларидан олдин Мармарисда бир ёз кечаси ўзи казармадан, Зайнаб эса уйидан қочиб, денгиз буйидаги бир юонон казиносига боргандарини, ракс тушганларини, уша кечаси турмуш қуришга қарор қилганликларини узундан-узоқ ҳикоя қилди.

Орада бир арчиган мевасини пичофининг учидаги хотинининг оғзига тутди, шу чоғда Юзбоши бошқа ҳунарларини ҳам кўрсатиш ниятида девордан бир созни олиб, Зайнабдан қушиқ айтишни илтимос қилиб қолди, шунда у хотинига: «Қани, нега нозланасан? Бейлар бегона эмас-ку!» — деганига энди ҳайрон бўлмадик.

Гиритлик қиз қўмлоқ соҳил шамоли ҳар томонга учираётгандек туюлган ингичка ва қуюқ овозда қўшиқ айтаркан, Фарҳод қулогимнинг остида: «Оғажон...Айтгин, нариги қиз бояги операдан куйласин, оёғингга поёндоz бўлай!» — дея шивирлаб ялина бошлади. Шурлик Фарҳод бу гапни мен ва Муродбейга беш-олти марта такрорлагандир. Бунақа жойга келишимизни ва Фарҳоднинг Юзбошининг қизига ошиқ бўлиб қолишини қаердан билайлик?

Фарҳод бу гал ҳар доимгидан ҳам очилиб-сочилиб кетганди. Қошигини янгилишиб бироннинг бардағига ташлаб, қизни кулдирди. Вақт утган сайин овози, ҳолати ва сўзлари тобора товланмоқда. Ойша билан сўзлашаркан, қўли ҳадеб чаккасига югурад, уч кундан бери қиртишланмаган соқоли ўз жойида турганини сезиб, жизғанак бўларди.

Муродбей унинг ошиқ бўлиб қолганини аллақачон сезган. Фақат маза қилиб яйрашни кейинроққа сурган, Фарҳодга ҳеч нарса сездирмай, кайфини бузишдан чучиб утирибди.

Фарҳоднинг мендан беҳуда қилган илтимосини қўққисдан Муродбей ўз-ўзидан бажарди. Ойшага: «Ойимқиз, сен ҳам бизга келаётганимизда узоқдан эшитган ўша гўзал операни куйлаб берсанг бўларди!» — деди.

Ойимқиз Зайнабдан ҳам соддароқ. «Мен мусиқани билмайман-ку, афандим. Отамни хурсанд қилиш учун ўшанақа бир нарсалар айтиб қўяман, холос!» — деди. Бу сафар юзи куйган оқсоқол:

— Қани, кўп нозланаверма. Ёлғондан бўлса ҳам бир нарсалар айтавер... Мехмонларнинг кўнглини шод қил, — деб орага тушди.

Бу лаҳзалар биз учун фақат пешин эмас, барча хафагарчиликлар, душманликлар ариган тинчлик ва сулҳ, лаҳзалари эди.

Бояқиши оқсоқол шу даражада камбагалки, ҳатто, маросим куни учун ҳам эгнига имла-тешик чакмонидан бошқа нарса топмаган. Файласуфлик қилишдан бошқа чораси йўқ. Дастурхондаги қалин сомсалар ва бошқа таомларнинг ярмидан кўпини еди. Бунинг устига, «Дастурхонда овқат қолдириш гуноҳ!» — дея бизнинг товоқларимиздан ортган овқатларга ҳам ҳужум қилди. Сўнгра Ойшани тингларкан, қорнидаги овқат бўғзига қайтиб чиқмасин дегандай ўзини орқага ташлаб, яланг оёқларини остига олиб, чордана қурди, бирданига ўтирган ўринидиги билан бирга орқага ағдарилишига оз қолди.

\* \* \*

Энди гал Фарҳодга келганди. У ҳам ҳунарини кўрсатиш, қўшиқ айтиш иштиёқида ёнаётган эди. Ошиқ дегани қўшиқ айтмай тура олармиди? Мен ҳарбийлигимда ўтирган ўринидиги билан бирга орқага ағдарилишига оз қолди.

ган жойида тиззалаң, бошини құллари орасига олиб йифлаганлардан чүчимасдим. Севгилиси ташлаб кетгандарни ва қочмоқчи булғандарни айтадиган ашуласидан билиб олардим. Күпинча тахминим тұғри чиқарди.

Бұзовадаги уйда баъзи кечалар құлliga үд олиб, бизга ажайып құшиқлар айтиб берган Фарҳод бу гүзәл қызниң олдида ким билсін, қандай жүшади, унға қандай жавоблар айтади? Фақат, афсуски, ҳеч ким унға эътибор қылмади. Уққош афандининг күпдан-күп созларига қизиққандек, бир-икки тинғиллатди, чолғу чалишини унға билдириб қўйишни истади. Бироқ парво қилишмади.

Лекин бир оздан кейин дастурхондаги мевалар етишган боғда сайр қилишга чиққан вақтимизда Фарҳод ўзини курсатиши учун бу имкониятни чолғу ва ашуладан ҳам күпроқ яхшироқ деб билди... Сарой дегани боғсиз бўлармиди? Боғ, олд томондаги гул марзалари сингари, жуда тартибли эди. Устига устак, қоя деворлари орасида бир-бирига кўринмайдиган кичик-кичик ҳарам боғчаларига ўхшаб, бизни кутилмаган завқ-шавққа тўлдиради. Энг зўри булардан биридаги иссиқхона эди. Лекин иссиқхонанинг ойналари, ромлари синган. Фақат қовурғалари бутун қолган, холос.

Юқори Сазандә бу қадар хилма-хил мева етишганига ҳаммамиз ҳайрон қолдик.

Оқсоқол хўрсини:

— Булар етишганига қараганда, улардан яхшилари ҳам етишади, — деди. — Буни ёшлигимдан биламан. Қояузуми деган бир нав узум бўларди. Қишига яқин пишиб етиларди. Мўл ҳосил берарди. Очликдан ўладиган бемор болаларни «Ўша ерда бемалол ўлақолсин!» дея узумзорга ташлаб кетишарди. Шўрликлар тупроқда у ёқдан бу ёққа судралиб, узумларни сийна каби эмишар, зулукдек қонга беланиб ётишар, лекин ёзга яқин тузалиб, оёққа туриб кетишарди... Бир вақтлар Лайлакўғиллари, Қора Болдиrlар узумдан шароб олиб, хачирларга ортиб пастта, Бўзовага, ундан ҳам узоқ жойларга жўнатишган... Кексалар шундай дейишарди... Ҳозирги ҳолига қараманг...

Фарҳод:

— Хўш, нега ҳозир йўқ? — деб сўради.

Кекса оқсоқол яна бочкадаги файласуф истеҳзоси билан сирли кулимсираб, бурнини қашиди ва бокқа ишора қилди:

— Ана, бор-ку...

Үққош афанди чолғулари сингари, борига ҳам күп мекнат сарфлаган. Фарҳод бу ерда дәхқончиликка оид билимларини тўкиб ташлади, тупроқни кафтида эзиб, Бузовада таҳлил қилиш учун намуналар олди, марказдан мактабга юбориладиган почта жұнатмаларида янги уруғлар, немисларнинг сунъий үғитларини юборишни ваъда қилди. Фарҳод булар ҳақида сўзлар ва, бошқа томондан, Үққош афандига хушомад қилар экан, овози қўшиқ айтаёттандек, ошиқона оҳангларга тўла эди.

Шу йўл билан соз чалиб гўзал қизга кўрсата олмаган фазилатларини отасига намойиш қилиб, бечорани мафтун этди... Юлдуз саройидан янги мусиқа билан бирга, янги илмга ҳам ишқибоз бўлиб қайтган Үққош афанди: «Давлат сенга ўхшаганларни Онадўлига жұнатса, бу мамлакат бундай қолармиди?» — дея унинг ёноқдарини силаркан, Фарҳод чаккаларини Ойша сийпагандек, боши осмонга етди. Эҳ, сумкасида устара, совун ва яна алланималар бўлса-ю, нега у бутун соқолини олмасдан йўлга чиқди-я?

Үққош афандиникидан чиққанимизда кеч бўлганди. Фаттоҳ, қўлига фонус олиб олдимизга тушди, бизни панжарали эшикка қадар кузатиб чиқишиди.

Биз қояликлар орасидаги пиллапояли йўлдан юқоридағи сўқмоқقا чиққунимизга қадар улар эшик ёнидан кетишишмади. Миноранинг қоронғуда ўзгача тус олган шаклу шамойили болаларнинг безакдор китобларида парилар саройига ўхшаб кетарди. Фаттоҳ, каби, эшик олдида қўлида фонус билан отасининг ёнида турган Ойшанинг чехраси ва қоматини фонус нури узоқдан ёрқин ёритар, у фактат Фарҳодгагина эмас, бизга ҳам бир паридек куринар эди...

Зинапоядан чиқар экан, тўхтовсиз орқага қайрилиб қараётган Фарҳодга Муродбей:

— Кўзингта қара... Йиқилиб тушасан, бошинг ёрилади, — деди.

Сунгра, юқорига чиқиб ҳеч нарса куринмай қолгач, Фарҳодни қўлтиқлаб сўради:

— Эҳ-ҳе, қани, ошиқ, бир сўзла-чи, аҳволинг қалай?

Фарҳод бошига нелар тушиши мумкинлигини тушуниб:

— Оғажон, ҳазил-пазилнинг кераги йўқ, — дея силтанди.

Муродбей жиддийлик билан:

— Бу гал ҳазил-пазил йўқ, Фарҳод, — деди. — Қиз пайдек маҳваш экан, тўғрими?

— Қанақа пари, азизим?.. Қиздака бир қиз... Нима, Бўзовада қиз кўрмаганмизми?

Муродбей ёлғондакам хўрсиниб:

— Бунақасини кўрмаганмиз, ошиқ, — деди.

Шунда Фарҳод бирданига таслим бўлди-қўйди:

— Нимасини айтасан, оғажон... Оёғингга поёндоz булай.

## 6

Коялик олдига туташган сўқмоқ теп-текис ва атроф олдимизда фонус тутиб бораётган Фаттоҳнинг чироғини хиралаштирадиган даражада ойдин.

Анчагача гаплашмасдан йўл босдик. Сўнг Ҳожи Рустамнинг итлари ҳура бошлади. Сасларидан йўл ёқасига яқинлашганликлари маълум. Муродбей билан Фарҳод чучигандай булишди. Лекин қўрқмаса ҳам бўлаверади... Кўппаклар ўз вазифасини яхши билишади. Улар йўловчи хўжайинининг уйига бурилмай ўтиб кетишини хоҳлайди, холос. Биз уларни шубҳалантирмаслик учун яна секин ва оҳиста қадам ташлаб йўлимизда давом этдик.

Муродбей ҳеч кўрилмаган ўта жиддийлик билан:

— Ой мамлакати, пари эртакларини бир чеккага йиғишириб, жиддий гаплашиб олайлик, Умар, — деди. — Кеча қишлоқда курган кўрсичқон уяларининг шу лаҳзадаги ҳолатини бир кўз олдингга келтир... Фаттоҳнинг минорасида, Юзбошининг уйида кўрганларимизни уйла... Бу нақадар зиддиятли. Ҳатто, олдимизда бораётган шу икки киши ҳам ажабтовур зиддиятларга тўла. Биринчи кеча бизга горидан чиққан ҳаворийнинг арвоҳидек туюлган қулоги кар, оёғи чўлоқ чол билан кейинроқ қадимги набилардек сайрай бошлаган қария, йулга чиқаркан, биз билан қандай қилиб баравар юрар экан, деб ҳавотирланган кексамиз билан тошлар ва чуқурлар оралаб, дам олишни заррача уйламай-нетмай ҳаммамиздан олдинда ялангоёқ йурғалаб кетган одам бир кишими? Қоронғида тоғ тепасидан Қуий Сазан болаларини илиб кетмоқчи бўлган йиртқич қушдек пастга ваҳшиёна тикилган ёш қишлоқи йигит билан боши

очиқ, күзлари ва дудоқлари бўялган ёшгина хотинининг оғизга пичофининг учидаги мева туттган, у билан қумлоқ соҳил казиносида жаз мусиқасига рақс тушганини сўзлаган мулоим нигоҳли йигит бир кишиими? Кейин салибчи қўшиналар билан урушган, Усмонийлар қўшинига ёрдам бериш учун қуролларини олиб, тоғдан тушган, чўққи устида Салжуқийлар мөъморчилиги услубида қаср кутарган, балки танга зарб қилган қадимги Лайлакўғиллари давлати билан пастда собиқ ҳарбий мусиқачи қурган ва бутун маросимларини давом эттираётган, лекин бир оз замонавийроқ Абдулҳамид саройи салтанати... Ниҳоят, ҳозир олдидан ўтагетганимиз шу қўрғонда қароргоҳ қурган Ҳожи Рустамнинг мусиқа чалинадиган, қимор ўйналадиган қаҳвахонаси, файриқонуний қорадори ва ҳоказолари, мушкул аҳволда қолган кишилар билан қилган ер чайқовчилиги ҳисобига қурилган замонавий қаллоб, юлғич салатанати.

Булар атиги бир-икки кун ичида қурганларимиз, холос... Бузова водийсининг ўртасида, узоқдан фақат қўрқинчли кўланкаси кўринган, ҳақиқатан ҳам ой мамлакатидек но маълум бу қояликни яна-да кўпроқ кавлаштиришга имкон топсак, яна нималарни курган бўлардик... Бу катта тарих майдонга келтирган ёнма-ён, устма-уст, ер остида кўмилиб ётган мозийга қайтсак, табақама-табақа неча хил салтанат ва маданиятни кўрамиз!

Муродбейнинг сукунати порлаган ва ёшланган кўзлар, юмилган лаблар, узуқ-юлуқ хўрсенишлар билан ора-сира бошидан ўтказадиган тунги алаҳсирашларидан бирига айланана бошлади. Мени қўлтиқлаб, чехраси тамоман бошқа тусга кириб, давом этди:

— Бу Юқори Сазан билганимиз, тусмол қилганимиздан нақадар бошқача, бизнинг жўжахурозникидек содда тушунчаларимиздан нақадар мураккаб бир борлиқ... Юқори Сазан, Юқори Сазанликлар! Бу ерга, солиқчи таҳсилдорлар каби, тиришиб-тирмашиб чиққанлар асрлардан бери ёрдам дея, нур дея беҳуда лофлардан, дабдабали нутқлардан бошқа нимани ҳам келтирди: «Сизга уҳшаш ўзи ҳам түғри, сўзи ҳам түғри инсонлар борми жаҳонда? Ақл-идрок сизда, орномус, шафқат, ҳалоллик, гўзаллик сизда... Лекин нега баъзиларингиз бунақа тўполон кўтарасизлар, бир-бирингизнинг ер-мулкингиз, хотинларингиз ва бошқа нарсалага

рингизга күз олайтирасылар, охир-оқибат бирөвнинг ҳаётига тажовуз қиласылар?! Нега баъзиларингиз танбаллик қилиб, камбағалликка тушасиз, тозаликка риоя қилмайсиз, мік-робдан құрқмайсиз, ёппасига үласиз? Нега унумдор тупроқларингизга ишлов бермайсиз, үтін учун үрмонларимизни ёқиб, томирини қуритяпсиз? Нечун солиқ тұлашдан буйин товлайсиз, контрабанда билан шуғулланасиз? Нега пенициллинга ишонмай, үзимизни афсунгарларга үқитамиз? Булар пашишадек майда гаплар, аммо не бўлса-да, кўнгил айнитади... Қани, дардларингизни бир тўкиб солинг-чи, дафтари мизга битта-биттадан ёзиб олайлик... Таслим булган-дек, кўзларингизни юминг, операция столига ётгандек, гўзал вужудингиз ва қалбингизни сизга яхшилик ва юксалишингиздан бошқа нарсани үйламайдиган фидойи катталарингизга, идеалист мактаб муаллимлари, профессорлар, илм одамлари ва ҳоказоларнинг қучогига ташланг... Тангриустига не ёзса бўладиган қаймоқ қофозлари каби яраттан бу оппоқ, покиза сахифаларга сиз ва сиз билан бирга мамлакатнинг юксак тақдирни ва истиқболини ёзсинлар».

Бу нутқни сўзлаб бўлгач, Муродбейнинг овози яна пастлашди:

«Юқори Сазанликлар дengиз ўртасидаги бир нечта ороллардир, Умар...Амаллари, тупроғи бир, лекин тоғда кўрганимиздек, ёнма-ён, устма-уст, қатламма-қатlam тахланган тарих қолдиқлари билан ҳар бири ўз қисматига үралашиб қолган ёп-ёлғиз, тамоман ўзгача бир оламдир... Олдимизда бораётган икки киши ва ёнимиздаги қоялар орасидаги кўрсичқон уялари ичидаги мудроқ Юқори Сазанликлар билан орамизда қандайдир бирлик ва яқинлик пайдо бўлган бўлса, бу оппоқ фаришталарнинг қаймоқ қофозга ёзган номалари эмас, сенинг ҳарбийларча тинмай қилган ҳаракатларинг туфайли бўлди, Умар.

Бир оздан кейин шаклу шамойилларни бутунлай йўқ қилган кечанинг қуюқ қоронғилигида бир улиш товуши яна эшитилди. Бу соқчи итларнинг улиши эмас, Юқори Сазанда биринчи кечадан буён бир неча бор эшиштан ва этларимни жунжиктирган ўша улиш товуши эди. Бу ерда, жуда яқинда турганимиз учун товуш яна-да қаттиқроқ эшитилаётганди. Кечалари бунга қизиқиб, фурсат топдим де-

гунча билиб олишга қарор қилган, аммо негадир кундузлари унугиб юборган эдим.

Бу ердан тезроқ ўтиб кетишни хоҳлаётгандек, оддимизда қадамларини илдамлаштирган Фаттоҳ билан оқсоқолга овоз бердим, тұхтадилар.

Хар иккови ҳам бизга нисбатан яна түнини тескари кийганга үхшарди...

Орқаларидан беш-үн одим юргач, оёқларимиз остидаги соялар тұпи орасида бир думалоқ ғефу пайдо бўлди ва бу нур ичида кимdir кинода роль ўйнаётгандек туғоди, икки томони қоялар ва дараҳтлар билан түсилган тошсупа устидаги бир ғалати махлук, орқа оёқлари синган ит каби, эмаклай-эмаклай илгариларди.

Майдоннинг нариги томонида бир йўналишда тош тахталар кетма-кет тизилган. Ўша одам тоштахталар орасидағи, қалъя шинакларига үхшаш, бир тешик томонга судралиб борди, у ерда қўлларига таяниб, бошини паstdаги жар зулматига эгди ва асабларни қақшатадиган бир товушда буридай улиди.

Фарҳод қўлимга ёпишиб олиб: «Оғажон, мен бу тоғ бошида жинни бўлиб қоламан!» — дей дир-дир титрай бошлади. Мен уни тинчтиш учун фақат ўзи эшитадиган паст товушда кула бошлидим. Бироқ ўзим ҳам ўйга толган эдим. Аввалига бир яширин ибодатхонага келиб қолган бўлсак керак, деб ўйладим. Жануби-шарқда худди шунаقا ҳолатда қуёш ёхуд ойга топинган тариқат кишиларини курганман. У одамларнинг бошини осмонга кутариб илтижо қилгани билан бу одамнинг бошини жарга эгиши ўртасида унчалик катта фарқ, йўқ. Бу ҳам ўшандай нарса булиши мумкин.

Муродбей ҳам:

— Бўлиши мумкин, Умар, мумкин, — деди, — сенга боягина айтдим-ку. Бу қоя ва қоронғи ураларнинг ҳаммаси инсжинга тўлиб ётиби. Ушбу соатда фақат бу ер эмас, тоғнинг ҳар тарафи бирданига ёритилса, балки бутунлай шайтонлаб қолишим мумкин, лекин бунга ҳечам ҳайрон бўлмайман.

Думалоқ нур ҳалқаси ичида ўзгалар ҳам кўзга ташлана ва айлана бошлади. Булар, уст-бошига қараганда, ўзимиз билган қишлоқ аёллари эди. Лекин уларнинг орасидан бошқача кишининг ҳам ўтганини кўриб қолдим. «Бошқача» деганимнинг сабаби шу: Юқори Сазан қаҳвахонасиға борган

биринчи кечада Ҳожи Рустам чордана қурган үриндиң ёни-  
даги стол атрофида ўтирган икки нафар бегона эътибо-  
римни тортганди. Икаласи ҳам узун соқолли, узун кўйлак-  
ларининг бели камар билан сиқиб боғланган эди. Худди  
шу қиёфадаги, яғир босган узун, кенг йўл-йўл кўйлак кий-  
ган, узун соқолли кишиларга узоқ шарқ, қишлоқларида ва  
йўлларида кўп дуч келганимни эслаган эдим.

Ичкарига бир ёт кишининг кирганини сезмагандай,  
жойидан қимирамай, менга бош ўгирамай ўтиришлари мен-  
да шубҳа уйротган эди. Мабодо қайрилсалар, афт-баша-  
ралари ва соқоллари худди ўша одамларникига ўхшаш чиқ-  
са керак, деб кутиб ўтиридим. Аммо, уларни ҳеч кўздан  
қочирмаган бўлсам-да, кўп ўтмай бир шарпа каби бехос-  
дан фойиб бўлиб қолган эдилар. Фаттоҳнинг касал боласи-  
ни ўқиган азайимхонларни оқсоқол «Қалдирғочлар» деб  
атагани ёдимга тушди. Бу калимани кейинчалик яна бош-  
қа кишилардан ҳам эшиштгандим... Эҳтимол, хотинлар ора-  
сида ивирсиган одам ҳам улардан бири бўлса керак. Шун-  
дай қилиб, бу ерда бир яширин тариқат маросими устига  
келиб қолганимиз тўғрисидаги фикрим яна-да кучайди.

Фаттоҳ билан оқсоқол ёнимизга қайтиб, гарибона фусса  
ичида бизни кутиб туришарди. Бир соат олдин янги давр  
оқсуякларига хос зиёфатда биз билан чақчақлашиб ўтирган,  
шаҳарликлар сингари улфатчилик қилган бу икки киши  
энди биздан жуда узоқ, бегона эди.

Курган фамбода фильмимиз қандай бошлиланган бўлса,  
шундай бирданига сўнди-қўйди. Юришга чоғланган вақ-  
тимиизда Муродбей билан Фарҳодга киши билмас ишора  
қилиб: «Кўрганларингиз ҳақида уларга бир оғиз ҳам га-  
пирманг!» — дея шипшидим.

Фаттоҳ буни пайқамади, бироқ у хаёлимиздан нималар  
утиши мумкинлигини сезадиган даражада закий йигит эди.  
Оғиз очмаганимизни кўрди дегунча, ўз-ўзидан таслим  
бўлишини мақбул топди.

— Биз ақли ноқис одамлармиз. Бу одамни «жин чал-  
ган», фалон-писмадон деб кетялмиз, аммо у бир бечора  
касал одам... Ақдан ҳам мосуво шекилли. Аскарлигимда  
жинниларинг турли-туманини кўрдим... Бирори ўзини бой-  
бадавлатман, бошқаси пайғамбарман деб ўйларди. Бу эса  
ўзини бўри деб ўйлайди. Бизниkilар ҳеч нарса дейиш-

майди Не қылсиналар? Устига устак, қўзлари ҳам сўқир...  
Балки қисинавериб шундай бўлгандир.

Муродбей:

— Болалар, мен бу касалликни биламан, — деди. — Бу-нақа руҳий хасталик ҳаммамиизда ҳам қандайдир даражада бор. Тиб китобларида бунинг номи бор. Бемор алаҳсираган вақтларида ўзини бўри деб ўйлади, менлик шуури йўқолади. Ичиди бутун йиртқичлиги билан бир бўри хусусияти зухур қилади, худди унга ухшаб тош-тупроқлар устида тўрт оёқлаб эмаклайди, бўйини чўзиб, тишларини иржайтириб бўридай қўрқинчли товушда улийди, бирорларга тажовуз қилади. Айтганинг тўғри, Фаттоҳ. Бу бир касаллик. Катта шаҳарда бўлганида бу йирингни даволаган бўлишарди.

Бу изоҳ ҳаммамиизни тинчлантириди. Лекин энди олдинги хурсандчиликдан асар ҳам қолмаганди. Миқ этмай, мактаб томонга юрдик.

Болалар бу вақтда ётган бўлишлари керак. Фақат Муслим уйғоқ экан, Қоронғилик қўйнида, навбатчи каби, жойидан қимиirlамай бизни кутаётган эди.

Фаттоҳ уни кўрди дегунча: «Бизга рухсат, зобитим!» — деди ва оқсоқол билан бирга кетишиди.

7

Шу кечаси ҳар ким ўз тўшагида ўйга ботганди. Аммо буни бир-бирилизга билдирамаслик учун, ўзимизни ухлаганга солиб ётардик. Фаттоҳ ҳам уйида ётган жойида ўйга ботганига шубҳа йўқ. Чунки эртасига саҳарда танимайдиган даражада ўзгарган чеҳра ва рух билан қасримизга келди ва ўз-ўзидан менга таслим бўлди.

Бу гал у мени тескари, торнинг жануби-шарқий ёнбағри томонга, битиб-тугамайдиган чалкаш йўллардан иборат бир жойга бошлади. Кўпинча теварак-атрофии ва ора-сира бир-бирининг устига мингашган қоя тоштахталарининг камарлари остидан осмонни кўрмасдан, қаттиқ машаққат тортиб, форга ўхшаш бир жойга тушдик. Бу форнинг бир томонида кавак бўлиб, у кенг бурама зинапоя шаклида торнинг бошқа томонига очиқ эди.

Форга шу лаҳзада қуёш нури тушганди. Форнинг нарёғи жарлик. Демак, шу ерда тухтаймиз...

Оёқларимиз остидаги тошбақаларни босиб олмасликка тиришиб, тешик оғзига бордик, оёқларимизни жарликка осилтириб ўтириб оддик.

Фаттоҳ бу ерда менга мамлакатнинг ҳар томонида, энг узоқ бурчакларида доим учрайдиган ва эшитиладиган қон даъвоси ҳақида, кеча тунда зимзиё қоронгиликда оёқларимиз остида бирданига пайдо бўлган думалоқ нур ичида тўрт оёқлаб судралган ва бошини жарга эгиб бўридай улиган кўр қария ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Бу чол, Лайлакўфиллари сингари, қадимий сулоланинг энг кексаси экан... Энди унинг оиласида ўзидан бошқа эркак қолмаган. Қолган бўлса, номи бору саноқда йўқ, нонхўрак гўдаклар ва аёллар қолган. Қораболталикларнинг кўп эркаклари узоқ замонлардан бери ур-ийқит билан давом эттан бир хун даъвоси сабабли Қуий Сазанда рус, Болқон ва Арабистон урушларида бўлганидан кўпроқ қирилиб кетган. Афсуски, ҳар қандай муҳорабада бўлгани сингари, кўпгина бегуноҳ хотин-қизлар, болалар оёқ остида қолган. Кейинги ўн беш йил ичидаги жанглар олдингиларидан кўра омонсиз бўлган. Фаттоҳнинг айтишича, бу шундай имонсиз урушки, шаҳидлари бор, лекин ғолиблари йўқ, уларга нишон ва гул бериш ўрнига, қўлларига кишан уриб, Бўзова турмасига ташлашган.

Агар Фаттоҳ, айтган воқеаларни маржондек тизиб, у каби жўшқин ҳикоя қилолсан, даҳшатли ва катта саргузашт романи майдонга келган бўлурди. Бироқ Қуий Сазанликлар олиб қочаётганида ўзини дарёга ташлаб ғарқ бўлган, «чиройи кўзни қамаштирадиган» қиз ҳикояси, ўн уч ёшли ўғли билан сомон омборида тириклай ёқиб юборилган киши ҳикояси ва яна анча ҳикоялар айтилгандан сўнг миямга қаттиқ ўрнашган нарса бу — даъво фақат қораболталиклар, ҳатто Юқори ва Қуий Сазанликлар эмас, балки бутун Сазанликларга тегишли экани эди. Юқори Сазан оиласирининг барчаси бу даъвога истар-истамас тарафдор бўлган, бу тўс-тўполонда ўзлари улардан ҳам кўпроқ талафот берганлар. Лекин ҳар бирининг айри алами, айрича бадбахтлиги қораболталикларнинг энг кексасида бир меҳроб каби тўпланиб, марказлашгани учун, у достоннинг чинакам қаҳрамонига айланган. Шундай қилиб, сўқир кўзлари билан тупроқ-

да тўрт оёқлаб судраладиган, Қуий Сазан дарёси ичидан ҳар кеча уни чақирган қизга, гуриллаб ёнаёттан сомонхонада! «Ҳеч бўлмаса, ун уч ёшли боламни қутқаринг!» — деб фарёд урган кишига бўридай улиб жавоб берган бури одам, гуриллаган қасос машъаласидай, бутун Юқори Сазанин жазавага соглан, байроқдай чорлаган.

Бўри одамни бу одамлар бор мол-мулки ва яқинларини йўқотганига сабр-бардош қилган, сўзсиз таслимият кўрсашиб, камида авлиё мартабасига эришган иккинчи Айюб пайғамбар деб билар эдилар. Шу тариқа бир хаста кексани замонанинг янги пайғамбари деб билган одамлар кичик ва арзимаган қасосни Тангри буюрган муқаддас интиқом даражасига кўтарган эдилар. Янада ачинарлиси шуки, бу қасос алангаси бузук чегара кўпригининг нариги томонида ҳам гуриллаётган эди.

Болқон урушида қатнашган бир таниш зобит шундай деганди:

— Армия Чаталжа сарҳадига чекингандан кейин болгарлар дам олаётган ҳорғин бир батальонимизга, Алайя батальонимизга тунда бирданига босқин қилиб, уларни бошдан-оёқ қиличдан ўтказган эдилар. Қилич еганлардан ҳар бирининг, шубҳасиз, ўз фикри, ўз алами бор. Вақти келди дегунча, бир жангда интиқом олинади, албатта. Биз бу айрим-айрим фарзандларнинг айри фикри ва айри аламини сезмас, уларнинг ҳаммасини ва қасос шиддатини тамомила батальон байроби остида бирлаштиргандик.

Биринчи танишган оқшоми Фаттоҳнинг юқоридан Қуий Сазанга тикилишини томоша қилганимда ҳис этган номаълум дилгирлик ва даҳшат туйғусини энди янада яхшироқ англағандим. Фаттоҳ ерда тўрт оёқлаб юрмаётган, бўшлиққа бақирмаётган эди. Лекин у ҳам ўша дақиқаларда бури одам эди. Фақат у эмас, бутун Юқори Сазан, менинг назаримда, қутурган ит талаган бури галасидан бошқа ҳеч нарса эмасди.

\* \* \*

Бироқ қалъамизнинг бир бурчагига ўтиб, юзма-юз сухбатлашиш мумкин бўлганида нега Фаттоҳ мени бу ерга бошлаб келди? Айтиб берган ҳикоясининг бу форга алоқадор

жойи бормиди? Қаердан билай, масалан, бу ерни Юқори Сазан шаҳидлари учун бир қабристонга айлантиришгандир ёхуд янги тариқат учун зиёратгоҳ ва ибодатхона қилишгандир. Фаттоҳ, ҳеч нарса демаганига қараганда, бундай эмас. Чунки ундей одам бу ҳолатда бир бора таслим булишга рози бўлдими, бу охирига қадар таслимиятчилик бўлган бўлурди, ярим-ёрти булиши мумкин эмасди. Шу лаҳзада Юқори Сазанликларнинг қурол-яроғларини қаерга яширганликларини сўрасам, бу энг катта сирни ҳам менга тортинмай айтиб берган бўлурди. Аммо мен ҳеч қачон бундай қилмайман.

Ҳеч бир мантиқقا тўғри келмайдиган бу ишончнинг, бу сўнгсиз таслимиятнинг сабаби нима? Ўзлигининг бир жиҳати билан маданий, ҳа, мактаб, мадраса кўрган шаҳарликларнинг кўпидан маданийроқ, иккинчи томондан, вақти-вақти билан қутурган бўридай жазавага тушадиган бу одам менда не кўрди, не сездики, бунга жазм қилди? Шундай, буни ҳеч бир мантиқ билан изоҳлаб бўлмайди. Чунки Фаттоҳнинг бугун эрталабдан менга қилмоқчи бўлган эътирофлари орасида Юқори Сазанликлардан кўпининг мени Қуий Сазан ва балки ҳукуматнинг жосуси деб шубҳала-нишлари ҳам бор. Агар бу шубҳанинг, ҳеч бўлмаса, мингдан бири Фаттоҳнинг кўнглига келган бўлса, менга бунчалик ҳеч нарсани яширмай сўзлаши ўз қўшинини сотиш демакдир. Фаттоҳ, бу ишни қиласидиган одамми?

Бироқ мантиқларнинг энг кучлисига суюниб, яна шуни ҳам айтиш лозимки, модомики, менга ишонди, ишонаркан, янглишмади, қайсиdir маънода мени ўз қаторига олди. У ҳолда туғри ҳаракат қилган.

Менинг Муродбейдан яширадиган сирим йўқ. Бироқ не қилганимизни сураганида яна англаб бўлмайдиган танглика тушдим. Бу форда бир тариқатга кириш учун буйруқ олган ва қўл берган кишидай, Юқори Сазанликларнинг сирли қиёфасида:

— Ҳеч нарса қилганимиз йўқ, Муродбей, — дедим, — ундан, бундан сузлашдик.

Муродбей: «Менга ҳар бири бир ойдай, бир неча ойдек узун куринади», — дея таърифлаган кунлардан ўн иккитаси ўтди ва айрилиқ чоғи келди. Бояқиши Муродбей бу

сафар ҳам: «Нақадар тез, нақадар тез ўтди, ё Раббий!» — дәя ҳайрон булиб, ғам-ғүссага ботди.

У Бўзовадаги уйида тўсатдан мен билан боришга қарор қилган лаҳзада бу кунларни ҳеч тугамайди ва бир-бири-миздан айрилмаймиз, деб тасаввур этган эди.

Мактабдаги сўнгти кечамизда тўхтовсиз: «Мен яна келаман, Умар. Яқин кунларда... Фурсат топишим билан... Олдимда хачир карвони билан келаман», — деб, бу гуссани даф қилишга уринарди. Янада ачинарлиси шуки, Фарҳод ҳам унга акс-садо бергандай, айни гапларни такрорлар эди.

Фарҳод энди ҳар куни эрталабдан соқолини оладиган бўлиб қолганди. Уққош афандининг қизига ёқиш учун ҳар куни қалин туташ қошлирининг ўртасини мўйчинак билан юлиб, орасини бир оз очганди. Биз ўзимизни кўрмаганга соламиз. Лекин Муродбей у билан ҳамишагидай ҳазиллашаркан, ора-сира бармоғини унинг қошлиари орасига нуқиб, гумонсирапатётган эди. Ўша кечаси Фарҳод: «Мен ҳам келаман. Рухсат беришмаса, қочаман. Истеъро бераман», — дәя қасам ичаркан, Муродбей ҳеч кутилмаганда ҳужум қилиб қолди:

— Ёмон бўлмайди, Фарҳод... Сени Юзбошининг гўзал қизига уйлантирамиз. Билдириласликка уринса-да, қиз сени кўз остига олганга ухшайди. Умар билан бирга бўласан... Юзбоши бу ернинг бегидай бир нарса... Зотан, сен раҳбарликка қизиқмайсан... Бўзовага келиб ўт-ўланингни териб, коллекциянгни семиртирасан... Оёфингга этик олмай, китоблар, альбомлар олиб келасан... «Имкон берсалар, худо ҳаққи, бу мамлакатни Швейцарияга айлантираман!» — деб бошимни қотирганинг қотирган эди... Мамлакатнинг эгалари сенга йўл берармиди? Бироқ бу ишни Юқори Сазанда қойиллатиб бажаришинг мумкин... Майли, шу Ойшага совчи бўлиб борақолайлик..

Муродбей вақтичоғлик учун, сўнгти кечанинг ўзини тумандай қамраган ғуссасини тарқатиш учун бу гапларни айтэтган эди. Фарҳоднинг ҳар доимгида бақириб-чақиришини, «кетаман бу ердан» деб аразлашини кутамиз. Лекин у бунинг ўрнига Муродбейницидан ҳам кучлироқ, ҳеч ақл бовар қилмайдиган ҳужум қилди, унда шу чоққача ҳеч кўрилмаган босиқлик ва сокинлик билан:

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман, оғажон, — деди ва неча кундан буён ётадиган жойига чўзилиб, кўз юмганча ўйлаган режасини тўкиб сола бошлади.

Уни раҳбарлик иши қизиқтиргмаган... У қуёш тири остида тупроқ иши билан шугулланишга ўқиган. Суст ишлайдиган қалласига мактаб дарсларини қўйиш учун не азоблар чекмаган... Чўнтағидаги бир неча пулга китоб, расмлар олгани учун, Муродбей оғаси сингари, синфдошлари ва ўқитувчилари унинг устидан кулган. Кейин амалдор бўлиб ишлар экан, унга тупроқ ва япроқ эмас, қофоз тутқазишган, даста-даста ишларга кўмишган. Ўзи ҳам биладики, ҳеч ким унга мамлакатни Швейцарияга айлантириш учун имкон бермайди, берсалар ҳам, бу иш унинг қўлидан келмайди. Аммо не қилсинки, буни бир рўёдек, эртақдек яширинча орзу қилишдан ўзини тия олмайди. Амалдорликда бир жойда қўним топмай, у ёқдан бу ёқقا санқишининг сабаби шу... Уд чалиб, «Кимларга алданмадинг, эй кўнгил!» дея қўшиқ куйлашининг сабаби ҳам шу... Мурод оға айтганидай, қизлар борасида иши юришмаганининг сабаби ҳам шу...

Фарҳод буларни айтаркан, яна қўзлари жиққа ёшга тўлди. Юзбошининг қизига келганда, у ҳам Фарҳод учун Швейцария каби бир рўёдир, аммо не қилсинки, уйқудан уйғониш қўлидан келмайди. Бунақа иш бўлиши мумкин эмас, лекин бўлди деб фараз қилайлик...

Бўзовада қофоз титищдан, кечалари қаҳвахонада қарта ўйнаганларни томоша қилишдан кўра, бу ерда Ойша билан бирга Юзбошининг шу чоққача нонкўрлик қилмаган шапалоқдек ерида озгина меҳнат қилиб, бир нарсалар яратишига урингани авлороқ эмасми?

Фарҳоднинг сўзларини аввалига кулимсираб тинглай бошлагандик, лекин ҳасратининг охирига бориб, бу табассум лабларимизда муздай тунғиб қолди.

Муродбей шафқатга тўлиб:

— Сен ҳамми? — деди. — Воҳ, бечора ошиқ...

Бу покиза йигитнинг Муродбей билан яқин дўстлиги менга дастлаб бир тасодиф, ёт жойларда икковининг ҳам ёлғизлиги сабабли майдонга келган ҳодисадек туюлган эди.

Унинг биз билан бирга тоқقا боришни хоҳлаб қолганини ўша аснода Муродбейдан юққан аянчли ҳаяжонга берилиш натижаси деб ўйлаб, кўпам эътибор қилмагандим. Энди Муродбейни ҳам, яширишнинг нима кераги бор, менинг ўзимни ҳам ич-ичимиздан кемираётган беҳузурлик Фарҳодга ҳам бегона эмаслигини тушундим. Муродбей унга: «Сен ҳамми? Воҳ, бечора ошиқ!» — деганида ҳақ эди. Бунақа дўстликка энди ҳечам ҳайрон бўлмаслик даркор. Юзбошининг қизидан бошқа жуда чуқур ва жиддий сабабга кўра у бу тоғ бошига кўчиб келишга қарор берганини эътироф қилмоқ лозим. Юзбошининг қизи иккинчи уринда қолгани маълум бўлган эди.

Муродбей энди у билан ҳазиллашмас, ишнинг жиддийлигини кўриб, ҳурматга ўхшаган тарзда ва овозда: «Қандай бўларкан, Фарҳод? Яхшилаб ўйлаб кур!» — деди. Бизни аввалгилардан ҳам кўпроқ эсанкиратган иш бўлди: «Ўйлашнинг не ҳожати бор? Юзбошининг қизи нега Анқарани ташлаб келди? Умар оғамга бу ерда не бор? Юзбошининг дўндиқ қизига бу ерда не бор? Ўзинг-чи, ўзингга бу ерда не бор, оғажон? Бошқа жойларда бола-чақаларинг бўлса, еб-ичиш ташвишинг бўлмаса, катта мансабларга кутарилишинг мумкин бўлса... Ой мамлакати фақат таътил ўтказадиган жой эмас-ку... Менинг ҳам ўзимча бир тушунчам бордир... Еб-ичиш ташвишим бўлмаса...».

Муродбей қўрқиб кетгандай уни тўхтатиб:

— Тушундик, тушундик, бўлди энди, овозингни ўчир, — деди ва бир қаҳқаҳа отиб: — ҳаммамизнинг касалимиз бир экан. Бизни тоғ чалди. Қани, менга айтинг-чи... Энди мен ишсиз қоламан, шекилли?».

\* \* \*

Эртасига тонг отиши билан йўлга тушамиз. Тушиш унчалик қийин бўлмади. Муродбей билан Фарҳод ўн икки кун ичида тоғда юришнинг ҳадисини олишган эди. Мен уларни Фарибларга қадар кузатаман. Кейин эртасига саҳармардан қишлоқдаги баъзи ишларни битириб, орқага қайтаман.

Муслим Муродбей билан Фарҳоднинг сумкалари ва майда-чуйдаларини эрта-мертандан хачиримизга юклади. Бу сафар у йўлбошловчилик қиласи. Муслим хачирга Умми-

хон дея ғалати лақаб қўйганди. Биз ҳам хачирни шундай деб чақира бошлагандик. Уммихон билан Муслим қадрдон дўст. Гоҳ-тоҳ, циркдагидек, бир-бири билан тепишиб, турли ўйинлар кўрсатишади. Шу қадарки, Муродбей: «Худо ҳаққи, булар бир-бирининг тилини тушунишади!» — деб қасам ичди.

\* \* \*

Муродбей билан Фарҳод ўз вақтида кетишган экан. Улар Бўзовага кетгандан сўнг бир кун ўтгач, илк ёмғир шиддат билан ёға бошлади ва бир неча кун ёпиқ мактабдан чиқолмай қолдик. Мактаб учун «ёпиқ» сўзини ишлатганим бир оз ғалати. Аммо хоналардан иккитасининг томи ёпилгани, деразалар тахта қопқоқ билан бекитилгани учун энди осмоннинг ҳеч қандай офатидан қўрқмасак ҳам бўлаверарди.

Муродбейнинг «ҳар бири бир неча ой каби узун» деган ўн икки куни менинг учун ҳам деярли шундай бўлганди.

Бу ўн икки кечаю кундуз биз учун худди қирдаги вақтичоғлик, қанақадир байрам каби ўтди. Лекин меҳмонларим билан тўхтовсиз у ёқ-бу ёққа бориб-келишлар, тоғнинг шарқий ёнбағридаги чиқиб-тушиш мумкин бўлган анчамунча жойларга биргалиқдаги саёҳатларимиз мактабдаги ишларни тезлаштиришга халақит берган эди. Мен болаларни бир соат ҳам дам бермай ишлатишга кирищдим.

Аввалига Дурсунни Фарибларга юбориб, уч хачирга юк бўлган татьмир материалларини олиб келтирдим. Яна бир-икки марта харсангларни портлатдим, ҳавода учган тошлар остида ёввойи қувонч ва ҳаяжонли қийқириқлар остида у ёқдан бу ёққа чопган болаларни ниҳоятда севинтирдим. Тоғнинг шарқий томонидаги қоялар орасидан ишга ярайдиган ёғочлар кесилди. Уларни менинг бошлигимда болалар ташиди. Бу ёғочларни судраганимизда қўлларимиз ва елкамизга ўраган арқонлар яланғоч баданимизда қоңталаш йулйўл излар қолдирганини курган Муродбей қўллари билан кўзларини ёпиб: «Бу қандай жабр, Умар... Нима бало, Миср эҳроми қурмоқчимисизлар?» — деб бақирди.

«Шошаётган жойим йўқ, Муродбей. Бироқ шундай қилиш керак. Бу ерда душман босқинига қарши чора кўр-

масам, ҳолимга вой бўлади. Уларни ниятларидан воз кечтиришга мажбурман», — дейман.

Шўрлик Муродбей дарҳол фикрини ўзгартирди: «Бу миллат ишдан қўрқиб ёки ишдан қочиб шикоят қилмайдику...» — деди.

Биз бу ҳақда гаплашаётганимизда булоқ ёнидаги ўчоқда қозон қайнар эди. Қаттиқ чарчагани учун ўроқ тушган жўхоридай ерга йиқилган болалар кўп ўтмай қозондан чиққан ширин ҳиддан яна тирилиб, оёққа туришарди. Туролмаганлар устидан оғайнилари мис чўмичда булоқдан сув олиб тўкишарди.

Уларнинг оч бўриникидай иштаҳа билан иржайган ва бирбирига урилиб шақирлаётган тишлари Муродбейнинг қонини қайнатар, ёғли суяк бўлаклари, қотган нон каби, бу тишлар орасида ғижирлаб кемириларкан, ўзи ҳам қўл узатиб, бир суяк олар: «Бўрилик менга ҳам юқди, Умар... Мен ўзимга яраша энг мўл-қўл дастурхонлардан, дипломатларнинг дастурхонларидан таом еганман. Лекин ҳеч қачон буларнинг оғзидан уфураётгандай зўр иштаҳам бўлган эмас», — дерди.

\* \* \*

Муродбей билан Фарҳоднинг жўнаб кетгани фақат обҳаво эмас, бошқа жиҳатдан ҳам яхши бўлган эди. Чунки байрам, минг қилса ҳам, байрам-да. Бу вақт ичида, сайру саёҳатлардан қўлимиз бўш қайтмаган бўлса-да, чўнтағим анчагина қуриди... Бироқ тоғда овлаган қуш-пушларимизнинг гўшти ва ейиладиган ўт-пўтларни қозонга ташлар эканмиз, захира омборимиздан бир оз ёғ, туз, ловия каби нарсалар қушишга ҳам тўғри келарди-да. Булар бизнинг қишига олиб қўйган захираларимиз эди. Меҳмонларни деб қўлим ҳаддан ташқари очилиб кетганини кўрган Муродбей: «Ҳеч қўрқма, Умар... Омборингнинг кам-кўстини ўзим тўлдириб бераман... Бўзова билан Анқарани қандай қилиб қўзратишни биламан. Албатта, озиқ-овқат етиб келади», — дерди. Лекин шундай бўлса-да, келгуси баҳоргача не бўлишимиз номаълум. Қолаверса, менинг қабилам роҳат-фароғатга ва тўйиб овқат ейишга кўпам ўрганмагани маъқул. Бироқ бу маънода дастлабки қунлари ёзган дастурхонларимиз мен истагандай камтарона бўлмаганди.

\* \* \*

Муродбей билан Фарҳоднинг мени ёлғиз ташлаб, Бўзувага қайтишларининг яхши тарафи асли озиқ-овқат захираларимизнинг тугагани эмасди.

Менинг қабилам! На Бўзовадаги тайёргарликлар арафасида, на бу ерда уларни бирма-бир билиб олишга вақт топмаган эдим. Болаларни, ҳеч бўлмаса, кўчманчилар ўз қўй-эчкиларини танийдиган даражада ҳам билмайман. Улар мен учун ўша унутилмайдиган кечада қурол билан қўлга олган тошучоқда, кейин Қуий Сазан қаҳвахонасининг бир четида қандай кўрган бўлсам, ҳамон шундай. Уларнинг олиб ташланган тош остидаги лойда бир-бирига чирмасиб ётган жирканччувалчанглардан унчалик фарқи йўқ. Ҳозиргача мен уларни якка-якка эмас, тўп ҳолида билдим, холос. Дурсун билан шошилинч томини ёпган, қалъя деворида тўп ўқлари билан очилган тешикларга ўхшаш беухшов деразаларига қопқоқ қоққан хоналарни ҳар тунда бир-икки марта айланиб чиқаман. Болаларнинг ҳар бирининг ўз кровати, ичи тоғнинг қуруқ ўтлари билан тўлдирилган, усти чойшаб билан ўралган тўшаклари бор. Лекин ҳар гал қўлимда шамдон билан бу хонага кирганимда, уларни ўз тўшакларидан ерга думалаган, тахта пол устида ёнма-ён, бир-бирининг пинжига кириб ва қучоқлашиб ухлаб ётган ҳолда кўрардим. Ҳар бирини оёғидан тутиб, латта қўғирчокдек ўз тушагига ётқизган билан натижа ўша-ўшалигича қолаверди. Фақат хонанинг бир четида Бажақнинг бувиси уйқуда ҳам неварасини қучиб ётиши боланинг наригилар орасига боришига монелик қилган... Бундан ташқари ўз тўшагида доим бошини тирсагига тираган кўйи мижжа қоқмай ётадиган, хонага кирганимда менга жиддий тикиладиган, ўша ўзимга ўхшатган, тушуниб бўлмайдиган Муслим... У ҳақда «ўзимга ўхшатган» деганимдан сўнг «тушуниб бўлмайдиган» дейишим ғалати туюлса керак. Аммо бундай дейишимнинг асл сабаби ҳам шу, чунки мен ҳали ўзимни ундан кўпроқ билиб улгурмаган эдим.

\* \* \*

Биринчи ёмғир уч кун қаттиқ ёғди. Қишлоқдаги кўрсичон уясига ўхшаш уйларнинг ҳоли не кечди, билмайман.

Ҳалигача ёпилмаган тешиклардан оқаётган сел ва сув босқинидан биз ҳам қутула олмаган эдик. Таъмирланаётган жойларда катта-кичик үпирлишлар бўлди. Бироқ биз Нуҳ пайғамбарнинг кемасидагилар сингари, эсон-омон эдик.

Томи шошилинч ёпилган хоналар ва даҳлиз шипидан ўтган чаккага бир неча соат парво ҳам қилмадик, лекин иш жиддийлаша бошлагач, худди чўмилгани бораётгандек, болалар билан бараварига ечиниб, ташқарига чиқдик, боғда ва очиқ жойда қолган ашқол-дашқолларимизни ичкарига олдик.

Бу ўйин болалар учун шунаقا жўштирувчи сув байрами бўлдики, боғда қиладиган иш қолмаган бўлса-да, ҳар куни уларни бир неча дафъя ташқарига чиқарап, сув ичди қичқиришиб у ёқдан бу ёққа чопишларини, бир-бирини итаришиб лойқага ағанатишларини, кейин қўлларини кўтариб ёмнир остида ювинишларини бостирма остида буви билан томоша қиласдим. Ашқол-дашқолларнинг бир қисми бостирма остига олиб ўтилган. Уммихон деворда олдиндан бўлган, балки шу мақсадда деворга қоқилган ҳалқалардан бирига боғланган. У ҳам ёш бўлгани учун сел остида бирбири билан тепишаётган болаларга ҳасад қилаётгандек, арқонини узишга уринади. Қозонимиз ҳам шу бостирма тагида қайнайди.

\* \* \*

Қабилани менга Бўзовада бир сурувни топширгандек, кўтарасига беришган эди. Кўпининг ким эканлигини ўзларининг орасидагилар ҳам билмасди.

Қўйи Сазандаги жандарм каби, Бўзовадаги полициячи ҳам ҳаммасининг исмини ёзган. Бор-йўғи шу. Зотан бунинг шошилинч жойи ҳам йўқ, эди. Вилоятда ҳукумат нелигини билдириб қўйиш учун кичик қароқчиларни бир омборга қамаганларидан сўнг мен уларни кўпам кўрмагандим. Ким эканликларини суриштириш, мактаб рўйхатига олиш учун ҳар бирига алоҳида хужжат тайёрлаш иши менга қолганди.

Бошқа ташвишлараро бу ишга энди, мактаб ёпиқ ва ишсиз қолган бу ёмғирли кунларда киришишим мумкин бўлди. Тўғрисини айтганда, Муслим, Чирик Али ва Бажақни

истисно қылганда, мен уларни одам сифатида, шахс сифатида энди билиб оламан. Улар ёғ босган, иркит, пешонасига ёпишган ёки типратиканинг ниначалари сингари диккайган соchlари, қошига қадар тук босган пешоналари, кир, түрли-туман яралар, ғурралар, шилинган ва қуюклардан тошбақа косасининг тангачалари сингари ҳалқа-ҳалқа, қатқат, саватдек түрлаган юзлари, бурунлари ва қулоқлари, тошбақа косаси тагидан боққан, ҳайвонларникidek, ҳуркак кўзлари билан биринчи кечадан эътиборан менга нуқул бир хил бўлиб кўринганди. Энди, жилд ичидан қофоз тортиб чиқаргандай, қобигини сўкиб, ҳар бирининг кимлигини билиб олишим керак эди.

Ислмарини аралаштириб юбормаслигимга ишонмай, Қўйи Сазан ҳайъати аъзолари каби, қўлимга синф дафтарини олиб, ҳар биридан алоҳида-алоҳида сўрай бошлидим:

— Сенинг исминг нима?

— Қодир, зобитим.

— Яна бир марта «зобитим» десанг, тилингни суғуриб оламан, — дедим ва бармоғим билан қаттиқ пуписа қилиб қўйдим.

Уришимдан қўрқиб, бошини орқага тортмади, мамнун бўлдим. Рӯпарасидаги одам уришидан қўрқиб қочмаслик, албатта, яхши аломат.

Мен яна дағал сасда:

— Мен сенинг ўқитувчингман... Менга устоз дейишинг лозим.

— Хуп бўлади, зобитим.

Биринчи марта учрашганимизда Фаттоҳ ҳам менга шундай жавоб бергани ёдимга тушиб, кулиб юбордим. Бола ҳам менга қўшилиб кулди. Бу қурқмаслик учун яна-да яхшироқ аломатдир.

Бу кулгудан мен, қуриган шоҳ учида куртак отганини кўриб қувонгандай, ҳаяжонга тушиб: «Бунчалар тез-а?.. Бўлиши мумкинми?» — деб ўйладим.

Қодирни гапга солдим, оиласини суриштиридим. Тайинли бир жавоб беролмади. Гапиришни билмагани учун эмас, ким эканлигини билмагани учун... Ҳолбуки, унинг нариги болаларга қараганда сергал эканини биламан, ҳат-

то, бир иш қиларкан, ўзи билан ўзи сұзлашганини күрганман. Бугун уни кутганимдан ҳам құпроқ ғапиришишга мұваффақ бўлгандим. Сочлари Бўзовадан келтирилган машиникада олингач, юз-кўзини яхшилаб ювдирган эдик. Бу юзларидан тангача-тангача бўлиб тўкила бошлаган териси остидан, пўсти арчилган меваникига ўхшаб, янги ранглар куринар, энди чўчимай, кулимсираб юзимга боққан кўз қорачиги атрофида бу ердаги болаларга хос бўлмаган сарик билан аралаш ёқимли яшил ранг кўзга ташланарди. Бу Қодир, ҳар ҳолда, бегона бўлса керак.

Мен билан кундан кунга иноқлашиб бораётган оқсоқол Юқори Сазанга олиб келган болаларимдан баъзиларининг ота-онаси ким экани ҳам номаълум эканини айтган, Дали ўғлон деган бир контрабандачи ҳақида сўзлаб берган эди. Дали ўғлон бир неча йиллаб йўқ бўлиб кетар, кейин жандармлар изига тушган чоғларда ёхуд турмадан қочган вақтларида Юқори Сазанга қайтиб келар экан. Бироқ кўп ўтмай яна қаёққадир бош олиб кетаркан. Бир марта қаердандир бир сулув муҳожир қизни олиб келган. Алдаганми, олиб қочганми, у ёгини худо билади. Лекин кўп ўтмай аёлни қўлидаги чақалоги билан ташлаб, қаёққадир гумдон бўлган, сўнгра Сурия томонларда контрабанда билан шуғулланаётганида отиб ўлдирилганлиги ҳақида хабар келган. Қишлоқдагилар ўзлари оч утирган бўлсалар-да, бу болали аёлга баҳоли қудрат кўмаклашиб туришаркан... Ҳатто, унга талабгор ҳам чиққан: юқумли бўғма касалига йўлиққан хотини-ю бола-чақасигача уйидагиларнинг ҳаммаси ўлиб кетган бир йигит уни боласи билан олмоқчи бўлган... Бироқ аёл, бир қўзи кўр экан, деб бу йигитни ёқтиргмаган ва бир куни бўғчасини олиб, Қуий Сазанга қочиб кетган. Таги паст бўлса керакки, ҳатто, ит ўз боласини тишида тишлаб олиб кетгани ҳолда, боласини қишлоқнинг бошига бало қилиб ташлаб кетган ва қайтиб изламаган.

Оқсоқолдан ўша бола қайси бири эканини сўраш хаёлнимга ҳам келмаганди. Менга жавоб бераркан, баъзи сўзларига ва юзининг бир оз бошқачалигига кўра, ўша бола Қодир бўлиши мумкинлигини тахмин қилдим.

Бу Қодир ўн ёшларда бўлса керак.

\* \* \*

Қодирдан кейин Чўма деб чақиришадиган болага навбат келди. Унинг бўйи Қодирники билан тенг, унингдай ўрта ёшлилар гуруҳида... Бўйи паст бўлса-да, катталарни-кидай бақувват гавдаси бор, шунинг учун ҳам катта ёшлилар гуруҳидаги оғайниларидан кўпроқ ишлаш қудратига эга. Энг оғир юкни ҳам ҳеч писанд қилмасдан, хачир каби кутарганига ёки судраганига, катта қўллари билан туттанини қўпорганига эътибор берганман. Бироқ оғайнилари-дан энг кўп таёқ ейдиган, улардан қаттиқ азият чекадиган ҳам у эди. Чўма ҳеч уларга қарши чиқмасди. У тош, те-мир-терсак каби табиат унсурларига жуда қизиқар эди. Аммо бошқаларига келсак, бир-бирига ўхшаш кенг юзла-ри ва бир-бириникига ўхшамаган кўкимтир қисиқ, кўзла-ри, қаттиқ тиришганда бу файратининг дастагини ташкил этгандай сиқилган тишлари уларни фарқлаш ҳазилакам иш эмаслигидан далолат берарди.

Чумага:

— Сенинг исминг нима эди, Чўма? — деб сўрадим.

У кулмайди, кўксидан чиққан бўғиқ овозда:

— Чўма, — деди.

Чўма ҳам, Қодир каби, бу ерликларга ўхшамайди. Лекин қаёқдан келганини ўзи ҳам, бошқалар ҳам билмайди. Мендан бошқа бирор у тўғрисини айтиётганига ишонма-ган бўларди. Мен эса унинг бу тўдага қаердан ва қандай қўшилганини чиндан ҳам билмаслигига ишонган эдим.

\* \* \*

Болаларнинг орасида биттаси касал эди. Тошўчоқдан Қуйи Сазанга тушган кечамиз каттароқ болалар уни, худди Бажақ сингари, ора-сира елкасида опичлаганини кўрган эдим. Кейин Бўзовада шериклари орасида экан, ҳеч нарсанинг фарқига бормадим. Ҳайвонларнинг касалланганини дарров билиб бўлмайди. Йўлга тушишимиздан бир кун олдин уни яна беҳол кўргач, давлат докторига олиб бордим: «Буни бир текшириб кўринг, агар кўп ўтмай ўладиган бўлса, беҳуда олиб кетмайлик!» — дедим. Тезда елкаси ва кўкрагига қулоқ солди, баданининг у ер-бу ерини бармоқлари билан босиб кўрди ва:

— Тез орада үладиган даражада касал эмас, — деди, — хоҳласангиз, бу ерга ташлаб кетаверинг...

Шундоғ бұлғач, ташлаб кетишни маъқул топмадим. Би билан йүлга чиқаверсін, ҳоли етгунча юрар... Йүлда қоладиган бўлса... Энди у ёгини йилаб ўтиришнинг кераги борми?

Йўлга тушар-тушмас, боланинг аҳволи яхшиланди ва Юқори Сазан тоғига деярли ўз оёғи билан чиқди. Бироқ бу гал ҳам ҳачирчи бир қанча жойларда ҳачирларига миндирди.

Мактабда уни супуриб-сидириш ишларидан озод қилдим. Буви уни бир неча кун мобайніда хонада ётқизиб парвариш қилди, сўнгра у яна оёққа туриб, шерикларига қўшилди.

Уни олдимга чақириб, саволга тутдим:

- Сенинг исминг нима?
- Шоҳин.
- Кимсан, ҳеч киминг йўқми?
- Онам бор. Қуий Сазанд...  
— Отанг-чи?
- Отам йўқ. Ўлган.
- Исли нима эди?
- Умар...
- Нима иш қилган ўша Умар?
- Аскар бўлган...

Бу бола галиришни билади. Менга ҳеч қайси бола таржимаи ҳолини унингчалик очиқ айтиб бермаган эди. Давом этдим. Менга яна ҳеч нарсанни яширмай, кутганимдан ҳам купроқ нарсаларни айтиб берди. Отаси ҳам, онаси ҳам Юқори Сазанлик. Отаси ўлганидан кейин онаси Қуий Сазанлик бир кишига теккан, яна бир синглиси, бир укаси бор эмиш.

— Нега улар билан яшамадинг? — дедим.

Елкасини учирив:

— Мени бошига уришармиди?.. Отам Юқори Сазанлик бўлса... Ўгай отам мени хоҳламади.

— Яхши, бироқ Юқори Сазанликлар нега сени қувиб юборищди?

Шоҳин уларни ҳам ҳақ деб билар эди:

— Мени бошига уришармиди? Онам Қуий Сазанликка теккан бўлса...

Савол беришдан тұхтаб, юзига дикқат билан разм солдим. Касаллиғида юз-күзини фарқылаб бўлмасди. Ўлади шекилли дея, унга наригилари қадар эътибор бермаган эдим. Энди бу кўсақдан ҳаммасидан ҳам гўзал бола чеҳраси чиқаётган эди. Бўзовадаги докторнинг гапига қулоқ солиб, уни ташлаб келмаганимга суюнаётган эдим. Демак, менинг қалъам, Муродбей қўрқанчалик, ёвуз ва қаттол спарталиклар уяси эмас. Аммо Шоҳиннинг кўзларида мени унинг соғлиғидан шубҳалантираётган ғалати ҳорғинлик ва маъюслик бор. Буни фақат икки Сазандагилар ҳам уни нега истамаганини айтаётганида кўрганимда, бошидан ўтган воқеаларни олдинданоқ сезиб, изоҳдашим мумкин эди. Лекин муносабатимдан жасорат олиб, столимнинг устидаги расм дафтарини варақлаган вақтида ҳам нигоҳи ўшандай ҳорғин ва маъюс бўлиб қолаверди. Шубҳаланиб, кафтим билан олдин бир кўзини, кейин иккинчисини бекитдим. Шўрликнинг чап кўзи ҳеч нарсани кўрмаёттанини сездим. Буни балки оғайнилари ҳам, балки ўзи ҳам билмас эди. Билсалар, уни фақат Шоҳин деб чақирмаган бўлишарди, албатта.

Болалар шу йўсинда битта-биттадан столим олдидан ўта бошладилар. Шундан кейин Бакир, Тамал, Зубайр, Зайнал деган исмлар билан чақириладиган кичик одамларга айланышди. Аҳён-аҳёнда оғир ишларга чопғанларида ёхуд бир-бири билан олишиб ўйнашларига йўл қўйиб берган чорларимда улар яна ваҳшиёна ҳайқиришдан бошқа нарсани билмайдиган тұдага айланишарди. Уларни бир-бир олдимга чақирған ва аста-секин дарсларга бошлаган вақтларимда эса ораларидағи фарқ бора-бора орта борди. Қора тахтага рангли бўрлар билан чиза бошлаган аралаш-қуралаш қораламаларимдан бирор ҳайвон ёки дараҳт, ёхуд дарё устида бош кутараётган қуёшни таниған заҳоти юзларида балқан ҳайрат ва севинч мени ҳаяжонга соларди.

Мен, ҳали янги ўқитувчи, ўз-ўзимча: «Инсонлик сўздан олдин нигоҳлар, табассумлардан, юзларда яширин бир ёғду янглиғ порлаган ҳаракатлардан бошланади», — деб ўйлардим. Уларнинг руҳиятида қизиқиш, севғи, шафқат ва шуларга ухшаш анча-мунча инсоний туйғуларнинг ривожлашиш даражасини бу аломатларга қараб билиб олишга, юзага чиқаришга ҳаракат қиласадим.

Қуий Сазан қаҳвахонасида жандарм, юк вагонидан қўйларни судраб туширгандек, гирибони, қўлидан судраб катта ҳайъат олдига келтирган эсанкираган ва тилсиз ҳайвон болалари энди менга аста-секин неларни сўйламаётган эдилар... Аввалига бунчалик тез муваффақият қозонганимга ҳайрон бўлдим. Бу суръат ютуғимнинг чинлигига мени шубҳалантирган эди. Куп ўтмай билдимки, ўзимнинг хизматим деб билган нарсаларнинг ҳаммаси уларда бор экан. Энди менинг вазифам чуқурдаги лойқани кавлаштириб, бу жавоҳирларни яширинган жойидан битта-битта олиб чиқишидан иборат эди. Айниқса, юзма-юз ёлғиз қолган вақтларимизда озгинарайрат қилсам, болаларнинг нигоҳлари, юз ифодалирида ўша айтган аломатларим тезда зоҳир булар, кейин эса сўзлар дарёдай оқа бошлар эди. Катта ва кичик шаҳар болаларининг қизиқишилари, қўрқувлари, қувончлари ва уй-фикрлари қандай бўлса, меникиларники ҳам улардан кўпам фарқ қилмасди. Ҳатто, атрофдагилар болаларнинг ақли етмайдиган юксак нарсалар ҳақида, гўё чет тилда сўзлашгандай, айтган гапларни меникилар, шундай гапларни эшита-эшита катта бўлган шаҳар болаларидан кўра тезроқ фаҳмлар эдилар. Қароқчиilar тўдаси автобусдагиларни талаган куни Муслим бирон-бир қаршиликка дуч келса, қўлидаги милитиқдан ўт очиши ва рўпарасидагиларнинг бир-иккита-сини отиб ўлдириши мумкин эди.

Ишни босди-босди қилиш учун мен Қуий Сазанда ҳам, вилоятда ҳам доим бу иш ўйиндан бошқа нарса бўлмаганини сўзладим. Лекин бу ўйин эканлигига ўзим ҳеч қачон ишонганим йўқ.

Автобусдагилар ваҳимага тушиб қочганида эди, бу болалар ўликлар ёки ярадорларнинг устига ҳеч иккиланмай ёпирилган бўлишарди. Энди рўпарамда ўтириб, бир вақтлар жуда яхши кўрадиган хўрозини сўйишганида қандай йиғлаганини гапириб берган ва ҳозир ҳам шуни эслаб йиғлаган 12 яшар Зубайр, ўттай онаси томонидан дўппосланиб ўйидан ҳайдалгач, қоронғи тунда ўлиб қолган онасининг жасадини далада кўрган ва мурдани бир чуқурга ётқизиб, устига оқ кафан ўраганини айтиб берган Қамбар жон ташлаштаётган ярадорни таёқ ёхуд тош билан уриб ўлдирган ва чўнтагини шилган бўлишарди. Ўша лойқа чуқур ичида жавоҳирларгина эмас, бунақа нарсалар ҳам бор эди.

Аммо мен, бир томондан, уларнинг жуда тез одам бўлишларидан, сурувдек тепишимай қўйишлари ва савқи табиийларини бирданига йўқотишларидан чўчиётган эдим. Подани бир жойда тутиш, қўлга олиш учнчалик қийин эмас. Бироқ келажаги номаълум бўлган бугунги, қандайдир алағда, нотинч аҳволимизда уларнинг кўзи бемаҳал очила бошласа, ҳаммасини баҳамжиҳат ушлаб туриш, пода интизомини сақлаб қолиш учун нима қилмоқ даркор? Шунинг учун ҳам уларга ҳаддан ташқари қаттиққўллик қилмас, дарслардан ташқари пайтда асоратдаги подани эркин қўярдим... Муслим ва Чирик Али сингари зўравонларнинг ўз ҳукмронлигини давом эттираётганига, болалар бир-бири билан ўйнаб, ёхуд ҳақиқатан уришиб, кучлироги кучсизни урганига кўз юмганимга Фарҳод, ҳатто, Муродбей ҳам ҳайратланиб бақиришган эди. Кучлининг кучсизни эзишга ҳаққи борлиги пода учун бир адолат эканини, бу адолатга тўсиқ бўладиган қувват, аввало, мазлумда қаршилик ва исён уйғотишини, ҳатто, Муродбей ҳам яхши тушуниб етмаган эди.

Шунинг учун қабиламда том маънода адолат ва ҳузур-ҳаловатни таъминлайдиган интизом ўрнатмай, уларни ўзлари ўргангандаридай яшашга ва ўз адолатларини ўзлари ўрнатишига қўйиб бергандим, тартиботни бирданига ўзгартирсам, улар руҳдан ва жисман майиб бўлиб қолишидан чўчир эдим. Қарангки, шўрлик Бажақ кап-катта бувиси қайнатиб бераётган шифобахш ўтлар ва илдизларни ича бошлаганидан ва кечалари курк товуқ остидаги тухумдай, бувисининг бағрида ёта бошлагандан бери аввалгидай соғлом эмасди.

\* \* \*

Вазифамнинг бошқа томонларига келганда, Лайлак-ўғиллари салтанатида ва қишлоқдаги давлатларнинг ҳудудларида бирон ўзгариш йўқ эди. Оқсоқол деярли ҳар куни ёнимизга келиб кетар ва бунга уни гўё мен мажбурлаганимни важ-корсон қилиб кўрсатарди. Нима ҳам қилсин, у расман давлат одами, калласи иккита эмас.

Чакмонини эгнига, калишини оёғига илдими, у худди элчининг ўзи бўлади-қуяди. Элчига эса ўлим йўқ, ахир!

Фаттоҳ, ҳаммага сўзи ўтадиган сардор. Юзбоши қалъадан ташқаридағи зодагонларнинг энг обрулиси. Икковига ҳам тил тегизишнинг ўзи бўлмайди.

Дурсунга келсак, бизнинг мамлакатимизда вазифадор бўлгани учун унинг ҳам дипломатик дахлсизлиги бор.

Булардан бошқа гапларга келсак, бутун ҳудудларда бўлгани сингари, бизда ҳам олдини олиб бўлмайдиган қочоқлик ҳолатлари бўлиб туради.

Ҳарбийлигимда Эрон ва Сурия ҳудудларидағи хорижий давлатлар болалари ҳар куни эрталабдан тўрваларига нон-пон ва китоблар солиб, мактабларимизга ўқигани келишганини кўрганман. Ҳозир эрталабданоқ нариги тарафдан бизга битта-яримта болалар ўтиб турибди. Булар ҳудди менинг ўн учларим сингари, ҳеч кими йўқ камбағал болалар бўлгани учун излаб келган, favfo кўтарган одамнинг ўзи йўқ. Кўпам расмиятчилик қилиб ўтирмасдан, уларни ўзимникилар орасига олар, ҳатто, исмларини синф дафтарига тиркаб ҳам қўяр эдим.

Бу бечоралар аввалига атрофимизда айланиб юришади, узоқдан кузатишади. Меникилар, маҳаллага бегона ит келганини кўрган кўпаклар сингари, дарров тишларини иржайтириб, қопишга шайланишади. Лекин мен йул қўймайман. Уларни ҳам орамизга олиб, қозондаги шўрва билан сийлайман. Зотан, ҳақиқий дустлик ва оғайнигарчилик овқатни баҳам кўришдан бошланади-ку, ахир!

Шундай қилиб, қалъамиздагилар ўз-ўзидан кўпая бошлади ва сарҳад муаммоси чиқмайдиган бўлди. Мендан ёппасига аччиқланганларга эътибор қилмай қўйгандан. Энди уларнинг на даҳасига, на қаҳвахоналарига қадам босаман. Мен ҳам уларга қарши виқорли, упкалаган қиёфага киргандан.

Кўпчилик бўлган вақтларида ҳужум қилсан, уларнинг тошдай қаттиқ териси баттар қалинлашади. Уларни зурламаслик, Фаттоҳдек дилидагини ўзидан ўзи тўкиб соладиган, битта-битта таслим буладиган фурсат ва лаҳзаларни кутиш сиёсатини давом эттиридим. Қўлимдаги Бошланғич таълим қонуни менга берган чексиз нуфузга суюнган ҳолда, ҳужумни бир оз кейинга сурдим. Ким билади, балки бунинг ҳожати ҳам бўлмас... Ишончни мажбуран қозониш керак эмас, у ўз ихтиёри билан келиб эшигимизни тақиллатсин!.. Бу ҳаммасидан тўғри йул, бунга шубҳа йўқ.

Бир неча кунлик ёмғирдан кейин ёз ўз ҳукмини утказа бошлади, ҳар куни қуёш чараклаб турибди. Қалъада кўпчиликмиз. Меҳмонлар масаласида ҳам камчилик йўқ.

Анвал айтганимдек, оқсоқол ҳар куни бизни йўқлаб турибди. Ҳар бир келишини ўз даъвосига ва туриш-турмушига нисбатан садоқатсизлик деб ҳисоблайдиган, ҳар дафъа келганига пушаймон бўлиб қайтган соддадил хотинлардек, бошқа келмаслигини айтса-да, Фаттоҳ, ҳам деярли ҳар куни шу ерда. Унинг оқсоқолдан фарқи шуки, кетаркан: «Бир иш чиқса, яна келаман, зобитим!» — дейди. У кунда бўлмаса ҳам кун ора, албатта, бир ишни баҳона қилиб келаверади. Ҳатто, бир-икки марта Юзбошини ва унинг қизи Ойша билан ўзининг хотини Зайнабни ҳам олиб келди. Гарчи ҳудудларимиз жуда яқин бўлса-да, бизникида Европа давлатларига хос муҳит бор. Аёлдир, эркақдир, расмий зиёратга келганидан кейин, ким нима дея оларди?

Уққош афандининг менга дўстлиги Фарҳоднинг Ойшага бўлган севгисидан ўтиб тушган эди. Бояқишининг ҳувиллаган саройи битта-яримта кириб-чиқиб турсагина музей бўлишдан халос бўлади.

Менинг бу ерга жойлашишим уни бир неча ёшга яшартириб юборган эди. Кўргонида ҳасса билан зўрға юрадиган киши бу ерга қандай келиб кетяпти? Аммо у билан бир вазиятдаги оқсоқолнинг калишини ечиб, қоялар ва тиканлар орасида илдам юра бошлаганини кўргач, бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

Уққош афанди ҳар гал келганида формасини кийиб, нишонларини тақиб оларди. Боз устига баъзи мусиқа асбобларини ҳам филофда олиб келарди.

Қалъада иш вақтида ҳаммолдай ишлаймиз... Фақат овқат маҳали, Муродбей ва Фарҳод бўлган вақтлардагидек, байрам тусини олади. Юзбошининг армияси келган вақтда дастурхонимиз жуда зур зиёфат шаклига киради. Бизники пастдаги саройники сингари мўл-кўл бўлмайди, албатта. Лекин уникига қараганда жушқинроқ ва серфайзроқ бўлади. Зайнаб билан Ойша болаларга қўшилишади. Ора-сира Европа мактабларида камбағал болаларга бериладиган зиёфатларда маликалар ва зодагон оила аёллари қилганидек, болаларга хушфөъллик билан тарбия сабоги беришга ҳара-

кат қилишади. Юзбоши бұлса, олиб келган чолғу асбобла-ридан бирини олиб, бирини қўйиб, марш куйларидан кон-церт беради.

Охирги келишида унда болаларга алоҳида мусиқа дар-си бериш ва бу маршлардан бирини уларга ўргатиш иш-тиёки пайдо бўлди. Катта-кичик болаларни ёнига тўплаб: «Қани, яхшилаб эшитинглар... Олдин мен чаламан. Ундан кейин сиз чаласиз!» — дея кларнетини чала бошлади. Шу чоқ ҳаммани шошириб қўйган бир иш, илк дарсларимда менинг бошимга тушганга ўхшаш воқеа содир бўлди. Уққош афанди эндиғина чала бошлаган ҳам эдики, болаларнинг бир нечтаси ўнинчи йил маршини айта бошлади.

Бояқиши: «Агар оёғим бундай бўлмаганида, худо ҳаққи, мен уларга ўқитувчилик қилишга келган бўлардим», — дея қасам ичди ва уни қўрғонидан бу ерга олиб келиш мумкин бўлган замбила гўхшаш бир нарса ясатиш фикрига тушиб қолди. Ўшанда Уққош афандининг Юқори Сазанда бир фиръавн салтанати барпо этиш учун елпифичдан бошқа камчилиги қолмаган бўларди.

Ютуқларимиз бу билан чекланиб қолмади. Ўша куни шалвор кийган, бошига пешонабанд ураган Дўна опа Фаттоҳ билан бирга иккита ўғил неварасини олиб, ҳайкалга ўхшаган гавдаси билан тепадаги қоялар орасидан чиқиб, ҳукуматга таслим бўлиш учун тоғдан тушган қароқчилар бошлиғидек, дабдаба билан қалъамизга кириб келди. Дўна опа ўз ихтиёри билан бу икки нафар Юқори Сазанликни менга пешкаш қилгани келган эди.

Буларнинг ҳаммаси жуда яхши, жуда гузал. Бироқ даст-лабки ўн икки кунда омборимиз анча бўшаган, ўрни тўлдирилмаган, захирамиз тобора камаяётган эди. Муродбей, ваъда қилганидай, Бўзовани остин-устин қилган, бизни кўнам ташлаб қўймаган эди. Ҳожи Рустамнинг фирмасига рақи, кокайн, қарта сингари контрабанда молла-ри, бошқа ашёлар келтирган хачир почтаси бизга ҳам бир неча марта озиқ-овқат ва кийим-кечак олиб келганди. Лекин яқин кунларда қиши бостириб келса, нима қила-миз? Қарангки, кўп ўтмай мени қора ўйга ботирган бу нарсадан ҳам қўрқинчлироқ ҳодиса рўй берди. Аммо ундан олдин охирги гўзал кунларимизда бошимиздан ўтган бир гапни айтмасам бўлмайди.

Юқори Сазанда туғилиш ўлимдан күп бўлса кўпки, оз эмас. Бироқ қишлоқда доя йўқ. Бу ишни яхшими, ёмонми, эплаб турган кекса аёл кейинги вақтларда фалаж бўлиб қолган.

Бир тунда, тонгта яқин Фаттоҳ ухлаёттан хонамга кириб, мени уйғотди. Ёнида дароз йигит бор эди. Шамни ёқиб, бу йигитнинг пешонасидан шам томчисига ўхшаш йирик-йирик терлар оқаётганини курдим. Хотини икки кундан бери туғолмаётган экан. Қишлоқда ҳеч кимнинг қулидан бир иш келмаётган эди. Кампирлар не қиларини билмай, уни қўй каби, оёқларидан осишган. Яхшиямки, Дұна опа келиб қолиб, хотинни тўшагига туширган. Лекин у ҳам нима қилишини билмас эди. Менинг дори қутимдан ҳеч бўлмаса бу бечоранинг оғриқларини сал бўлса-да босадиган дори сўраш эсларига тушиб қолган экан.

— Бу дори билан бўладиган иш эмас, бир ердан доктор ёки доя топиш керак, — дедим.

Фаттоҳ қулларини ёзиб:

— Қаердан? — деди.

Йигит бу қадарини ҳам сўзлашни лозим топмади:

— Сен дорингни беравер, зобитим, — деди, — бечора хотин ҳеч бўлмаса, бир оз тин олсин...

Фаттоҳнинг ёнида биринчи марта Қуий Сазаннинг номини тилга олиб:

— Энг яқин жой Қуий Сазан, — дедим. — Мен икки соатга қолмай у ерга етиб бораман.

Шу лаҳзада шам қулимдан тушиб, учиб қолгани учун юзларини кура олмадим. Фақат Фаттоҳнинг:

— Бекорга ҳалак бўлганинг қолади, — деганини эшиздим.

— Уриниб курайлик-чи, бир гап бўлар.

Муслим бегоналарнинг яқинлашганини узоқдан ҳис қилиб, оёққа қалқсан эди. Кўзлари ёввойи мушукнидек ёниб, менга қараб турарди.

Уни ёнимга олиб, дарҳол йўлга тушдим. Муслим тоғ йўлларини қароқчилардек яхши биларди. Мени тонг оқара бошлигандан кутганимдан ҳам қисқа вақт ичида Қуий Сазан дарёсига олиб тушди, дарёнинг энг саёз жойини кўрсатди. Мени тоғ этагидаги қамишзорда кутадиган бўлди.

Құлларим ва юзларим бир оз тилингап, уст-бошим озрок құлланған ҳолда чегарадан осонгина үтдім.

Майдондаги қақвахона очық эди. Олдида шу ерда тунаған бир юқ машинаси йүлловчилари йүлга ҳозирлик күришаётганды. Қуйи Сазанликлар мени құрққаным қадар ёмон қаршиламадилар, зүрлаб чой ичирдилар. Бироқ қаердан ва нега келганимни сүрамадилар... Нохия мудири ўзгарған, ўрнига янгиси келган экан. Ёнимга бирини олиб, түғри Усмоннинг уйига йул олдим. Усмон мени яна уша аламзада, лекин ҳаяжонли ҳолда қаршилади. Қақвахонадагилар қаби, у ҳам Юқори Сазан ҳақида ҳеч нарса демади. Аммо мен бу ҳақда оғиз очдим. Ҳатто Фаттоҳни тилга олдим.

— Эх, аблак! — деди. — Бир кечаси окопда ёнма-ён жанг қылдик... Зимзиё тунда устимизга ўқ ёмғирдек ёғилярди... Нега энди бу күпакни соғ қолдирдим, нега энди калласига бир ўқ узиб тұнғиз құптирмадим бу күпакни...

Юқоридаги қоя тепасидан Фаттоҳнинг Қуйи Сазанга боқишини томошта қилған чөгимда ҳис этган совуқ даҳшат эт-этимни яна жунжиктиргандай бўлди. Кўзларимни Усмоннинг кўзларига миҳдай қадаб:

— Эрта-индин ҳам уруш бўлиши мумкин. Эртага ҳам яна у билан бир хандақда ёнма-ён жанг қилишинг, устингдан ўқ ёғишли мумкин. Шу айттан ишингни қила оласанми?

Усмон замбаракдан отилган ўқдай гулдирағ: «Йўқ, зобитим, қила олмайман!» — деб жуда кескин жавоб қайтарди ва бошқа сўзламай, мени қучмоқчилик бир ҳаракат қилиб типиричилади. Уни боладек кутариб, сўнг бўшатдим. Бу йигит Фаттоҳга қанчалик ўхшайди! Лекин ким билади, Қобил билан Ҳобил ҳам бир-бирига шунчалик ўхшагандир.

Усмонга:

— Бу вазиятда туғаёттан, янада тўғриори, улаёттан бир аёлни деб бир ўзим душман ҳудудига ҳам кирган бўлардим, — дедим, — ва ўйлашимча, қўлимни буш қайтаришмасди.

Усмон ҳалиям ўзига келмаган эди. Шундай булса-да, илиқ сўзлади:

— Агар мен доя бўлсан, сен билан келишган бўлардим, зобитим, — деди. — Бу унинг иши... Хоҳласа бориши мумкин.

Дипломатлик санъатини бир оз ўргана бошлаган эдим. Доядан олдин мактаб мудири билан кўришмоқни истадим. Мени мактаб остонасига қадар олиб борди, лекин ўзи ичкарига киришни хоҳламади.

Мактаб мудири мени яхшироқ тушунди. Ҳатто, мендан ўтиб ҳам кетди, дейишим мумкин. Одамгарчилик ва ватандошлик бурчи ҳақида мен билмайдиган анча мақолларни қаторлаштириб ташлади. Ҳатто, эшикни ёпиб, Қуий Санзаникларнинг ужарлиги, маҳаллийчилигини танқид қилди. Ўша кечаси ҳам муаллимлик ва педагоглик шарафи номидан расмга қизиқадиган муаллима қиз билан деярли шундай сўзлашган эди. Аммо шу чорда унинг қўлидан нима ҳам келиши мумкин? Дояни кўндириш учун не қилмоғи керак? Ахир, доя ҳам ўз эркига ўзи хўжайин бир ватандош бўлса...

Мактаб мудири билан гаплашадиган гап қолмади. Бу киши ҳақида: «Бу зўр гапларига ўзи риоя қилмайди, менга ёлғон сўзлади», — дея олмасдим. Аслида нияти яхши бўлиши мумкин. Бироқ ҳаётда анча йўлни босиб қўйган, болачақага уралалиб қолган, яшаётган жойида анча-мунча обрў қозонган зиёли одам бўлгани учун тупидан ажралиб қолишдан қўрқарди. Бу ердаги майда манфаатларини, депутатликка қадар очиқ деб билган истиқболини хатарга қўйишни хоҳламасди. Нима қилиш керак? Доя ҳақида айтганидай, унинг ўзи ҳам ўз эркига ўзи хўжайин ватандош эди.

Шу билан бирга, Усмон каби, у ҳам менга бутунлай илтифотсизлик қилмади, дояга одам жўнатди. Аммо доядан олдин кичкина муаллима қиз келди. Ўйлашимча, у ҳам менга аччиқ қилиши, жуда бўлмаганда, узоқроқ туриши керак эди. Лекин шуниси ғалатики, унда ҳеч кутилмаган ўзгариш бўлган эди. Мени ҳозирга қадар менга нисбатан биронта аёlda кўрмаганим қувонч ва ҳаяжон ичидаги қаршилади, уст-бошимнинг нега ҳўл бўлгани, юзимдаги яра излари нега яна қонаганини эшилди дегунча, яна-да кучлироқ ҳаяжонланиб:

— Нега бу ерда кутиб утиришимиз керак? Вақтимиз кетмасин. Дарҳол Заҳро хонимнинг уйига чопайлик, — дея мени қўлимдан, ҳа, қўлимдан тортди.

Гавдаларимиздаги катта тафовутга қараганда, бу худди эркатой қизнинг отаси ёки акасининг қўлидан тортгандай

бир гап эди... Аслида қизнинг бу ишни ўзи доимо ҳурмат қиласиган ва тортинарадигандай куринадиган мактаб мудири ёнида қилишга журъат этгани мени ҳайрон қолдирган эди.

Мактаб мудири бир оз иккиланганда бўлди-ю, кейин ҳар қалай, у ҳам бизга эргашишни түғри деб билди.

\* \* \*

Муаллима қиз кўзойнакли доянинг уйида бизга оғиз очтирамади. Зотан, бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Муаллима тогда жон талашаётган хотиннинг ёнида бўлганда, у билан баробар дард чекаётгаңдек тасвиirlар, кўзойнакли доянинг бўйнидан қучоқлар эди. Қўққисдан кириб келганимиз учун тунги кўйлагининг устига ташлаган мурсакка үхшаш кийими сурилиб, бояқиши аёлнинг бир кўкраги тасодифан ташқарига чиқиб қолди.

Эсма олдинлари Юқори Сазаннинг қора илонларига қарши ирод қилган душманлик нутқига тамоман зид бўлган нутқ сўзлай бошлади:

— Заҳро хоним, сиз яхши одамсиз. Олтиндай қалбингиз бор. Болаларингиз бор. Мактабда ўқигансиз. Аёл билан эркакнинг нима фарқи бор? Сиз ҳам илм одамисиз. Дипломингизни беришаркан, докторлар каби, сизга ҳам қасамёд қилдирдилар. Бундан ташқари, қизилойда ҳамширалар курсида ўқиганингизни, мабодо уруш бўлса, қўрқмай олдинги сафга боражагингизни айтган ўзингиз эмасмисиз?

Мен ҳақиқатан ҳам бундай гузал сўзларни топиб сўзлай олмаган бўлурдим. Қолаверса, дояга айтилаётган сўзларнинг заррача ёлғони йўқ. Кўзойнакли доянинг яхши инсон эканига, қиз айтган сўзларни англаб, ўйлаб кўраётганига ҳеч шубҳа йўқ... Қаранг-а, бир оз олдин ҳам мактаб мудирининг менга айтган гаплари чинлигига ишонишга уринган эдим. Ёшига қараганда, ёш бошлар ва юракларда вақти-вақти билан учраб турадиган тормозсиз идеал қайса哩гидан хийла йироқ кўринарди. Майдо-чуйда манфаатлар уни ҳам бир партиянинг даъвосига боғлаган. Устига устак бу масалада унинг ҳиссасига тушган роль мактаб мудири каби четда туриб бақириш ва олқишлишдан иборат эмас. Қулига қуролини, яъни доя сумкасини олиб, ҳаракатга

үтишдан иборатдир. Бўшашган қўллар, қотаётган томирлар билан бу эҳтирослар ва қўрқувлар тўридан ўзини кутқариш осон эмас. Боз устига кўзойнакли доя Юқори Санзанликларнинг ваҳшийлиги ҳақида сўйлайвериб, уларнинг ҳақиқатан ҳам ваҳший эканига ишониб қолган, уч олиш ёхуд яна қиз олиб қочиш учун тоқقا тирмашадиган Усмонга ўхшаган одам билан қўлида тиб сумкаси бўлган дояни фарқлай олмасликларига қаноат ҳосил қилган эди.

Шунинг учун кўзойнакли доянинг бутун мудофаа қувватлари жўш ураг, кўкраги яна чиқиб кетмаслиги учун устини қандай бекитаётган бўлса, қалбини ҳам ёш қиздаги ҳаяжоннинг ўзига юқишидан шундай бекитишга уринар ва ёмонлигидан эмас, ожиз жиҳатини ошкор этищдан қўрқиб, кишини хижолат қиладиган мудофаа йўлига кирган эди. Кейин бир тўда сабабларни хирмонга тўкиб ташлади: у доктор эмас, доя. Ҳолбуки, менинг тушунтиришинг қараганда, бу доктор курадиган иш. Ҳатто, дуч келган доктор ҳам ҳеч нарса қиломаса керак. Қолаверса, кексайиб қолган, оёқлари бод касалидан зирқирайпти, юрагининг мазаси йўқ, шундай экан, ҳатто, хачир ҳам чиқа олмайдиган бу тик қояларга қандай тирмашади?

— Сизни ўзим елкамга опичиб, қўлларимда кутариб, эсон-омон олиб чиқаман. Мен тоғ одамиман, хачирдан кўра чидамлироқман, — дедим.

Шурлик доя ҳозиргина кексайганини пеш қилган бўлсада, ўзини кимсасиз тоғда кимлиги номаълум, ваҳшийга ўхшаш бир эркакнинг қўлида тасаввур қилиб, чўчиб кетди, мурсаги остидаги кўкрагини яна бир дафъя бекитмоқчилик бир ҳаракат қилди. Кейин яна ёлворишга тушган муаллима қизни қайириб ташлади:

— Четда ўтириб олиб буни айтиш осон... Сен менинг ўрнимда бўлсанг, бу ишни қилган бўлармидинг?

Муаллима қиз:

— Худо урсин агар, бир дақиқа ҳам иккиланиб ўтирамасдим, — деб ҳайқирди.

Унинг бу жавобини эшитиб, билмайман, наригилари неларни ўйлашди экан? Лекин мен бу нарсани ғоят табиий деб билдим. Агар түгри бўлмаса, юракдан чиқмаса, бир одамнинг овози, юз-кўзлари бир лаҳзада бу қадар гўзаллашиб кетмаган бўлурди.

Ҳамма гап айтиб бўлинган эди. Шундай экан, энди шошишнинг ҳам кераги йўқ. Шу боисдан доянинг қаҳва ичиш таклифини рад қилмадим. Айтганимдай, энди мен дипломатман. Бу йўсинда бўлса-да, Қуий Сазан чегарасидан утганимга мамнун бўлиш учун сабабларим бор. Доя мендан бундай ҳалимлик кутмаганди. Мамнун бўлганини яширмасдан:

— Мендан хафа бўлмадингиз-а? — деб сўради.

Кулимсираб:

— Мен ҳеч кимдан хафа бўлмайман, — дедим.

Ҳайрон бўлишди. Бунга ҳам жавоб бердим:

— Мен вилоятингизда хизмат қилишга келган бир бегона одамман. Бирордан хафа бўлишга ҳаққим борми?

Дояни яна бир марта қийин-қистовга олиш учун унинг уйида қаҳва ичишга рози бўлганимдан чўчиёттанини сезиб турардим. Аммо бошқа нарсалар ҳақида гапираётганимни ва қаҳвани ичиб бўлган заҳоти ўрнимдан турганимни кўриб, кўнгли жойига тушди.

\* \* \*

Кўчада анчагача сўзлашмасдан одимладик. Мактаб мудири мендан хижолат бўлаётган эди. Холис туриб гапирган одам сифатида одамгарчилик бурчи ҳақида мақолларга ўхшаган гапларни тўқди, айбни доянинг устига юклашга уринди.

Мактаб олдига келганимизда: «Мактабга марҳамат, бир иссиқ чой ичасиз. Уст-бошингизни ҳам қуритиб оласиз... Беҳуда чарчаганингиз қолди. Ўзингизни қийнадингиз!» — деди.

— Мен Юқори Сазанни дам оламан деб танлаганим йўқку, — дедим.

Мактаб очиладиган вақт бўлган эди. Болалар эшик олдида ва боғда тўпланган. Ёнимга яқинлашишга унчалик журъат қилолмай, узоқдан қизиқсиниб кузатиб туришибди.

Мактабни кўриш ўзим учун ҳам яхши бўлади. Лекин ўз қишлоғимда бўлганидек, бу ерда ҳам мен «шубҳали одам»ман. Қуий Сазанликлар, ҳеч шубҳасиз, мени нариги томоннинг жосуси деб ҳисоблашади.

Мактабга киришимни бошқа нарсага йўйишларидан чучиб, мудирнинг таклифини рад қилдим... Бироқ, Усмоннинг

ёнига яна бир марта кириб чиқищдан чучимасам ҳам бўла-веради. У билан хайрлашишим керак. Келажак учун Қўйи Сазанда бир эшикни очиқ қолдириш ёмон бўлмас. Шу-ларни ўйлаб, эшик олдида турган мудир ва муаллима қиз-дан рухсат сурадим.

Эсма Гунэйли баҳор тўфонидек бир кўпириб-тошгани-дан сўнг, мудирнинг ёнида яна ўша ҳар доимги осоиишта ва торгинчоқ ҳолатига қайтган эди.

Эсма Гунэйли тергов кечаси кичкина жўжахуроздек мен билан айтишганидан сўнг бутун бирданига фикри ўзгариб қолганининг, ҳеч тортиниб ўтирмаи бунчалик қизинлик билан мен тарафга ўтганинг боиси не эди? Келишган одам бўлганимда, хаёлимга бошқа фикрлар келган бўларди. Мен учун бу оташнинг бўлмайдиган ушбу нарсадан анча оддий ва мақбул изоҳлари бор эди:

Эсма Гунэйли футбол ишқибози бўлган бир боладек, ҳеч сабабсиз бошқа команда томонига ўтган бўлиши мумкин. Ёш болада фикр билан ўткинчи ҳаяжоннинг фарқи бормиди? Суддаги адвокат сингари, бутун бир даъво ҳақида айтган гапларни эртага бошқа даъво учун ҳам қойиллатиб тақрорлаши мумкин.

Усмон мени кўриб жуда ҳаяжонланиб кетди. Фаттоҳ, каби, унинг билан ҳам бир оз суҳбатлашишимиз мумкин. Бироқ унинг ёнида оқсоқол ва бир нечта қишлоқ йигитла-ри ҳам бор эди. Балки мен билан гаплашгани келишган-дир. Шунинг учун унинг ёнида кўп ўтирасдан, хайрлаш-дим.

Кўчада, Усмоннинг уйидан сал нарироқда яна Эсма Гунэйлини кўрдим. Бироқ, ўзимни кўрмаганга олдим. Орқадан келаверди. Отимни айтиб чақиришга журъят этолмай, қадамини илдамлаштириди. Узун одимларимга етиша олмас-лигини тушунгач, югурга бошлади. Тўхтаб, кутиб турдим. Қўлида бир сумка бор эди. Ичидан бир газета чиқараркан, мактаб боласидай уялинқираб:

— Афандим, балки Юқори Сазангга келмаган бўлиши мумкин, — деди. — Бир Истанбул газетасида сиз ҳақин-гизда ёзишибди. Шуни кўрсатай.

Кулиб:

— Балки дедингизми? — дедим. — Юқори Сазангга қаер-дан ҳам газета келсин?

Эсма Гунэйли газетани ҳовлиқиб варакларкан, газетанинг сумкадан тушган ички саҳифасида босилган Лайлак-үғли қалъаси ва Юқори Сазаннинг бир нечта расмини курдим. Бундан ташқари Бўзова Маориф мудирлиги ишга тайинлаш учун мендан олган васиқанинг сурати ҳам бор эди.

Менинг қорачадан келган юзим, гарчи унча-мунчага билинмаса-да, қизарганини ҳис қилдим. Бу Муродбейнинг иши эди. Мактаб учун Бўзовада бошлаган ҳаракатни Истанбулга қадар ёйган эди. Қораламаларимга ва ўз расмимга боқарканман, ҳаётимда ҳеч уялмаганим қадар уядим. Бироқ Эсма Гунэйли буни сезмади. У лирик ҳаяжон оғушида эди:

— Демак, хабарингиз йўқ экан-да? — деб сўради.

Ишонмас деб ўйлаб, «Йўқ!» дейишга журъат қиломмадим.

— Ўша кечаси бу ерда ўзингиз кўрган оқ сочли, озгин дўстим бу газеталарни менга ҳам юборган бўлса керак. Фақат, ким билади, Юқори Сазанга бу газеталар қачон келаркин? — дедим.

— Сиз буни олинг... Менда яна бир нечта бор, — деди.

Ёзилган гаплар мен учун расмлардан ҳам ваҳимали. Уч устунлик бир репортаж. Бизнинг бутун ҳаётимиз ўқлоғдай сарлавҳалар остида босилган... Бўзованинг уртасида, бир уммон уртасида танҳо ва чорасиз қолган Робинзон оролидаги Робинзоннинг саргузаштлари... Сарлавҳалар орасида «Ой мамлакатининг номаълум одамлари» дегани ҳам бор.

Юқори Сазаннинг бутун сиру асрори фош бўлган эди, кечга яқин қояликлар атрофини фосфор ёғдуси каби қамрайдиган ўзгача олам ойдинлиги йўқ бўлган эди. Қиши мавсумида илонлар каби тупроқ остида музлаб ётгандан сўнг, ёзнинг бир неча ойида судрала-судрала тик қоя узумларини сўра-сўра такрор тирилган болаларининг, Бўзова Жиноят ишлари судида менга қадимги замоннинг асир қиролларидек кўринган аламзада одамларининг, қашшоқликнинг бутун ғуур ва кўрки йўқ бўлганди. Мен энди очликдан силласи қуриган, эти устухонига ёпишган ёввойи гўдакларни Истанбул кўчаларида айлантириб пул тўплаган цирк масхарабозининг ўзи бўлган-қўйган эдим.

Юзим тонгта яқин хотинининг осон ўлиши учун дори сўраб келган қишлоқлик йигитнинг юзида осойишта эди. Пешонами ҳам шам томчилари катталигида тер босганди.

Эсма Гунэйли уларни кўрмади. У бутунлай ўз оламига бурканиб, қишлоқ кўчасида турганимизни сезмайдиган даражада ўзини йўқотганди. Яна ўша болаларига ватан қасидасини ўқиган адабиёт шайдоси бўлган ёш ўқитувчи жўшқинлиги билан Юқори Сазанинг янги достонини бошдан оёқ ўқишига моне бўлолмадим.

Эсма Гунэйлидаги катта ўзгаришнинг энди мен учун сирли томони қолмаган. Ўша йултўсарлик ва кечки тергов воқеалири, ҳеч кимга ўхшамайдиган бир йўловчи ҳарбийнинг тўсатдан йўлини ўзгартириши, Куйи Сазанинг бечора ўлжаларини бургутдек юлиб олиб, номаълум жойга олиб кетиши унинг учун бир детектив ва бир оз дев-парилар ҳақидаги роман эди. Бу роман кейин ҳам Эсма Гунэйлининг хаёлини анча машғул қилган бўлса керак. Лекин расм шайдоси бўлган бу кичкина қишлоқи муаллимани аслида газета саҳифаларида расмли эртак йўлдан оздирган эди. Газеталарда қароқчиларнинг энг кичиги бўлган Бажақнинг ҳам қоралама расмлари босилган эди. Уни менга титраб кўрсатар экан:

— Бу болани деб менга қанча озор берган эдингиз, — дея ўпкаланди, сўнг кўзларида ёш\* айланиб: — Аммо сиз ҳақ эдингиз. Мен ўша жазога муносиб эдим! — дея такрор яраш йўлини тутди.

Ҳа, Эсма Гунэйлини газетадаги мақола йўлдан урган эди. Мен биринчи кеча Юқори Сазан тепасида фира-шира ёруғлик ичида кўрган нарсани у бир неча кун олдин, ушбу мақолани ўқигандан кейин кўра бошлаган эди. Буни кўргандан кейин у ёғи ўз-ўзидан тизилиб кетаверишига шубҳа борми? Шуларни ўйлаб юаркан, баданига чиппа ёпишган кийим кийган дароз аскарнинг «Ой мамлакатидан» янги эртак билан келганини кўрди дегунча, мувозанатини йўқотганди. Энди ҳеч нарсага эътибор қилмай, мактаб мудири, сўнгра доянинг ёнида шунчалик жонкуярлик қилиши, кўчада орқамдан югуриб келиши, кўзлари ишқقا тўлган ҳолда учрашувга чиқсан қиздек, мени йўлнинг ўртасида тутиб туриши тоғ тепасидаги ўша аёлга ачингани туфайлигина эмасди.

Бояқиши Эсма Гунэйли! У мактаб мудири ва кўзойнакли дояга ўхшамасди, майда манфаатлар ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни мудофаа қилиш истаги ҳали унинг вужудига томир отиб, қотиб улгурмаган эди. Яъни, бир сўз билан

айтганда, ҳали ёш, идеал микроблари тез юқадиган ёшда эди. Мен юра бошладим. У катта одимларимга етишиб юриш учун ёнимда боладек югуреб борарди... Тахминларим тұғри эканлигини исботлайдиган күп гапларни айтди. Ҳатто «идеал» калимасини ишлатди, газетада ёзилганидек, «сизнинг идеалингиз» деди. Яна қизарганимни ҳис қилиб, совуқ-қонлигимни ійқотиб: «Қўйинг бу гапларни... Мен ўзимни бозорга соладиган одам эмасман», — демоқчи бұлдим. Аммо айта олмадим. Босиқ овозда:

— Мен идеалист эмасман, не қиларини билмасдан майда-чуйда хизмат билан ўзини овунтириб юрадиган одамман, холос, — дедим.

Лекин бу ҳам ортиқча эди. Айттар-айтмас пушаймон бұлдим.

Аммо бұлар иш бұлган эди. Хотин-қызылар билан гаплашиш осон эмас, дейдиганларга тан бериш керак. Яхшиямы, менинг гапларим Эсма Гунэйлининг қулогига кирмаётгандык эди. Нуқул сўзлаётгандык эди. У ҳам бу осойишта, лекин қолоқ фикрли эски Сазанни ташлаб, тоғ бошига кетиши, бошқа бир номаълум ой мамлакатида берилиб ишлашни хоҳлар эмиш ва яна шунга ухшаш күп гаплар...

Ичимдан: «Жуда яхши, лекин газеталар сизнинг жонбозлигингиз ҳақида ёзмаса нима бўлади?» — деган гап ўтди.

Орқаворатдан нималар дейишларини ва бу жонкуяр Эсма Гунэйлига қандай ситамлар ўтказишларини билмайман. Аммо Муслим курсатган Қуий Сазан дарёсидаги саёз кечувга кетищдан олдин Эсма Гунэйли билан хайрлашдим. Сўнг яна ечинмасдан кечувга тушдим.

Бир оздан кейин қамишзор ичида мени кутиб ётган Муслим оёққа турди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан... Муслим яна ҳунарини ишга солибди. Қуий Сазанликларнинг сувда сузаётгандык үрдакларидан иккитасини тутиб, бөшини узибди.

Тоққа чиқиб, ҳомиладор аёлнинг ўлганини эшиптдим. Бу энди мен билан боғлиқ масала эмасди. Лекин чегара ортига қилган саёҳатимдан мамнун эдим. Мамнуниятимнинг яна бир сабаби ўткинчи идеал тутқанофига мубтало бўлган бўлса-да, Эсма Гунэйлини ўз томонимизга оғдиришга муваффақ бўлганим эди.

Қуйи Сазандан қайтганимдан кейин иккинчи кечаси қаҳратон қиши бостириб келди. Бир неча кун мобайнида устимизда фира-шира қор бўрони тинимсиз қутурди... Одамларимиз ва ҳайвонларимиз билан яна бир марта Нуҳ кемасига қамалиб қолдик. Кейин, ҳаво очилиб, атрофни саир қилишга чиққанимда, үзимни буткул бошқа оламда кўрдим. Шамол қорни у ёқ-бу ёққа учира босил қилган уюмлар музлаб қотиб қолган, қор тепачалари ораларида эгри-бугри кечувлар пайдо бўлган... Тош уюмлари оралари ёпилиб, ажабтовур шаклдаги зинапоялар, қават-қават майдончалар босил бўлган... Устига муз булдуруқлари осилган қоялар, дараҳтлар танимайдиган ҳолга келган.

Анча олға юриб, энди таний олмаган бир тепаликнинг шарқий ёнбағрига, кейин орқага қайтиб, мактаб олдидағи жарликка ва тоғ ёнбағирларига қарасам, у ерларда ҳам шу ҳол... Менинг Лайлакўғиллари қалъам ҳам шаклу шамойилини ўзгартирган, карнизларидан осилган, деразаларини қоплаган муз шокилалари унга қамалга тайёрланган ўрта аср қалъси қўринишини берган.

Хуллас, қиши бир неча кун ичида Юқори Сазан манзарасини ўзгартириб юборганди.

Ҳайратим узоқ давом этмади. Юқори Сазаннинг асл қиёфаси шу эканини эътироф этмоқ лозим. Униси бўлса, бизни озгина овунтирган ёз рўёси эди, холос. Муродбей билан Фарҳод Ой мамлакатининг бу манзарасини бир кўришларини жуда хоҳлар эдим. Олдимизда ҳали ҳаво очик кунлар бўлса-да, бу манзара энди ўзгармайди.

Ҳатто, ёзда катта машаққатлар билан чиқиладиган тоғ бу йўсинда музлар билан қоплангандан сўнг, тушиб-чиқишини хаёлга ҳам келтирмаса бўлаверади. Яъни баҳоргача қамалда қолганимиз.

Дарҳол янги шароитга мувофиқ тадбирларни ишга солдим. Бироқ, барибир, ғофил қолган эдик. Бўш ўтиргаган булсак-да, бу босқинга қарши анча-мунча ишлар қилган бўлардим...

Қиши давом этмоқда. Лекин яшаш тарзимиз у қадар издан чиққан эмас. Менинг ўн учларимнинг қўрқадиган жойи

йўқ. Улар олдинги йилларга қараганда ҳозир Лайлакўфиллари қасрида шаҳзодалардек яшашмоқда.

Қора қозон қайнаб турса, ўчоқда олов ўчмаса бу ҳаёт улар учун шоҳонадир. Аммо бу қозон қачонгача қайнаб туриши мумкин? Масала шунда. Қор бўронлари болаларнинг қишлоқдан ва далалардаги қурғонлардан мактабга қатнашига монелик қилолмасди. Энди улар тобора кўпайишаётган эди. Сабаби шу қайнаб турган қозон. Уларнинг орасида, ҳатто, оқсоқол ҳам бор.

Лайлаклар учиб кетганига анча бўлган эса-да, оёғида чориқ, агар оёғини сиқса, уни ечиб олиб, қор устида яланг-оёқ юради. Шўрвасини ичиб олгач, ерга ўтириб, яланг оёқларини ўчоқ қўрида тоблаётганида илон каби вақти хуш, важоҳатли.

Тўғрисини айтганда, мени ўйлантираётган нарса ҳам шу. Фақат ўн учларимни ўйламаётган эдим. Нариги болаларга ҳам овқат бериш керак эди. Яна бир оз олдинга борай. Дурсун биз учун тандир қуриб берган эди. Ҳиссасига тушган ноннинг ҳаммасини емай, бир бўлагини олиб қўядиган болалар бор эди, буни уйидаги онаси ёки акуасига олиб боришарди. Дастурхонимизда овқат ортиб қолмаса-да, гоҳ-гоҳ, уларга ҳам майда-чуйда юборишга мажбур бўлардим.

Ниҳоят, мактабда ишлаётган Дурсуннинг серфарзанд оиласига ҳам бирон нарса ажратишим лозим эди. Хуллас, ҳисоб-китоб қилмаслигим ёхуд кўнглим бўшлиги учун Лайлакўфиллари қалъасида хайрия ошхонаси очилганга ўхшарди ва токи ҳаммамиз оч қолгунга қадар уни ёпиш мумкин эмасди.

Муродбей ёрдам учун бир неча дафъа озиқ-овқат жўнатди. Бу ишнинг давоми бўладими-йўқми — номаълум. Ҳожи Рустамнинг қарта ва кокаин захираси камайиб қолса, унга почта келиши мумкин. Аммо бизнинг буғдой, маккажўхори, туз захираларимизни қайси почта тўлдиради?

Устига устак, сўнгти хачир почтаси орқали Фарҳоддан мактуб олгач, эсанкираб қолган эдим.

Муродбей ўғилларидан бири билан яшайдиган хотини ўлим тўшагида ёттани ҳақида мактуб олган ва, қачон қайтишини айтмай, дарҳол жўнаб кетган экан. Бинобарин, энди бу нажот эшиги ҳам ёпилганди.

Бирок, билмадим, қандайдир мұйжиза рүй бериб, менга Қуи Сазандан бир халта келди, бунинг устига хийла семиз халта... Эсма Гунэйлидан экан. Ичида менга бир мактуб, үзи чизган бир нечта расм, мактабим учун бир қанча деворий шиорлар, үн учларим учун тоза ич кийимлар, рүмнолчалар ва қишки пайпокұлар...

Муслим буларни курған заҳоти:

— Буларни менга бер, зобитим, — деди. — Мен уларни Фарибларга олиб бориб сотаман. Пулига жүхори уни, тузпуз олиб келаман.

Сұнгра кулимсираб:

— Лекин бир қоғоз ҳам ёзиб бер, яна мени буларни уғирлаган деб тутиб ўтирмасынлар!..

Муслим нима устида бош қотираётганимни тушунған эди. Қаерда бўлмай, унинг доимо менга тикилган кўзларидан бирон нарсани яшириш мумкин бўлмаслигига қаноат ҳосил қилгандим.

Ҳозир бир оз захира озиқ келтириш фикри жуда яхши эди. Бунинг устига бу биз учун бир фойдали синов бўлади.

— Ҳадяларни сотмасак ҳам бўлади, бир оз пулим бор. Аммо сен бу ишни қандай бажарасан? — дедим.

— Бу иш осон, зобитим, — деди, — мен йўлларни яхши биламан. Ярим йўлгача хачир ҳам топаман. Ундан бу ёғига хачир чиқолмайди, юкни елкамда олиб келаман. Сен рухсат бер, ёнимга бирини олай...

— Бу ишни қилолмайсан-ов!

Чўтири юзида илк бора кўрдим дейишим мумкин бўлган гўзал табассум билан:

— Қила оламан! — деди.

Бу менга қарши бир қайсаrlик ва қаршиликнинг завқи ва қувончи эди. Икки бола қанча озиқ олиб кела оларди? Бунинг устига ҳозир бунга эҳтиёжимиз ҳам йўқ. Бироқ Муслимнинг бу гўзал қувончини йўққа чиқаргим келмади. Шуни ўйларканман, Фариблардан ҳам хатарлироқ жойларга, Кутб ва Эверест чўққисига чиқиш таҳликасидан қўрқмаганларнинг қувончини эсладим. Мен Муслимни бундан маҳрум эта олмасдим.

— Ёнингта Чирик Алини олақол, — дедим.

Муслим яна кулди, аммо бу бошқача кулиш эди.

— Йўқ, зобитим, — деди, — Чирик Али бўлмайди, рух-  
сат берсанг, Чўмани оламан.

Муслимнинг чаккасини силаш учун қўл узатдим. Бироқ  
бундан воз кечиб, бир елкасини маҳкам тутиб, силкидим:

— Бўпти, Муслим.

Муслим билан Чўма йўлга чиққанларида ҳаво бир оз  
очик, эди. Бир неча соатдан сўнг бўрон кўтарилди. Икки  
кун улардан дарак бўлмади. Ташвишланиб ўйга ботдим.

Оқсоқол: «Пулни олиб қочиб кеттан бўлмасинлар яна!» —  
дэя ичимга гулгула солиб кўрди. Бу гапни қабул қилмадим.  
Учинчи куни мен пушаймон бўла бошладим. Ҳатто, юра-  
гим сиқилиб, уларни қидиришга чиқишини уйладим. Аммо  
қаердан ахтариш керак? Шундай бўлса-да, фақат ичимни  
кемираётган гулғулага барҳам бериш учун бўлса-да, эрта-  
га қидиргани чиқаман... Улар шу кечаси кириб келишди.  
Икковининг ҳам юз-кўзи кўкарган, шилинган. Чўма осто-  
надан ҳатлаши биланоқ ҳушдан кетиб йиқилди. Муслим:  
«Уят, хумпар!» — дэя уни силкий бошлади. Лекин кўп ўтмай  
оловга яқинлашди дегунча, Чўмага уят деган нарсаси ўзи-  
нинг бошига тушди.

Муслим билан Чўма хачирчини кўндиришган. Ярим йўл-  
гача қийналмай чиқишган. Бу ёфи, Муслимнинг айтишича,  
«кам мashaққатли» бўлган. Кечга томон қорбўронда қолиб  
ўлишларига сал қолган, бунинг устига адашиб кетишган.  
Тўхтаб ухлаб қолишса, ўлишларини билгани учун бир-бири  
билан тинмай муштлашишган... Кейин бўрон вақтларида  
хачирчиларга йўл кўрсатган Ота уларга ҳам кўринибди,  
Муслим кўрмаган, лекин Чўма узоқдан оқ соқолини ҳам  
кўрибди. Бор кучи билан юра-юра Ота кўрсатган жойга  
қадар келишибди, кавакка үхшаш жойни топишибди. Ка-  
вакда бир кичик ҳайвон депсиниб турганмиш: қуёнми, ша-  
қал боласими, билишмабди. Балки уни Ота меҳмонларига  
юборганмикан?.. Бироқ қулоқларига қараганда, қуён экан,  
шекилли... Чўма уни тутибди, Муслим мен ҳадя қилган қалам-  
тарош билан уни сўйибди. Иссиқ қонини ичib, бир оз иси-  
нишибди. Хом гуштидан бир оз чайнаб, ютишибди.

Хачирчи ярим йўлдан қайтиб кетгач, гоҳ елкаларида  
кўтарган, гоҳ ерда судраган қопларга келсак, эртасига тонг-  
да ҳаво яна шунақангি ёмонлашибдик, икки қопни ўзла-  
ри тунда паноҳ, топган кавакда қорга яхшилаб кўмиб қўйи-

шибди... Эртага бориб олиб келишармиш... Бир оз енгил қопларни зинапоянинг пастига қадар олиб келишибди, лекин юқорига олиб чиқишга мажоллари етмабди... Энди бу иш менга қолган эмиш.

## 11

Юқори Сазанда қиши доим қаттиқ келади. Лекин Фаттоҳ билан оқсоқол бу йилгисини жуда қаттиқ дейишарди. Зинапоя устидаги айвончадан, капитан кўприкчасида турган денгизчи каби, узоқларга мажхул назар ташлаб: «Бу йил қийин бўлади!» — дейишади. Улар айтганидек, қиши борган сари забтига олмоқда.

Қишлоқдагилар тупроқ остидаги ертулаларида ҳар йилги қишига қараганда кўпроқ мاشаққат тортадиганга ва ўлим-пўлим юз берадиганга ўхшамасди. Бироқ турли-туман сабабларга кўра, озиқ-овқат бу йил олдингиларига қараганда анча кам эди.

Улар тахмин қилгандай, кўп ўтмай озиқ-овқат танқислиги юз берди. Бироннинг бирорига ёрдам этгулик ҳоли йўқ.

Бир оз вақт бола-чақасини боқишига қурби етадиганлар охирги захираларини, ҳатто, болаларидан ҳам яшириб, қаёққадир кўмишган. Яширмайдиган битта менман. Мактабимга келаётган болаларнинг оналари, ака-укалари дегандай, яна бошқаларга ҳам у-бу егулидан ёрдам қилишинга тўғри келар ва захираларим тобора камайиб боради. Муслим билан Чўма кечаси тунаган кавақда қорга кўмган икки қопни минг мешаққатлар билан олиб келдик, шундан сўнг йул бутунлай ёпилиб қолди. Қамалга олинган қалъада қолганга ўхшардик.

Чўманинг қопидаги ўрмалаган ва юрадиган бир тўда катта жирканч ҳашаротни кўрсатиб: «Булар нима?» — деб сўраган вақтимда, Чўма ажабланди, холос. Муслим жиҳдий қиёфада: «Буларни ҳам еса бўлади, зобитим, — деди. — Қорга кўмид қўямиз, оч қолганда илонни ҳам ейишади!»

Мен ҳам:

— Шундай, Муслим... Фаривлар тогининг пири булар қонини шарбатдек иссин дея, нуқул қуён юборавермаса керак, — дея ҳазиллашдим.

Кейинги вақтларда овга чиққанимизда Фаттоҳ, ҳатто, Дурсун ҳам бизга ҳамроҳ булишарди. Ажабланарлиси шундаки, уларнинг миллиқлари ва, мушкул вазиятда қолсақ, бизга ҳам бериб турадиган даражада мұл-құл порох ва үқлари бор эди. Булар Юқори Сазаннинг яширин омборларидан чиқаётган бўлса керак.

Мен бу ўйларимни уларга билдирамасдим, фақат төрдаги ва пастимиздаги жойлар ов қилишга боп эмаслигини, отиб туширган баъзи қушлар ва ҳайвонларни таниб, ёввойи ўрдак, каклик, ёввойи эчки дея номини айтганларида:

— Юқори Сазанликлар нега ов қилишмайди? — деб сўрадим.

Дурсун ҳеч нарса демади. Фаттоҳ иккиланди, маъюс тортди, сўнгра бармоғини кўксига нуқиб, ўша ердаги бир ярага ишора қилгандек:

— Бу бечора Юқори Сазанликлар жонини азобга қўйиб нима қиласди? — деди...

Фаттоҳнинг ўз дардини янада яхшироқ тушунтиришига ақлий тарбияси йўл қўймайди. Лекин бир киши ёки бир гурӯҳ одамларнинг ўзини бунчалик эркин қўйиб, очилиб-ёзилиши учун бу ҳам яхши бир усуладир.

## 12

Нихоят, бир куни Юқори Сазан билан бизнинг Нух кемамизнинг озиқ-овқат захираси бутунлай тугаб битди ва ҳақиқий қаҳатчилик ўшаңда бошлади. Яширин озиқлари бўлганлар-ку, яхшими-ёмонми кун кўраётганди. Қишлоқдаги ертўлаларда яшаётганларнинг кўпчилиги эса бутунлай оч қолганди.

Ҳаво бир оз яхши бўлган кунларда Муслим билан Чўманнинг Фарибларга қилган сафарига тақлидан бир неча киши ўша қишлоқда кетганини, бироқ қайтиб келмаганини эшитдим. Энди Фариблар пири кўрсатган ва қайтаётганларни куённинг иссиқ қони билан сийлаган фор қандай аҳволда экан? Бу бояқишлиар қайтишга кўзи етмай, Фариблар қишлоғида қолган бўлишлари ҳам мумкин эди, бинобарин, умидни узмаслик даркор.

Менинг аста-аста хонакилаша бошлаган ўн учларимда очлиқдан яна ваҳшийлик аломатлари кўрина бошлиди... Бир кечаси омбордаги қолган-кутгандарни тортиб олиш учун Чирик Алига ҳужум қилиб, уриб сулайтириб кетишиди. Энди уларга индамай қўйган эдим. Оч бўри галаси не қилса, чорасиз қолгач, улар ҳам шундай қилишади. Аммо менда ҳам ваҳшийлик ҳисси уйғонган, энди ўзим галанинг бошлиғи, серкасига айланган эдим. Шу тариқа ҳозиргача тоғларда қилган жангларимнинг энг мушкулини бошлаган эдим. Энди на инсонлар, на қишлоқ ва шаҳарлар кўзимизга кўринади, фикру зикримиз ейиш мумкин бўлган ҳайвонлар, қор усти ва остидаги жонли, жонсиз маҳлуқларда.

Ҳар куни оёқяланг, белимиznи маҳкам сиқиб bogлагan ҳолда йўлга тушамиз. Мен билан Муслимда ов милтири, болаларда болта ва пичоқлар бор. Тош даври овчиларининг сўйиллари ўрнига темир даврининг темир қуроллари. Ўша узоқ даврдагилардан фарқимиз шу...

Жануби-шарқдаги тоғларнинг чиқиши мумкин бўлган энг узоқ жойларида, қандай қайтиб чиқишимизни ўйлаб ҳам утирмай тушганимиз сойлар, жарларда тентирашимизга қарамай, ҳеч жонзот учратолмасдик.

Чирик Али оғзидан суви қочиб, менга айиқ гўштининг жуда мазали эканлигини айтар, кўзига узоқлардаги қор уюмлари орасида юрган айиқлар кўринарди. Анчадан бери мен билан кулиб гаплашадиган Муслим: «Илон изласак нима дейсан, зобитим?» — дея менга ҳазил қилиб қўяди. Бир вақтлар, қуёш порлаган куни Фаттоҳ, Юқори Сазан ҳикоясини айтиб бериш учун мени бошлаб борган форда оёғим остидан қочган тошбақаларни қидирдим. Улар ҳам йўқ. Тулки ва шақал сингари, улар ҳам топилмас матоҳга айланган.

Ниҳоят, вақти келиб, Чўманинг қор остидаги қаваклардан топган гаройиб ҳашаротларига кунимиз қолди. Бояқиши Чўма, Муслим каби, менга кулиб боқишини ҳам билмайди. Қодир Зайнал билан бирга кутилмаган жойлардан яна ўша ҳашаротларга ўхшаш нарсалар топиб келишади.

Шу билан бирга, бир чуқурликнинг музлаб қолган сойида бир нечта ёввойи ўрдак, бошқа жойда бир нечта қуён ва, ниҳоят, улар орасида энг катта ўлжа, Фаттоҳ, ёввойи эчки деган, шохлари орқасига буралиб кетган эчкиларининг энг каттасини отган кунларимиз ҳам бўлган. Болалар эса ўша

ерда ҳам ҳашаротларни писта каби тозалаб ер әдилар. Ташиши қийин бўлгани учун ёввойи эчкини етти-саккиз бўлакка бўлганимда, терисини шилиб, гўштини хомлигича чайнаганларини кўрдим.

\* \* \*

Фарибларга кетган тўрт йигитнинг бири йўлда музлаб қолган, қолганлари Бўзовага кетаётган бир ҳарбий юк машинасида вилоят касалхонасига юборилган экан. Улардан бири касалхона эшиги ёнида машинадан туширилаётганида ўлгани шаҳарни ҳаяжонга солган.

Зотан, Истанбул газетасидаги расмли репортаж Юқори Сазан қишлоғини долзарб масалага айлантирганидан кейин халқда ва юксак мақомларда янги бир шафқат тўлқини мавж ураётган, ҳукумат ва қизилой дарҳол чора кўришга киришган эди. Ҳафтада икки марта чиқадиган Бўзова газетаси алоҳида хайрия кампаниясини ташкил қилиб, бозорлардан анча-мунча нарсалар тўплаганди. Ҳаво бир оз очик бўлган кунлари сандиқлар ва қоплар Қуи Сазангя яна ҳарбий юк машиналарида келтириларди. Бўзовада ижарага олинган хачирларда йўлнинг бу ёғини босиш унчалик қийин эмасди, шунинг учун бир-икки қатнашда юклар етиб келди.

Хайрия ёрдамлари орасида Қуи Сазандан мактабга юборилган бир қанча ҳадялар ҳам бор эди: Эсма Гунэйли билан мактаб мудири ва доя ҳар бири бир қопдан совфа юборган, муаллимлар хайрияси ҳисобига тўлдирилган бир сандиқ егулик ҳам келган эди. Эсма Гунэйлининг менга юборган иккинчи мактубидан тушунишимча, бу хайриялар учун энг катта шовқинни у кутарган экан. Бу фидокорликлари билан виждан азобларини ва менга нисбатан уят ҳиссини бир оз сусайтирган бўлсалар керак.

Муаллимларни бу ишга мактаб мудири ташвиқ қилган. Маслақдошлиарини бунаقا ташвиқ қилиш ва бетарафлик намунасини кўрсатишдан чўчимаган, аммо мактаб болаларидан хайрия тўпламаган. Ҳозирча шунинг ўзи ҳам мени умидлантирган ва Эсма Гунэйлининг менга жуннатган совғалари орасидаги даста-даста шамдек мамнун қилганди.

Бу озиқ-овқатларни қишлоқ ахлига улашадиган ҳайъатта мени бош қилишганди. Бу иш менинг қишлоқликлар билан янада яқинлашишимга сабаб бўлишидан суюнаёттан эдим.

Фаттоҳ, билан оқсоқолга:

— Вилоятдан олган расмий мактубда бундан кейин ҳам озиқ-овқат юборилиши ваъда қилинган, — дедим.

Ёлғиз бўлсак-да, иккови ҳам бирдан хавотирланиб, атрофга алангладилар:

— Худо ҳаққи, Бей, илтимос қиласиз, буни ҳеч ким билмасин, — дейишди. — Шундай дейишади-ю, унтишиади. Оми ҳамқишлоқларимиз бўлса, берганимизни дарров еб тугатишади-қўйишади.

Фаттоҳнинг яна бир гапи эътиборимни тортди:

— Бизни оч қолдирганлар кимлар эканини билдингми, зобитим, — деди ва қўли билан Қуий Сазан томонни курсатди.

Қишлоқдагилар байрам қилишा�ётган эди. Бироқ байрамнинг энг каттаси бизда. Чунки расмий йўллардан келган улуш ҳаммасидан катта. Фаттоҳ, билан оқсоқол айтганидай, бизни яна унтиб қўйишган ва қиши шундай қаттиқ давом этган тақдирда ҳам, балки баҳорга етиб олишимиз мумкин. Лекин бунинг учун ҳарбий ҳолатни давом эттиришим ва қатъий туришим керак. Аммо қишлоқда яна очлик бошланса, омборимнинг эшигини очмаслигимга ва пировердида яна «Фофил қолдим!» дея сўзланмаслигимга кўпам ишонмасдим.

### 13

Хожи Рустам ҳам қатнашган бир йифилишда ўқилган муҳтожлар рўйхатида унинг исми ҳам тилга олинди дегунча, ўзим фарқига бормай бир ҳаракат қилган бўлсан керакки:

— Бу не қилганингиз, муаллим афанди ўғлим. Биз ҳам шу қишлоқнинг фарзанди эмасмизми? Нима, менга карвонлар келиб турибдими? — деди.

— Мен ҳеч нарса демадим-ку, ҳожи афанди! — дедим.

Қирмизи сийрак соқолини тортқилаб:

— Биз ҳам одам оғзини очганда ўпкасини кўра оламиз... Булар қишлоқи, ҳеч нарсанинг фарқига бормайди, деб ўйла-япсанми?

Орамиздагиларнинг ҳаммаси ундан қарздор. Ҳожи Рустамнинг улушкини бермасликнинг иложи борми? Гапни ҳазилга буриб, кула бошладилар.

— Аммо лекин сен ҳам гапирдинг-да... Бей сенга ҳеч нарса демади-ку! — дейишди.

Анчадан бери Ҳожи Рустам билан менинг орам бузук. Бир томондан, мен ҳам унга нисбатан ғайирман, унинг олдидага юзим шувит бўлган.

Айтиб берай:

Қаҳратон қишлоарда гала-гала бўлиб қишлоқ ва қасабаларга ҳужум қилган бўрилар каби, биз ҳам ялангоёқ ҳолда, қўлимизда пичоқ ва болталар билан уларни овлашга чиққан кунларнинг бирида оқшом палласи димогимга қовурилган маккажўхори ҳиди урилди. Бу Лайлакўғиллари қалъасида кўпдан бери унугилган танқис таом.

Ҳаммаёқни айланиб, бир чеккадаги шағал уюми орасида ёқилган ўтнинг ҳануз илиқ кули ичидан қидирган нарсамни топдим. Бу ишни мактабда қолдирган кичик болалардан бошқаси қилиши мумкин эмас. Менинг ваҳшийларимда очлик билан бирга ўғрилик ҳам такрор бош кутарган эди.

Анчадан буён омбордан ул-булларни ўғирлашаётганини пайқагандим. Аммо энди у ерда ўғирлайдиган бирон нарса қолган бўлса, аввало, омборчимиз Чирик Али билан менинг ўзим топган бўлурдик. Чирик Али ёлғончилик, лаганбардорлик ва турли-туман ахлоқсизлик қилиши мумкин. Аммо у ўғри эмас, бунга ишончим комил. Бувидан сўрадим, қовурилган маккажўхорини кўрганини, ҳатто, ўзи ҳам еганини айтди. Бироқ қаердан келганидан бехабар. Масаланинг моҳияти ҳам маккажўхорининг қаердан келганида эди! Мен билан овдан қайтган Муслим ва Чирик Али учовимиз маслаҳатлашдик. Улар кичикларни қистибастига олишди.

Бир кун олдин биз овга кетганимизда мактабда қолгандарнинг бир нечтаси ўғриликка чиқиб, қаердандир бир қоп маккажўхори уриб келганликларини зўрга билиб олишди. Бироқ болалардан ҳеч бири ким бу ишга бош бўлганини ва маккажўхорини қаердан ўғирлашганини айтмаган эди.

Балки кимдир уларга шундай буйруқ бергандир. Ўғриликни бир ёқقا қўйинг, тўдада иккинчи бошлиқ пайдо

бўлгани Муслимни қутуртириб юборди. Узининг доим менга тебе эканини билдирган аскарий саломдан кейин:

— Сен ҳарбийсан, зобитим, сенга тұғри келмайди. Менга рухсат бер. Мен топаман, — деди.

Бугунги вазиятимиз ўзгариб, чорасизлик бизни янгидан гала ва тұда ҳолига туширгани учун ваколатимни вақтингча унга бердим:

— Майли. Аммо жуда үтказиб юборма! — дедим.

Муслим яна аскарий салом берди ва қўлига узун арқон олиб, болалар йифилган хона томонга юрди. Улар Муслимнинг хона ўртасига бориб, шипдаги түсинга тикилганини, мен бўлсам, қулларимни чўнтағимга тиққанча узоқлашаётганимни кўрди дегунча, таслим бўлдилар. Яrim дақиқа ҳам ўтмасдан Муслим орқамдан келиб, уларнинг Зубайр ва Қамбар эканини айтди. Зотан, нариги болалар оғизларини очмасданок, ўzlари бунга иқрор бўлишган эди.

Бунаقا тудаларда сардор не эканини яхши билганим учун купам ҳайратланмасдан:

— Қандай қилиб бунчалик тез битди? — деб сўрадим.

Муслим:

— Нима қилишимни улар билишади, зобитим, — деди. — Битта-яримтасини оёғидан шипга осган бўлардим.

Ҳар тўдабошининг ўз усули бор. Бутун бир кечага давлат йўлидаги қатновларни тұхтаттан ва Бўзовани остинустин қилган қароқчилик ўйинмиди, ахир?!

Муслим бу ишларнинг нозик томонларини шу қадар яхши билардики, амримни бажарганидан кейин яна аскарий салом бериб, қўмондонликни дарҳол менга қайтарди.

— Энди қандай жазо беришни ўзинг биласан, зобитим.

— Яхши... Кейин айтаман...

Зубайр билан Қамбар қопни боғ тўрида чуқурга кўмиб, устига қор бостириб қўйган эканлар. Уни ўzlарига чиқартириб, елкаларига юклаб қайтиб келдик.

Маккажўхори қопининг Ҳожи Рустамнинг қўргонидан уғирлангани жонимни халқумимга келтирганди. Эртасига тонгда оқсоқол билан Фаттоҳни чақиртирдим. Улардан эшишимча, бир кун олдин қишлоқдагилар ҳам бу ўғирликдан хабар топишган. Очлик вақтларида бунаقا ишлар бўлиб туради, изини қувиб юришмайди.

Ҳожи Рустамнига ўғирликка тушишгани, ҳатто, кўп-ларни қувонтирган ҳам эди. Болаларнинг куппа-кундузи Ҳожи Рустамнинг қурғонига қандай киргани, итларни қандай алдагани оқсоқол билан Фаттоҳни ҳайратта солган эди. Қор тўхтовсиз ёққани учун уларнинг оёқ излари ҳам йўқолган.

Фаттоҳ билан оқсоқолнинг фикрига қараганда, Ҳожи Рустам қишлоқдаги ҳар бир кишидан шубҳаланаётган эди. Лекин, тўғрисини айтганда, энг аввало, мактабдаги қароқчилар кўз олдига келган. Яна-да ёмонрори, ҳамқишлоқлардан баъзилари гумондан холи бўлиш учун ёки болаларга ғаразгўйлик қилиб, «шундай бўлса керак», деяётган эмиш.

Ҳа, ўз ораларида бундай ўғирлик одатий ҳол ҳисобла-нади. Бу иш биз томонимиздан қилинган бўлса, катта айб, мактаб учун фалокат. Ҳеч ким мактаб ўз озиқ-овқатининг ярмидан кўпини ҳамқишлоқларга едирганини эсламайди ҳам. Қолаверса, бу мени бу ердан ҳайдаш учун жуда яхши баҳона.

Кечаси билан тўшакда ётолмай, юриб чиқдим, шулар ҳақда бош қотирдим. Эртасига бу ҳақда оқсоқол ва Фаттоҳга очиқчасига: «Мен ўйинда ютқаздим шекилли. Юқори Сазандан чиқиб кетишимиға тўғри келади!» — дедим. Иккови ҳам қулоқларига ишонмай довдираф қолишибди ва:

— Худо сақласин, бей, — деб жавоб беришди.

Жавоб самимий эди. Ҳатто, бу гап ўзлари истамаган ҳолда оғизларидан беихтиёр чиққанди. Демак, мен бу кишиларнинг ишончини қозонган эканман. Бу тушунча мени кечалари ўйлаб азоб тортишдан халос қилди.

Шу билан бирга оқсоқол бу воқеадан қишлоқнинг даъвоси йўлида фойдаланиб қолишни эсидан чиқармади:

— Фам ема... Жуда бўлмаса, бу ўғриларни келган жойига жўнатасан... Ўзинг биз билан қолаверасан...

— Келган жойлари қаер? — деб сўрадим. Жавоб беришмагач: — Энди уларни ўзим олиб кетаман... Зотан, биринчи келган куним қаҳвахонада сўз берганман... Эртанининга ҳаво очилиб кетар, ҳаммамиз бирдан жўнаб кетамиз.

Иккови-да ташвишланиб, бир-бирига қарашибди. Оқсоқол бу сафар очишини айтди:

— Сени юбормаймиз, зобитим.

Бояқиши юзи куйиб, қуролини ташлаганига эллик йилдан күп ўтган бўлса-да, буни сўзларкан, ўзини йигирма ёшдаги аскар, мен армиядан кетган бўлсам-да, ҳануз ўзининг зобити деб билаётган эди. Аскарлик нақадар қудратли асос ва маҳак тоши эди бу мамлакат учун!..

Шу билан бирга оқсоқол маҳаллий сиёсатидан яна воз кечмайди...

— Үндай бўлса, бу икки ўғрини қувиб юборамиз. Энди бунга хўп дерсан-а?!

Қуий Сазан ҳайъатида худди шу таклифни қилишган, фақат Муслимни қурбонлик қўйдай ажратиб, наригилари ни менга беришларини айтган вақтларида ҳам «хўп» демаган эдим. Аммо ҳозир вақт менинг фойдамга ишламаётгани учун «йўқ» дейдиган ҳолда эмасдим. Фуссамни кўпам ошкор қилиб ўтирамай:

— Қишлоқ шуни истаса, майли, — дедим.

Фаттоҳнинг шу лаҳзада қанчалик жиғибийрон бўлганини, тишларини қандай қисганини ҳеч унутмайман. Бироқ у чурқ этмади. Фақат менга: «Униси зобитимнинг виждонаига ҳавола!» — дер экан, худди ялиниб-ёлвораётганга ўхшарди.

Иккови ҳам бу ишнинг ўғри болалардан кура мактабга зиёни тегишидан хавотирланиб, бир нарсалар дейишиди, масалани бир бало қилиб босди-босди қилишни таклиф этишди. Бу бўладиган иш эмасди. Ҳеч кимга ўзимга қарши қурол бериб қўя олмасдим.

Шунинг учун халтани Зубайр билан Қамбарнинг елкасига ортдим. Муслим ва Чирик Алини ёнимга олиб, оқсоқол ва Фаттоҳ билан Ҳожи Рустамнинг қўргонига йўл олдик.

Ҳожи Рустамга бор гапни қандай бўлса, шундайича айтиб бердим. «Маккажўхорингизни олиб келдик, ҳожи афанди, — дедим. — Балки беш, ўн ҳовуч камроқдир. Мактабнинг омбори бўш бўлмаганида ўрнини тўлдирган бўлардим... Мана айборлар. Мен уларга энг оғир жазо бераман. Озиқларимиз бўлган вақтда ҳам уларни бир неча кун оч қолдирман. Сен ёшини яшаган, кўпни қўрган мусулмон одамсан. Бола не эканини яхши биласан... Истасанг, уларни кечир. Одам бўлсалар, савоби сенга тегади».

Хожи Рустам бир тұда бўлиб келганимизни куриб, құрқиб кеттган эди. Оқсоқол билан Фаттоҳ ёнимизда бўлмаганида, балки яна-да қаттиқроқ қўрқиши, эҳтимол юмаши мумкин эди. Бироқ уларни кўргач, фудайди. Асл даъвони бир чеккага йиғишириб, менга ситам ўтказа бошлади:

— Бир қоп маккажўхорини олиб келган бўлсанг, нима бўпти? Бу қароқчи шумоёқлар эрта-индин мени ўлдиришса, кейин нимамни қайтариб олиб келасан? Бизни ожизу нотавон деб ўйлаб, буларни нега устимизга олиб келдинг?.. Бу мамлакатда ҳукумат йўқми? Адолат йўқми? Адолат қилишларини истайман, адолат!

Бу ичи заҳарга тўлган чолнинг алаҳсирашидан бошқа нарса эмасди. Қирмизи кўса соқолининг ҳар бир туки титраб, овози гоҳ пасайиб, гоҳ йирқичнидек вишиллаб бўкиришда давом этар ва уни ора-сира йўтал тутарди. Бир йўталганида оғзидағи ясама тишлари учиб чиқди, икки қўли билан тутиб, яна ўрнига тиқди.

Оқсоқол билан Фаттоҳ ўзларини тутолмай кула бошладилар. Жаҳл аралаш буни куриб қолиб, уларга ёпиша кетди. Мен ўзимни босиб, бу хуружининг ўтиб кетишини кутиб туравердим. Бундан ҳам жаҳли чиқиб, яна менга ўтирилди: «Ҳақиқий қароқчи сен бўлсанг керак. Бўлмаса, бу ерни қароқчи уясига айлантирган бўлардинг. Жазосини берармиш! Сен кимсан-у, жазо нима? Қара, бу итларга жазони ўзим бериб қўяй, жазо қандай бўлишини ўзинг бир кўриб қўй!»

Мен Зубайр ва Қамбар учун Хожи Рустамдан узр сўрар эканман, Чирик Али шаҳар-қишлоқларда муаззинга шотир бўлиб тиланчилик қилган замонлардан мерос қолган хушомадгўйлик билан икки болани энсасидан тутиб, ҳожининг оёқлари остига тиз чўктирган эди. Улар чолнинг оёғини ўпиш учун унинг, ипга осилган қўғирчоқдек, тинмай ли-киллаёттан гавдаси тинчишини сажда вазиятида кутиб туришарди.

Хожи: «Кўриб қўйинг, жазо қандай бўлади?» — дея бош-кўзи демай, уларни ура кетди. Бу жазо худди театрда роль ўйнаётгандек, кулгили, калтак бўлса менинг қароқчиларим ҳар куни ўйнаган чоғларида бир-биридан ейдиган таёқдан қаттиқ эмасди. Калтак билинмагани учун ҳам

улар ҳануз намоз саждаси вазиятини бузмай ўтиришарди. Лекин Зубайрнинг оғзидан озроқ қон оққанини кўриб, ғалати бўлдим. Шунда мен ўйинга аралашиш эҳтиёжини хис қилиб, болаларни мушук каби, энсаларидан тутиб қўтариб, оёққа қўйдим.

Бир ишорамдан кейин оқсоқол, Фаттоҳ ва болалар бирданига кетмоқчилик бўлдик, шунда шўрлик Ҳожи Рустам бор овози билан: «Бу ҳарифлар мени қароқчиларнинг қўлига ташлаб кетмоқчилар!» — дея бақириб, қочмоқчи бўлди, эсанкираганидан эшикни топа олмади. Мен орқага қайтиб, табассум билан:

— Яхши, ҳожи афанди... Жўннатиб юборай десам хоҳламасанг, ташлаб кетай десам кўнмасанг! Мен рози бўлишинг учун нима қилишим керак ўзи? — дедим.

Ҳожининг ғазаби босилгани ва маккажӯхори жойига қайтгани учун бу комедия ундай-бундай қилиб, тинчлик ва яхшилик билан тугади.

Аммо бунаقا одам билан қайси комедия ҳам охирига етарди дейсиз?

## 14

Ўша кечаси хонамда ўтирган эдим. Барча захираларим каби, чирофимнинг керосини ҳам тутаган эди. Шам ҳам оз қолгани учун, жуда керак бўлмаса, ёқмасдим.

Шамол тўхтаган, атроф сукунат қўйнида. Болалар ётган хонадан кимлардир менга билдирамаслик учун жуда эҳтиёткорона, сассиз ва оҳиста чиқиб, хонам эшиги ёнига келишганини сездим. Ётмаганимни билдириш учун ўчоққа бир-икки ўтин ташладим ва йўталиб қўйдим. Шунда эшик очилиб, Муслим кириб келди, аскарчасига салом бериб:

— Афв этинг, зобитим, — деди.

Бу шунчалик кутилмаган бир иш бўлдики, икки кундан бери касал ётган болалардан бири ўлганмикан, деган хаёлга бордим. Фақат:

— Ухламадингми? — деб сўрадим.

— Ухламадим, бей, — деди. — Кўзимга уйқу келмаяпти.

Коронгида эшик тирқишидан мўралаётган Чўманинг кўзлари ялтираганини куриб қолдим, унга ҳам «Кир!» деганимдан сўнгра сўрадим:

— Хүш, нега уйқунг келмаяпти?

— Ҳожи Рустам сенга қарши чиқди. Шунинг учун ухлай олмаяпман.

Қисқа ва амрли оқангда:

— Ҳожи Рустам ҳақ. Майли, бор, ухла!.. — дедим.

Шеф «ҳақ» дегандан кейин, Муслим «ноҳақ» дея олмайди. Итоаткорлик билан яна аскарий салом бериб, кетишига чоғланди, лекин вужуди бирданига илондай тұлғанди. У энди шу чоққача мен билган Муслимга ҳечам үхшамасди.

— Ахир, у қанақасига сенга құл күтариши мүмкін, зобитим? Мен чидай олмайман, үлиб қоламан...

Шундай деб бирданига ҳүнграб үйғлаб юборди...

Үчоқдаги олов сүнгап зди. Муслининг юзини күра олмайтганым. Лекин зимзиे тунда қаттиқ алаңсираёттандек улиган бүри одамникига үшшаган қичқириқларини босишига уринаётганини сезиб турардим.

Бояқиши Муслим! Бугун әрталаб кулгили ғазаб ичида Ҳожи Рустам оқсоқол ва Фаттоғта ташланиб, уларнинг күкрагига кичкина құллари билан мушт ёғдирар экан, менга ҳам хезланган зди. Урсин, нима қипти? Зотан, бу иш масхарабозликка айланғани учун, ҳаммамиз қотиб-қотиб кулаётган здик. Бироқ устимга күтарилған бу құллар, бир исқильтар нарасадек, мени жиркантырган зди. Бунга имкон бермаслик учун, бошқа не қиларимни билмай, унинг жиккак гавдасини икки құлым билан белидан азот күтариб, құғирчоқ үйнаттандек, үнгү сүлга силкитган ва:

— Сен бизнинг отамизсан... Табаррук одамсан... Бизни айбга буюрмайсан, — дея соқолидан үпіб құйған здим.

Фаттоғ билан оқсоқол ичаги узилгудай бўлиб кулишганди. Бояқиши Муслим эса ашаддий тұдабозлик тушунчаси билан бу үйинни үзича тушунган, бир маъбуд каби дахлсиз шефга құл күтаришди, деб үйлаган. Демакки, мен бу ҳаракатни жавобсиз қолдирганим учун унинг назарида маъбудлигим ва обруйимни йўқотган здим.

Тезда эхтиётта асраб қўйған шамни топиб ёқиб, Муслининг юзидағи чүтири чуқурчалари ёшга тұлғанини күрдим. Бир исен олдида турғаним мұқаррар. Қизиқсинаңиб сўрадим:

— Ундей бўлса, нима қиламиз, Муслим?

Ҳеч иккиланмай:

— Мен билан Чұмага рухсат бер... Күп әмас, бир неча соатта, тонғача... У ёғи билан сенинг ишинг бўлмасин, зобитим.

Нега рухсат сўраганини аниқлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Муслимнинг нигоҳлари ва тишлари бир неча соат ичида не иш қилиши мумкинлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турарди. Ҳожи Рустамнинг қўргонини бутун кўргандим. Соқчи итларига, йўғон темир панжараларига қарамай, уни ётган жойидан, Чўма тупроқ тагидан тутиб чиқарган уша оёқ-қўлли жирканч ҳашаротлардек, судраб чиқишиларига шубҳа йўқ.

Бу кичик қароқчиларнинг юрагида нелар борлиги энди менга беш қўлдай аён эди.

Истиқлол уруши вақтида Эгейдаги бир шаҳарчада тўқсон ёшлардаги бир албан қария билан танишгандим. Унинг бу ерларга қандай келиб қолганини ҳеч ким билмас эди. Масжид ҳовлиларида, қабристонларда тунар, ошхоналардан ортган нарсаларни ер, болалар унинг оғзига бир бўлак тешиккулча тиқиб, елкасига минишар ва тўрт оёқлатиб от каби чоптиришарди. Хуллас, бу одам ҳаяжон ичида ҳовлиқиб, не деганини, не қилганини билмайдиган кекса тентак эди. Фақат албан йўлбошчиси Исо Бўлатнинг байрам куни тоғдан шаҳарга тушгани ва ўзининг унга байроқдорлик қилгани эсида қолган эди, холос.

Ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган калласида шу воқеа, патефоннинг янги ва бутун пластинкасилик, аниқ сақланиб қолган эди.

Патефонни ишга тушириш учун Исо Бўлатнинг исмини айтишнинг ўзи кифоя эди. Шунда девникидай узун, меникидан ҳам баланд гавда аста-секин кутарилиб, оёқقا қалқар ва ҳеч қачон бир сўзи ҳам ўзгармайдиган ҳикоя бошланар эди:

Олтин тутгали, заррин калта чакмон кийган, атрофида қуёшда ялтираган қуролларини кутарган соқчилари бўлган афсонавий маъбуд тавсифи... Байроқдор кимдир, исми ёдимда йўқ, бу маъбудни ҳақорат қилмоқчи бўлганини кўриб қолади. Шунда у, шу ёшигача қандай бутун қолганига ҳайратта тушшладиган, ийртқичларницидек ўткир, оппоқ тишларини иржайтириб, кўрқинчли ҳайқирган, шундай ҳайбатли байроқдорга айланганки, таърифига тил ожиз: «Кўппак... Сен Бўлатта қўл кутаришга қандай журъат этдинг?!»

Муслимнинг менга «чидай олмайман» деган вақтидаги ҳолатини узоқ-узоқдан ўша кишининг ҳолатига ўхшаган ва этларим тиканакланганини ҳис қилган эдим.

Катта қароқчиларнинг ҳаммаси шундай бўлса керак. Улар қонида енгилмайдиган қутуриш микроби бўлган ва тишлари иржайдими, қопмай туролмайдиган тоифадаги одамларки, каллаларидағи ҳақ ғоясини ўзларича бирор ҳақорат қилди, тегинди деб билсалар, ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетса-да, ўч оладилар.

Муслимнинг ўзи бу болаларнинг шефи эди. Сўнгра ўз истаги билан янада устунроқ деб билган бир иродага бўйсунди. Бугун ўша Маъбуднинг обрўсига путур етказишганди. Уни кутқариб, қайтадан нуфузини кутариш лозим. Акс ҳолда ўлган Маъбудга бандалик қилмайдилар.

Барча кучли эҳтирослар энг қолоқ, каллаларда ҳам яхшими-ёмонми бир ғояга боғлиқ, эканига шубҳа бўлиши мумкинми? Шундай экан, Муслимнинг калласидаги бу тушичани ўзгартириш учун нима қилмоқ керак?

Шу лаҳзада унга берадиган амримга итоат қилишига ишончим йўқ. Яраланган Маъбудга итоат қилинмайди. Тазийқ остида қасам ичирганим билан риоя қилмаса керак, балки қочиб ҳам кетар. Шу боис бошқа йўл топмоғим даркор.

— Айтайлик, менга инонмадинг, Муслим, — дедим, — шундай беадаблик қилдинг... Хўш, қўлга тушсанг нима бўлади?

Шундай деб сўрарканман, фақат кулимсираб қўйса керак, деб тахмин қилдим. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

— Ўшанда нима қилишимни биласанми?

— Сен билан бирга ёки бир ўзим Бўзова Жиноят ишлари судига бораман. Бу ишга мен жазм қилдим, уни мен тайёрладим, дейман. Бу ёлғон ҳам эмас. Чунки бу ҳақда менга айтганингдан кейин оёқ-қўлингни боғлаб, ҳукуматга топширмаганим учун мен ҳам айбдор, сенга шерик бўлман. Сени шерилларинг билан бу ерга олиб келмаганимда, бу бояқиши чолнинг бошига бунақа иш тушармиди? Қара, яхшилаб ўла... Демак, ҳақиқий қотил менман. Мени отиб ўлдиришларини эмас, дорга осишларини кўришни хоҳлайсанми?

Яхши тушунтириб, бу соддадил руҳларга таъсир кўрсатмоқ қанчалик осон! Муслим яна бир марта «чидай олмайман», дея тұлғаниб, йиғлай бошлади.

Энди бир сўз ҳам илова қилишни лозим топмай, ёноғига шапатилаб қўйдим. Чуманинг думғазасига енгилгина тепиб бир сакратганимдан кейин икковини ҳам ётоқхонасига олиб бордим ва донг қотиб ухлаб қолдим.

## 15

Лекин, барибир, ҳисоб-китобда янглишган эканман.

Эрталаб хонамдан чиқиб, Чирик Али навбатчига ўхшаб осто намда мени пойлаб турганини кўрдим. Қўлларида бир кўрпа бўхчадек боғланган.

— Муслим кетди, зобитим, — деди, — мен учун қўлидан ўпиб қўй деди. «Бей мендан рози бўлсин!» — деди.

Муслим бошқа гапларни ҳам айтганига ҳеч шубҳа йўқ. Мен бу гапларни билганим учун ишора қилиб, уни тухтатдим ва ичкарига олиб кирдим.

Бу кўрпа Муслимники эди. Ичидаги унинг мактаб либослари ва бошқа майда-чуйдалар. Совға қилган қаламтарошимгача, нимаси бўлса, ҳаммасини қолдириб кетибди.

Чирик Али буларни битта-битта курсатиб:

— Мана, ўзинг санаб ол... Бўлдими, Бей? — деди.

— Бўлди... Уларни омборга олиб бор... Сен ишинингга бор...

Муслимнинг бу тарзда чиқиб кетишини кутмаган эдим. Асли, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Бунақа тоифадагиларнинг мустабидлигини ўзимдан биламан. «Чидолмайман» деганидан кейин ёнимда қолиши мумкинми? Бироқ ҳаммаёқни қор босиб, қиёмат қўпиб турган бир вақтда кийим-кечагини ҳам ташлаб қаёқча кетган экан? Тўғрисини айтганда, буни сўрашнинг ҳам кераги йўқ. Шунга ухшаш бир буйруқ олганимда, мен қайси йўлга кетаётганимни ўз-ўзимдан сўраганмидим? Муслимни тушуниш билан чекландим. Бу менга етарли эди.

Ҳеч нарса бўлмагандай, яна болаларни атрофимга йиғдим. Ҳар кунги машғулотимизни бошлаб юбордик.

Улар мен билан ҳамма нарса ҳақида очиқ гаплашишга одатланган бўлсалар-да, ҳеч бири ҳеч нарса сўрамади.

Ёғаётган қор оёқ изларини босгунига қадар бирортасини ташқарига чиқармадим. Муслимни қидиргани кетди деб ўйламасликлари учун, ўзим ҳам улардан узоқлашганим йўқ.

Чошгоҳга яқин мактабга Фаттоҳ келди. Менинг индамаганимни куриб: «Бола қочибди-да?» — деб сўради, сўнгра: «Жаҳаннамга кетмайдими... Ундан яхшилик чиқмас эди», — деб қўйди... Шундай деса-да, Фаттоҳ хафа бўлган, ранжиганга ўхшарди. Гапиракан дудуқланар, гапининг давомини унутиб қўярди.

Анча вақтдан кейин: «Ҳожи Рустамни огоҳлантириб қўйиш керак!» — деди. Лекин бирон гап бўлишига ўзи ҳам кўпам ишонмаётган эди.

Мен:

— Сизлар шовқин кўтармасдан бирон чора кўрсангиз бўлади... Аммо мен бирор иш қилмаса керак, деб ўйлайман, — дедим.

Фаттоҳга шундай кўрсатма берарканман, Муслимнинг иккинчи марта «чидай олмайман» деган вақтда қандай жизғанак бўлгани кўз олдимдан кетмасди.

Шуниси ғалатики, мен ҳам худди Фаттоҳ, каби, кун бўйи дудуқланиб, паришонхотир юрдим. Бир иш қилаётганимда ва гапираётганимда бирданига кўз олдимда Муслим гавдаланар, ҳарчанд уринмай, уни эсдан чиқара олмасдим.

Кечаси қоронғи хонамда ўтирганимда Муслимнинг қиёфаси янада кучлироқ намоён бўлди, шунда унинг Фарилардан совға қилиб келтирган шамларидан бирини ёқиб, китоб ўқий бошладим... Бу кеча йилнинг ялдо кечаси эди. Агар хиралик қилаётган хаёлдан ёруғликда қутулмоқчи бўлсам, барча эҳтиёт шамларимни ёқиб тутатишинга туғри келади. Шуни инкор этмаслик керакки, бу ҳолат мен учун кутилмаган совға бўлди. Аммо совғанинг энг каттаси эрта тонгда кўриниш бериш учун бу узун тун қўйнида ҳозирлик кўраётган эди.

\* \* \*

Ҳар доим ётишдан олдин болаларнинг хонасини айланаб чиқишини одат қилгандим. Бу кеча бундай қилмадим. қоронғида кирган вақтларимда ҳам тирсагини тўшакка, бошини кафтига тираб, қуш уйқуси ичидаги

ган Муслимнинг жойини бу кеча бўш кўриш менга малол келар эди.

Тўшагимда қўлларимни энсамнинг орқасида бирлаштирган ҳолда қуш уйқуси ичида ётарканман, нариги хонадан қандайдир шитирлашлар, шивирлашлар эшитилгандай бўлди. Ҳатто, бир марта ташқарига чиқиб келсаммикан, деб ҳам ўйладим. Лекин чиқмадим. Қор тинган эди. Бугунга ўхшаш сокин кечаларда кўжна биноларда бунаقا овозлар эшитилиб турди. Шубҳани ортиқча деб билиб, ётган жойимдан жилмадим.

Эрта тонгда болаларнинг ҳаммаси фойиб бўлган эди. Тўшаклар бўм-бўш. Фақат бир чеккада Бажақ билан Буви ухлаб ётиби. Кекса аёл болаларнинг чиқиб кетганини сезмаган ҳам.

Ташқарига чиқдим. Қор устидаги оёқ излари фақат бир йўналишида, сурув тартибида бир-бирининг орқасидан қаторлашган. Мен анчагача бу излар ортидан бордим... Давом этсан, топаман. Етиб олишимга шубҳа йўқ. Бу менинг вазифам ҳам. Давлат олдида мастьулиятим бор. Бироқ бундан ҳам кучлироқ бир нарса мени орқага тортди...

Сурувни таканинг орқасига туширган савқи табиийни эркин қўйиб бериш керак. Бу номаъум, кучли қувватга нени қарши қўйиш мумкин? Қўлларимни чунтагимга тикиб, подасини йўқотган чўпондай, секингина ортга қайтдим. Кўз олдимда фақат ҳаётимдаги ўша илк кунлар, ўзимга ўшаган болалар ва итлар билан тўзғиган ҳарбий қисм орқасидан эргашиб кетган вақтларим гавдаланади. Зотан, мен Муаллимлар мактабида бир оз фикр юритишга ўрганган, китоблар ва ўқитувчиларимга чин дилдан ишона бошлаган вақтларимда ҳам доимо шундайлигимча қолгандим. Бу болалар мени яхши кўра бошлаган, уларга яратган фарофатли ва ишончли деса бўладиган турмушга ўргана бошлаган эдилар. Шундоққина ёnlарида қуш уйқусида ётарканман, менга билдирамай, бирданига, бир ёриқдан сизган сувдай, тош ичидан бош чиқарган майсадай, ўжарлик билан, сассиз чиқиб кетишлари менга бўлган хурматлари ва мендан ҳайи-кишиларининг меваси эди. Тарбия деб уларнинг дилини хира қилишнинг нима кераги бор? Эркин фарзандлар дея йўл четига айри-айри ташлаб кетадиган бўлгандан кейин, сурувни нега ўз ҳолига қўймаслик керак?

Бироқ мен эхтиёт шамлардан иккитасини ёқиб тутатдым дегунча, улар яна қайтиб келишди. Яна қандай кеттган бұлсалар, шундай, сассиз, садосиз... Хоналарига кириб, ҳаммасини ухлаёттан ҳолда күрдим. Лекин бу ёлғондакам уйқу. Шамни битта-биттадан күзларига яқынлаштирганимда күзларини қаттықроқ юмиб, сирни фош қилиб қўйишарди. Янада ғалатиси шундаки, ораларида Муслим ҳам бор. Бир сўз айтмай, ташқарига чиқиб, сукуг ичида хонамга қайдим. Шундан сунгра атрофимдаги бор нарсаларни уриб синдиригим келди. Жанг вақтлари ғалаба нашидаси остида теварагимизда, оёқларимиз остида үлган одамлар ва асирларни тепкилаган вақтларимиз бўлган. Аммо уларнинг ҳеч бирида бутунгичалик баҳтиёр бўлмагандим. Бу мавҳум қалблар энди бутунлай меники, оғим остида ётиди.

Муслимни қаердан топиши? Уни қайтиб келишга қандай кўндириши? Буни сўрамайман. Сураганим билан, балки ўзлари ҳам билмаслиги мумкин. Чўма тупроқ остидаги ҳашаротни қандай топиб чиқарганини айтиб бера олиши мумкинми? Инсон фақат онгли равища ва ирова билан қилган ишига ҳисоб бериши мумкин. Бироқ уларга жазо беришни ҳам лозим топмадим. Жазо бир айбнинг қайта такрорланишининг одини олиш учун берилади. Ҳолбуки, мен уларни қувсам ҳам, энди ёнимдан айрилмайдилар. Улар энди бутун борлиги билан меники. Энди мен серкага айлангандим.

Бу воқеадан кейин кўп ўтмай, юқорида айтганимдай, Бўзовадан ёрдам келди, ҳаво билан бирга Фариблар йўли ҳам очилди. Еб-ичиш ташвишимиз барҳам топди, ҳаётимиз изига туши.

Чўма топган ҳашаротларга қадар еганимиздан сўнг, тағин қайнай бошлаган қозонимиз дастурхонимизни яна тўкин сарой дастурхонига айлантириди.

## 16

Дўстлашганимизга қарамай, Ҳожи Рустам мени тинч қўймаётган эди.

Бир куни менга маошларим билан вилоятнинг расмий мактуби ҳам келди. Мен Юқори Сазанда иш бошлаганимдан кейин синфлар қандай тозаланиб иситилиши, болалар

хаддан ташқари тўқис ҳаётга ўрганмасликлари учун нелар қилиниши лозимлиги каби масалалар юзасидан баъзи фойдали курсатмалар олган эдим. Бу тўғридан-тўғри берилган биринчи ва қўрқинчли буйруқ эди... Вилоят хизматимдан мамнун, лекин принцип жиҳатидан «ётоқли муассасамизни» методларга номувофиқ деб топади. Бунинг учун мактабга «маблағ ажратишга мавжуд қоидалар йўл қўймайди». Ундан кейин болалардан баъзилари бошланғич мактаб ёшидан ўтган. «Маълум ижтимоий чиқиши туфайли, ҳаммасини нормал бўлмаган болалар тоифасига ўтказмоқ ва маҳсус тарбия ва руҳан соғломлаштириш тартиботига тобе тутмоқ лозимдирки, маълум шартлар сабабли бунинг имкони йўқдир». Нихоят, бу бир қисми бошланғич таълим ёшидан ўтган, нормал бўлмаган ва мустақил болаларни нормал оила болалари билан аралаштирганимиз ошкор бўлгани каби, бу хусусда вилоятта қилинган шикоятлар ҳам бордир. Аммо яхши тарбиялансалар, мамлакат учун фойдали бўлишларига шубҳа бўлмаган бу ватан авлодларига вилоят ғамхўрлик ва мурувватни дариг тутмаслик қароридадир. «Болаларни ҳимоя қилиш», «Қизилой» сингари жамиятлар бугунга қадар берәётган ёрдамларида давом эта жақдирлар. Ёши ва билими етарли бўлган болалар ишга жойлаштирилажақдир. Кичикроқларининг қўшни вилоятлардаги ётоқли мактабларга қабул қилинишлари хусусида лозим бўлган тадбирлар белгилангандир. «Бу қарорнинг мени ҳам мамнун этишига ва мукофотга лойиқ ишларимиз бундан кейин ҳам Юқори Сазан учун янада баракали бўлишига шубҳа йўқдир». Бунинг учун боғлиқ, бўлганимиз Машали туманига мурожаат этилиб, болалар бир жандарм кузатувида илк восита билан вилоятта жўнатилмоғи вожибдир.

Бу буйруқнинг ягона хатоси шуки, Юқори Сазан Машалига тобе эмасди, лекин бу унчалик муҳим эмас. Зотан, узоқ вақт аскар бўлганим сабабли, мен учун фақат олган буйругим муҳимдир. Шунинг учун «Юр!» амрини олгач, сабабини сўрамай қандай юрган бўлсан, ҳозир ҳам шундай қилдим: дарҳол эрта тонгданоқ майда-чуйдасини елкасига ташлаган болаларни Фарибларга олиб тушдим, у ердан бир юк машинасига миниб, Бўзовага йўл олдим.

Шундай қилиб кичик тұда қаерга кетаётганини билмай, бир тонға Юқори Сазан тоғини тарқ этди. Бундан фақат оқсоқолнинг хабари бор эди, холос.

## 17

Бұзовада Фарҳоддан күп нарсаларни билиб олдим. Муродбейнинг хотини Зұнгулдақдаги қизиникида оламдан утган. Ўзи бошқа-бошқа шаҳарларда яшайдиган ўғиллариникига бир неча кунлик таъзия сафаридан кейин Бұзовага қайтиб келишини ёзган экан.

Бұзова Волийси, Маориф мудири ва вилоятнинг бошқа күргина катта амалдорлари алмаштирилган. Шуниси ғалатики, янги Волийнинг, ҳатто, янги Маориф мудирининг менга юборилған буйруқдан хабари йүққа үхшарди. Маълум бўлдики, бу буйруққа бошқа ҳужжатлар орасида, оддий бир ҳужжатдек қўл қўйдиришган. Ҳатто Волий: «Қорда, қишида бу ишнинг нима кераги бор эди, ўғлим? Нега болаларни ҳам, ўзингни ҳам қийнаб юрибсан?» — деб мени койиди. Маълум бўляптики, Бўзованинг апрелдаги юмшоқ қиши унга даҳшатли бўлиб туюмокда ва унинг Юқори Сазан қиши ҳақида тасаввuri ҳам йўқ.

Маориф мудири ёш йигит экан. Пишди, ниҳоясига етди дея унга беришган бу ишни принцип жиҳатидан туғри деб топған ва ёшлигига бориб, ҳаяжонланиб, ёзувга яна бир нарсалар илова қилған. Ташкилий жиҳатдан уюшмаган қишлоқ мактабида ётоқли нонормал болалар билан қатнаб ўқийдиган оила болаларини аралаштириш педагогиканинг қайси қоидасига мос келади? Фақат Волий: «Ташқарида турволиб қиласиз, бажарамиз деганларга ишониб бўладими? Майли, бу бир дюжина ҳашаротни сифдириш мумкин бўлган жойни топ-чи, кўрайлик!» — дегач, кўзлари пир-пираб, бурни титрай бошлади. Ташқаридан туриб қиласиз, бажарамиз деганларнинг ким эканлиги ҳам номаълум. Кимдан сурасангиз, елка қисади. Бояқиши Фарҳод: «Эҳ, Муродбей бўлганида бу ишлар бўлмасди. Бу табаррук хотин ҳам зап ўладиган пайтини топған экан-да! Менинг хабарим бўлганида эди, у каби бақириб-чақирмасам-да, гапирган, ялиниб-ёлворган бўлардим», — дейди.

Фарҳод, аслида, менинг Юқори Сазанни тарк этишим ва бунинг натижасида Уққош афандининг қизини йўқотишидан хавотирланаётган эди.

Бу бечора Юқори Сазанга қиласиган баҳорги саёҳати учун ўзига янги костюм-шим ҳам тиктирган эди. Яна ундан эшлишишмча, Истанбул газетасининг расмли репортажи бўзоваликлардан бир қисмини фурурлантирган. Аммо бъязи ҳафтафаҳмлар водийнинг бир четида вақти-вақти билан булутдай бир кўриниб-ғойиб бўлиб турадиган бу тоғда вилоятнинг бир яраси, айби ошкор бўлганидан ранжиган эмиш. Мен у ерда эканман, бу айбнинг икки куннинг бирида ўртага чиқиш хавфи бор. Уйқудаги илоннинг қуйругини босишининг нима кераги бор? Уларга қараганда, ҳамма гап менда эмиш. Лекин мен ишдан ҳайдаладиган бўлсам, газеталар бундан ҳам баттарроқ ғавғо кўтаришлиридан қўрқаётган эмишлар. Бир аҳмоқ қудуққа тош отса, қирқ доно чиқара олмас экан. Бу ишда Қуий Сазанликларнинг қўли бўлиши мумкинми, ажабо? Бўлиши мумкин. Бироқ бу ишнинг орқасида Ҳожи Рустам турганига шубҳа йўқ.

Чунки Маориф мудирлигида унинг бир нечта ҳамқишлоғига имзо чектириб юборган шикоят хати бор. Бошқа ҳеч гап бўлмаганида ҳам, ора-сира қаҳвахонасига бориб, қимор ўйнаганларга, рақи ичиб маст бўлиб, патефон мусиқасига рақс тушганларга ва жанжал қилаётганларга қараб қўйишимнинг ўзиёқ уни ҳадиксиратиш учун кифоя эди. Хуллас, Ҳожи Рустам ўз фирмасидан қўрқаётган эди. Демак, у ҳам ўзича ҳақ.

Биринчи куни рухсат олмасдан, дарсларни ташлаб шаҳарга келишимни қоидаларга хилоф деб топган ва дарҳол орқага қайтиб кетишимни хоҳлаган ёш Маориф мудири кейин қолишимни истаб, мени хато ишга ундей бошлади. Чунки болалар шу ерда. Болаларни ҳимоя қилиш жамияти ва «Қизилой» уларнинг кундалик еб-ичишини таъминлашдан бошқа ҳеч нарса қилмаётган эдилар. Ҳатто, келгусида бунинг ҳам тўхтаб қолиш эҳтимоли бор эди.

Кекса волий ҳадеб: «Нариги вилоятлардаги ётоқли мактаблардан бирон хабар келдими? Бу болаларни жойлаштириш учун муносиб чора топдингизми?» — дея заҳарханда қилиб, йўталиб қўйди дегунча, Маориф мудирининг дили

сиёҳ бўлиб, ўзини қўярга жой тополмасди. Биргина Хавф-сизлик бошқармаси бошлигининг: «Бу тийиқсиз каллакесарларни нима қиласман? Умарбейдан Оллоҳ рози бўлсин, буларни бир бало қилиб, тинчтиб юрган эди. Бу микробларни шаҳарга тарқатишнинг нима кераги бор?» — дея тўнғиллашининг ўзи ҳам унинг эзилиши учун етарли эди. Қани энди, буйруқни бекор қилиш мумкин бўлса эди?! Лекин тўғри қоидаларга ва янги педагогик негизга асосланган буйруқни бекор қилиб бўлармиди?

Бир ҳафтадан бўён Бўзовада бош урмаган жойи қолмади. Болаларнинг купи волийнинг илтимоси ва бошقا катталарнинг ялиниб-ёлворишилари натижасида турли касб эгаларига топширилди. Муслим туманлар орасида қатнайдиган юк машинага паттачи бўлди. Чирик Алига ҳам шунақа иш топиб беришди. Аммо у Узун Минорали масжиддаги муazzинга ёрдамчи бўлишни афзал билди. Собиқ қароқчининг аzon ўқиши ғалати иш, албатта, лекин масжиднинг кекса муаззинида ҳақиқатан ҳам узун бўлган минорага чиққулик ҳол йўқ, устига устак овози ҳам чиқмайди. Шунинг учун маҳалладошлар қирқ йиллик хизмати сингган бу кексани кучага чиқариб ташлагилари келмай, унинг ўрнига Чирик Алига аzon айттиришни маъқул деб билдилар. Мудир ебичишини ўрта мактаб ётоқхонаси ҳисобидан таъминлаш шарти билан кичиклардан икки нафарини бошлангич мактабга жойлашга муваффақ бўлганидан хурсанд. Ҳеч бўлмаса, принципнинг озгинасига риоя қилинди.

Бу ишлар тамомлангач, бириктирилган жойларига бориб ҳаммасини кўрдим, бирор кичикроқ совға бериб, пешоналаридан ўпдим. Ундан кейин ўзим Юқори Сазанга қайтдим. Бу ишлар орасида яна Бўзова станцияси ва кўчаларида кезиб, исмини билмаган ўша икки соатлик қизими изладим. Бир-икки эмас, бирданига ўн учта боланинг отаси бўлишимга сабабчи бўлган, оталикка юрагимда меҳр уйғотган ҳам кичкина қизалоқ эди.

ни... Кеттганларни энг күп соғинган ҳам Бажақ бўлса керак. Катталардан кунига беш-үн мартараб ейдиган таёқ хуморини негадир ҳеч унуполмаётган Бажақ доимо хачирнинг ёнида. Бувининг тез-тез: «Жувонмарг, ҳайвонни тинч қўй. Тепиб майиб қилади!» — деб бақирганини эшитаман. Уммихон Бажақни одам ўрнида кўрмагани учун бўлса керак, тегажоқликларига чидайди, ёлғондакамига тишламоқ-чидек, тепмоқчилик бўлиб, вақтини чоғ қилади.

Менга келсак, бу ишга унчалик кўп эътибор берганим йўқ. Ҳарбий хизматда эканимда бунақа айрилиқларга анча ўрганиб кетганман. Жанг вақтларида қучогимда жон берганлардан айрилиш, гарнizonларини ўзгартириб, бошқа жойларга ёки ўз юргига кеттганлардан айрилиш... Бу аскарлик ҳаётига хос ўзгармас ҳодиса... Денгизнинг қирғоққа урилиб йўқ бўлган ва ўрнига янгидан келадиган тўлқинлари... Баъзи кечалари аскарларнинг узун ва текис йўл бўйлаб алоҳида бўлинмалар ҳолида қўшиқ айтиб утишлари, устбошини чанг босган айни аскарларнинг айни қўшиқни айтиб, яна такрор-такрор утишлари кўз олдимда жонланаверади. Шундай қилиб, болалар тарқалиб кетганидан мен бирданига бўшаб қолган гарнizonни кўриб, уткинчи маҳзунликка тушгандай бўлдим, холос. Бир томондан, борабора борлигимни чулғаб олаётган ва чўчитаётган бир боғни ечиб қутулганимга хурсанд бўлаётган эдим.

Кеттганларнинг ўрнига янгилари келаётганди. Мени ёқтирганинг кишилар оғир кунлар машаққатларини баравар тортганим ва уларга қилган майда-чуйда хизматларим туфайли менга ўргана бошлаган эдилар. Энди мендан шубҳаланмай қўйгандилар. Улар ҳам деярли Фаттоҳ, каби кишилар эдилар.

Оқсоқол ва Фаттоҳ, бошлилигидаги ҳамқишлоқларнинг бир қисми мени болаларнинг тақдиридан хафа бўлиб, Бўзувадан қайтиб келмас, дея чўчиған эканлар. Қўйларини суреви билан кўтарасига яхши баҳога сотган чўпондай хурсанд қайтганим ва болаларнинг номини тилга олмаганим уларга қаттиқ таъсир қилди. Бу сафар уларнинг ўzlари болалар тўғрисида сўзлай бошладилар.

«Яхши бўлди, қутулдик!» — деганлар чиқса, жонлари сиқилиб, терс муомала қила бошладилар. Фаттоҳ билан оқсоқол сингари, уларнинг болаларга чин юракдан ачина-

ётганларини ҳис қиласадим. Болалар қочаркан, қуролларни ўғирлагани ва Қуий Сазан ҳайъати олдида бунга очиқ иқрор бўлгани уларни қаттиқ ранжитган эди... Юқори Сазанликлар, ҳатто, анча вақт яширин қуролларни топиш учун тоққа жандармлар бостириб келишини кутишганди. Бизнинг масалада Ҳожи Рустамдан қаттиқ жаҳдлари чиққанини яширмаётган ҳам эдилар. Бўзовага жўнатилган шикоят мактубидан уялишар, Ҳожи қарздорларига зўрлаб имзо қўйдиргани ҳақида қасам ичишарди.

Фаттоҳнинг оғзидан бир марта: «Биз қайси дардимизни дея пасткашлиқ қилдик?» — деган гап чиқиб кетди. Озиқовқат келган вақтда баъзилар ўзлари кутганчалик мамнун бўлмаганликлари назаримдан қочмаган эди. Бу сўздан кейин бунинг сабабини тушуниб етдим.

\* \* \*

Юқорида айтганимдай, Дурсуннинг ёрдамида хонамни мактаб хонасига ўхшаш қилиб жиҳозлагандим. Столим, жавоним, этажерка вазифасини ўтайдиган токчаларим бор эди. Бир четда йиғма аскарий кроватим турарди.

Умрим буйи танҳо яшаганман. Мактабда ёлғиз, ҳатто, жанг бўлмаган вақтлари катта армия ичиде ёлғиз яшаганман... Ҳозир ҳам эшик-деразалари ёпиқ хонамда кечанинг бу соатларида ўз устимда ёлғизлик тажрибасини ўтказаётган, бу менга бошқача бир лаззатдек туюлаётган эди. Доим ёнимда олиб юрадиган дафтаримдаги расмлар энди у ербу ерда чизган қораламалардан иборат эмасди. Энди расмлар устида узоқ ишлатгандим. Бу борада Бўзовадан келтирган сувбўёқлар ва рангли қаламлар ягона бойлигим эди.

Шириналлик деб ўйлаган Бажақ уларни ялаб кўрган, буни оғзи ва тилидан билиб олгандим.

Хонамнинг деворлари бора-бора кургазма тусига кираётганди. Тоғ манзаралари алоҳида, рангли бўлиб, деворларимдан жой ола бошлаганди. Кейин Фаттоҳ, оқсоқол, Юзбоши ва Юқори Сазаннинг хўмрайган одамларидан бир нечтасининг, улардан ташқари энди мактаб учун хотирага айланган иккита болакайнинг расмларини узоқ ишлаб, тамомлаган эдим. Булар орасида исмини билмаган кичкина қизалоқнинг ҳам расми бор эди. Қўлида тос билан қудук-

дан менга сув олиб келаётгани, дўконлардан олинган янги кийимларида ҳайинчакда учайдигани, поезд орқасидан йифлаб чопаётгани тасвириланган эди...

Мен қизча ўн ёшга, сунг ўн беш ёшга киргач, чехраси ва қомати қандай ҳолга киришини ўйлаган, сунгра бу ҳолатларни алоҳида-алоҳида чизган эдим.

## 19

Баҳорда, яна қалъадаги энг оҳиста шитирлашларни ҳам эшитиш мумкин бўлган бир сокин тунда Уммихоннинг кишинаши қулогимга чалинди. Бу ҳамишагидай эмас, балки инсон овозидай узук-юлуқ, гоҳ кучайиб, гоҳ пасайган бошқача кишнаш... Боққа чиқиб, унинг атрофига тўпланган катта-кичик кўланкаларни кўрдим.

Булар Бўзовага ташлаб келган болаларим эдилар. Яна ҳаммаси биргаликда, яна сассиз-садосиз ёнимга қайтиб келишганди. Фақат Шоҳин йўқ. Бояқиши Бўзовада яна касалланган. Чўма билан бир темирчининг устахонасида ишлар, экан, мазаси қочиб, анча ётган, кейин устаси уни Чўманинг елкасига ортиб, касалхонага жўнатган. Шоҳин бир неча кундан кейин ўша ерда вафот этган. Чўма кечалари устасининг уйидан қочиб, касалхона деворидан ошиб ўтиб, уни кўргани бориб турган.

Касалхона навбатчилари дўппослаб, ташқарига чиқарип ташлайверишган. Лекин уни бутунлай ҳайдашнинг уддасидан чиқа олмаганлар. Охири Чўма печкаларга ўтин ташиш, йўлкаларни супириб-сидириш каби майда-чуйда ишларни қила бошлагач, ўзларини кўрмасликка олишган. Шоҳин қазо қилган кечаси унинг ёнида бўлган, эрталабгача бирга ётган.

Эртасига тонгда болаларнинг ҳаммаси усталарининг ёнидан қочишиган. Муслим ўз пулига бозордан кафсанлик сотиб олибди, Чирик Али қабристонда тиловат қилибди.

Шаҳарнинг узоқ маҳаллаларида эканликларига қарамай, бундан қандай хабар топиб, бир жойга тўпланишган, ўзлари олдиндан келишмаган бўлсалар-да, анча вақтдан кейин яна қандай қилиб Бўзовадан қочишиган, ҳеч бир тўсиққа учрамай Юқори Сазангга қандай келишган? Вақ-

ти-вақти билан бошимизнинг устидан учиб ўтадиган турна карвонлари қандай қилиб бир жойга йигилганини, қандай уюшиб, парвоз қилганини сўрармидик?

Шу тун уларни, ҳаммаси бирдан қочиб, сунгра Муслимни олиб келишган кечадаги каби, ҳеч нарса демай уз жойларига ётқиздим, Муслимни яна ўша бурчагида, ёшли ва оташли кўзлари билан менга қараган кўйи қолдириб, хонамга қайтдим.

Болалар хонага, ичкарида бир бемор ёки ўлик бордай, шу қадар сассиз киришган ва бу сассизликда шунаقا бир нарса бор эдики, уларнинг қайтганини билган Буви билан Бажақ ҳам бу рӯё олдида тошдай қотиб қолишганди.

Улар яна мен билан яшайдиган бўлганликлари учун де-вордаги расмларни битта-биттадан тушириб, жавонимга жойлаштиридим. Фақат сўқир кўзи ҳорғин ва узоққа тикилган Шоҳиннинг расмини жойидан олишга қўлим бормади. Унинг ва исмини билмаган қизалоқнинг ilk расми ақа-сингил суратидек, ёнма-ён қолди. Бу чеҳраларда ҳақиқатан ҳам икки қардошдек бир-бирига ўхшашлик бор. Расмлар бир қаламдан чиққан, нималарнинг таъсири остида мен уларни ана шундай ўхшаш деб билган ва чизган эдим, билмадим. Агар ҳаёлпараст одам бўлганимда, бу икки бола ҳақиқатан ҳам бир-бирини йўқотиб қўйган икки қардош бўлган ва тақдир уларни мен билан айри-айри учраштирган, деб ҳукм чиқарган бўлардим.

\* \* \*

Ўша кунлари Фарҳоддан мактуб келиб қолди. Мактубда анча гаплар ёзилган эди: болалар бозор ва атрофдаги маҳаллаларда усталарга бириктирилгандан сунг ҳеч ким уларни сўраб-суриштиrmаган ҳам, ҳолидан хабар ҳам олмаган... Ўзи баъзан уларни бориб кўриб турар экан... Ҳоллари ҳечам яхши эмас экан... Усталар уларни қулдай ишлатсалар-да, мамнун бўлмас, тинмай урар эканлар. Тўғрисини айтганда, улар ҳам тек турмас, бу жазодан ортиғига ҳам муносиб эмишлар... Ҳукумат полициянинг ашаддий жиноятчилар дафтарида сурати ва ёки бармоқ изи бўлган бу болаларни усталарга имзо чектириб топширгани учун,

уларнинг ҳам аҳволи нозик эмиш... Болаларни кўчага чиқаруб ташламасликка ва хатти-ҳаракатини назорат қилишга мажбур эмишлар... Бозор ёки хонадонлардан бирон нарса ўғирланса, кўчаларда тош отиб ойналарни синдиришса ёхуд машиналарнинг балонларини ёриб кетишса ва шунга ўхшаш воқелар содир бўлса, биринчи навбатда болалар ушланиб ва дўппосланар эмиш... Қолаверса, улар кўчага чиқиш тақиқланганини икки пулга олмай, икки куннинг бирида устахоналаридан қочиб чиқиб, маҳалла болалари билан уришишармиш... Уларнинг ор-номусли оилалар болалари билан, ҳатто, гаплашишлари ман қилинган бир вақтда, уришишлари маҳаллаларни жонидан тўйдирган эмиш... Бир марта боласи калтакланган бир ота ғазабдан қутуриб, қўлига таёқ олиб, темирчининг устахонасига чопган, устаси намозга кеттани учун сандонда ёлғиз ишлаётган Чўмани калтакламоқчи бўлган... Автобус талончиси бўлган зумраша қизиган темирни ураётган чукичи билан кап-катта одамнинг бошига солган... Одамлар Чўмани тошбўрон қилишига сал қолган... Яхшиямки, полициячи қўлидан ушлаб зўрга қорақўлга олиб кетган...

Устаси: «Бу қароқчининг менга кераги йўқ... Менга тинчлик керак!» — деб оёқ тираган эмиш... Аммо янги олган шогирди темир қиздирапкан, босқонни Чўмадай босмаган, бунинг устига шогирднинг отаси боласининг ҳунар ўрганиши билан кифояланмай, ҳафтасига пул талаб қилган, шунинг учун уста икки кун ўтмай Чўмани қорақўлдан қайтариб олиб келган. Ҳатто, муazzzin ёрдамчиси Чирик Али ҳам қандилларнинг ёғини ичади, деган айб билан сўроқ қилинганини Фарҳодга айтиб, «Юқори Сазан омборининг калити менда турарди», — дея йифлабди...

Муслимга келганда, юқ машинасида жуда яхши ишлаб юрган экан, лекин бир қишлоқи йўловчи билан орасида «пулни бергандим-бермагандинг» деган ғавғо чиққанида шофер йўловчининг ёнини олган. Шунда Муслим бўйнидаги пул солинадиган сумкаласини ва устидаги чарм камзулини отиб, машинадан тушиб кетган...

Шуниси ғалатики, Бўзова полицияси шаҳарда уларга доим кўз-қулоқ бўлиб тургани ҳолда, уларнинг ҳаммаси бирданига кетиб қолгач, қидирмаган ҳам...

Фарҳод мактубида: «Буларга Мурод оғажонимнинг йўқлиги сабабчи бўлди», — дея куйинган ва кейин у ҳақдаги хабарларни ёзган эди. Қайтишда ўғилларининг бириникида қолган, кейин анчагача касалхонада ётган... Болалари ва танишлари Анқарарада қолишни кўп илтимос қилишган... Рози бўлмаган... Бир неча кундан кейин Бўзовага келиши ҳақида вилоятга телеграмма, Фарҳодга катта мактуб келган.

Бўзова полицияси қочоқларнинг изига тушмаганди, лекин бу ҳақда хабар бериш менинг бурчим эди. Бўзова вилоятига бир мактуб йўлладим ва жавоб келмагач, иккинчисини жўнатдим. Яна жавоб йўқ. Балки волий ҳам, Маориф мудири ҳам тағин бу ҳақда бош қотиргиси келмагандир.

Ундан ҳам ғалатиси шу эдикি, бу дафъа Юқори Сазанда болаларни ёмон қаршиламадилар. Вайсаётганлар бор эди. Бироқ Фаттоҳ, ва оқсоқол бошчилигидаги гурӯҳ, уларни тийиб қўйгани ўз-ўзидан тушунарли эди.

## 20

Баҳордан кейин ёз, ёз охирига қараб яна Муродбей билан Фарҳод келди.

«Бечора Юқори Сазанда қандай ўзгариш бўларди?» — дейилиши мумкин. Жуда кўп... Бошдан утказган қишимиздан сўнг баҳор ва ёзниг қандай тароватли бўлганини билсангиз эди...

Ёнбағирларни тоғ устига қадар майса қоплаган, орасида лолақизғалдоқдан мойчечаккача турли чўл гуллари, Фаттоҳнинг хўдани сингари, озгина туз сепилса, жуда ейишли бўлган ўтлар ва кўклар бор. Яна қушлар ва ҳайвонларга ҳар томонда тузоқлар қўйилган эди. Энди ҳар томонини бемалол кеза бошлаганим ертулалар ораси аёлларга тўла, сайр қилишади, ҳатто, кўшиқ куйлашади. Қишлоқ ташқарисига чиққан болалар яланғоч қоринлари билан қояга тирмасиб, маймунжон катталигидаги тоғ узумларини сўриб, яна жонланга бошлидилар.

Қиши вақтида бошидан утказган кулфатлар ва хасталик Муродбейни ичидаги заҳарлардан фориғ этган, яна Истиқлол уруши йилларининг Муродбейига айлантирган эди. Лекин Фарҳод бу ёзда жўшқинлик ва тентаклиқда уни ора йўлда қолдириб кетди. Ўтган ёзда қалбига қандай тушга-

нини биз, ҳатто, ўзи ҳам билмайдиган уруглар бу қиши Бўзувада унга тинчлик бермаган эди. Бунда Муродбейнинг роли катта бўлганди. Муродбейнинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган тамоман бошқача далиллиги Фарҳоднинг уюшик руҳини ларзага солиб, қаттиқ таъсир қилган эди. Шурлик йигит уни бирданига йўқотиб, ёлғиз қолгач, бутунлай ақлдан озаёзди.

Муродбейнинг йўқлиги Фарҳод учун Бўзовани яшаб бўлмайдиган жойга айлантирган, қачондан бери одий ва босиқ котиб қиёфаси остида яширинган, бир жойда икки йилдан ортиқ қолишига имкон бермайдиган ўша қочиб қутулиш эҳтиросини тамомила қутуртириб юборган эди. Қиши қандай бўлишини билмайдиган Юқори Сазанга не қилиб бўлса-да, жойлашиш фикри бутун борлигини қамраб олганди. Муродбей билан энди билсак, тоғда, ҳатто, қушлар ҳам учмайдиган кунларда Бўзовадан Юқори Сазанга турли-туман мактублар ва ҳадялар почта орқали учирилган экан, яъни бизни бу ишлардан ғофил қолдиришган эди. Мен факат бир неча марта Юзбошига уруглик келганидан хабар топган эдим. Лекин Ойшага ҳам совғалар ва яширин мактублар жўнатилган экан.

Муродбей билан бир-биримиздан: «Не қиласиз?» — деб сўраймиз. Фарҳодни Ойшага уйланиб, Юзбошининг қўрғонига ва ерига жойлашиш фикридан ҳеч нарса қайтара олмайди.

Юзбоши яна қанча яшави мумкин? Агар келиша олмасак, чиқиб кетамиз, бироқ қандай қилиб бўлса ҳам, у билан келишув йўлини топаман, дейди...

Муродбей мендан мадад кутиб:

— Бу йигит далиллик борасида мени мот қилди... Не ҳам қиласардик, айтганини қиласиз, — дейди.

Фаттоҳни ёнимизга олиб, Юзбошиникига совчиликка бордик. Айтганимдек, олдиндан барча тайёргарлик ишлари бажарилгани учун, иш хамирдан қил суургандай битди, бечора: «Майли, мен ундан яхшироқ ўғил топармидим?» — деди. Шурлик Фарҳод натижа шундай бўлишини олдиндан билган бўлса-да, юраги пўкиллаб утиради. Жужун-часининг чўнтағидан иккита нишон узуги чиқарганини кўрган заҳоти, ҳожолаб кулиб юбордик. Муродбей ҳар доимгидай, уни қўлларидан силталаб: «Юзбоши сени ҳайдаб юбор-

са, бу узукларни не қилган бўлардинг, Фарҳод?» — деб сўради. У замгин илжайиб: «Не ҳам қиласдим? Икковини ҳам бармоғимга устма-уст тақиб, беваман деб юраверадим!» — деди. Узуклар шу куниёқ тақилди, тўй келаси баҳорга қолдирилди.

\* \* \*

Лайлакўғли қалъасига бу йил гузал мавсумдан ташқари, бошқа фойдали нарсалар ҳам насиб бўлди. Муродбей Анқарада касалхонада ётган вақтларида ҳам Юқори Сазан учун очган кампаниясини тўхтатмаган эди. Анқарада, кейин Бўзовада расмий идораларга мурожаат қилган, айни вақтда Анқара, Истанбул ва бошқа вилоят марказларига Юқори Сазанга ёрдам кўрсатиш ҳақида мактублар ва турли илтимосномалар жўннатган. Бу сафар Юқори Сазанга катта-кичик ёрдамларнинг кети узилмаётгани кўп яхши бўлди.

Муродбей болалардек қувониб:

— Яна келади, — деди, — бир Сазанга ёрдам қилиш билан барча Сазанликларни қутқардим дея вижданларини юпатадиган яхши инсонлар йўқ эмас дунёда... Идораларнинг принципи ҳам шундай эмасми? Бир шаҳарчанинг кўзга ташланадиган жойида ўн икки ўринли болалар қасалхонаси курдик... Ватан фарзандларини қандай қутқарганимизни кўряпсизми?.. Энди оёқни узатиб, маза қилиб ухлашдан бошқа иш қолмади...

Бундан ҳам муҳимроғи шуки, расмий идораларда ҳам Юқори Сазан мактаби ва қишлоғининг нуфузи ортган эди.

Еб-ичишидан қайгу йўқ. Қиши менга: «Фоғил қолдим!» таронасини такрор айттирадиган кунлардан қўрқмасам, ҳолимиз бундан ҳам яхшироқ бўлган бўларди.

Муродбей билан ҳар доим икки Сазан даъвосини эслаймиз. У гапиради, мен доимо жим ўтириб тинглайман. Фаттоҳнинг бу тепалиқдан Қуйи Сазанга йиртқич қушдек тикилишини этларим тиканак бўлиб кузаттган кечадан ва икки Сазан орасидаги хун даъвоси ҳикоясини айтиб бериш учун мени ўша кўримсиз форга олиб борган кундан эътиборан мен бошқача одамга айланган эдим. Ҳеч кимса, ҳатто, Фаттоҳнинг ўзи ҳам менинг Юқори Сазанликка айланганимни билмайди, бўри одамларнинг руҳияти менга

ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Калламни қандайдир хуфия тариқат сири билан тұлдириб, тақа-тақ қулфлашган. Болаларни Бұзовага ташлаб қайтганимдан сүнг Лайлак ўғиллари қалъасида танхоликда ўтказган узундан-узоқ кечаларда қўлим расм чизар экан, калламда фақат ўша гап бўлган, менга таъсир этганини айтганим, янги руҳият аста-аста ривожланиб, бутун борлиғимни қоплаган эди. Ҳа, энди мен улардан бириман. Фарқимиз шуки, биргина мен тариқатнинг бошқа қўлига мансубман. Уларни ҳеч қачон сотмаслигимга шубҳа йўқ. Бироқ ўзим тарафдор бўлган томоннинг барча дард-аламлари ва исёнларини ҳис қилган ҳолда, бу икки ҳудуд орасида бир куни албатта қўпадиган қиёматнинг ўртасига ҳаммасини тўхтатадиган Сулҳ пайғамбари каби отилиб киришнинг чорасини қандай топиш мумкин?

Шунинг учун бўлса керак, фақат Бузовадан қайтган кичик қароқчиларгина эмас, мактабдаги бошқа болалар ва мактабнинг ўзи ҳам назаримда ва кўнглимда иккинчи ўринга ўтиб қолган, ҳатто, йўқдай эди. Мен энди болаларнинг қалбига эккан уруғлари, ким билади, қайси узоқ келажакда униб чиқиши ва мева беришини кутиб ўтирадиган мактаб ўқитувчиси эмасман, бир-бирига чегарани ёпиб қўйган икки қардош Сазан орасидаги бу тепада ёлғиз ўзи кузатувчилик қилаётган навбатчи аскар, улар орасида эртами-кечми рўй берадиган қиёматда умридаги энг катта жангга ҳозирланган жангчиман.

Муродбей сўйлар экан, мен Юқори Сазаннинг хафа одамлари сингари, бошимни ён томонга бураман ва жим ўтираман. У менинг ўзига пинҳон ягона тарафдоримдир. Лекин у кўнглимдан ўтганларни сирли сезирлик билан пайқагандай:

— Бу қардош қотилларнинг олдини тўсиш учун нима қилмоқ керак? — деди. — Бу тоғ пайдо бўлибдики, унинг одамлари ўз ҳаётини ўзлари ташкил этганидек, ўз урғодатларига ҳам ўзлари риоя қилишади.

Ер жанжаллари, хотин жанжаллари, мол-мулк ва, билмайман, яна қанақа жанжаллар бўлмаган бу оролларда... Кейинчалик бу ерларда катта-кичик давлатлар пайдо бўлди. Уларга: «Қўриқлаш вазифаси ҳам, адолат ўрнатиш вазифаси ҳам энди менда», — дейилди. «Бундан кейин бу ишларни қилишга уринсанг, жазоланасан!» — дейилди. Қан-

дай гўзал! Бундан кейин эшик ва қуролнинг не кераги бор? Оёғингни узатиб, айшингни суриб ётавер!.. Аммо бу гапларни айтганларнинг ўzlари ҳимматга муҳтож боболар эдилар. Янглиш, пала-партиш тадбирлари билан бу ишнинг уддасидан чиқа олмадилар, қилган ишларининг жуда кўпини ёмон бажаришди, янглишдилар, хато қилдилар. Қуий ва Юқори Сазанда заҳар-заққумга тўла қат-қат конлар пайдо бўлди. Вақти-вақти билан Сазанларда томири бу конлардан сув ичадиган заҳарли мевалар етишди. Адолатга путур етиши,adolatning chala-chulpa bўliishi uning xech bўlmasligidan-da қўрқинчли ва taхлиkaлиroқdir, Умар.

\* \* \*

Бўзовада иккинчи қиши анча юмшоқ келди, қорни фақат қаршидан ва узоқдан бизнинг Юқори Сазан тогининг тепасида кўрган водий қишлоқлари ҳеч қиши кўрмай баҳорга чиқиши умидида эдилар. Бироқ февралга келиб, қаҳратон қиши яна кучини кўрсатди. Бунинг устига қиши кўпроқ водийни ўз забтига олган эди. Биз Юқори Сазаннинг ҳеч кам бўлмайдиган қорлари ичидан водийни, кучли бўрон остин-устин қилган бир дengizdай, томоша қиласиз. Лайлакўфиллари қалъасида ҳам, қишлоқ кулбаларида ҳам бу йил унчалик қаҳатчилик йўқ. Лекин бу гал ҳам, ўша сизга айтганим, даҳшатли касаллик устимизни босди. Ўлим кўпайгандан-кўпайганини кўриб, чидай олмадим. Бултур қишида доя қидириб Қуий Сазанга тушганим сингари, бу қишида доктор излаб Тўрғайга боришни ўйладим. Бу жуда машаққатли йўл. Бироқ Муслимининг Уммихони менга унчалик қийинчлилик тортиirmай, бу ергача олиб келди. Ўтган йили тойчоқлигига Уммихондан катта умидлар қилгандим, умидларим пучга чиқмади.

Эртагим шу ерда ниҳоясига етди, доктор. Эртага сизни Уммихон тоққа олиб чиқади.

\* \* \*

Тўрғай доктори болалардек қувониб, Умарни қучоқлади, ҳаяжондан овози бўғилиб:

— Қанақасига?! Уммихон шу ердами? Демак, мени Юқори Сазанга у олиб борар экан-да? Ундан кейин Муслимини

ҳам кўраманми? — дея илова қилди ва буларни сўзлар экан, қаттиқ, қиссан кўзларидан бир нечта томчи ёш сизди.

— Яна йиглаб, шарманда бўлишдан чўчиётганим йўқ. Лекин энди бутунлай бошқа нарса учун йиглајпман. Бу худди эртакка, тушга ўхшайди, Умар. Ҳамма ҳам туш кўради, уйғонади. Менинг тушим уйғонганимдан кейин ҳам давом этадиган бўлди. Демак, мен ҳам икки кундан кейин шу эртакнинг қаҳрамонлари орасида бўламан. Мен ҳам энди сизларданман. Лайлакўфиллари қалъасида тунайдиган бир неча кечада бўри одамнинг улиганини ўз қулоқларим билан эшитаман. Мени мана шу нарса ҳаяжонлантиряпти.

## ЭРТАКНИНГ ОХИРИ

Юқори Сазанда учинчи куз... Лайлакүғиллари қалъасида катта ўзгаришлар содир бўлган. У энди бутун туриш-турмуши билан Бўзова қишлоқ мактабларидан унчалик фарқ қилмайди. Ҳатто, айримларидан кўра бойроқ ва кўркамроқ. Муродбейнинг таъбири билан айтганда, мактабга каттагина лотерея ютуғи чиққан ва бу ютуқ унинг газеталар орқали кутарган шов-шуви мевасидир. Тоғ бошидаги қароқчилар қалъасида Америка гангстерларидан ҳам ўтиб тушадиган кичкина қароқчилар билан ташкил этилган мактаб, қаттиқ қишлоарда чор тараф билан алоқалари узилган, қўрқинчли қоялари ва жарликлари билан ҳақиқатан ҳам Ой мамлакатига үхшаган, бизнинг дунёмиздан четда қолган Юқори Сазан тоғи, кўрсичон уяларидан фарқ қилмайдиган ертулаларда яшайдиган, оч қолди дегунча пичноқ ва болта кўтариб, тоғдаги бўри галаларига ҳужум қилган, қор босган тупроқни злаб, ейиш учун ҳашарот излаган одамлар, бир қўрғонда Султон Ҳамид томонидан берилган унвон ва нишонларни тақиб юрадиган, ёлғиз ўзи жаз оркестри барпо этган ёғочоёқ мусиқачи Юзбоши ва яна анча нарсалар...

Буларнинг ҳаммаси Муродбейнинг ҳануз усталик билан давом эттираётган қизиқиши йиғотувчи рекламаларидир. Булар фақат хаёлпараст ва саргузашт ишқибозларигагина эмас, жиддий давлат идораларига ҳам озмикўпми ўз таъсирини ўтказган. Яна Муродбей айтганидек, «йўл қулай ва яқин бўлса», Улутоғ ва Абант каби, бу ерларга ҳам туристлар келиши мумкин. Америкага қочиш учун кема омборхонасига яширинишнинг уддасидан чиқа олмаган болалар ҳозирданоқ келиши мумкин. Қуйи Сазан йўли доимо ёпиқ бўлгани учун, Фариллар устидан ора-

сира карвон булиб бозорга тушган аёллар сотадиган тўр, белбоғ, пайпоқ каби майда-чуйда қўл ишлари «Сазан иши» дея харидоргир бўлаётган, ҳатто, водийнинг бошқа айрим қишлоқларида гилар ўзлари туқиган нарсаларни ҳам «Сазан иши» деб Бўзова ва бошқа жойларда сатаётган эдилар.

Хуллас, Лайлакўфиллари мактабидаги фаровонлик қишлоқдаги кулбаларга ҳам бир оз таъсир утказган эди. Бу «бир оз» Юқори Сазан учун арзимайдиган нарса эмас. Шу қадарки, ҳатто, қиши машиқатлари ичида ўз дарди билан бўлган ва юмшаган одамларни бу арзимаган фаровонлик ҳашамати яна йўлдан оздира бошлаган эди. Сокин кечаларда бури одамнинг улишлари яна-да тезлашгани ва кучайгани бунинг энг ёрқин далилийdir. Бунинг яна бир сабаби шу баҳорда юз берган қиз олиб қочиш воқеаси эди. Аслида, Қора оиласига қариндош бўлган бу қиз ўзи кўпдан буён севадиган Қуий Сазанлик йигитнинг ёнига ўз ихтиёри билан қочиб кетганди. Қиз, шу билан бирга, Қуий Сазанлик ошигининг қариндоши ҳам эди. Икки Сазан қишлоқлари орасида бирбири билан узоқ-яқин қариндошлиги бўлмаганлар йўқ ҳисоби. Лекин икки ёш орасидаги бу можарода Юқори Сазан Қуий Сазанни айбдор деб топган эди. Зотан, ўзаро чегараси тақа-тақ ёпилган ҳудуднинг у томонидан бу томонига бир қўй ўтса-да, ёки шунга ўхшаш бирон воқеа юз берса-да, икки Сазан худди суиқасд қилингандаи, қарши томон жангга чорлагандай қутуриб, ёқа буғишган. Бир куни саҳарда бўғасини қўлтиғига қисиб, тоғдан тушган қизни уч нафар Қуий Сазанлик йигитнинг дарёдан кечиб, юқори йўлда кутуб олгани чегара можароси тусини олган эди. Бу майдонга чақириш ҳаракати Юқори Сазанликларни қутургирмай қолмасди. Бироқ аламзада одамлар ҳар доимгидан босиқ ва тинч туришар, Умарни худди мана шу турғунлик чучитаётган эди. Фаттоҳ билан Дурсун ҳам яна ўз қобиғига бекинган, кекса оқсоқол яна ҳеч нарса эшитмаётган ва тушунмаётган қиёфага кирганди.

Умар баъзи тунлари бури одамнинг ҳар доимгидан қўрқинчлироқ, товуцда улиганини эшитиб, тушақдан турар, туғри қораболталикларнинг қўргони томонга йўл оларди. Кўзга ташланмаслик учун қўргонга жуда яқин бормасди. Аммо қўргон олдидағи майдон олдингисидан кўра тирбанд эканини, юқори-

Фариблар йўлида қатнов кўпайгач, бу туннелни бир оз тузатиб, кенгайтиришган эди. Шундай бўлса-да, бирининг орқасидан иккинчисининг навбат билан туннелдан эмаклай-эмаклай ўтиши катта ҳаяжон уйғотди.

\* \* \*

Лайлакўфиллари қалъасининг майдончасида кўпгина ўқувчилик ва қишлоқликлар кутиб туришарди. Уларнинг олдида яна муҳташам формасини кийган ва улуғ кунларга хос ҳаяжонга тушган Юзбоши туради. Бир йилдан бери болаларга бир нечта мусиқа дарси берган Уққош афанди Истиқдол маршини ҳам тайёrlаган эди.

Тоғдаги бир ҳафта кутилганидан ҳам зиёда завқ-шавқли ва бадастир бўлиб ўтди. Шарқ томондаги тоғларнинг бир оз қия нишабликларида сайлар, ҳатто, маҳаллий ўйинлар ташкил қилинди.

Юзбоши, Фарҳод ва Дўна опанинг қурғонларида оқшом сухбатлари ўтказилди.

Эсма Гунэйли ҳам доя билан Юзбошиникда меҳмон эди. Дўна опа ва Зайнаб билан бирга аёллар куни бўйи мактабда бўлишарди. Маориф мудири мактабни жуда ёқтириди. Умар ва айрим болалар чизган расмлардан Бўзова марказий мактабида кургазма очишни таклиф қилди. Буни унга Эсма Гунэйли уқтирган эди.

Юқори Сазанда Эсма Гунэйли ҳар нарсадан болалардек ҳайратта тушарди. Умарнинг деворлар ва дафтаридағи Юқори Сазан расмлари, худди доктордаги каби, унда ҳам бир эртак ичида яшаш иштиёқини уйғотган эди. Эсма Гунэйли хонага ҳар кирганида болаларнинг расмлари орасидаги сувбўёқда солинган ёш қизнинг расмига узоқ тикилиши, нариги расмлар ҳақида савол берса-да, бу қизнинг ким эканини сўрамаётгани Умарнинг эътиборини тортган эди. Бугун Зайнаб ва Муродбей ҳам хонада эдилар. Зайнаб маънодор табассум билан:

— Ажабо, бу гузал қиз ким? — деб сўради.

Муродбей:

— Умарнинг севгилиси, — деди.

Зайнаб дарҳол ишонди. Эсма Гунэйли бўлса, факат бошини эгди. Умар изоҳ беришга мажбур бўлди:

— Ёнидаги шу қизалоқнинг расмларига дикқат қиласаиз, уни таниб оласизлар. Ўша қизчанинг ўзи бу. Ўн беш яшарлик чоғидаги расми... Бу беш йил олдин Бўзова станциясидан ўтаётганимда танишган кичкина қизча... Бир байдарум куни эди. Бирга айландик. Бир неча соат ота-бола бўлдик... Ўшандан кейин уни бошқа кўролмадим. Лекин йиллар ўтавергач, «Энди етти ёшга тўлди... Тўкқиз ёшга тўлди!» деб ўйлайвердим ва бу ёшларида қандай бўлиши мумкинligини кўз олдимга келтириб, бу расмларни чиздим.

Эсма Гунэйли:

— Энди қаерда экан у, ажабо? — деб сўради.

Умар қулимсираб:

— Балки фақат шу расмда қолгандир, — деди, — жуда қашшоқ, ҳеч кими йўқ эди... Вафот этган бўлиши ҳам мумкин... Анифи шуки, мен шу қизалоқ туфайли бу ерга келганиман... Ўша кечаси Қуий Сазандаги кичкина қароқчиларга боғланиб қолишим ҳам, балки, у туфайли бўлган. Бўлмаса, бир-икки кундан кейин Бўзованинг бир чеккасидан чиқиб кеттан бўлардим. Ким билади, қаердага кетган бўлардим?

Эсма Гунэйли ҳаяжонга тушган эди:

— Энди уни Бўзовадан излаб топиш менинг чекимга тушади, шекилли, афандим, — деди.

Эсма Гунэйли Қуий Сазандан болаларга совалар юборгач, Умар ҳам унга мактублар ёзган ва бу мактубларда борган сари дилида борини тўкиб соладиган бўлган эди. Бу ерда сухбат давомида Умар Эсма Гунэйлининг нега Қуий Сазандан кетганини билиб олди.

Гунэйлини Қуий Сазанлик бир юзбошига унаштиришганди. Уларнинг бир оз қариндошлиги ҳам бор эди. Юзбоши шарқда хизматини битириб қайтганидан сунг тўйлари бўлиши керак эди. Лекин у Қарсда бошқа қизга уйланган ва бола-чақали бўлган. Эсма Гунэйлининг Қуий Сазанини ташлаб кетишига ва бўзовалик янги доя каби, идеални танлашига сабаб шу эканини Умар тушунган эди.

\* \* \*

Юқори Сазанда ҳафта жуда соз ўтди. Бироқ меҳмонлар кетишига бир кун қолганда ҳаво айниди, тоб бирданига булут ва ёмғир ичида қолди. Ёз бўлгани учун бу нари борса

бир-икки кун давом этадиган жала эди, холос. Меҳмонларнинг бир қанчаси, ҳали тоққа тўймаган альпинистлар тоғнинг бу қиёфасини ҳам кўрганликларидан ғоят мамнун бўлдилар. Сурункали ёмғир тўхтаган вақтларда яна сайр қилишга кетишарди... Кейин ёмғир остида балчиқ кечиб, қичқиришиб-ҳайқиришиб Лайлакўғиллари қалъасига қайтиб келишарди.

Иккинчи куни жала янада кучайди ва қалъа яна бир марта Нуҳ кемасига айланди. Бу гал томлари ва деразалири ёпилган, катта фонуслари чараклаган, озиқ-овқати мул, деярли ҳеч бир камчилиги бўлмаган бадастир ва замонавий Нуҳ кемаси эди... Қалин туман ва булувлар остида кўринмаётган водийга ёмғир чандон ёғаётгани тушунарли эди. Юқори Сазан яна бошқа ёқлардан ажралиб қолган алоҳида бир дунё ҳолига тушганди.

\* \* \*

Иккинчи кун оқшоми жала қуйгани учун аёллар қўргонларига қайта олмадилар. Ҳаммаси бирга тунлаши учун, уларга мактабнинг бир хонасида тўшаклар ҳозирланди. Юқори Сазанда бунақа жала ҳеч кўрилмаганди. Шу кетища, қишлоқ балки тонггача дош бера олмаслиги мумкин эди. Султон Ҳамидга мафтункор куйлар чалган Юзбоши бу ерда ҳам кларнетини қўлидан қўймас ва Бўзова спортчиларини тўхтовсиз ер тептириб ўйнатарди.

Ярим тунга яқин ташқаридан ғалати бақириқ-чақириқ саслари кела бошлади. Аввалига қишлоқ қулбаларини сув босган бўлса керак, деб ўилашди. Лекин бундай бўлиши мумкин эмас. Ёмғир тинган, овозлар яхши эшитилар, улар қўрқинчли ва даҳшатли товушлардан кўра, купроқ ҳаддан ташқари қутурган ҳалойиқнинг ваҳшиёна ҳайқиришларига ухшарди. Сўнг қишлоқ ичидаги қояликларда машъалага ўхшаш оловлар ҳаракатга кела бошлагани кўринди.

Умар бир нечта киши билан ташқарига отиди. Дарҳол қишлоқ томонга югуришди.

Аммо Ҳожи Рустамнинг қаҳвахонаси томонда ҳам машъалалар борлигини кўргач, ўша томонга бурилишди. Қаҳвахона олдида митингга келгандай тумонат ҳалойиқ қайнар, одамлар ақлдан озгандай: «Оллоҳ, Оллоҳ!» дейа ҳай-

қиришиб, чироқлар нури остида бир-бирини қучоқлаётгани, бор бўйи билан ўзларини балчиқча ташлаётгани кўринди.

Умар даҳшатта тушди. Қалъада кечалари ёлғиз ўтирган вақтларида эшитгандай ва кўрингандай бўлган, уни ўрнидан иргиб туришга мажбур қилган нарса шу эди. Лекин ҳозир бундай ҳодисанинг на вақти ва на жойи эди. Бир оз оддин ўзи билан қалъадан чиқсан Фаттоҳни қаҳвахонадаги халойик ичидаги кўриб, ҳайрон бўлди ва ўзи ҳам ўша томонга юрди. Қаҳвахона тұла эди.

Доимо Ҳожи Рустам ўтирадиган ўриндиқда узун оппоқ соқолли чол ўтиради. Йиқилиб тушмаслиги учун уни икки ёнидан икки киши қўлтиқлаган. Балчиқча беланганд ярим яланғоч бир киши чолнинг оёғи осида кўксига муштлар, қўрқинчли овоз билан: «Куйи Сазаннинг ҳаммаси йўқ бўлди, Ота... Оллоҳ, ўчимизни олди. Энди енгил тортавер!» — деб ҳайқирап эди.

Умар биринчи марта кўриб турган кекса бури одам ўзини ерга отди, сўқир кўзларини олайтириб, улий бошлади.

\* \* \*

Куйи Сазандан икки киши хабар келтирган эди. Улар Юқори Сазанлик ўрдак овчилари эдилар. Улар келтирган хабарга қараганда, Куйи Сазанни сел босган. Бу қишлоқни Бўзованинг энг бой қишлоғига айлантирган сув саккиз-үн йилда бир марта унга қалтис ҳазиллар қилиб қўярди. Дарё бирданига тошиб, тош йўлнинг кутармаларидан ошиб утар ва Сойбўйи маҳалласи ҳамда бозор кўчаларига анчамунча зарар етказарди. Лекин бу гал тошқин икки томондан бостириб келган, айниқса, Қуртбўған<sup>1</sup> қоялари томонидан отилиб тушиб, қишлоқни ўртасидан ва орқасидан урган иккинчи тошқин жуда фалокатли бўлган эди.

Узоқларда тўп отилганга ухшаш гулдурос товушлар эшистилгандан кейин, тошқин босиб келган ва қишлоқнинг уйжойлари, боғу роғлари бамисоли дengiz қаърида қола бошлаган эди. Куйи Сазанликлар: болаларини опичлаган хотин-халаж, эркаклар, кексалар ва касаллар тепалиқда жойлашган қабристонга тирмашаётгандилар. «Куйганота» мас-

<sup>1</sup> Қуртбўған — маъноси: аконит, парпи (доривор ўсимлик).

жиди минораси дарз кетган. Пастлиқда жойлашган орқабоғликларнинг аҳволи янада ёмон эди. Боғларни қўққисдан сув босгани учун кулбаларида ўтирган кишилар қочишга улгурмай, бола-чақалари билан томларга чиқиб олишганди. Мол-ҳолдан кура, фарқ бўлиб ўлган кишилар кўпроқ эди. Ташибаридан ёрдам келмаётганди. Босиб тушган томлар остида қолганларни чиқариб оладиган кимса йўқ эди.

Бу хабар Юқори Сазани бирданига қутуртириб юборди. Улар бу боғларда яшайдиганларни, айниқса, ёмон кўришарди. Чунки ҳақиқий душманлари ўшалар эди. Демак, узоқ сукутдан кейин Тангри золимларни ўлдиришга қарор қилган. Бутун дунёдангина эмас, худодан ҳам хафа бўлган одамлар ҳозир ўзларини ерга ташлаётган, юзлари, соchlari балчиқда беланиб, дуолар ўқиётган эдилар. Хабар келтирғанлар ўзларининг ишончли одамлари, агар улар келтирған хабар тўғри чиқмаса, тошбўрон қилинишларини билар эдилар.

Қоронги кечада ва ёмғир остида ҳеч нарсани кўра олмаслигини билсалар-да, бир қанча одамлар Қуий Сазан кўринадиган бурун томон чопишиди. Дарёning нариги томонида у ер-бу ерда катта-кичик оловлар кезиб юради. Булар жонларини ва бола-чақасини қутқариш учун чопаётган Қуий Сазанликлар ёққан машъалалар бўлиб, фалокатнинг ҳақиқатан ҳам катта эканлигидан далолат берарди.

Бошқа бир тўда бўлса, қораболталиклар қурғонига чопган, бўри одамни кўтариб, Ҳожи Рустамнинг қаҳвахонасига келтирған эди. Узун оппоқ соқолли, сўқир кўзи олайган чол энди бу ваҳший туданинг байробига айланганди. Қаҳвахонадан ташқарида бу қасос пирининг оёқларига йиқилиб, у билан бирга бўридай улиш учун бир-бири билан ёқа бўғишаётган одамлар ҳам бор эди.

Умар, Муродбей ва доктор қаҳвахонанинг бир четида туришарди. Муродбей ҳаяжондан бўғилаётганга ўхшарди. Умарнинг қўлинин қисиб:

— Бу тепаликнинг деворлари орқасидаги қадимий шаҳарнинг кечаги ҳаётини тасаввур этган кечамиизда иккавимиз ҳам туш кўрмаган эканмиз, — деди. — Кўряпсанми, шу лаҳзада қирқ-эллик аср олдинги тарих ичига тушиб қолгандаймиз, Яҳве кўқдан оташ ёғдириб ёндириган, кейин сувга фарқ бўлган Лут шаҳрини томоша қиляпмиз. Улар-

нинг душманлари ҳам худди шунақа ваҳший ва ёвуз қувонч ичида иргишилаган бўлсалар ажаб эмас.

Қаҳвахонанинг олдида одамлар кўпайгандан-кўпаймоқда эди. Бир оғиздан қурқинчли такбирлар айтиб, ўзларини ерга ота бошладилар. Шунда улар орасида оёқда типпатик турган уч кишини тўсатдан пайқаб қолиши. Оломон ичидан кимдир: «Буларга бизнинг орамизда нима бор?» — деб бўкирди ва поданинг ғазаби шу онда уларга қаратилди. Ораларида Фаттоҳ, ҳам бор эди. Умарнинг шундоққина бикинида турарди. Хиралашган душман кўзи ва саси билан: «Сиз бу ердан кетинг!» — деди. Умар сукунатни бузмасликка уринди.

Лекин Муродбейни бот-бот хуруж турадиган тутқанофи тутиб қолганди, ўзини йўқотиб: «Йиртқичлар, қотиллар!» — деб ҳайқирди. Бунинг оқибати жуда ёмон бўлиши мумкин эди, қисилиб қолгани учунми, ёки ғазабнинг кўпириши сабаблими, неданлигини тушуниб бўлмайдиган бир тўлқин оломонни уларнинг устига сурди.

Умар билан Фаттоҳ, юзма-юз тўқнашиши. Умар уни икки қўли билан елкасидан азот кутариб, шиддат билан орқага улоқтириди ва Фаттоҳ, билан бирга бир нечта киши бир-бирининг устига йиқилди.

— Йўл беринг!.. Биз бола-чақанинг ўлганидан қувона-диганлар билан бир бўлолмаймиз энди. Ҳозироқ биз Юқори Сазани тарк этамиз.

Унинг овози ва авзойи шу қадар амрли эдикি, шовқин ва ҳаракат бирданига тўхтади. Умар Муродбей билан докторни олдига солиб, ташқарига чиқарди. Такрор ёға бошлаган ёмғир остида орқага қайрилиб ҳам қарамай, юриб кетишиди.

\* \* \*

Қалъага келган ҳамоно Умар эшиқда кутиб турган Муслимни ёнига чақирди. Чирик Али, Зайнал ва Чўма билан ҳозироқ йўлга тушишларини айтди.

Уч дўстнинг ичи шу қадар заҳарга тўлиб кетган эдики, қаҳвахонадан қалъага қайтиб келгунларигача бир оғиз ҳам сўзлашмадилар. Муродбей:

— Қаёққа? — деб сўради.

— Қуий Сазанга...

— Тоғдан кетамиз деганимиз учунми?

— Йўқ... У, нима бўлгандаям, оғзимииздан чиққан бир сўз... Балки, Қуий Сазанга бирон ёрдамимиз тегар...

— Қанақа ёрдам?

— Кўрайлик. Олдин у ерга борайлик-чи...

Умарнинг турт нафар болага қилдириган ҳозирликлари бўзовалик спортчиларни ҳаяжонга солди:

— Биз ҳам борамиз, — дейишди.

Муродбей:

— Мен ҳам, — деди.

— Сизга тўғри келмайди, Муродбей.

Доктор ҳам миқ этмай, тайёрлана бошлади. Умар сураган чоғда:

— Бу менинг бурчим эмасми, Умар, — деди. — Ахир, буни менга ўзинг ўргатмаганмидинг?

Умар спортчиларга ҳам, иккала дўстига ҳам ҳеч нарса демади. Лекин ёмғирпўш кийган Эсма Гунэйлини орала-рида кўриб ҳайрон бўлди ва буюрди:

— Сиз бормайсиз...

Қиз хафа бўлиб:

— Ундан бўлса, бир ўзим кетавераман, — деди. — Қаёққа бориш ўз ихтиёrimда эмасми? Қуий Сазанда бир тўда ўқувчиларим бор.

Лекин уни кутаётган болаларнинг бошида елкасига арқон ташлаган Фаттоҳ билан Дурсунни кўриб, Умар бундан-да кўпроқ ҳайратланди.

Фаттоҳ аскарчасига салом бергач:

— Тайёrmиз, зобитим, — деди холос.

Бир-бирига бошқа ҳеч нарса демадилар.

Ҳаммаси бирданига йўлга тушишди. Улар турна қатор бўлиб қаҳвахонадан бир оз узоқроқдан утаётганларида, бақир-чақирлар ва такбирлар ҳануз давом этаётган эди. Эсма Гунэйли Умарга:

— Бу қандай кин, ё Раббий! — деди. — Бу инсонийлик-ка ярашадими? Неча асрлардан буён қўлни қўлга бериб, қон ва олов кечиб, душманларни ютидан қувган кишилар шуларми? Қўрқяпман, қўрқяпман.

Умар худди боланинг саволига жавоб бергандай:

— Яна қувадилар, яна қувадилар, құрқманг, — деди. — Боягина Фаттоҳ мен билан душман эди. Қаранг, энди ҳам-мамиздан олдинда кетяпти.

Шунда Эсма Гунэйли түрт йил олдин Сазанлар орасыда булған құрқинчли жангни, күчаларга баррикадалар қурилғанини айтиб берdi. Умар жиddийлашиб:

— Агар бу сув кечаси юз бермаганида, үша айтганин-гиздан ҳам құрқинчлироқ қон кечасини күрган бұларми-дик, деб құрқардим, — деди. — Ҳар ҳолда бунинг олдини ҳеч нарса билан олиб бұлмасди, шекилли.

\* \* \*

Шимоли-шарқда бир тепа ва тепаликнинг устида кенг ботқоқликдан фарқ қилмайдиган кичик күл бор эди. Күл ёмғир-селлар остида бир неча йилда бир тошар ва атроф-да майда-чуйда фалокатларга сабаб бўларди.

Карвон Сазан дарёси соҳилига тушган вақтда тонг оқара бошлиган эди. Юқори Сазандан олиб келинган арқонларни бир-бирига боғлаб, дарёга тушдилар, бир-бирига кўмаклашиб ва қўлларидағи ходаларга суюниб, жуда қаттиқ оқаётган оқимга қарши туришга уриндилар. Лекин бу жуда мушкул иш эди. Ораларидан биронтаси оқимга дош беролмай, оққудай булса, наригилари бор кучлари билан оёқ тираб, уни орқага тортиб олишарди. Бир гал турттаси бирданига тойиб кетди. Шунда қирғоқдаги спортчилар, биргалашив түр тортган балиқчилар каби, уларни қирғоққа чиқариб олишди.

Бир марта, ҳатто, умидлари узилганда ҳам бўлди. Ниҳоят, энг олдинда бораёттан ва узун арқон билан Умарга боғланған Муслим оқимнинг йұналишини үзича ҳисоб-китоб қилиб, дарёning уртасида, бир шох ташлаганда, үзини сувга ташлади. Оқим уни анча сурини кеттанидан сунг, дарё устига осилган бир катта бутага ёпишиб, қирғоққа чиқиб олди.

Шу тариқа рўпарадаги соҳилга чиқиб олинди, энди кечув унча мушкул бўлмасди. Сув устида арқон билан икки қирғоқни бирлаштирган кўприк ҳосил қилишди. Спортчилар учун арқонга ёпишиб нариги соҳилга ўтиш чут эмасди. Умар Муродбей ва ундан ҳам кўпроқ Эсма Гунэйли учун ташвиш тортаётган эди.

Фаттоҳ билан Умарнинг қўллари устида ва қучорида кечувдан ўтиш Муродбей учун қийин бўлмади. Ундан кейин Умар ноилож Эсма Гунэйлини олишга қайтди. Ҳа, бу сафар унинг бошқа иложи йўқ эди. Қиз Муродбей каби, ечинмаган эди. Бильакс, худди эгнидан тортиб олишадигандай, ёмғирпўшига янада қаттикроқ, ўралиб, қирғоқда кутиб турарди. Умар уни, Муродбей сингари қучорига олмади, мушук боласидай опичлаб, бўйни ва соchlаридан маҳкам ушлаб олишни уқтирди. Орқаларидан келаётган Фаттоҳ, бир қўли билан уни белидан кутариб олганди.

Юқори Сазандан ёрдамга келишаётганини эшишиб, улар чиққан соҳилга бир нечта киши югуриб келди. Ораларида Усмон ҳам бор эди. Аввалига Умарга аскарий салом берди, сўнг унинг талпинганини кўриб, бағрига отилди. Усмон билан Фаттоҳ, олдинига бир-бирини кўрмаганга олдилар. Умар икковини ҳам ёнига чақирди, иккаласи ҳам, боладай, бошларини ҳам қилишди. Фаттоҳ: «Оллоҳ, мушкулингни осон қиссин, Усмон» — деди. Усмон: «Омон бўл, Фаттоҳ» — деб жавоб берди.

Умар уларнинг қўлларини бир-бирига бердирмоқчи бўлди. Улар ундан ҳам яхширошини қилдилар, бир-бирини жимгина қучдилар.

Тошйўлни сув босганди. Машалидан ёрдамга келган иккита юқ машинаси шу сабабли анча тепада қолиб кетганди.

Сойбўйи маҳалласидаги уйларнинг эшиклари ланг очик, ва жим-жит. Кеча тунга яқин барча уйлар ташлаб кетилган, аҳоли қишлоқнинг энг баланд жойи бўлган қабристон тепалигига кўчиб чиққан эди. Бозор маҳалласида ҳам одам кўринмасди. Машҳур майдон қаҳвахонаси ўз жойида, қишлоқ эркаклари ташкил этган кўмакчи гурухларнинг қароргоҳи вазифасини утамоқда.

Бу сафар гурухларнинг бошида Машали ҳокими билан ўша ерлик жандарма бошлиги ва уч-бешта жандарм бор эди. Туманнинг янги доктори Юқори Сазандан тушгач, гурух таркибан тузиб бўлинган эди. Омадни қарангки, бу гал телефон ишлаётганди. Лекин шу чоққача Бўзова вилоятидан буйруқдан бошқа ёрдам келмаган эди.

Зотан, бу вазиятда шўрлик Қуи Сазан бериладиган ёрдам ҳақида ўйламаётган ҳам эди...

Ҳозирча кўп қурбон берилмаган. Бироқ ҳануз кетмакет қўрқинчли тўплардек гумбурлаб йиқилаётган тўғондан чиққан сув икки тепалик орасидаги ёриқдан шаршарадай отилиб тушаётган, қишлоқнинг урта ва орқа маҳаллалари ғарқ бўлишда давом этаётганди. У ердаги одамлар ҳам эшик табақаларини замбил ўрнида ишлатиб, кексалар, касаллар ва болаларни, майдა-чуйда ашёларини тепаликдаги қабристонга ташишганди. Кўчаларда том бўлаклари, эшиклар, столлар ва бошқа нарсалар, ғарқ бўлган кема ашёларидек, сузиг юрарди. Орқадаги бояларнинг аҳволи янада ёмонроқ эди. Тошқин бу ерга бирданига бостириб келган, кўп одамлар томлар, ҳатто, дараҳтлар устида ўтиришарди. Уйлар қўққисдан чўкиб, одамлар том билан баравар сувга қулар, уларнинг бир қисмини қутқаришнинг иложи йўқ эди.

Қутқарув гурухлари жон-жаҳди билан тинимсиз ишлатиб ганди. Аммо уларнинг қўлида воситалар кам, иш бетартиб олиб бориларди. Яна ёға бошлаган ёмғир атрофни оқшом қоронгилигига буркади. Бу ёмғир натижасида кўл тобора катталашиб, тонгтacha қишлоқнинг бу томонини ҳам бутунлай ютишига ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайдиганга ўхшарди.

\* \* \*

Умар бўзовалик спортчилар билан болаларини ҳам ёрдам гурухларига қўшди. Лекин, тўғрисини айтганда, бундан кўп нарса кутиш керак эмасди.

Қаҳвахонадаги қароргоҳда Муродбей аввалига нимтабассум билан қаршиланган бир фикрни уртага ташлади. Қуий Сазан харитасини кўзларини қисиб кузатаркан, худди туш кўраётгандек деди:

— Мана шу лаънати, малъун Куртбўған қоялиги бир соатда Қуий Сазанини ғарқ қилган. уни бир икки портлашиб билан ёхуд тўпдан ўққа тутиб, парчалаш мумкин. Шундай қилинса, сув бирданига ўзанини ўзгартиришига, уша каналдан бутун тезлиги билан Сазан дарёсига қуилишига ҳеч шубҳам йўқ...

Бунга бошқаларнинг ҳам ақли етиб турарди. Бироқ бундай мўъжизани бу соатларда фақат тепаликдаги қабристон авлиёсидан кутиш мумкин, холос.

Бу фикрга Умаргина кулмади. У, билъакс, салмоқлаб: «Буни синаб күрмоқ керак!» — деди ва худди жангга даъват этгандай, имо билан сўради:

— Нимани ҳам йўқотардик?

Фаттоҳ, Усмон ва Машали докторидан кейин бу фикрга тезда кўпчилик қўшилди, ҳатто, Машали қаймақоми, Жандарма бошлиғи ва Бузова Маориф мудирига ҳам бу ҳаяжон юқди.

Умар дарҳол раҳбарликни ўз зиммасига олди, у уч-бешта яқинидан бошқа ҳеч кимни бу ишга аралаштироқчи эмасди. Фаттоҳ, Дурсун, Усмон ва ӯзининг болалари...

— Бўзова муҳандиси бу ишни зарур деб топганидан ва бутун таваккални ўз буйнимизга олганимиздан кейин ким нима дея оларди? — деди. — Фақат қишлоқдагилар бир оз аслаҳа беришса бўлди. Ҳаммаси шу, холос.

Муродбей Умарнинг қулогига:

— Умар, менинг кўзимга бир фалокат кўриняпти, — деди. — Ҳаммамиз бирданига асфаласофилинга кетиб қолсак-а? Сизлар учун бу кўп бевақт иш бўларди. Аммо мен учун... Кексалик деган катта ноҷорлик ботқоғида ётган одам бўлсан... Бояқиш хотиним учун қилганимдек, касалхона тўшагида аянчли аҳволда ётиб докторларга ялиниш, касалхона хизматчиларига ёлвориш... Тушуняпсанми, Умар?.. Нима, қайси жозиба мени жалб қилганини ва тортганини билмаганим бу хира ва зерикарли Бўзованинг бир бурчагида... Тенгсиз завқ-шавқ ичида, бу саргузаштни охирига етказмоқ...

Умар, унинг ҳаяжонига кўпам эътибор қилмай, босиклик билан: «Сени Оллоҳга топширдим, Муродбей... Ўйлаётган гапингни қара-ю!» — деди, кейин эса: «Уядиган бир ожизлик билан боғланган ягона кишим нега айни сен эканнингни эндиғина тушуниб етдим, Муродбей!» — дея унинг пешонасидан ўпид қўйди.

Ўгирилиб, Эсма Гунэйлини кўргач, унинг ҳамма гапни эшитганидан шубҳага тушди.

Қиз болалардек ғамгин:

— Мен ҳам борсам бўладими? — деди.

Умар қиз худди бир ёмон гап айтгандай, сесканиб, дарал овозда:

— Бу нима деганингиз? — деди.

Эсма Гунэйли қаҳвахонанинг бир бурчагини кўрсатиб, фалати жавоб берди:

— Турт йил олдин ўша кечаси сизга айтган гапларимни эслаб, уяляпман. Энди мен ўша Эсма Гунэйли эмаслигими ни тушунишингизни хоҳлардим.

Умар унинг юзига боқди, юрак-юрақдан: «Ха, энди сиз ўша Эсма Гунэйли эмассиз. Ўша Эсма Гунэйли маҳаллийчи ва шафқатсиз, разил бир қиз эди... Қаердан тошиб чиққан бўлса булсин, лекин юзингизда зухур этаёттан нур сизни бутунлай бошқа, нақадар гузал қизга айлантирган. Юз ўша юз, сас ўша сас... Бир инсон энг кичик белгиларигача шунчалик ўзгариб, гўзаллашиши мумкин экан. Мен шунга ҳайрон бўляпман, Эсма Гунэйли...» — демоқчи бўлди, лекин айта олмади. Фақат: «Менга уни унуттириб юборганингизга кўп бўлганига ишонаверинг, Эсма Гунэйли. Биз билан бориш орзусига келсак, бунинг имкони йўқ!» — деди ва худди ишқига иқрор бўлгандей уялиб, ундан узоқлашди.

Усмон яна тошҷӯчоқ босқини кечасидагиడек, сумкалар ва қоплар ҳозирлаган, улар лиқ тўла эди. Бу лаҳим динамитидан тортиб, балки Юқори Сазан учун тайёrlанган гранаталарга қадар асло камчилиги бўлмаган аслаҳа захиралари эди.

Беш оғайнни бўйинларига сим ва арқон ўрамларини осиб, турт нафар кичик қароқчини олдига солганча, Қуртбўған қоялиги йўлига тушдилар.

\* \* \*

Соатлар ўтди, Бўзовадан йўлга чиққан уч ёрдам юк машинасидан иккитаси йўлда ботқоқقا ботди. Биттаси иккита ҳарбий жип билан туш вақти Қуийи Сазангга етиб борди. Кутқарув гуруҳлари осмоннинг таги тешилгандай тинмай ёғаётган ёмғир қоронғилигида ишлашда давом этаётгандилар. Пастдаги орқа маҳалла билан боғлар орасини босган сув борган сари кўтарилаётганди. Бу кетища эрта тонггача бу кўлда вайроналар, одамлар ва ҳайвонлар ўлигидан бошқа нарса қолмаслиги аён. Шу вазиятга кўра, гуруҳларнинг вазифаси қоронги тушмасдан аввал уйлар ва, айниқса, боғлар орасидаги қўргонларнинг томида жон сақлаётган одамларни олиб чиқишидан иборат эди.

Бу тўс-тўполонда Умарнинг гуруҳини аллақачон эсдан чиқаришган эди. Ҳар томонни босган сел ичида унинг Қуртбўған қоялиги йўлини топишига ҳам ишонч йўқ эди. Лекин қоронғи қуюқлашган ва сув устида кечагидай чироқлар юра бошлигани вақтда ногаҳон бўғиқ гумбурлаш ҳавони титратиб юборди. Тұғонлардан бири қулаган бўлса керак, деб ўйлашди. Бироқ бирданига қоялик томонда Қуий Сазанни таг-томири билан осмонга учириб юборгудай қаттиқ портлаш содир бўлди, майдон қаҳвахонасининг ойналари синди, шип вассалари ёрилди, девордаги лавҳалар, ўчоқ бошидаги идиш-товоқлар атрофга тарақлаб сочили.

Бир-бирига тўқнашиб, устма-уст ерга думалаган одамлар ўзига келиб, ташқарига чиқишига уриндилар, лекин эшик табақалари бир-бирига киришиб, бекилиб қолган эди. Биргалашиб елкалари билан қаттиқ зарбалар бериб, эшикни йиқишиди.

Кетма-кет портлашлар бўлаверди, лекин булар биринчиси каби қаттиқ эмасди. Қуртбўған қоялигини белбоғдек ўраган чақинлар, титраётган электр ёйи каби, қоронғилик қўйнидаги осмонни бот-бот оқартирап эди.

Бир йигитнинг бошидаги ярани боғлаётган ва у билан қучоқлашганча ерга думалаган доктор эшик томонга югуаркан, довдираф: «Умар не бўлди экан?» — деб бақирди.

Бўзова гуруҳи билан келган бир мингбоши:

— Уларнинг ҳаммаси раҳматли бўлган деб ўйлайман, — деди.

Лекин бу тахмин тўғри эмасди. Умар, Муродбей ва Дурсун ярим кечадан сўнг тўрт боладан иккитаси билан қайтиб келишиди. Фаттоҳ билан Усмон ҳалок бўлган эди. Умар уларнинг жасадини бир қоянинг ишончли кавагига ётқизиб келганди. Бу кечани бир-бирининг бағрида ўтказишади. Чўма ҳам ҳалок бўлганди. Юқори Сазаннинг илк қишида ейишга қурт-кумурс-қа топиш учун кичкина гавдаси билан тупроқ кавакларининг тўригача кирганидай, бугун ҳам қояларнинг ундан бошқасининг гавдаси ва қўли сифмайдиган тешикларига кириб, динамитлар ва пилталарни жойлаштираёттанида ҳалок бўлган эди. Муслимга келсан, у ҳам қурбонлар орасида.

Муродбей билан Дурсун гапириб берган бу тафсилотларни эшитар экан, Эсма Гунэйли қаттиқ ҳаяжонга тушган, тергов кечасида Муслимнинг ерга устма-уст чуккала-

ган кичик қароқчилар орқасида туриб Умарга боққанини ҳалиям кураётгандек уша томонга тикилаётган эди.

— Муслим ҳам кетдими? Чидай олмайман, — деда қичкириб юборди.

Муродбей кузларини артар экан, унга тасалли беришга уринди:

— Умид қилиш керак. Не булганини билмаймиз. Ҳали кўрасиз, Муслим эртага, балки ундан ҳам олдинроқ бир ердан чиқади, — деди.

Бир четда яланғоч баданидаги майдабурията яраларга йод суртаётган Умар Гунэйли томонга қайрилиб:

— Қизни беҳудага умидвор қилманг. У энди ҳурмат қилинадиган даражада кучли, — деди ва кулиб қўйди.

Муродбейнинг айтганлари тўғри чиқди. Қуртбўған қоялигида очилган ёриқ сел йўлини ўзгартирди. Қуий Сазан дарёси бир оз кўтарилиб, ўйноқлашига муқобил тарзда қишлоқ ва боғлардаги сув кўтарилиши ҳам тұхтаган ва пасая бошлиғанди.

Боғлардаги қўргонларда қолган қўпгина кишилар үлимдан қутулган эди. Булар орасида Қуий Сазан даъвосининг асл сабабчиси бўлган Сариқ Байроқтаргил хонадони ҳам бор. Бу хонадон тоғдаги қораболталикларнинг душмани. Улар қиз олиб қочиш воқеалари сабабли юз йиллардан бўён бир-бири билан буғишиб келишади. Бироқ бу қизлардан дунёга келган сон-саноқсиз болалар туфайли айни вақтда қариндошга ҳам айланишган.

Эртасига Сазанлар орасидаги чегара очилди, Қуий Сазандан бир ҳайъат Фаттоҳ билан Усмоннинг вафоти ҳақида хабар бериш учун Юқори Сазанга чиқди. Шундан кейин Фаттоҳнинг жасадини олиб кетиш учун тоғдан бир ҳайъат пастга тушди.

Айни вақтда Бўзова Волийси «Оллоҳ сабр берсин» дейиш учун ёнида бир ҳайъат билан Қуий Сазанга келди.

Майдон қаҳвахонасида яна бир ҳайъат ташкил этилди.

Ҳар қандай урушнинг сулҳи ҳам бўлади. Юқори Сазандан келган ёрдам Қуий Сазаннинг, Қуий Сазан бошига тушган улкан оғат Юқори Сазаннинг ҳовурини босган эди.

Муродбейнинг таклифига кўра, бузук кўприкнинг нариги учиди мармар қабр тикланадиган бўлди. Фаттоҳ билан Усмон утган кечаси Қуртбўған қоялигининг бир четида

құчоқлашиб ухлаган әдилар, энди бу ерда охиратта қадар яна бирга үйқуда давом этадилар, бундан кейин улар тинчлик құриқчисига айланадилар.

Чирик Али билан Зайнал анча излаб топған Мұслим ва Чұманинг жасадларига келсак, булар учун икки томон яна жанжаллашишига сал қолди. Бу сафар ҳар икки томон ҳам жасаддарни ўзига олмоқчи бұлған әди. Умарнинг таклифига күра, кичик қароқчилар ҳам Фаттоқ, ва Ұсмоннинг ёнига дағы этиладиган бұлды.

Волий иккала Сазанға ёрдам қилишга ваъда берди. Маориғ мудири күп ёқтирган Юқори Сазан мактабига иккінчи ўқитувчи юбориш шу ваъдалардан бири әди.

Эсма Гунэйли буни әшитди дегунча, уйлаб ҳам үтирамай, шартта оёққа қалқди, түрт йил олдин худди шу қаҳважонада Умар қылганидай: «Рұхсат берсангиз, у ерга мен бораман», — деди ва оёқ тираб туриб олди.

Волий: «Минг қылса ҳам, Юқори Сазан төр бошида бўлса... У ерда бир ёш қиз ишлаб кета олармиқан?» — деди.

Барча у каби тараффудланаётган әди. Лекин Умар:

— Ишлаб кетади, — деди. — Мен Эсма Гунэйлига ишонаман. Бунинг устига шундай қилиш лозим ҳам. Чунки мен энди Юқори Сазандан кетишга қарор қылдим.

Сабабини суриштиришди. Фақат: «Шундай қилиш керак», — деди ва бошқа оғиз очмади.

Бир оздан кейин Умар билан Муродбей йиқилған күприк бошида туришарди. Бу гал унинг саволларини жавобсиз қолдирмади.

— Ҳеч бўлмаса, анчагача Юқори Сазан тинч бўлади, Муродбей... Бунақа сокин Юқори Сазаннынг менга не кераги бор? Балки худди шунга үхшаш масаласи бўлған бошқа Юқори Сазан изларман. Ҳавони туман босса, бўрининг вақти чоғ бўлади.

Муродбей Умар анчадан бери фақат ўзига ўзи айтиб келган фикрни деярли айнан тақрорлади:

— Сен умрингнинг бурилиш нұқтасида турибсан, Умар... Бир куни исмини билмаганинг бир жажжи қизалоқ сенга қудукнинг синиқ тосида сув ичирди ва елканғга минди. Нече йиллардан кейин сени яна Бўзовага, ундан кейин кичик қароқчиларнинг орқасидан Юқори Сазанға олиб борган ҳам удир. Гарчи бу калимани яхши кўрмасанг-да,

сени бир ғоя хизматига йүллаган ҳам у. Боя бу ердан кетмоқчи эканингни айтган вақтингда Эсма Гунэйлига эътибор бердим... У неча йилдан бери қидириб тополмайтган ўша исмсиз қизчанинг давомидан бошқа нарса эмас. У елкаларингга ҳамма нарсадан, ҳаммамиздан кўра қаттиқроқ ёпишган, Умар... Балки, бир куни елкангни силкитиб, ҳаммамизни отиб туширасан. Уни эса, асло... У сенинг қонингда. Қаерга кетма, қўлида сув солинган тос ва этағига ўроғлиқ иккита ёнғоқ билан сенга рўпара бўлган исмсиз қизча каби, сени ҳоли жонингга қўймаслиги аниқ. Агар ҳақиқатан шу қаршимиздагидан ҳам баҳти қаророқ яна қандайдир Юқори Сазанга эҳтиёжинг бўлса, майли, кет!.. Лекин уни ёнингда олиб кет... Инсон ёлғиз яшаш учун яратилмаган... Эсма Гунэйли сени севади... Ишонмасанг, ўгирилиб қара... Бояқиши Муслим каби, бир чеккадан сенга тикилиб турганини кўрасан... Бўпти, Умар, бекорга чиранма, таслим бўл!

Умар «йўқ» демади, болаларга ўхшаб бошини эгди.

### Тамом

Изданубий ёй макони  
Бинорраний ж. яримчалик  
Конириб, ҳамондиган синий  
Ноб. Ҳамондиган синий  
Донишни, яхални  
Бинорраний ёй чинни афодибдишни.

Изданубий изданубий ёй макони  
Чинни афодибдишни анибдишни  
Донишни, яхални  
Бинорраний ёй чинни афодибдишни.

Онанубий ёй макони  
Донишни, яхални  
Бинорраний ёй чинни афодибдишни.

## *Агабий-багиий нашр*

## «Жаҳон адабиёти» кутубхонаси

## Рашод Нури Гунтекин

## КОНДАВОСИ

Роман

Рассом Ш. Хојжаев

Мұхарріп Х. Махмудова

**Бадий мухаррир X. Мехмонов**

Техник мұхаррир У. Ким

Мусахъих Н. Умарова

герда сахифаловчи Ф.


Компьютерда саҳифаловчи Ф. Чанишева

Нашриёт лицензияси АI №158, 14.08.09. Босишига ружсат этилди 2.05.2011. Офсет қофози. Бичими  $60 \times 90'$ <sup>16</sup>. Таймс гарнитурасыда оффсет усулида босилди. Шартли босма табори 16,0. Нашр табори 15,76. 5000 нусха.

## Бюортма №11-34

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: iptd.uzbekistan@mail.uz  
www.iptd-uzbekistan.uz



ISBN 978-9943-01-659-0

«O'ZBEKISTON»

9 7 8 9 9 4 3 0 1 6 5 9 0